

**Асқар ҚОСИМОВ**

**ЭЙ,  
КАРО КҮЗИМ...**

**Шеърлар,  
драматик достонлар,  
таржималар**

*Тўплаб нашрга тайёрловчи  
Шодмон Отабек*

**«ТАФАККУР» нашриёти  
Тошкент – 2011**

**84(5Ў)**

**Қ61**

**Қосимов, Асқар.**

**Эй, қаро кўзим...:** шеърлар, драматик достонлар, таржималар /A.Қосимов; тўплаб нашрга тайёрловчи О.Шодмон. – Тошкент: Tafakkur, 2011. 320 б.

**ББК 84 (5Ў)6**

I. Шодмон, Отабек.

Истиқлол согинчи, олам ва одамни мукаммал кўрмок истаги, ички түғён, бетакрор оҳангдорлик истеъдодли шоир Асқар Қосимов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) шеъриятига алоҳида шукух, жозиба баҳш этади. Шоирнинг турли йилларда чоп этилган китобларидан саралаб олинган ушбу тўплам шеърият ихлосмандларига манзур бўлади деган умиддамиз.

## ДУНЁГА СИФМАГАН ШОИР

*Келди шоир, кетди шоир, ҳеч ким билмади.*  
**Самад Вурғун**

Бу кеч күшни чорбокка  
Келин тушди, ёр-ёр.  
Иложим йўқ бормокка,  
Кўникаман зор-зор.  
Онам айтар: – Зерикмай,  
Ўғлим, тўйга бор-бор!  
Йўқ, бормайман, боришдан  
Ор киламан, ор-ор!  
Шу тўйни деб қалбимда  
Узилди бир тор-тор.  
Энди панду насиҳат  
Қилмас менга кор-кор!

Машхур ҳофиз Шерали Жўраев ижросидаги ушбу қўшикни кўпчилик билади, аммо унинг шеърини ким ёзган деб сўрасангиз аксарият мухлислар елка кисади. Бу шеър ўтган аернинг иккинчи ярмида адабиётга ёниб кирган, ижодидаги туғён ва исён руҳи, бетакрор оҳанги Чўлпон ва Усмон Носирни эслатадиган оташнафас шоир Аскар Қосимов қаламига мансуб. Биз Аскар билан университетда (1964–1969 йиллар) бирга ўқигандик. Каминага у билан дўстлашиш, сирдош бўлиш насиб этган.

Эсимда, талабаликнинг илк кунлари, ўқишлиар бошлангандан бир неча кун ўтгач, орамизда янги сабоқдош пайдо бўлди. Ўрта бўйли, йирик кўзлари синчков ва андак фаромуш бокадиган, эгнида одмигина уй кийими, оёғига омонатгина шиппак кийиб олган бу йигит орка каторда индамайгина ўтирас, ҳеч ким билан очилиб-ёзилиб гаплашмас эди. Кейинроқ маълум бўлишича, Аскар «резерв» – захира (ўша даврда шундай тартиб-қоида ҳам бўлган) макомида ўқишига қабул қилинган, тортиниб-қимтиниб юришининг сабаби шундан бўлса керак деб ўйлар эдик. Биз янглишгандик. Аскар ростакамига талаба бўлгандан кейин ҳам ўша камгаплиги, хаёлпарастлиги қолмади. У... шоир эди. Илк машклари матбуотда, тўпламларда чоп этилганини билиб, унга ҳавасимиз келарди. Ижод билан шуғулланувчи талabalар

домлалар ва курсдошларнинг алоҳида бир дикқат-эътиборида бўлиши табиий. Асқар ҳам шундай шарафга ноил эди. Пахта йигим-теримида юрганимизда ундаги истеъод кутилмаган бир жиҳатлари билан намоён бўлди. Ҳар оқшом «барак» – ётоқхона ёнидаги сайхонликда бўладиган ўйин-кулги, шеърхонлик (биз бу тадбирни «Лирика кечалари» дея шоирона ном билан атардик) беғубор, бетакрор талабалик ҳаётимизга ўзгача бир завқ-шавқ, шукух бахш этарди. Бунда ҳар ким ўз хунари-кобилиятини «неки бор имконида» (Э.Воҳидов) намойиш этарди. Шундай кечаларнинг бирида Асқар даврага чиқиб шеър ўқиди. Ўша лаҳзани хеч қачон унутмайман. Сталин қатагонига учраб, ёш умри бевакт ҳазон бўлган Усмон Носир ҳақидаги бу шеърнинг айрим мисралари (негадир уни шоирнинг тўпламларида учратмадим) хотирамга шундок муҳрланиб қолган:

*О Усмон, шоурим,  
Шеъри қойилим,  
Тирик бўлиб сени  
Ерда кўрмадим,  
Ўлик бўлиб сени  
Гўрда кўрмадим.*

Асқар шеърни алланечук бир титрок овозда, зўр ҳаяжон ва катта дард билан ўқиди. Дардини бошқаларга ҳам «юқтира» олди. Янгроқ карсаклар узоқ давом этди. Шеър ёзиб, шеър ўқиб муҳлисларни қойил қолдирган шоирни пахта даврида бошқа учратмадик.

Кейинчалик машҳур бўлиб кетган ўша «Ёр-ёр» шеърини ҳам Асқар пахтада юрганимизда ёзган ва илк бор менга ўқиб берган эди. Мен уни аввал халқ қўшиғи деб ўйлаганман. Услуб шу қадар содда, халқона эди. Унинг услубидаги оҳангдорлик, ички бир дард, куйган кўнгил фарёди, ҳар бир сўзнинг алоҳида жаранглаб туриши Чўлпон шеъриятини эслатарди. Чўлпон Асқарнинг энг севимли, ихлос кўйган шоири эди.

Кор калин ёккан қаҳратон киши кунларининг бирида Асқар мени «Юринг, сизга зўр бир нарса кўрсатаман!» дея Кўйчадаги ҳовлисига бошлаб борди. Китоб ва қўлэзмалар орасидан бир папкани авайлаб олди. Бу – Чўлпоннинг машинкада кўчиртирилган шеърлари экан. Ўша даврда ўзи ҳам,ижоди ҳам қатагонга учраган Чўлпоннинг китоби тугул, биронта шеърини топиб ўкиш ҳам мушқул эди. Шу боис ҳайратимни яшиrolмадим. «Қаердан топдингиз? Кимдан олдингиз?» дейиш эсимга ҳам келмади. Сувсиз сахрова ташна бўлган йўловчидек бу шеърларни ютоқиб, қоникиб ўкий бошладик. Шунда Асқарнинг шеърларидаги ички дард, бетакрор оҳанг илдизлари менга ошкор бўлгандек туюлди. Ўша даврда Чўлпоннинг номи ҳали оқланмаган, университетда кизил мафкурага астойдил берилган ва

ишонган айрим домлаларимиз дарсда Чўлпонни очиқдан-очик ёмонлаб гапирав, ўзига хос дунёкарашга эга бўлган таникли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов эса Чўлпонни ёқлашга журъат этар, хали ок-корани таниб улгурмаган талабалар гоҳо иккиланиб ҳам колар, харқалай Озод аканинг фикрлари ҳақиқатга якинрок бўлса керак деб ўйлар эдик. Аскар бу масала-да гўё келажакни олдиндан кўргандек, биздан анча илгарила бетганди. У Чўлпонни халк дардини куйлаган, чинакам миллий, буюк шоир деб билар, шундай улуғ сиймоларни қатағон этган шўро ҳукумати ва мафкурасини бутун вужуди билан ёмон кўярар эди. Нафратини яшириб ҳам ўтирмасди. Айни чоғда у фикрини очик-ойдин айтиш билан инқилоб ясад бўлмаслигини ҳам яхши тушунар, аксарият ижодкорлар сингари маълум маънода муроса қилишга мажбур эди. Йўлини топиб, ўз ғоя- карашларини тури рамзлар ва тарихий шахслар образи оркали ифодалашга уринарди.

Аскарнинг турли ийларда чоп этилган ва менга дастхат билан совға килган «Фаввора», «Мовий осмон», «Замин кўрки», «Толбаргак», «Кўнгил кабутари», «Сирлар» каби китобларини қайта-қайта варактайман. Шоирнинг кўнгил кечинмаларини, адоксиз дарду армонларини, шеърий санъатини янада теранрок англашга уринаман. Аскарнинг дўстлик, севги, манзара ҳақидаги бир қарашда анъанавий мавзуларда ёзилгандек туюловчи шеърларида ҳам биркам дунёнинг номукаммаллигидан кўйиниш, ўрганиш яққол сезилиб турарди. Шеъриятининг асосий маъно-мазмуни, пафоси эса, шубҳасиз, халқ, миллат дарду қувончи, орзу армони билан боғлиқ мавзулар эди. Буни шоирнинг ўзи ҳам очик эътироф этган: «Шоирлик дегандা биз ўта сеғирлик билан башариятга беминнат, ҳалол хизмат қилишни тушунамиз. Росмана шоир жамиятда бўлган, бўлаётган, бўлғувси қувонч ёки қайғудан пайғом бериб, гоҳ келажакка, гоҳ кечмишга хаёлан парвоз қилиб қишиларни хушёрликка унди».

Аскар Қосимовнинг шоир Турди Фароғийга бағишлиланган «Обида» драматик достони, «Само сирлари» фантастик драмаси, Прометей ҳақидаги «Сирлар» достонида шоирнинг асосий эътиқодига айланган «башариятга беминнат, ҳалол хизмат қилиш» ғояси устувор. Мозийга, тарихий шахсларга мурожаат бежиз эмас. Мустабид тузум шароитида замонавий мавзуда қалам тебратган шоир ўз қарашларини очик-ойдин ифода этиши қийин эди.

«Ўзбекистон» сўзини биринчи бўлиб тилга олган Турди Фароғийнинг ижоди ва ҳаёт йўли шоирга илҳом берган. Турдининг «Тор кўнгиллик беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг, Тўксон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг!» деган ўша машҳур сатрлари шоир илгари сурган ғояларга ҳамоҳанг эди. Шоирнинг «Уруғчилик, тарафкашлик авж олган юртда Илолабад унум бўлмас» деган хитоби ҳали-ҳамон долзарб эканлигини ҳаёт тасдиқлаб турибди.

«Монанди күш шоир руҳи озоддир, Шеърда унинг қўллагани тазоддир» дейди шоир бир шеърида. Мумтоз шарқ шеъриятида ўзаро зид тушунчаларни ифодаловчи сўз ёки ибораларни қўллашдан иборат, кенг тарқалган бадиий тасвир воситасига тазод дейилади. Шоир бу билан гўё шеъриятидаги тимсоллар, нимкосаларга ишора қиласди. Китобхонни сергак, синчков бўлишига ундаиди...

Шоир руҳи ҳамиша озодликка ташна, ҳамиша озодликни орзу қилишайди. Бу орзу мавхум-мубҳам эмас, шоир Ватаннинг амалда озод бўлишини истайди, бунинг учун «Ер мавзуси» хал этилмоғи лозим дейди: «Шоир, кўкка бокма! Ер мавзуси, билсанг агар, энг яхши мавзу. Майли, киприк коқма, Умр бўйи кўзларингни тарк этсин уйқу».

Воқеалар Чилига кўчирилган (шоир шундай қилишга мажбур эди) «Мойи осмон кўшиғи» балладасида озодлик гояси очикрок пардаларда куйланади: «Осмон бўлманг, ерлашинг, Тарқоқ бўлманг. Бирлашинг! Токи Озодлик банди бўлиб Ётмасин кишанларда. Токи Тинчлик кабутарин Қанотлари синмасин. Йўқса Кураш деган сўзниң маъноси хечдир!»

Эзоп тили, тимсоллар, ишоралар, мураккаб образлар шоирнинг қалб туғёнларини, дарду армонини тўла-тўқис изҳор қилиш имконини бермасди. Шоирга иложисиз қолганда дардини айтиб, кўнглини бўшатадиган бир «кудук» керак эди: «Эй, кудук! Лол бўлма, чимрилган қош каби, Кўксимда ташналиқ йўқ ҳали... Келдим мен кошингга сартарош каби Искандарнинг шохи бор деб айтгали».

Дардни кудукка айтиш билан мурод ҳосил бўлмасди, албатта. Бунинг сабабини шоир шундай изохлайди: «Уҳ, мунча оғир – Оқ билан қорани ажратгач Яшаш, фикрлаш».

Ўша даврда оддий ҳалқнинг, илғор зиёлиларнинг дунёкараши, яшаш, фикрлаш тарзи қандай эди? Ҳамма ҳам шоир назарда тутган ўша «оқ билан қорани» ажратиб олган эдими? Истиклол орзуси, истиклол соғинчи ўша мустабид тузум даврида қандай намоён бўларди? Сир эмас, шундай эзгу орзу-тилак озми-кўпми ҳар бир соғлом фикр юритадиган, имон-эътиқодли ватандош кўнглида бўлган, албатта. Аммо бу орзу-истак кўнгилларнинг туб-тубига чўқтирилган, уни овоз чиқариб айтиш мумкин бўлмаган, бу ҳақда ҳатто ўзаро гурунглашишга журъат қилиш ҳам қийин эди. Худди шу масалада Аскар бошқаларга ўхшамасди. Юртнинг мустакил эмаслиги, қарамлиги, мустамлакачилик чиройли шиорлар билан никобланган ҳолда яна давом этаётганлиги шоирга муттасил азоб берадиган катта дард, сира битмайдиган очиқ яра эди, шу туфайли ўзини қафасдаги күшдек тутқун ҳис қиласди. Аламининг чеки-чегараси йўқ эди. Бу кайфият баъзан ижодида ҳам акс этиб қоларди. Гоҳо оддий эҳтиётни ҳам унутиб, дардини очиқ айтвороарди. Сира унтутилмайдиган шундай бир воқеага ўзим гувоҳ бўлганман.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охири эди. Ёзувчилар уюшмасининг Ҳадича Сулаймонова кўчасидаги эски биносида бўлиб ўтган бир адабий анжуманда Аскар юртнинг мустакил эмаслиги, миллатнинг камситилаётгани очик-ойдин ифодаланган шеърини ўқиб юборади. Шоирнинг бу тарихий чикиши очиқдан очиқ исён эди.

Қаердадир ўқигандим: «Исён килаётган одам гўзалдир!..» Бунақа исён – «ўзбошимча»ликка анча-мунча «тентак» журъат қилолмасди. Ўшанда ҳамма ҳангু манг бўлиб қолади, ҳайъатда ўтирган уюшма раҳбарлари ҳам таажжубда қолишади... Шундан кейин маҳсус идора вакиллари «бебош шоир»ни сухбатга чорлаб, анча вактгача исканжага олишади. Хайриятки, 37- йилларнинг даҳшати ортда қолганди, акс ҳолда унинг ҳам бошига Усмон Носир каби шоирларнинг қисмати тушиши ҳеч гап эмас эди...

Янглишмасам, 1967 йили, учинчи курсда ўқиётганимизда Аскарни Андижондаги қишлоғимизга олиб бордим. Айни баҳор фасли эди. Гўзал Ширмонбулоқнинг боғлари ва тоғларида мириқиб сайр қилдик. Шоир қишлоғимизга атаб бир шеър ҳам коралади. Адабиёт муаллими бўлган ва ўзи ҳам дурустгина шеърлар ёзадиган Содик амаким билан таништирдим. Китобга ишқибоз бўлган амаким кутубхонасидаги Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонининг чиройли, эски наширини Аскарга дастхат ёзib совға қилди. Шоир бундан кўп мамнун бўлди. Ўша окшом Аскар билан сухбатимиз тонгга қадар давом этди. Гап айланаби келиб яна Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носирга, юртнинг мустакил, озод эмаслигига тақалди. Аскар бу ҳақда куйиниб, тўлғониб гапирав, худди оғир дарддан иситма тутаётгандек юз-кўзларидан тинимсиз тер куйилар эди. Титрок овозди дардининг ниҳоятда аламли, оғир эканини таъкидлаб турар, унга қандай таскин беришни билмас эдим. Уни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмагандим. Йўқ, бу шунчаки сирдошига ҳадди сикқандা айтиладиган оддий ҳасрат эмасди. Шоирнинг юрагини кемираётган чексиз гусса менинг ҳам қалбимга кўчди, биринчи бор уни тўларок тушунгандек бўлдим. Ажабо, эл-юрт ғами, Ватан, миллат тақдирни шоирнинг шахсий дардига айланган, ўша лаҳза буни ўз кўзим билан кўриб, кўнглимнинг туб-тубидан ҳис қилиб турар эдим. Беихтиёр ҳазрат Навоийнинг «Одамий эрсанг демагил одами, Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами» деган пурхикмат сўзи хаёлимдан ўтди.

Университетни битириш арафасида курсдошлар бир-биrimизга накадар ўрганиб, боғланиб қолганимиз маълум бўлди. Иложсиз хайрлашув онлари яқинлашиб келарди. Ўша кезлар Аскар умумий қайфиятимизни шундай ифодалаган эди: «Университет ҳижронга кодир, Бу даргоҳдан бир кун кетурман, Қадрингизга етмасам ҳозир, Дўстлар сизни кайдин топурман».

Пойтахтда ишлаб қолганим учун Аскар билан дўстона мулокотларимиз кейинчалик ҳам давом этди. Унинг матбуотдаги ҳар бир чиқишидан

кувонардим. Ҳар гал китоби чоп этилганда дастхат билан совға қиласди. Аңча йил нашриётда ишлаб, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуров, Миразиз Аъзам, Пирмат Шермуҳаммедов, Махкам Махмудов, Ботир Норбоев, Миржалол Турсунов, Ҳикоят Махмудова, Назира Жўраева каби ижодкорлар билан елкадош бўлди, уларнинг айримлари билан дўстлашди.

Аскарнинг мухаррир сифатидаги билими, малакасига кўпчилик ҳавас килас, унга энг масъуль вазифалар, мухим кўлёзмалар ишониб топшириларди, чунки у мумтоз, замонавий ва жаҳон адабиётини мукаммал билар эди. Ижоди камрок ўрганилган, мероси ҳалкка ҳали тўла етиб бормаган ижодкорларга алоҳида ихлос, эътибор билан қаради. Шу боис Абдулла Авлонийнинг сайланмасига, Насимиининг мукаммал асарлар тўпламига суюниб-кўйиниб мухаррирлик килганди. Шунингдек, у устозим Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романига мухаррирлик килганда асарнинг тили ва умумий руҳида Чўлпон таъсири борлигини айтганда ёзувчи бу эътирофдан хурсанд бўлиб гапирган эди.

Аскар жаҳон адабиёти дурдоналаридан яхшигина хабардор бўлган моҳир таржимон ҳам эди. Қадимги юнон адиби Апулейнинг «Эврилишлар ёхуд Олтин хўтиқ» (Махкам Махмуд билан ҳамкорликда), Еврипиднинг «Медея», Эсхилнинг «Қабр олдидаги қурбонлик» асарини она тилига юксак маҳорат билан таржима килган. «Медея» асосида телеспектакл ҳам кўйилган. Ушбу таржима маданий ҳаётда воеа сифатида эътироф этилади. Шу муносабат билан республика раҳбари Аскарни ҳузурига чорлаб, самимий табриклаган ва рағбатлантирган эди. Ўша кезлар Аскар шахсий ҳаётидаги алғов-далғовлар, муракқабликлар гирдобида қолган, туриштурмушида ҳаловот йўқолган эди. Омади чопиб имконият тугилганда катта раҳбардан айrim ижодкорларга ўхшаб машина ёки уй-жой сўрамайди. У Чўлпонни рўёбга чиқариш, асарларини чоп этишдек ўша давр учун ўта муракқаб бўлган масалани кўндаланг кўяди. Раҳбар яқин келажакда бу масала албатта ҳал этилажагини, яна бироз кутиш лозимлигини айтади.

Аскар дуч келган одам билан осонгина элакишиб кетавермас, дилига, дидига ўтириб колган одамнинг қадрига етар эди. У кўринишдан оғир-вазмин одамдек таассурот қолдирсада, түғёни, вулқони ичиди эди. Яқинларига, дўстларига садоқатли эди, оғир дамларда уларни ҳимоя килишга кодир эди. Шоир Сафар Барноев шундай бир воеани ҳикоя килганди. Нашриётда ишлайдиган уч-тўрт нафар шоирлар ишдан кейин салқин бир масканда улфатчилик килишади. Сархушлик авжига чиққанда ошга пашша тушади. Қаёқдандир пайдо бўлган иккита барзангি шоирларга тегажоқлик кила бошлайди. Безориларни яхшиликча инсофга ундашади. Шилқимлик авжига чиқаверади. Шунда Аскар енгил, чаққон бир ҳаракат билан ҳар икки барзангини ерга сулайтириб кўяди. Аскар ўсмирилик дав-

ридан бошлаб бокс билан жиддий шуғулланган, расмий мусобақаларда совринли ўринларни олган спортчи бўлган. У зарурат туғилса бошқалар учун жонини ҳам аяmas, аммо ҳаётда ўзи учун, ўз манфаати учун хафсала килмас эди. Ҳаётга мослашишни, айрим олғирлар каби оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтишни билмасди. Нихоятда содда, ишонувчан, камтар-камсукум, саховатли эди. Асарларига бирон жойдан озрок қалам ҳаки олса, албатта дўстлари, ҳамкасларини сийларди. Чорсу атрофида уй таомла-ри сотиладиган бир жой (маҳаллий тилда «Жар ресторани» дейиларди) бўларди, каминани ҳам бир неча бор ўша ерда меҳмон килган эди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик Аскар билан мактабдош бўлган, харбийда бирга хизмат килган, унинг бутун туриш-турмуши, ҳаётини яхши билган. Машхур «Шайтанат» асарида Аскар Қосимовнинг эсда коладиган, муқаммал образини яратган. Шоир ҳаётдаги фожеа сабаблари таъсиричан ифодаланганди.

Аскарда гоҳо таркидунёчиликка мойиллик кайфияти пайдо бўлиб қолишига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Ўзаро сухбатимизда «Қанийди дунё ташвишларидан узилиб, табиатнинг хилват гўшаларига бир умр бош олиб кетсанг...» дегани эсимда. Бу ҳам аслида ўша исённинг бир учкунни эди. Ижтимоий ҳаётдаги адолатсизлик, ҳар қадамда учрайдиган ноҳақликлар уни ҳолдан тойдиради. Атрофдаги одамларнинг, миллатнинг виждони бўлиши лозим бўлган айрим казо-казоларнинг бу ҳолатга бефарқлиги, кўнишиб қолганлиги уни баттар изтиробга солади. Бу ҳақда алам билан шундай ёзган эди: «Ноҳақлини кўрсам қалбим бозиллар, Не қилай мумтишлаб турса фозиллар?...».

Ўз дарди ўзига етарли бўлган шоирнинг ҳаётда ҳам омади чопавер-майди. Ҳаловати йўқолади. Яшашга иштиёқи сўна бошлайди. Дунё кўзига коронғу кўринган, ё ҳаёт, ё мамот масаласи кўндаланг турган лаҳзаларда айрим яқинлари дардига дармон бўлиш, кўнглини кўтариш ўрнига уни тушунмайдилар, қайтангга ярасига туз сепиб, ўзларининг майда манфаатлари гирдобига торта бошлайдилар. Уларнинг дунёси шоирнинг руҳига ёт, бегона эди. Шоир у дунёга мослашишни истамайди. Унсизгина дардини ичига ютади. «Тез-тез рангли тушлар кўряпман, – деган эди у ўша кунлари якин ҳамкасб дўсти Миржалол Турсуновга (шоир Миртемирнинг ўғли, Оллох раҳматига олган бўлсин), – менга юринг, сизни олиб кетамиз дейишяпти... Кетвортсаммикин...»

Шоир кетса кетвортгудек эди. Бу тимсол-ишоранинг маъноси тез орада маълум бўлади...

Аскар Қосимовнинг фожеасига, жонига қасд қилишига яна қандай омиллар сабаб бўлганини англаш ва айтиш кийин. Ҳаётдан тўйиб бўйнига сиртмоқ ташлаган лаҳзада ҳаёлидан кечган ўй-кечинмалар, алам-

армонларни ҳеч қачон билолмаймиз. Бир умр истиқлол соғинчи билан яшаган шоир худди Чүлпон каби ўша адолатсиз дунёга сиғмади. Аникроғи, ўша дунёда яшашни истамади. Ҳали унинг айтадиган, айтолмаган чўнг дардлари, ёруғ дунёдан умидлари кўп эди...

Ягона таскин-тасалли – шоирдан умрбокий асарлар, мукаммал таржи-малар мерос бўлиб қолди. Уларни рӯёбга чиқариш бурчимиздир. Афсуски, Аскар Қосимовнинг ижоди деярли ўрганилмаган. Шоир билан узоқ йиллар бирга хизмат қилган, ижодини яхши билган, унга ҳамиша хайриҳоҳ бўлган ва беғараз кўллаб-қувватлаб келган заҳматкаш адабиётшунос олим Махкам Махмудовнинг холис эътирофича, «Аскар Чўлпон, Усмон Носирлар каторида турадиган шоирдир».

Жафокаш шоир Аскар Қосимов ўзининг қиска умрида рўшнолик кўрмай, ҳаётининг сўнгги лаҳзасигача озодликни, юрт мустакиллигини орзу килиб, куйлаб ўтди. Ҳар гал истиқлолнинг қадрига етиш ҳақида гап кетганда биринчи галда раҳматли шоир дўстим Аскар Қосимовнинг нурли сиймоси кўз олдимга келади. Шу ёруғ кунларни кўрса бўлмасмиди дея ичичимдан ўртаниб, куйинаман...

Пушкиннинг ўз ижоди ҳақидаги «Кўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал кўйдим ўзимга» деган эътирофи машхур. Албатта, ўз ижоди билан ҳақли равишда фаҳрланишга, бундай ифтихор туйғуларини шеърида ифодалашга ижодкорнинг журъят этиши қийин. Бундай демокқа анча-мунча ижодкор ботинмайди. Аскар эса бунга ботина олган эди:

*Атиргуллар ўз мушкин  
Сочар шеъримга.  
Кучогини мангуллик  
Очар шеъримга.  
Ҳозирданоқ сафларда  
Басту бўйим бор.  
Жаранглаган тор каби  
Соҳир кўйим бор.  
Ҳеч вақт унга деворлар  
Тўсиқ бўлолмас!  
Етиб боргай қалбларга,  
Қоғозда қолмас.*

Шодмон Отабек

## ҚАРҚАРА

Ер юзида қаноти йўқ турибди,  
Кўкда эса бир күш учиб юрибди.  
Уни номи карқара.  
Кўқдаги күш пастдан лукма излайди,  
Пастда сайёд ов киммоқни истайди.  
Галати бу манзара.  
Самодаги тузоқ нима билмагай,  
У ҳеч кимга итоат ҳам қилмагай.  
Бир қара-я, бир қара.  
Монанди күш шоир руҳи озоддир.  
Шеърда унинг қўллагани тазоддир.  
Шоирмикин Аскар-а?

\*\*\*

Шаҳарлар оралаб,  
Элларни кезиб,  
Қалбим армонини  
Ёниб сўйлайман.  
Гоҳида ўзгалар  
Мехридан безиб,  
Дилимга энг яқин  
Бир дўст излайман!  
Кимдир қаёкларда  
Эллар айланар,  
У ҳам армонини  
Ёниб сўзлади;  
У ҳам дўст излайди,  
Мехр ахтарар.  
У балки, у балки  
Мени излайди!

## АСКАР ЎЙЛАРИ

Дўстим,  
Юртимга бир кун қайтаман,  
Тошкент осмони – айни тонг сахар  
Бошимдан нурлар сочар.

Мендан-да  
Ўргилар гулзору чаман,  
Отадек сахий, бағри кенг шаҳар, –  
Ўғлига кучок очар.

Яна кўнгилда лола яшноғи,  
қалқир кўзларим қорачўғида.

Яна тўкилар дурлар...  
Файзли бўлажак муҳаббат боғи,  
қаровсиз эрса ошиқ йўғида,  
сепармиз ишқий нурлар.

Ҳали соғинчим долгларини  
Хис этиб аниқ ҳижрон-қоялар  
нурар оҳиста, секин...  
Кўнглида ёнар ёлқин...

\* \* \*

Соҳил бўйлаб эсган шамол,  
Кўкрагимга тегиб ўт-ей, тегиб ўт-ей!  
Мағрур маъшуқ топмас камол,  
Гарданини эгиб ўт-ей, эгиб ўт-ей!  
Армонда кўп колдирмайин  
Сочларини парқини буз, парқини буз!  
Олгин, аммо олдирмайин,  
Бўйнидаги маржонни уз, маржонни уз!  
Бўйнидаги инжу шода  
Рақибники билдингми-а, билдингми-а?  
Ошиқ сўзи тамом дод-а,  
Назарингга илдингми-а, илдингми-а?

\* \* \*

Бирор кимса ҳолим сүрмаса,  
Ғамлар ичра қолсам ягона.  
Ёр ишкимда ёниб турмаса,  
Кулгиларга ўргатган она –  
Шу кун менга йиғлашни ўргат!

Жўра бўлсам бевафоларга,  
Юртга хизмат қилмасам, яна  
Ўхшаб қолсам бедаволарга,  
Кулгиларга ўтгатган она –  
Шу кун менга йиғлашни ўргат!

## ЁР-ЁР

Бу кеч қўшни чорбоққа  
Келин тушди, ёр-ёр.  
Иложим йўқ бормоққа,  
Кўникаман зор-зор.  
Онам айтар: – Зерикмай,  
Ўғлим, тўйга бор-бор!  
Йўқ, бормайман, боришдан  
Ор киламан, оп-оп!  
Шу тўйни деб қалбимда  
Узилди бир тор-тор.  
Энди панду насиҳат  
Қилмас менга кор-кор!

## ОНАМГА

Юлдузли осмонни кўрпача мисол,  
Пойингга ташлагум, истасанг агар.  
Қанчалик олисда бўлмасин ҳилол,  
Бир болиш айлагум истасанг агар.

О фақат, онажон, нурсиз күзингга  
Юлдузлар нурини қандай бахш этгай?  
Йиллар букиб қўйган ҳилол қаддингни  
Ростлаш мушкул экан, онажон, нетай!

### **БИРОДАРЛИК ОРЗУСИДА**

Кенг Ватанни қучиб олишга,  
Қўлим калта, етмас қулочим.  
Енг шимариб тушилгач ишга,  
Борми дея менинг иложим, –  
Кечалари ўйга толардим.

Кеча-кундуз зикримда Ватан,  
Суратини сақлар кўзларим.  
Қитъалар кўп, агар ҳурматан,  
Қўлни қўлга берса дўстларим, –  
Ер шарини қучиб олардим!

### **ВОДИЙ ЛАВҲАСИ**

Юрак яшаш ишқи билан урадир  
Йўқ сабру сукун.  
Куёш тотли хаёл суриб турадир  
Айниқса букун –  
Лола рухлар япроғидан аланга,  
Догидан чайла  
Созлагайман... Бинафшажон кел, манга  
Арзи ҳол айла!  
Бунда сенинг дардларингга шифо бор,  
Кел, гулим, тузал.  
Ушбу ерда ҳамма нарса пурвикор,  
Ва қандай гўзал!  
Мен сингари толеси мўл оламга  
Мафтун бўла қол,  
Агар маскан топилмаса ноламга  
Хандон кула қол!

## ЁЗНИНГ ҚУШИ

(Болаларга)

Эй, болалар!  
Келди яна  
Ёзниң күши – жиблажибон.  
Яланг ерда юрар, яна,  
Йүк эс-хуши, жиблажибон.  
Ажайиб ҳинд ўлкасидан  
Юртимизга келган ўзи...  
Құрқар одам күлкасидан  
Дум-думалоқ мунчоқ күзи.  
Боши билан бүйни оппоқ  
Чопар гүё ахволи танг.  
Тош отманглар!  
Юрсин кувнок, –  
Қанотлари зангори ранг.  
Хашарот күп гулшан, боғда,  
Насибасин териб есин.  
Үлкасига кетар чоғда  
Бизларга у раҳмат десин!

## ҚИШ

Тұнган анхор, ховуз, күл,  
Яхмалак қалин.  
Совук, порлоқ күёшга  
Бермаган галин...

Тоғлар яланг бошига  
Салла ўрамиш.  
Наққош янглиғ борлыққа  
Жило берар қиши.

Бор табиат зиёлар  
Рақсига гирён.

Яшил либос кийган кир  
Яланғоч – урён.

Изғирин ҳам авжида  
Урилар бетга.  
Йўлга чиққан йўловчи  
Қайтар дер, кетга.

\*\*\*

– Мунисим, булбулдек хониш килишни  
Кимлардан ўргандинг, айтгин-чи менга?  
Истадим, истайман мен ҳам билишни,  
Ёйинки, юрагим керакми сенга?  
Ёйинки, аввали бевафо номард  
Сени бир эрмакдай ташлаб кетдими?  
Қалбингга итқитиб олам-олам дард,  
Баҳордек чиройинг хазон этдими?

– Йўқ, номард макрига учмайман сира,  
Сиз бундан кўнгилни тўқ кила беринг.  
Имоним топ-тоза, руҳим покиза –  
Ноўрин шубҳани йўқ қила беринг.  
Сиз борсиз...  
Ўзгага парво қилмайман  
Эй, кўнгил мулкининг бирдан-бир беги!  
Нимага сўлғинман – ўзим билмайман,  
Балки бу севгининг паришонлиги.

### КЕЛАДИ...

Дилбарга мақтовлар жуда ҳам ёқаркан,  
Пайқадим, ғайрига яширин бοқаркан.  
Билмайин сув ичдим, огоҳ бўл, жигарим:  
Баъзан, сув илони пайт пойлаб чақаркан!

Күнгил ғам кунларин кечирган заҳоти,  
Баданни қиздириб ҳажрида ёқаркан.  
Үшанды жўралар айтишди: – Ғам ема,  
Бир оққан шалола ду бора оқаркан!  
Биламан, вафосиз ох уриб, бир куни  
Келади – соchlари паришон, оқарган!..

## КУТИШ

Бир орзуда ёнар боякиш,  
Келармикин, дейди нигоро.  
Кутишдаги нотинч орзишиш  
Оразига беради оро.  
Тўлқин урган коп-кора сочи  
Елкасида енгил ёзилар.  
Тилга келмай юрак тилмочи,  
Қафасдаги қушдек эзилар.  
Гўзалликка мафтун нигохи  
Севгисини айлади баён.  
Кўкрак кериб чиқазган охи  
Такрорланар аҳён ва аҳён.  
Умидини йўқотмай сира,  
Севгилисин кутади ҳамон.  
Ой кўринди ва лекин хира,  
Шаҳло кўзи ёшлангансимон.

\*\*\*

Ел эсади, ҳаво ҳам муздай,  
Қош корайиб, оқшом тўшалар.  
Бир чеккада нозанин қиздай  
Мени чорлар хилват гўшалар,  
Ел эсади, ҳаво ҳам муздай.

Бутун олам суюкли эрур,  
Ҳар нимаки дилга ёқади.

Ана, хатто фаввора қурғур,  
Оққуш янглиғ қанот қоқади.  
Бутун олам суюкли эур.

Шодлигимга сиғмас бу чаман  
Күз ютгуси келар барини,  
Осмон тугул, ерни севаман.  
Маскан этай ундан нарини  
Шодлигимга сиғмас бу чаман.

## ЙОГ

Юпун хона ичра бир киши,  
Чойшаб узра чордона қуарар.  
Гүёй йўқдек зарра ташвиши,  
Бир нуктага жим қараб туарар.  
Шу холда у бир неча соат  
Нимагадир миҷжа қокмайди.  
Қилган каби монанди тоат,  
Бошқа ёққа киё боқмайди.  
Унинг бутун фикру ёдини  
Шу бир нукта эта олган жалб...  
Ростламаган алиф қаддини,  
Урмас хатто ураётган қалб.  
Ажабо, бу мўъжизамикин?  
Ё бўлмаса оддий бир фириб?  
Йўқ-йўқ, у – йог. Шу асно лекин –  
Донг қотган бир шаклга кириб.  
Унинг учун бор олам рухсиз,  
Наҳот шунча чехраси локайд?  
Яшагум йўқ йогдек шукухсиз,  
Кураш мени кутади бу пайт...

## **ПУШКИН БОҒИ**

Пушкин боғи мастьуд сайилгоҳ  
Гир айланиб кезаман доим.  
Шабадалар туриб баногоҳ,  
Кўнглимни эркалар мулойим.  
Роҳатижон анҳор бўйида  
Силкинади мажнунтол гоҳи,  
Новдалари қалин, қуида  
Ошиқларнинг сўлим паноҳи!  
Табиати, зангор ҳавоси  
Жозибадор фусунга молик.  
Ва курмағур кушлар навоси  
Қаранг, дилга қандай шифолик!  
Ёш-яланглар Чорсу томондан  
Ошиқади Пушкин боғига.  
Шоирона ёш тўкар фонтан,  
Камалак ҳам сув қутоғида...  
Дов-дараҳтлар ташлайди кўлка,  
Гул боғлари нақадар сўлим!  
Қирмизи қум сепилган йўлка,  
Пушкин томон тушади йўлим.

## **КЎКЛАМ МАНЗАРАСИ**

Баҳор чоги тағин кўнгил майли билан,  
Тан яйради тоза лола сайли билан.  
Қолди Навфал жонона юрт – Лайли билан,  
Кезди давр Мажнуни бир сахрова ҳей!

Қора булут билмас ҳануз қўним қайдা,  
Ёмғир ёғар эринмасдан майда-майда.  
Қуёш чиқар, тракторни жадал ҳайдা,  
Ётма дехқон бу орзули дунёда ҳей!

Ана, оқди ўйноқи сув зарра сочиб,  
Қўй-қўзилар паноҳ топди селдан қочиб...

Нафси ёмон катта балиқ оғзин очиб,  
Ютди кичик балиқларни дарёда ҳей!

Наврўз куни гоҳи иссик, гоҳи салқин,  
Севишганлар қила олмас юрак талқин.  
Шоир доим шарафлайди буюк халқин,  
Гул фироки ул булбули гүёда ҳей!

## БИНАФША

Баҳор келди, оқсоч қоялар,  
Сочларини юла бошлади.  
Қыйидаги руҳсиз соялар  
Булокларга раҳна ташлади.  
Бироқ борлик ғоятда гўзал,  
Кўрклиларга қиласидир парво!  
Эҳтимолки, кўрмаган азал  
Бундай кўркни ҳозирги дунё,  
Адир узра қирмизи лола  
Ел сингари бўлай деб дайди...  
Куёш ундан нашъалар ола  
Пайконини ерга қадайди...  
Берироқда кўркам бинафша,  
Татир ҳар ён таратса бўйин.  
Табиатни қилмай томоша,  
Сола бошлар бошини куйи!  
Ана, борлик кўрсатган ўйин,  
Ана, карам!.. Хўш нима дейин?  
Бир чечакни яшнатиб қўйиб,  
Елга отса, совурса кейин!

## ШУМИ, ДИЛБАР...

Билишимча, қизлар ичра сен – маъсум,  
Гул қизарур гар айласанг табассум.  
Жоним учун кел, ёнимга, кел бир зум  
Шуми, дилбар, муҳаббатим эвази?

Кел деганда шамол каби қочдинг сен,  
Қаҳр айлаб шарорингни сочдинг сен.  
Дилда янги яраларни очдинг сен,  
Шуми, дилбар, муҳаббатим эвази?

Сени багрим, севар ёрим деб эдим  
Мунисим ҳам ғамгузорим деб эдим...  
Суюклигим, ҳарна борим деб эдим,  
Шуми, дилбар, муҳаббатим эвази?

Илинжим кўп, қалам қошим, багрингда,  
Ором олсин, ғариб бошим багрингда.  
Маржон бўлди қатра ёшим бағрингда,  
Шуми, дилбар, муҳаббатим эвази?

Шод бўлгин деб олиб юрдим кафтимда,  
Тўнғиб қолсанг авайладим тафтимда...  
Мехрсизлик холисона айт, кимда?  
Шуми, дилбар, муҳаббатим эвази?

## ИККИ ХИЛ КАЙФИЯТ

Бобожоним, айтинг-чи, менга  
Нега қишида гўзал бу олам?  
– Бир қиз ёқиб қолибди сенга  
Сен ошики шайдосан, болам!

Бобожоним, айтинг-чи, нега  
Навбаҳорда йўқ кайфи сафо?  
– Ҳар бир кайғу сабабга эга,

## ДИЛБАРГА (Ҳазил)

Телба кўнглим оразингга муштоқ эмас,  
Суҳбатингга бегонадек ўртоқ эмас.  
Фироқимда кўзига ёш олди дема,  
Кўз қарогим бехудага ирмоқ эмас.  
Сўзларимга терс бурилиб ер тепинма,  
Кўлингга ол, бу аввалги тупроқ эмас!  
Гарчи кўзинг дарёсида балиқ эрсам,  
Киприкларинг фақирингга кармоқ эмас!  
Ишва билан муштумингни кўрсатма кўп,  
Ошиқнинг ҳам бармоқлари тарқоқ эмас!

## ЎТИНЧ...

Сени таъриф этайин,  
Гапга қулоқ сол-сол.  
Қаро зулфинг дилбарим,  
Эшилибди тол-тол.  
Ҳар бир тола сочига  
Етмас дунё мол-мол.  
Ой юзингни бир кўрай,  
Гажагингни ол-ол!  
Қора туним эслатди  
Чаккангдаги ҳол-ҳол.  
Сўз ўрнига лабингдан  
Топмоқдаман бол-бол?  
Ошиғингдан бир йўла  
Сўра шархи ҳол-ҳол.  
Оғишимасдан юр бирга,  
Дема, яхши қол-қол.

## **КЕТМА, СЕВГИЛИМ**

Тағофил айлама бу оқшом, эркам,  
Фахм эт, дилингга боғланди дилим.  
Осмон ҳам чиройли, замин ҳам күркам,  
Кетма, севгилим!

Ҳали баҳс қилмадик икковлон богда,  
Ҳали дил сўзларин айтмади тилим...  
Энди ишқ қўшиғи қўйланган чоғда,  
Кетма, севгилим!

Мұхаббат китоби дунёдай эски,  
Ажиб бир тилсимот, ажиб бир билим...  
Тасвири кўп мушкул, ноёб бир сезги,  
Кетма, севгилим!

Сендан ҳар “иккала” дунё ўргулсин,  
Сен борки, нурафшон диёрим, элим...  
Вафоли ёримсан – билмаган билсин,  
Кетма, севгилим!

Узукка кўз солган каби монандмиз,  
Сен билан ёруғдир ҳаётий йўлим.  
Биримиз шакармиз, биримиз қандмиз,  
Кетма, севгилим!

## **УЗИЛГАН ЧЕЧАКЛАР**

Сув узра раъноми, сув узра гулми?  
Майлини оқимга топширган.  
Чинданам дарёми, чинданам сувми  
Бир даста чечакни гирдобда шопирган?  
Соҳилда бақрайиб турган эй майсалар!  
Гапиринг,  
Тилингиз бор бўлса!  
Чечаклар кирғоққа чиколмай чайқалар...

Наҳот гул шунчалар хор бўлса,  
Сув ичра тентираш жонга озордир,  
Халос эт гулларни, эй шамол!  
Ахир гул кўрк эрур гарчи хазордир,  
Бири нест бўлса, йўқ бу жамол...  
Сув узра раъноми, сув узра гулми?  
Майлини оқимга топширган.  
Чинданам дарёми, чинданам сувми  
Бир даста чечакни гирдобда шопирган...

## ЁМФИР

Бугун ҳаво бошқача  
Чунон оғир, зил-зил.  
Эртадан то кечгача  
Ер узра сув мил-мил.  
Бирин-кетин томчилар  
Синар гўё чил-чил...  
Гоҳ сув бетин чимчилар,  
Гоҳ товланар хил-хил.

## МАРСИЯ

Ўн саккизга кирмасдан туриб,  
Ҳалок бўлди вьетнамлик ўғлон!  
Онаизор мурдани кўриб,  
Во дариг дер: – Шунқорим, уйғон!  
Кўкда учди куйган майса ўт,  
Шиддат билан қўзгалди бўрон.  
Кафанига ўралиб булат,  
Осмонида йиғлади чунон.  
Ёш мурдани судраб панага,  
Она қўз ёш тўқди шашқатор.  
Бошсиз қолиб кетган танага,  
Қайси табиб энди мададкор!

Эсиз йигит жон фидо этди,  
Ёр лабларин сүрмай умрида!  
Эсиз йигит самарсиз кетди,  
Хали фарзанд күрмай умрида!

## УҚТИРИШ

Тентак март шамоли – кўклам элчиси  
Мусафро ҳавода бир қуюн яса!  
Анвойи чечаклар, ёвшанлар иси,  
Қалбимни қитиклаб, кувнатсин роса.

Телба март шамоли, сени англабоқ,  
Беармон ёшлигим ёдимга тушди.  
Хотирлаб, ундан-да олдим зўр сабоқ.  
Эй, шамол!  
Уни мен бермам ҳар кимга.

## ТҮН МАНЗАРАСИ

*Кор тушибди, қайрилди бодом.  
Ойбек*

Осмонда ёп-ёруғ ҳилол – баҳтиёр,  
У асло ўхшамас қора қошимга.  
Узун қиши кечаси турибман бедор,  
Юлдузлар тош бўлиб ёғмас бошимга.  
Эҳ, факат эгилган дараҳтлар шохи,  
Эҳ, факат қийинdir бир сўз демагим.  
Эҳ, факат ўрганиб куяди гоҳи  
Тор қафас ичида қолган юрагим.  
Бу оби ҳаво ҳам барқарормас ҳеч.  
Кампиршо булутлар яна сут соғар...  
Коронғи дилларни ёритиб бу кеч  
Ки, ёмғир аралаш оппоқ қор ёғар.

## **ЧАШМА ВА ТОШ**

Қир бағридан биқиллаб  
Оқар шүх чашма.  
Ундан ичар мириқиб  
Ким бўлса ташна.  
Дов-дараҳтлар гуркирар  
Майса – ўт, чаман.  
Қўй-қўзими ёки куш  
Ундан баҳраманд.  
Ёнида бир катта тош  
Гердайиб ётар.  
Аммо нураб кундан-кун  
Қуёши ботар...  
Ҳаётбахш у чашмадек  
Яшнат қир, ўтлок,  
Бўлма нафсиз тош каби  
Эй, азиз ўртоқ!

## **“ЎТКАН КУНЛАР”НИ ВАРАҚЛАГАНДА**

Бир ўқиб пайқадим китобнинг сеҳрин,  
Энди ишқ сирлари қаршимда аён.  
Кумуш, деб жўш урган Отабек меҳрин,  
Мухтарам Жулқунбой айлабди баён.  
Иккала шайдо ҳам романда зебо,  
Сирлашса, ям-яшил чаманда зебо!  
Услуби ажойиб, забони майин,  
Ўқисам дикқатни тортиб боради.  
Ўтган у кунларни ўйлаган сайин,  
Замонга ҳавасим ортиб боради...  
Иштиёқ офтоби туманда зебо,  
Гўзаллик нарғиз ё суманда зебо!  
Отаю онанинг орзуси улкан,  
Отабек кўнглини аброр этгувси.

Ҳозирча Зайнабнинг иқболи кулган,  
Эртага кўзини ёшлаб кетгувси!  
Тенгини топса ул, ўшанда зебо,  
Сайроқи булбул ҳам гулшанда зебо!  
Сўнгги сахифада онгсиз ожиза  
Кумушнинг ошига заҳар қотадир.  
Қаро ер гўзалга оғзини очса,  
Илк дафъа мислсиз лаззат тотадир.  
Латофат қўқдамас, биз ёнда зебо, –  
Элпарвар инсонда, инсонда зебо!

## НАВОИЙГА

Ҳайкалингиз кўриб қолдим тушимдамас, ўнгимда.  
Шундан кейин эх, нималар юз бермади кўнглимда?!  
Сизга айтсам ҳали-ҳали фазо ичра, Алишер,  
Лайли Куёш атрофида гир айланар мажнун Ер.  
От бошида айлангандай йилқичининг таёғи,  
Чарх уради... Сиз билмайсиз қандок бўлди бу ёғи?!

Елка силкиб кулишлардан ер тўхтагач, ниҳоят,  
Жаҳон ҳалқи билганича қилди Шошни ривоят.  
Талай уйлар қулаганди, дилда қолди ҳасратим,  
Лекин пишиқ ҳайкалингиз йиқилмади, ҳазратим!  
Каранг, қандай бинолар бор уларга ёт зилзила.  
Чунки ҳар бир шиййонлари сарой билан силсила!  
Мана энди катта гулзор... Ҳар тарафда иморат,  
Бу тикланиш қардошларнинг ёрдамидан иборат!

## “ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР”НИ ЎҚИБ

*(A.Қаҳҳорга)*

Ҳовлимиз бағридан оқади анҳор,  
Аксида парипирав юлдузлар чунон.  
Факат мен уйгокман ёнингда танҳо,  
Сехрли эртагинг сўйла, бувижон.

Айвонда ётибман, уйқу келмасди,  
Қорайиб борарди ҳар бир дақиқа.  
Бу галги сүйлашинг эртак эмасди.  
Бу галги сүйлашинг айни ҳақиқат:  
“Юзини бизлардан бурганда толе  
Танаавул қиласырдың мөғорлаган нон.  
Отамни қақшатса, ер юткур солиқ,  
Дарбадар кезамиз жүжавурдай жон”.  
Осуда тинглайман қулоқларим – динг,  
Вужудим ёнмоқда мисли алана.  
Эзгу хисларимни ларзага солдинг,  
Кон құсган үтмишни күрсатиб манга...

## ФУРҚАТ

Ким бўлмасин эзилди кўнгли,  
Ким бўлмасин кимнидир койир.  
Ўз-ўзимга айтаман мунгли,  
Наҳот шунча хўрланди шоир?  
Атрофимга қарайман ёниб,  
Хотиралар майдада ва майдада...  
Гул фонтанга боқай қувониб,  
Эсдан чиқсин дейману, қайда!  
Фонтан гирди тиник мармар тош,  
Қора сочим оқармабди ҳай.  
Кипригимда аччиқ-аччиқ ёш,  
Қайлардадир нола қиласи най.  
Кўз ўнгимда... Фурқат... сувсиз чўл,  
Бўй кўрсатар сарвқад Раъно.  
Икковини ҳасрати ҳам мўл,  
Сўзларидан англайман маъно:  
– Фурқат ака! Нега ҳаво дим?  
Жабрдийда бу зулмдан дод!  
Ким тинглайди сассиз фарёдим?  
Тингласа ҳам нажот йўқ, ҳайҳот!  
– Раъномисан ёинки рўё?  
Ортда қолиб кетди Ватаним.

Шундай экан бу телба дунё,  
Үз юртимга сиғмади таним.  
Мен тушимда бахту иқболни,  
Машрабнамо күрганлигим рост.  
Үнгимда-чи забуний ҳолни,  
Сезганим рост шоирларга хос...  
Ким бўлмасин эзилди қўнгли,  
Ким бўлмасин кимнидир койир.  
Ўз-ўзимга айтаман мунгли  
Наҳот шунча хўрланди шоир?  
Ажаб, дейман ёқамни тутиб,  
Оғир эди шоир қисмати.  
Мана энди!.. Замонлар ўтиб,  
Тақдирланди унинг хизмати.

## ҚЎЛДАГИ ГЎЗАЛЛИК

Гирдимда маним  
Хузур-халоват.  
Йўқ сира жабр  
Ила адноват...  
Жил, эй, қайигим,  
Кўл бўйлаб секин.  
На создир яшаш  
Бемакру – бекин!  
Бир ёнда заррин  
Қамишзор адил.  
Кузги ёмгирга  
Дош берар дадил...  
Бир ёнда елкан  
Лермонтов рухин  
Излар,  
Ахтарар  
Дилбар шукухин!  
Жонфизо азм  
Шу қадар зўрки,  
Бу гўзал ҳилқат,

Бу лавҳа кўрки,  
Бу оби ҳаёт,  
Бу ҳусни нажиб –  
Юзганим сари  
Туюлди ажиб.

## БИЛМАМ

Билмам, қачон кап-катта Ер,  
Тушмиш Қуёш савдосига!  
Чарх уради...  
Бош айлангай  
Қараб унинг ҳавосига.  
Кўпдан менга кулиб боқар  
Осмон тўла митти юлдуз.  
Макон ичра алмашади  
Бирин-кетин кеча-кундуз.  
Қўним билмас қор ва ёмғир  
Гоҳ кўқладир, гоҳ ердадир!  
Учди рухим, орзуларим  
Гавдам менинг, оҳ ердадир!  
Йил кетидан йил келмаса,  
Улғаймасди ёшим менинг,  
Агарда Ер айланмаса,  
Айланмасди бошим менинг.

## ИРМОҚЛАР

Кун нурида ярқираган  
Мавжи зарҳал, суви тиник;  
Лаби хандон, кўнгли синик,  
Вале бетин шарқираган  
Ирмоклардир, бу ирмоклар!

Мозий бу кун гўё ўлган,  
Эсга солмай ўтмишни бас!

Қирдаги ҳув лолалармас,  
Ҳар сиқими қонға түлган  
Бармоқлардир, бу бармоқлар!

На шамолда хүшнуд кулган,  
На офтобдан олган зиё...  
Боқиб ерга қиё-қиё,  
Күкармасдан хазон бўлган  
Япроқлардир, бу япроқлар!

Кокил янглиғ чувалашган,  
На-да лоқайд, на-да шайдо.  
Қила олмай қанот пайдо  
Шамол билан қувалашган  
Тармоқлардир, бу тармоқлар!

Беткайида хоки туроб  
Бўлган неча озодалар,  
Тинч уйқуда жим ёталар  
Эй, ғофил бок, важхи хароб  
Тупроқлардир, бу тупроқлар!

Тўфондан сўнг қарор топган,  
Денгиз ичра бир замонлар  
Сув ўрнига кўриб қонлар...  
Эндиликда диёр топган  
Киргоклардир, бу қирғоқлар!

## АКС САДО

1

Тоғ бошида турдим кузатиб,  
Жуда кичик күринди бу Ер.  
Күлларимни күкка узатиб,  
Дедим: “Яхши ёронлар қани?”  
Овозимни бир оз тузатиб  
Қайтиб келган акси садо дер:  
– Хоҳ-ҳо, яхши ёронлар қани?!

2

Кун кизарыб ботарди аста,  
Дедим: “Үртоқ, күкрагингни кер!..”  
Сой окмоқда тоғлардан пастда,  
Күз ташлашга дармонлар қани?!  
Сен қарайсан сувга ҳавасда.  
Қайтиб келган акси садо дер:  
Хоҳ-ҳо, күз ташлашга дармонлар қани?!

3

Илҳом ато этса вазият  
Ёр васфига ёзилажак шеър.  
Кечалари чекиб азият,  
Дедим: “Умид, армонлар қани?!”  
Рахбар бўлиб менга ҳақ ният –  
Йўл кўрсатди... Акси садо дер:  
– Хоҳ-ҳо, умид, армонлар қани?!

4

Хизмат этай дея элимга  
Юртим учун тўқдим талай тер.  
Кўп нарсалар келиб дилимга.  
Дедим: “Ақли ҳайронлар қани?!”  
Тоғ тушунмай менинг тилимга  
Малул эди... Акси садо дер:  
– Хоҳ-ҳо, ақли ҳайронлар қани?!

## ТИЛСИЗ СУХБАТ

(*Кекса шоирнинг ўгли бёвақт вафот этди. Кўп ўтмай унинг шогирди ўз отасидан айрилди. Таъзияда кекса шоир шогирдига узоқ тикилиб қолган эди.*)

### *Кекса шоир*

Не каттиқ кун экан: бу кун иккимиз,  
Адади йўқ хаёлларга толдик жим.  
Ҳамма сокин, дили маҳзун иккимиз,  
Сен отангдан, мен ўғлимдан айрилдим!

### *Ёш шоир*

Қазо-ку демас ҳеч: у қари, бу ёш,  
Ўлимга мустаҳиқ гул ёки хасми!  
Чиқишини билади бир ботган қүёш,  
Бир оққан шалола такрор оқмасми?!

### *Кекса шоир*

Рўй берса-да гарчанд ҳижрон ё ўлим  
Ҳаёт тарзи бир чиройли, бир майнин...  
Айрилиқдан чиқай десанг, кулуним,  
Сен ўғил бўл, мен ҳам ота бўлайин!

\*\*\*

Бу кўнгил мулкида бир нозанин бор: –  
Шарифа отлиғ.

Домига тушмайин дедим, – бўлмади,  
Қалбимда тимсоли ўсди, ўлмади.  
Ишқ сирин англадим; ҳижрони талхвор,  
Висоли тотлиг.  
Бу кўнгил мулкида бир нозанин бор: –  
Шарифа отлиғ.

Мен кимман? Севишга ҳуқуқим борми?  
Эй, телба дунё!

Шу билим, шу зако сенга балли дер,  
Неки лутф айла-ю ёшлыгимни бер!  
Үртада күндаланг: номусми, орми –  
Беҳудман гүё.

Мен кимман? Севишга ҳуқуқим борми?  
Эй, телба дунё!

Ёшлик не демасин қайтармай райин,  
Ёшлыгим күнди;  
Кечирди шодликни, кечирди ғамни,  
Ва лекин ўйламай босди қадамни!  
Ишқ дея қучганим, эвох, бетайин  
ҳавасга дүнди!  
Ёшлик не демасин қайтармай райин,  
Ёшлыгим күнди.

Ажабким, қаршимда энди бир зиё  
Тафт берар дилга,  
Дил эса рухланиб дала-қир ошар.  
Билмадим, бу туйгу тобакай яшар, –  
Вужудим, имоним унга маҳлиё,  
Кирмай ақлга.  
Ажабким, каршимда энди бир зиё  
Тафт берар дилга.

### ГУЛИДАН ТАҚАЙ ДЕСАМ...

Жилмаюрман чор-ночор,  
Лек юракда дарду ғам.  
Мен хуш күрган йигитнинг  
Ёри бўлди дугонам.  
Қумгон экан дилгинам:  
Ўт қўйдилар, қайнади.

Мен хуш кўрган йигитим  
Ногоҳ мендан айнади!  
Ана карнай-сурнайи,  
Ана алёр, ёр-ёри.  
Қўшилмади гул гулга,  
Гул – тиканнинг дилдори!  
Дугоналар шод-хуррам,  
Бахт тилашар ҳайқириб.  
Мевалар тўкин-сочин,  
Сувлар оқар айқириб.  
Неъмат тўла дастурхон.  
Менга, ол! – деб қўйишар.  
Гулдасталар гулидан  
Чакканга так, – дейишар!  
Гулидан такай десам  
Тикони бор, тикони!  
Сувидан ичай десам,  
Илони бор, илони!

## МУТОЙИБА

Йирокдан кош коқиб бир бало қилманг,  
Мани йўқ балога мубтало қилманг!

Неча юз найрангу карашма бирлан  
Бу кўнгил мулкини истило қилманг!

Сидкидил ёрингиз бор ерда асло  
Ўзгалар корини жо-бажо қилманг.

Салтанат тахтида кўрсатиб химмат  
Беақл кимсани “подишо” қилманг.

Бўса бер, деганда, жўнаш олдидан  
Фарибга юз буриб яна “ҳо” қилманг.

Бош оққан ёқларга кетмоқчи бу дил,  
Ялиниб, ёлвориб, илтижо қилманг.

## **БАХОР ҲАЗИЛИ**

– Дилбар, менинг боғимга  
Ойдай бўлиб кир-кир.  
Боғимдаги гуллардан  
Узай сенга бир-бир.

Қара, ҳаво на-да соз!  
Учар қушлар пир-пир.  
Юр, инжима тасаддуқ,  
Ҳам титрама дир-дир!..

– Хув, кечаги оғушдан  
Огрир белим зир-зир.  
Мен йўқ десам ўзингиз,  
Айландингиз гир-гир!

Қўйинг дедим, зах дедим  
Ҳозир дала кир-кир...  
Хо, айёрлик қиляпсиз,  
Кулмай ўлинг хир-хир!

## **ЧИЛДИРМА ВА ИККИ ЧИЛДИРМАКАШ**

Тингласин шаҳримиз, даламиз,  
Антика бир куйни чаламиз!  
Ўртада – бор нарса шу онда –  
Бир манда чилдирма, бир унда!

Қуёшдан кам эмас чилдирма,  
Булутни унга ҳеч индирма.  
Янграгай ер ила осмонда  
Бир манда чилдирма, бир унда!

Шафтоли гуллари – нафармон,  
Кел энди, ракқоса Қизлархон,

Үйнагин саҳнаи чаманда  
Бир манда чилдирма, бир унда!

Үйнагин парвои палагим,  
Гардингга интизор, малагим, –  
Лолага ғарқ бўлган қир унда,  
Бир манда чилдирма, бир унда!

Ҳар қиё бокишиңг қалбга жо,  
Бор бўлсин бу нозу истиғно  
Чертаман қолмай деб армонда,  
Бир манда чилдирма, бир унда!..

### ФИРОҚ ҲАҚИДА

Ой билан Куёшга  
Йўқ эрур висол.  
Азалий фироққа  
Ўшалар мисол.  
Туну кун фурқатда  
Куёш билан Ой,  
Юлдузлар кўз ёшга  
Ўхшар, ҳойнаҳой.

### УМИД УЧҚУНЛАРИ

Шайдо этдинг бир сўз демайин,  
Ёғдулар олди кўзингдан кўзим.  
Бу қора қош, бу кўз демайин  
Сиёҳ этдимми баҳтимни ўзим?!

Бу зулфи-соҷ, бу зангор кийим  
Қадди бўйингга мунча ярашиқ!  
Юлдуздек ён эй, тани сийм,  
Чекилсин зулмат, ёлғону яшиқ!

Бошни ирғаб қўйишиларингдан  
Саф чекди сочинг сипоҳи эй, ёр!  
Воз кеч бу аҳд, бу ишларингдан  
Севмоқми, ошиқ гунохи эй, ёр!

Қиё-қиё ўғринча бокма,  
Беажал бир кун ўлдиришинг бор.  
Бизга, ахир, ғам селоби на?  
Гар ҳафа бўлсак, кулдиришинг бор!

## ПАХТАКОР ҚИЗ

*(Халқ қўшиқлари йўлида)*

Ўша қизнинг қуёшдан юзи нақшин қизилмиш,  
Манглайда реза терлар – юлдузчалар тизилмиш.  
Кеча-кундуз фарқини фаҳм айлаб дилором,  
Боқса, дунё кўзига оқ-корадан тизилмиш.  
Қора денгиз хуснини очган қора тўлқиндек  
Бурам-бурам соchlари елкасида ёзилмиш.  
Терим пайти адирда сиқилмабди кўкраги,  
Эркин нафас олишдан тутгламири узилмиш!  
Водийга у бокқанда хуркибдими охулар?  
Буни кўрган овчининг юрак-бағри эзилмиш.  
Ишдан қайтар чогида, у қиз турмуш богида,  
Севар ёрини эслаб, келин бўлиб сузилмиш.

## ХИЖРОН

Кўринганда ҳилол қинидан  
Суғурган бир шамшир мисол.  
Хомуш йигит қароргоҳидан  
Чиқиб кетди ахтариб висол.

Ел шивирлар, хиёбон сокит,  
Чарх уради хазон резгилар.

Қайлардадир вовиллайди ит,  
Жунжикади мажхул сезгилар.

Нурлар ичра күхна табиат  
Сарғыш тусда бежо товланур!..  
Бунда фақат самарсиз ният  
Ошиқ үигит күксіда ёнур.

### **ҮТРОР ХАРОБАЛАРИДА**

Күнгилда тилсиз тонг, сирли куч ила,  
Кумуш тун, сен айла хафиғлик нисор!  
Рұхимга мадад бер, болу пар тила,  
Бутун бу хароба рұксиз, ҳокисор!

Қандоғам тун ўзи! Олмосдек шудринг  
Баҳс курса, кочадир фалакнинг тоби.  
Күк худди уммондек қулоч ёзган кенг,  
Замин ҳам чүзилмиш, на қаттиқ хоби.

Эй, сен тун, рұхимни эркала, сила,  
Токай у кавкабдек ўчмоқ ғамин ер.  
Нафасинг баҳш этган қанотлар ила  
Бу сирли тубсизлик узра учар, дер.

### **НОДИРАБЕГИМ АРМОНИ**

#### **1**

Энди келмас жаҳонга сендеқ буюк зот,  
Ғамгузорим, мунисим, эй шахсуворим.  
Мухлисингга барчаси энди гүё ёт,  
Энди қишиға жой берди файзли баҳорим!

О, сен ҳаёт бўлсайдинг, чўзар эдинг қўл,  
Ботқоқлиқдан чиқардим юксак чўққига.

Рақибларим лол қолиб бўшатарди йўл,  
Ҳаммаси ҳам учарди қаҳринг ўкига!

О, сен ҳаёт бўлсайдинг, монанди лочин  
Қанотингга олардинг – кўрмасдим жабр.  
Ёзмас эди ҳақсизлик ёвуз қулочин,  
Чин сўз учун қаршимда турмасди қабр.

## II

Уст-бошимга ағанаган, катта тоғлар, алвидо!  
Мен кетарман ҳасратланиб, руҳи соғлар, алвидо!  
Бу дунёнинг шўришига навниҳоллар тебранинг,  
Эслироқ бир боғбони йўқ қолди боғлар, алвидо!  
Сайр вақти бош эгмангиз гўр устимга жарроҳдек,  
Юрагимни ёрган билан унда доғлар, алвидо!  
Сиз келгунча пешров килиб икки юзлик умрини,  
Жигаримни чўқиб кетди қора зоғлар, алвидо!  
Эй, шоира, ёруғ кунлар ҳастингда оз экан,  
То ўлгунча унутмаймиз, ғамли чоғлар, алвидо!

**Муқаррардур замона инқилоб ўлса ажаб эрмас...**

**Завқий**

**1916 ЙИЛ**

Коп-коронги хона ичра ўтирибди у,  
Кучли кафтин чаккасига мажолсиз тираб.  
Юрагида буюк кудрат борликка бору,  
Руҳий азоб чекавериб қолган ҳолсираб.

Шу чогда у хотирлайди таниш кулбани,  
Отасини, онасини, ёру дўстларин.  
Ўзга юртда унга муnis, меҳрибон қани?  
Қани, дея, бир нуктага тикар кўзларин.

Куни кечә онасидан келган нома ҳам  
Юрагини эзмадими озмунча ахир.  
Яна рўзгор ташвишлари, яна талай ғам,  
Хуллас, мактуб бир меваки, мазаси тахир:

– Бўталогим, тани жонинг соғми, қоқиндик,  
Нима бўлди, хат-пат ёзмай қўйдинг онангга.  
Сафарингни аритиб кел, сени соғиндик,  
Жоним болам, бизни ўйлаб кўргин танангга.

– Айни оғир даврларда, бир парча этни,  
Парваришлаб эй, вояга етказган, она!  
Ўғлинг ҳали унумади уятни, бетни,  
Ўғлинг барча номусликлар ичра ягона!

Фақат ўғлинг боролмайди ўз диёрига,  
Ёт элларда чириб кетар суяги унинг.  
У яқинда қўл силтади ҳарна борига,  
Аммо-лекин бу эмасди тилаги унинг.

Ўз юртида кун бермади унга ёвузлар;  
Туртқилашди, тепқилашди, қийнашди руҳан.  
Унга томон қаратилди энг аччиқ сўзлар,  
Ҳеч кимсадан эшитмади бир ширин сухан.

Нима қилсин, душман бўлса кипригу қоши?  
Нима қилсин, дўст ғанимлик йўлини тутса?  
Нима қилсин, ҳар гўшада таъналар тоши,  
Ён-веридан ўқ сингари ғизиллаб ўтса?

Унга фақат ер юзида бўрон қўзғатиб,  
Кўча-кўйда ҳазон каби тентираш қолди,  
Тақдиридан шиква айлаб, аччиқ сўз қотиб,  
Ихлос қўйган кишилардан кўнгли ғаш қолди.

Минг бор афсус!  
Жуда оғир, долзарб кунларда

Юрти учун тўколмади бир қошиқ қонни.  
Жумла Ватан хоинига айлабон зарда,  
У бўшатиб берди гўзал Ўзбекистонни!

Лаънат бўлсин, дала, ўтлок, сенга эй, ўрмон  
Лаънат бўлсин, юлдуз, қуёш, бор табиатга!  
Чунки сизлар бермадингиз қурол ва майдон,  
Адолатни излаб юрган магрур йигитга.

Йўқ, у қайтмас!  
Фикри қатъий – ўзгармайди ҳеч,  
Исёнчилар паноҳида тўплар кучини.  
Азиз Ватан тақдирини ўйлаб эрта-кеч,  
Балки бир кун ёвларидан олгай ўчини!

## ЭЪТИРОЗ

Базмда бир қиз  
Бегам йўргалар...  
Хонанда эса  
Шодон куй чалиб  
Бор овоз билан  
Ғулғула солиб  
Хониш қиласидир:  
“...Яна қарғалар”.  
Қартайган киши  
Тинглаган онда  
Дўппини бошдан  
Олди-да урди.  
Сўнгра машшоқдан  
Юзини бурди:  
“Бу кўшикни биз  
Сибир томонда  
Айтардик ғамгин,  
Дардли пардада.  
Не ҳам дер эдик,  
Мардикорлик вакт,

Кажров замон-да!  
Тўрт томон оппок,  
Фақат, кор, ўрмон...  
У ер-бу ерда  
Кора қарғалар  
Дон-дун топай деб  
Учар, йўргалар...  
Дилларда эса  
Туганмас армон.  
Эсга тушарди,  
Она-юрт, диёр  
Эсга тушарди  
Ҳандалак бўйлик  
Ўша адo-ю,  
Ўша хушбўйлик!  
Лекин йўқ эди  
Бизда ихтиёр!

Эси шамоллар,  
Оқим ичига  
Солиб кузатди  
Бизни долғалар!  
Тўкилди шунга  
Кўшик “қарғалар”  
Бу қўшиқ согинч,  
Қайгуга эга.

Эй, маним бағрим,  
Ўз ҳаддингни бил!  
Ватан тупроғин  
Кўзларингга сурт.  
Биз кетар чоғда  
Хароб эди юрт.  
Шуни буқун ҳам  
Эсла, эслагил!..

## **ЗАНЖИ**

### ***Күшик***

Кўзингни оч каттароқ,  
Ҳабаш ўғли занжи, занжи!  
Етар сенга оқларнинг  
Берган жабру ранжи, ранжи!

Ол-ол бўлсин ер ранги  
Ёв конидан, жангчи, жангчи!  
Ўткир учли найзангни  
Душманларга санч-чи, санч-чи!

Қайтариб ол – оқларда  
Тоғларингнинг ганжи, ганжи!  
Янчилдинг сен кўп замон,  
Энди сен ҳам янч-чи, янч-чи!

## **МЕРОС**

Ҳамма нарсам бисёр етарли,  
Факат сен йўқ қошимда, она!  
Касал бўлсам, учинсам андак  
Тураг эдинг бошимда она!

Тақдир экан, кўз юмдинг эрта  
Кўролмадинг орзу-ҳавасим!  
Эзиламан, ўйга толаман  
Сени эслаб таърифласа ким.

Етармикан дунё ҳалқига  
Сен баҳш этган меҳру муҳаббат?  
Сендан қолган у асл мерос  
Юрагимда яшар то абад.

## **ФОРОБИЙ ФАЛСАФАСИ**

Гирдо-гир уфкка, бутун борлиққа  
Қарайман энг юксак чүккидан туриб.  
Эътибор қилмасдан эх, ман зорлиққа  
Ухлайди коинот зангор туш күриб!  
Коинот түрттала томонда мангу,  
Ошёнда мангу у, замонда мангу!  
Нимайки бўлмасин: бутун ё кисм  
Назарим бисотин тита бошлайди:  
Жамики резавор, жамики жисм,  
Қаттол Вакт қўлида йита бошлайди!  
Ва лекин йўқолмас тўрт модда мангу  
Хусусан: ўт, ҳаво, хоки-туроб, сув!

## **МАКТУБ**

*(Фурқатдан Муқимийга)*

Ночор турибман дўстим,  
Ёркент шахрида сокин.  
Қадим Кўконда ўсдим,  
Юрдим ғурбатда локин.

Уввос тортади кўнгил  
Юртим жамолин кўрмай!  
Қандай сайрасин булбул  
Гулзор камолин кўрмай?!

Неча йилдирки, эвоҳ,  
Элдан айрилиб қолдим!  
Гули сафсадек ногоҳ  
Ерга қайрилиб қолдим!

Кўзим мавжлари лим-лим,  
Ўхшар Амуга, Сирга.  
Қайда бўлмайин, доим  
Юртим мен билан бирга!

## ТҮРТЛИК

Инномаслар, курбон бўлган арбобни  
Мақтаб-мақтаб, ботирлигин айтсалар.  
Денгиз ичра чарх ургувчи гирдобни  
Қайдин билсин, қирғоқдаги майсалар!

## ЭЗГУ НИЯТ

Ташвиш тортманг эй, қора кўзлар  
Қароғингиз фикру зикримда.  
Мен ёнаман, не-не юлдузлар  
Парвонадек кезар гирдимда!

“Ўз” ибтидо, интиҳоси “бек”!  
Юраверинг “ўзим-ўзим” деб...  
Мотамда ҳам Тўйчи ҳофиздек  
Куйлагайман “каро кўзим” деб!

\*\*\*

Осмонга мушт ўқталган бир қиёфада  
Кенг пахтазор ичра турар тут дарахти.  
Халигача “қиркишлардан” буткул зада,  
Халигача очилмаган унинг “бахти”.  
Хар йил баҳор айёмида киркилганда  
Тан оғриғи жаранглаган тордай бўлар...  
Новдасидан, япроғидан айрилганда  
Бамисоли бир онаизордай бўлар:  
Новдалари ўсиб, ахир, шох бўлмади!  
Тўсмади ҳеч аждаҳодай гармселни...  
У-чи, қанча тиришмасин, оҳ бўлмади –  
Меваси-ла тўйдирмади мушток әлни.  
Ва лекин тут пиллакашга кони фойда,  
Чурқ этмагай олам-жаҳон тор келса ҳам, –  
Ариқ бўйи, пахтазорда ўша жойда  
Барибир у ўсаверар кирқилса ҳам!

## **ИҒВОГАР**

– Янги гапни эшитдингми?

– Йўқ.

– Эртага у доклад килади.

Аста сувдан чикмоқчи куруқ,  
Билмайсанми? – Ҳамма билади!

– Эшит гапни, бугун хўжайин

Душманларга зафар тилади.

Тонг-ла ишдан бўшаши тайин,  
Билмайсанми? – Ҳамма билади!

– Ҳа, ўзиям хотини қолиб,

Котибани кўзга илади.

Икков баъзан қолар йўқолиб,

Билмайсанми? – Ҳамма билади!

– Вой олчоғ-ей, шунақа дегин,

Манглайнингни кимлар силади?!

Ўтакетган иғвогарлигинг

Билмайсанми? – Ҳамма билади!

## **ЛУҚМА**

Лик тўла парранда муҳташам залда

Тинмасдан жаврайди минбарда Тўти:

– ...Планга зўр беринг биринчи галда,

Шу билан гурласин юракнинг ўти.

Faflatga ўрин йўқ... Кўзни очинглар

Олдинда турибди қатор кам-кўстлар...

Қарғаой кетидан эргашсин минглар,

Бор кучни сафарбар этайлик, дўстлар.

Шу асно Булбулнинг тўлишиб дарди,

Бир луқма ташлашга изн олади:

– Бор кучни сафарбар этсак, башарти,

Кейинги планга нима қолади?!

## **ДАСТАСИ ЎЗИМИЗДАН**

Шундай гап-сўз бор. Ўрмонда букун  
Сайҳонлик яна ошди маррадан.  
Ердан нолиш йўқ; ризқимиз тўкин,  
Ўқсиқмиз фақат Болта, Аррадан.

Ошмасди мунча сатхи марранинг,  
Ҳам ёш оқмас эди кўзимииздан.  
Агарчи Болта билан Арранинг  
Дастаси бўлмаса ўзимииздан!

\*\*\*

Қараб турсам азим дарё  
Оқар гуррос талқин билан.  
Кокил-кокил эрур мавжи  
Ой ташлаган ёлқин билан.  
Кўзғат довул, эй табиат,  
Бир беллашай тўлқин билан.  
Қимматбаҳо умримни, бас,  
Ўтказайин халқим билан!

## **УМИДЛИ ДУНЁ**

Ихлос кўйдим назмга  
Ҳам севиб қолдим.  
Навоийдан, Пушкиндан  
Мен илҳом олдим.

Кейин эса ўзимча  
Тўқидим кўшиқ.  
Хўб тобладим шеъримни  
Болга талх қўшиб!

Атиргуллар ўз мушкин  
Сочар шеъримга.

Құчоғини мангулик  
Очар шеъримга.

Хозирданоқ сафларда  
Басту бүйим бор.  
Жаранглаган тор каби  
Соҳир күйим бор.

Хеч вакт унга деворлар  
Түсиқ бўлолмас!  
Етиб боргай қалбларга,  
Қоғозда қолмас...

\*\*\*

Юксакда, ундан-да авжлансанг сал нари  
Ер сатҳи кўринар ғоят кенг.  
Ўлкалар жимжима харита сингари,  
Денгизлар япалоқ тошга тенг.  
Шу онда жонланар кўнгилда тилак,  
Орзуки бекиёс, муқаддас:  
Заминни яшнатмоқ ишқида бу юрак!  
Улуғ Ер тинч-омон бўлса бас!

### ЧАҚИРИҚ

Шоир, кўкка бокма!  
Ер мавзуси, билсанг агар, энг яхши мавзу.  
Майли, киприк қоқма,  
Умр бўйи кўзларингни тарк этсин уйку,  
Йўкса ўла бошлар  
Юрагингда эндиғина тугилган орзу.  
Рақиб кула бошлар  
Яқин дўстинг аҳволингга чекмаса қайгу.  
Ана ўша дамда,  
Балки сени юпатолмас ҳеч қайси гулрў,  
Яна не-не ғамда  
Майхонада май ўрнига ичарсан оғу.

Йўлинг токқа тушар,  
Дардларингга шерик бўлар ёввойи оху.  
Роса қалбинг бўшар,  
Сўнг беҳуда заҳматингга айтарсан ёху!  
Шоир, кўкка боқма!  
Ер мавзуси, билсанг агар, энг яхши мавзу.  
Майли, киприк қоқма,  
Умр бўйи кўзларингни тарк этсин уйку.

## ОЙДИН КЕЧА

Деворга осилган суратда нотаниш бир қиз  
Жимгина мўлтирар...  
Ойдинда оғочлар тубинда ўй суриб ёлғиз,  
Курсида ўлтирар.  
Берида, ховузнинг бетида қалқиган наргиз  
Хандон кула бошлар.  
Ва лекин муддао гуллари очилмай ҳаргиз,  
Маҳзун сўла бошлар!  
Наздимда, шу тобда қиздаги паймона сўзсиз  
Лим-лим тўла бошлар.  
Ҳали бу оламда кулгига очмасдан оғиз  
Таслим бўла бошлар!  
Беғараз суратда ҳаётбахш манзара жоиз,  
Узокроқ тикилмам.  
Негаки, бунга бир жонона боис,  
Уни ё тарк этгум, ё кўзга илмам.

## КЎЛДАГИ ГЎЗАЛЛИК

Гирдимда маним  
Хузур-ҳаловат.  
Йўқ сира жабр  
Ила адоват...  
Жил, эй қайигим,  
Кўл бўйлаб секин!

На создир яшаш  
Бемакру бекин!  
Бир ёнда заррин  
Қамишзор адил,  
Кузги ёмгирга  
Дош берар дадил...  
Бир ёнда елкан  
Лермонтов рухин  
Излар, ахтарар  
Дилбар шукуҳин!  
Жонфизо азм  
Шу қадар зўрки,  
Бу гўзал хилват,  
Бу лавҳа қўрки,  
Бу оби хаёт,  
Бу ҳусни нажиб –  
Юзганим сари  
Туюлди ажиб.

## ЙЎЛДА

Тоғ устига чиққан йигит,  
Пастга боқинг қиё-қиё.  
Чорлар сизни тожик қизи  
Дебон инжа биё-биё.

Йўлда ҳадеб этманг давом,  
Балки кўнгли сиёҳ-сиёҳ.  
Балки бу кеч кўнглингиздан  
Олмоқчи у зиё-зиё.

## ФРОНТДАН СЎНГГИ МАКТУБ

Кўз илғамас худудсиз олам  
Отанг учун энди кенг эмас.  
Ўлимга юз тутяпман, болам,  
Сени етим қилган мен эмас.

Музтармасман виждон кошида,  
Тонг-ла мулзам бўлмагай рухим.  
Отанг, ахир, ўттиз ёшида  
Нобуд бўлди, лобар шукухим.

Уруш кескин, яшинвор эди,  
Жароҳати битмади унинг...  
Хуллас калом, отанг ўқ еди,  
Энди усиз ўтади кунинг.

Энди бувинг тўкар кўз ёшин,  
Энди уни адо этар ғам...  
Кўкрагимга инган кўрошин  
Ўқимоқда жанозамни ҳам.

Кўраяпман барин кўз билан,  
Кўраяпман хаёлан уни...  
Дилдагини оддий сўз билан  
Айтотмайман: оғир мазмуни...

Майли, соғ бўл! Вояга ҳам ет,  
Ўқи ўрган: мактаб сари бор.  
Лек онангга келиб бетма-бет  
Отам қани, демагил зинхор.

Сўйлаб бергай сенга сарт опа,  
Кўни-кўшни, дўст ила ёрон.  
Кўксимга ўқ қандай бўлди жо,  
Қандай этдим фашистни гумдон...

Дариғоким, йўқ энди дармон,  
Ёзувларим чалкаш, жимжима...  
Дилда қолди сўнгги бор... армон...  
Дилда қолди сўнгги калима...

Кўз илғамас худудсиз олам  
Отанг учун энди кенг эмас.  
Үлимга юз тутяпман, болам,  
Сени етим қилган мен эмас.

\*\*\*

Қовжираб сарғаяр баҳорги чечак,  
Сўлар хоҳ истама, хоҳи сен иста.  
Унга бор на ўтмиш, на-да келажак,  
Тупроққа жо бўлиб кетар оҳиста.

Шунинг-чун сўнгги бор куйлади қумри,  
Билмам не марсия, билмам не вола.  
Ҳей, менинг умримдир чақмоқнинг умри,  
Бир чакнаб маҳв бўлсан чекмагин нола!

**МАРСИЯ**  
*(Хоразмийга назира)*

**ДЕБОЧА**

Шу кезда кўнгил пок, мақсад ҳам олий,  
Мавриди келдиким абёт тўқолий...  
Шеър – мисли гўдакким, тама на қилғай?  
Гар илҳом бўлмаса хома на қилғай?!  
Эй илҳом, юз очгил, мавзу ётибдур,  
Қалин тош остинда орзу ётибдур!  
Аёнки, кечар йил: фасл қайтмагай,  
Қайтса ҳам ўшандоқ асл қайтмагай!  
Ҳамиша бу олам кўхнаю янги,  
Унда ким хушалҳон, унда ким ҳанги!  
Кел энди, эй илоҳим, ўтар бу фурсат,  
Жаҳонга қуёшдек ўзингни кўрсат...

**ТЎРТИНЧИ ИЮНЬ**

Эй, бу кун бошима мусибат инди,  
Эй, бу кун киприклар қуий солинди!

Эй, бу кун хазонга юз тутди ғунча,  
Турмади қотимда баҳор келгунча!  
Ҳасратим кимга дей, оҳим кимга дей?  
Эшитмас эрса арз шоҳим, кимга дей?  
Менчалик ёзғурмас, ёраб, тан бошқа!  
Келмагай мунингдек гулбадан бошқа!  
Нақадар бешафқат, ғаддор бу ўлим!  
Богимни тарк этди гүё булбулим!  
Ажал сўқирмикин ва ёким бебош,  
Бир жонга нимадир йигирма тўрт ёш!  
Қолмади фақирнинг севинчи, июнь,  
Фарходни кузатдик тўртинчи июнь.  
Йигилди қабрига тумонат одам,  
Қиттак жой йўқ эрди босишга қадам.  
Ув тортиб ийғлади хотин-қиз, эвоҳ,  
Дариғо қолмас, деб, сендин из, эвоҳ!  
Тўйингни кўрмадик; куёв бўлмадинг,  
Лоақал бир фарзанд кўриб ўлмадинг!  
Отангнинг умиди сендейди, билсанг,  
Анга хуш ёқарди ҳар неки қилсанг.  
Билардинг мукаммал уч-тўртта тилни,  
Ўрнига қўярдинг ҳазил-хузулни.  
Бўш қолган чоғингда ашъор битардинг,  
Режа кўп: хаёлан олис кетардинг...  
Ўгрилиб турарди аянг бошингда,  
Оғрисанг туну кун жилмай қошингдан.  
Қиласарди ҳамиша дуои жонинг,  
У эрди камтарин, соғ дил посбонинг.  
Уни ҳам, дилбандим, доғлара қўйдинг,  
Япроги сарғайган богларда қўйдинг!  
Эй, гули навраста  
Хайр, алвидо!  
Қилмадинг жаҳонни сайр, алвидо!  
Ҳали сен кезмаган чаманлар қолди,  
Қўлингдан чиқмаган романлар қолди.  
Хайр, эй муҳаррир, хайр эй толиб!  
Эзгу юмушларинг кетмас йўқолиб...

## ҚҰМСАШ

Сен кетдинг, ҳувиллаб қоди уйимиз,  
Қайдасан, эй тоза мушку бүйимиз?  
Тимсолинг күринур боқмайлик қаён,  
Йүк, ўлган эмассан, бу бизга аён.  
Хозир сен эшиқдан кириб келарсан,  
Аяңгни ачомлаб шүхлик қиласан...  
Йүк! Бунинг ҳаммаси хаёл меваси,  
Сен чиндан күз юмдинг, бояғым эгаси.  
Касалинг зёр эрди, изладик табиб,  
Ёрдамин күрсатди дүст, ошна, ҳабиб...  
Ва лекин барчаси дардинг олдида,  
Бўйлаким, чехраи зардинг олдида  
Тадбири бетадбир ожиз экан-ку!  
Афлотун: – Ўлим ҳақ, жоиз, – деган-ку!  
Ўлимга чора йўқ; ахир нетайлик?  
Ки бардош айлабон тадбир этайлик!  
Ўзинг гул, қабринг ҳам гул узор ўлсин,  
Руҳингга фароғат, тинчлик ёр ўлсин.

## ОБОДОН

Не лузум бўлса гар, бўлди муҳайё,  
Қоришка дейсизми, тахта, мих ва ё...  
Ўткир тиф сақлансин дегандек қинда,  
Улкан арк бўй чўзди мозор ичинда.  
Пешиға берилдики лавҳаи зеб,  
“Мевазор” маҳалла қабристони”, деб.  
Метиндек мустаҳкам йўлкаси мавжуд,  
Икки ён кўкламзор: кўлкаси мавжуд.  
Фарҳоджон қабри хув айвон қошинда,  
Чечаклар қулғ ураг ичу ташинда.  
Буни кўр, фаҳм эт, эй одамизод,  
Шум ажал этгувси ҳар кимни барбод!  
Қани, айт, дунёни забт этган эрлар?  
Дарёга дўнди-ку ҳосилдор ерлар!

Мана, эй Фарходжон, аканг Алишер  
Боши ҳам турибди, босиб қора тер...  
Ёзғириб жонсарак Шерзод аканг ҳам  
Бошига йиқилмиш тоғдай буюк ғам.

### ХОТИМА

Эй қалам соҳиби, оғритма дилни,  
Бад сўздан асрагил тийиқсиз тилни.  
Сийратга яраша дуруст қилиқ кил,  
Дўст тутин, орадан ки ўтмасин кил.  
Жаҳонға келдингми – яхши ном қозон,  
Тўғрилик ишингда бўлсин бир мезон.  
Фарҳодда шу хислат бор эрди, ўртоқ,  
Қарангки, у бу кун бир ҳовуч тупрок!  
Бошимға эврулсин фалак, эй бу кун!  
Орзуси ёзмади палак, эй бу кун!  
Йўқ, ғалат, дедим мен, ўчган шамини  
Яна ўт олдириб егум ғамини!  
У босмас қадамни бир мен босурман,  
Сабрда танҳо-ю, тезликда нурман!

\*\*\*

Яна йўлга термилдим,  
Яна ҳорғин ботди кун.  
Яна камгал меҳмондай  
Кириб келди уйга тун.  
Тонггача қалб оғриди,  
Азоб чекдим Сизни деб!  
Ой дедики: – Ох урма  
У моҳитоб қизни деб...

## **УЗУН ҚИШЛАР ЙҮҚ**

Нима дердим, тилим лол энди,  
Аввалгидек йүқ сенда вафо.  
Бир умрга яхши кол энди,  
Майли, ўйна, майли, қил сафо.  
Айрилиш йүқ, ўлгунча, девдинг,  
Қани ўша ваъдалар, нигор?!  
Йўқса нега... нимага севдинг,  
Нега дилни ўртадинг бекор?  
Севги, ахир, покиза туйғу,  
Унинг учун тўкилган қонлар...  
Чекин гафлат, чекин, эй уйку,  
Ер юзида жўшсин вулконлар!  
Чақмоқ чаксин, бўрон гувласин,  
Дилгинангни қопласин ваҳм.  
Сўнгра эшит муҳаббат сасин  
Ва қилча қил севгига раҳм.  
Наҳот, Ширин ўз Фарходига  
Бевафолик ихтиёр этган.  
Наҳот, Лайли Мажнун додига  
Тушунмасдан уни хор этган?  
Дарҳақиқат, ишқий достонда  
Ўлмай туриб айрилишлар йўқ.  
Кўклам мангу барқарор тунда,  
Биздагидек узун кишлар йўқ.

## **ҲИЖРОН ЮКИ**

Олтин ерда қолмагай, дўстлар!  
Лекин ҳадеб алқаманг уни...  
Мен кўтарган ҳижрон юкини  
У кўтара олмагай, дўстлар!

\*\*\*

Тонг чоғи бир булбул овози,  
Таралмиш түлғона-түлғона.  
Чечак дер: бўлма сен норози,  
Хонишинг ёлғона, ёлғона.

Чучмома, бинафша дардиға  
Бу талқин дармон-а, дармон-а.  
Зорлар бор тарона гардига,  
Уларга бу қандай армон-а?

## ҮЙГОНИШ

Бўлсамки у чоғ ҳали расида,  
Келдим баҳорга мисли қалдирғоч,  
Узала тушган Ерга кўз солиб,

Борликдан гўзал нашъалар олиб,  
Шеърият олди – бўсағасида  
Дедим мен: сим-сим, эшигингни оч!

У не кошона, у не саройки,  
Зимни яралмиш шоир конидан,  
Гишти қайғудан, рангин хислардан...

Боболар солиб кетган излардан  
Кўрдим гумбазда бир хипча ойки,  
Сочма юлдузлар жилмас ёнидан!

Пага булутлар монанди оққуш  
Қаср устидан учеб ўтганда,  
Анҳор бўйидан ялпиз бўйлари

Эсиб туарди... Тўп-тўп болари  
Нафис гуллардан истабон оғуш  
У ҳам яшашни этмасди канда.

Тип-тиник эди ўша кез само,  
Ям-яшил эди ўша кез япроқ.  
Кундай ёйилиб борликқа ишким

Нечундир унга келди қотишгим!  
Үша онданоқ худди Қайнамо  
Севдим сени мен, эй она тупрок!

## ФОРОБИЙ ВАФОТИ

Яқинлашди шомим маним,  
Битди, сұнди кундузим...  
Тоғу тошлар орасида  
Қолиб кетдим бир ўзим.

Энди майли, совук сувлар  
Тошга урсын бошини.  
Булоклар ҳам қадамимга  
Тұксин мүл-күл ёшини.

Дилга таскин бермай күйсін  
Эвох, күм-күк арчалар!  
Зеро бунда кимсасизлик  
Юрагимни парчалар...

## ЯПРОҚ ИСТАГИ

Сув бетида қалқиб борар бир япроқ  
Ортга қайтолмай ҳамон.  
Оңғызилкка йўйма буни, э ўртотқ,  
Дардни билмаслик ёмон.

Япроқ билар: тинчлик бермас сув бети  
Ҳам кўп туганмас “сайри”.  
Ахир унинг яшагувси йўқ эди  
Дараҳт шохидан айри.

## **ЧОРЛАШ**

Ёмгир тинди. Ювилди боғлар,  
Энди шодон ўйнайди сабо.  
Томчиларга тўйган япроқлар  
Чапак чалиб куйлар дилрабо.

Шу асно сен кўргизиб ҳиммат  
Бахш айлагин табиатга зеб,  
Тушун, ёрим, бу дамлар қиммат,  
Кўрк яралди сену мени деб!

Сочларингни кифтингга ташла,  
Майли ўйна, майли хиром эт.  
Бу истигно, бу кўзу кош-ла  
Кўнглимни оч, аклимин ром эт.

Сенга алвон лолаларимдан  
Тикиб бергум хильяти жаннат.  
Ҳижронзада нолаларимдан  
Кўргизайн анвойи санъат.

Гар истасанг ою юлдузни  
Қадамингга тутдек тўкаман.  
Гар истасанг кеча-кундузни  
Кокилингга айлайман каманд.

Фақат кўл бер, кел, мен билан бўл,  
Истиқболинг этайин таъмин  
Бизга илҳақ бийдай дашту чўл,  
Бизга илҳағ шу кутлуғ замин...

## **БИР ЎСИМЛИК ТЎҒРИСИДА**

Юртлар бор...  
Табиати қизик...  
Узала тушган кўл,  
Ботаётган қуёш  
Ҳамон ёдимда.

Сохилдаги ўсимликлар тизза бўйи  
Кўнқайганди...  
Нариоқда бир ўсимлик  
Бўй чўзганди қуёшга...  
Номи мен учун мубҳам эди.  
Бу ўсимлик талпинарди  
Осмонга борлиғи билан...  
Шудрингдек беғубор, кўзгудек мусафро  
Орзуси бор эди бу ўсимликнинг:  
Тоза бўлсам, дер эди,  
Соф бўлсам, дер эди...  
Лекин у унган жой, афуски, ботқоқлик эди.

## ЭДИП ШОҲНИНГ ҚИСМАТИ

### *Шукур Бурҳоновга*

Во дариғо, Фива ичра  
Одам хору хас,  
Бунда меҳр меҳр эмас,  
Бўйлаким заҳм.  
Қайдан келди фиску фужур,  
Қайдан келди наҳс?!  
Ўйлай-ўйлай зимнига ҳеч  
Етолмас фаҳм.  
Сукут сақлар сир билгувчи  
Коҳин Тиресий,  
Ҳақиқатни айтай деса,  
Күядир тили...  
Эй, сен замон Тиресийси,  
Бу кун тилни тий,  
Майли, бу кун хандон урсин  
Лайнинг қотили!  
Толе унга сафо бермиш  
Тахту тож билан,  
Бироқ яшар эр бўлиб ўз  
Волидасига!

Пайт келар у дилда алам,  
Кўзда ёш билан  
Кулок тутар Тиресийнинг  
Заиф сасига.  
Тиресий – кўр, vale ориф  
Сендан-да, Эдип.  
Ўз отасин ўлдирмаган  
Очик кўз билан.  
Мана энди кўзингни ўй,  
Надомат этиб,  
Мана энди зулмат ичра  
Гадодек тилан!  
Кимки ноҳақ зулм этса  
Тушар шу ҳолга.  
Аввалда шод юрган эса  
Тонг-ла тўкар ёш...  
Етишдим, деб ўйлаганда  
Бахту икболга,  
Унинг тож деб ўйлагани  
Бўлиб чиқар тош.

## ШЕКСПИРНИ ЎҚИБ

### I

Тип-тиник, фируза фалакка  
Садафдек терилган юлдуз  
Ҳар ёнга узатар ҳовуч-ҳовуч нур.

Нурларки, қиличдек ҳавони кесар,  
Бесар...

Дарчадан кўринган малакка  
Қуйида бир мажнун ёлгиз  
Кўзидан ёш эмас, алвон тўқадур.

Мажнунки, саргашта хаёллари бор,  
Фалакка ҳилолваш саволлари бор.

Гулни-да кўшмадинг чечакка,  
Нечун бу талхом манглай?  
Ромео хун бўлди, Жульетта сўлғин,

Сўлғинки, яшашни этмас ихтиёр  
Беёр.

Кўшма: бас, чечакни печакка,  
Нима бу? Тушунтир, англай...  
Кажрафтор, намунча бўлмасанг юлгун:

Тобакай икки ёш тортади ёху!  
Намунча уларга берасан оғу?

## II

Коронгу кўчада қабрдан чиқиб,  
Қаёққа йўл олар мурда?  
Баъзан ҳар эшикка бошини тикиб,  
Қарар ким пастда, ким тўрда!  
Бари бир йўлда у ғовларни йиқиб,  
Тўхтамас лоақал бир ерда.  
Нимага қўзғалди... Ҳолбуки биқиб  
Ётса ҳам бўларди гўрда.  
Йўқ! Унинг оташин қалбини сиқиб  
Лаҳаддан қўзгатган зарда  
Ё қасос! Қотилга жаноза ўқиб  
Қайтади, қайтса агарда...

## ДАРЁ БИЛАН СУҲБАТ

*Акам Аслон Қосимовга*

- Нега тугён урасан, дарё?
- Салтанатим – қўшиқсиз бекор.
- Емирасан қирғоқни нега?
- Менга, ахир, ушбу олам тор!
- Нега мунча ғувиллар шамол?

– Мен у билан бир тану бир жон.  
Қүшиғини шундай куйларки,  
Юрагимга солар ҳаяжон.  
– Ўзинг қандай куйлай оласан  
Эркка доир, кенглилкка доир...  
– Куйчи бўлиш ғоятда қийин,  
Мен-ку фақат дарёман, шоир.

### АТАЛА

(Ҳажсев)

Таом ахли сухбат қурди уруш битгач,  
Ўз юртига босқинчилар жўнаб кетгач.  
Раис қилиб тайнинланди, Палов тўрда,  
Ёнверида Шавла, Манти, Кабоб, Хўрда...  
Пойгаҳда-чи, Ёвғон шўрва ва Атала,  
Кўринишдан иккиси ҳам хом-хатала...  
Шу аснода ўртоқ Палов қўзғалди-да,  
Масалани равшан қилди эл олдида:  
– Азиз дўстлар! Бизларда ҳам йўқмас тамиз,  
Юртдошларни тўйдирмоқлик вазифамиз.  
Мана мени арзиди ҳалқ Палов деса:  
Курсоги тўқ кимки мени тўйиб еса.  
Мен бор жойда бошқа таом сифати ҳеч,  
Мен бор жойда очикиш йўқ эртаю кеч.  
Палов нутқи тамом бўлгач, Шавла деди:  
– Кучим Палов қувватидан каммас эди...  
Ошпаз сувни менга кўпроқ солиб қўйди.  
Ковлай-ковлай ихтиёrim олиб қўйди.  
Шу ҳолда ҳам мен Паловдан қолишмайман,  
Бахс фойдасиз. У каттакон. Олишмайман.  
Шавла гапни адo этгач, Манти деди:  
– Инқилобдан олдин мени бойлар еди!  
Атала нақ шу маҳалда қовоқ үйди,  
Қўл кўтариб Манти сўзин кесиб қўйди:  
– Мулла Манти, гапни сизга ким қўйибди?  
Сизни ўзи қайси жангчи еб тўйибди.

Гапларингиз туриб-туриб айлар нашъа,  
Мен бу ерга келдим, ахир, жанглар оша.  
Уруш пайти аскарларга мадад бердим,  
Очиқканлар хўриллатиб шукр, дерди.  
Ҳаммангизнинг сўзларингиз ҳайратомуз,  
Қани айтинг, жанг кунлари қайдайдингиз?!  
Аталанинг сўзин олиб инобатга,  
Қулоқ солиб бу ҳасратли арзи додга  
Ҳайъат аҳли қарор қилди шу равища:  
– Палов, Манти ҳамда Шавла оғир ишда  
Қаҳрамонлик кўрсатганин жумла билсин.  
Улар олий нишон ила тақдирлансин,  
Аталага миннатдорлик билдирилсин!

### **БАХТИЁР МАН-МАН**

Лутфингдан, азизим, ўзгалар хуррам,  
Васлингдан бенасиб дилафгор ман-ман!  
Мұхаббат даштида кўзлари пурнам,  
Тилларга олинмас сарбадор ман-ман!  
Вафосиз дегайлар сўзингдан қайтсанг,  
Синаб кўр, аҳдида барқарор ман-ман!  
Севгимни сир тутмай ҳар кимга айтсанг,  
Элу юрт наздида шармисор ман-ман!  
Садоқат боғида гулузор эрсанг,  
Тегрангда яшнаган чаманзор ман-ман!  
Нигорим, бир куни кўнглингни берсанг,  
Ўша кун жаҳонда баҳтиёр ман-ман!

### **СЕВГИНГНИ АЙТ**

Дараҳтларнинг сарғиши баргиди  
Субҳи шудринг доналар тиғиз.  
Ранги ўчган дарча олдида  
Ўқтин-ўқтин оҳ урап бир қиз.

Ёлғизлиқдан жунжикма, эй жон,  
Хувиллама, латофатли боғ.  
Бу тахқирми: қүёшли осмон  
Қиз ҳолига кулар дардли чоғ!

Шамолликни ахтаради ел,  
Арғимчоқ ҳам тебранар маъюс...  
Кел, йигитча, қиз ёнига кел,  
Севгингни айт, гаплаш юзма-юз.

## МАНМАНЛИК

Кўпдан бери бир-бирини кўролмаган,  
Шарҳи ахвол сўролмаган –  
Дўстлар стол теграсида давра қуриб,  
Ҳазил-мазах қилишарди қаҳ-қаҳ уриб.  
Ҳаммаси ҳам мамнун эди, лекин бири  
Мавжуд каби дилда кири  
Борган сари ўзига кўп бино кўйиб,  
Жуда ғамгин ўлтиарди қовок уйиб.  
Замонадан, хушрўйлардан сўзламасди,  
Бу даврани кўзламасди.  
Хаёллари олисларга кетган эди...  
Улфатлардан бири унга: – Дўстим, – деди, –  
Нима, чала қолганми ё уйқу – хобинг?  
Ё бўлмаса йўқми тобинг?

\* \* \* \* \*

Йўқса нечун аланглайсан худди кардек,  
Ёзилсанг-чи сен ҳам мундоқ одамлардек!  
У-чи, фақат тахқирнамо илжаярди,  
Юрагига замон дарди  
Жо бўлгандек ўқтин-ўқтин ох урарди:  
“Фикрдош дўст йўқлигидин қайғурарди!”

## **ТОҒДА**

Мен – бўронман, хислатим  
Ҳаммага аён.  
Бир лоқайдлик кўраман  
Бош урмай қаён.  
Фақат тогу тошларда  
Топаман қўним.  
Хилватнишин жарликлар  
Мен учун сўлим.  
Бунда бирам обиравон  
Одимлар сувлар,  
Долғаларни долғалар  
Иргитар, кувлар.  
Бунда кезар сабзалар,  
Ялпизлар иси,  
Бунда обдон ясанган  
Табиат қизи.  
Бунда чалар күшчалар  
Савти-наволар,  
Бунда қанот ёзади  
Эркин ҳаволар...  
Салом сенга, табиат,  
Салом, она-Ер.  
Келдим сенинг бағрингга,  
Кел, қўлингни бер!

## **СОҲИЛ БЎЙИДА** *(Қўшиқ)*

Қўлимда ёр берган марварид шода,  
Қирғоқда турибман, кўнгилда ёлқин...  
Чарх урма бир нафас, эй сен, шаббода,  
Чайқалма сен ҳам, эй мастона тўлқин!

Мен қўшиқ айтганда чечаклар кулар,  
Қуёш ҳам қўйнидан тўкар инжулар!

Ям-яшил япроқлар оралиғидан  
Сабзалар бағрига инганда ёғду,  
Булоқлар түхтайди йиғи-сигидан,  
Борликни сехрлар қандайдир жоду.

Ёғдулар инганда күхликдир чаман,  
Охулар күнглімга ташлайди каманд!

Тогу тош қүшиқдан кетади ийиб,  
Дараҳтлар дам-бадам тугади самар.  
Водийлар бекасам түнини кийиб,  
Дарёдан белига боғлайди камар.

Товланған сувми бу ё товус пати,  
Күнгил дер: бу балки қүшиқ құдрати?!

Мовий сув шовқинсиз оқар охиста,  
Шу қадар тиниқкі бамисли шиша.  
Эй дил, хоҳ истама, хоҳи сен иста,  
Майлингга ҳамиша адолат пеша!

Құзғол, сув тубига чүккан, эй ният,  
Бу жунбиш зимнида күпдир хосият.

## ЧИЛИ ШОИРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

### I

Мен олдинда, шеърим орқада,  
Иккимизда энди турфа ҳол.  
У чақирап: “Дадажон, дада,  
Одимлашга йўқ менда мажол...  
Мухаррирнинг ёпиқ тортмаси  
Монанддир Пиночет ҷоҳига...  
Эшитилмас ёруғлик саси,  
Наҳот, ҳеч ким етмас оҳимга?”

– Сени чохга ташлаган мэнмас,  
У!!! Назмдан бехабар киши.  
Энди сенга бу дунё кенгмас,  
Хам ёғмагай Чили олқиши.  
Бехудадир юпатишлар ҳам,  
Күксингга-да тегмагай шамол.  
Жоҳил зотлар топганда барҳам  
Кенгликларда очурсан жамол.

## II

Бир күшча учишга шайланар,  
Ошиён ичидә айланар,  
Чор ёқда нажот йўқ: чиркирар...  
У мурғак. Майлига, эскирар.  
Парвозга ҳали вақт – ойлар бор,  
Хозирча кенг дунё унга тор...  
Учишга,  
Худудсиз фазони кучишга  
Менда ҳам оламгир қанот бор.  
Ёшмасман...  
Бундан-ку кўнгил тўқ,  
Ва лекин, биродар, парвоз йўқ!

## ОДДИЙ ФАЛСАФА

*M.M.га*

Тўлин ой –  
Булутлар зехидан мўралар  
Серҳадик, юраксиз;  
Бамисоли янги ой –  
Қайчидаги олинган тирноқдай кераксиз  
Нурини бир текис тўколмас,  
Шу нурсиз ҳовлига, чорбокқа.  
Тўлин ой – ой эмас,  
Олинган тирнок бу!  
Хув, сомон йўли ҳам  
Йўл эмас, ирмок у!

Бир пайтлар шу “тирнок” зеб берган  
Қайси бир нозанин бармокқа.  
Кейинча  
Оқиста-оқиста сурилиб борган  
Ҳилолдек булатлар қатига  
Урилиб борган,  
Эзилган...  
Кейинча  
Меъёрдан ошгани учун  
Кесилган...

### **УСТОМОН МУНАҚҚИД** *(Хажсия)*

Ана у турибди күча бетида,  
Ёнида дўстлари гирдикапалак.  
Тахминдан холимас, шаҳар четида  
Балки унга муштоқ нозли бир “малак”.

Даврон ул мунаккид “даврони” эрур,  
Шубҳа йўқ; ундандир бу “шавкат”, бу рух.  
Карвон одимлайди, лекин ит хурур,  
Дер уни четласа бошқа бир гурух!

Илмий иш дейсизми ёхуд рисола,  
Унинг номи билан этилур зикр.  
Қонундан кучлироқ, ақлу хуш вола, –  
Муazzам йигинда у айтган фикр!

Ким унинг сафига кирмаса тамом, –  
Мосуво қилингай мавқе, нашрдан.  
Этиш-чун шоирни бир йўла бадном,  
Шеърига номашру тус берар бирдан!

Унинг ўз шоири адиллари бор,  
Аскатса, бари ҳам топур химоят.  
Бу майдон кимга кенг, кимга эса тор –  
Эмаским, “Муштум”га килгум шикоят!

## **ТАНБУРИМ**

*Авлодлар яралур ўйлашларимдан...*

*A.C.*

Танбурим, мунисми, танбурим дўстми,  
Нимага қўлимдан тушмайди?  
Танбурим ожизми, танбурим сустми,  
Навоси баландроқ учмайди?

Ҳакки рост, овоздор олгирроқ шовқуналар  
Учишга тўсқинлик қиласадир.  
Ҳакки рост, ҳамиша учагон бад унлар,  
Дилрабо куйларга йўқ қадр.

Карнаю ноғора садоси  
Танбурим овозин кесган.  
Қулоққа чалинмас адоси,  
Бормикан савтини сезган?!

Танбурим, нолима, сун бўйин,  
Ўзингсан ғамгузор хилватда.  
Чалайлик “Муножот”, “Роз” куйин,  
Эшигтан эшигтар, албатта.

## **ҚАЙТИШ**

*A.X.za*

Ёмондан доғ колур, яхшилардан бог,  
Бу мақол ўзбекнинг қадим ўгити.  
Биз Сизнинг даргоҳга келиб етган чоғ,  
Шу ҳақда гапирди Кенгаш йигити:

“Бу одам савдонинг пири муршиди,  
Эл учун тунлари мижжа қоқмайди.  
Шахрихон тигидан ўткирроқ диди,  
Билар не ёқару нима ёқмайди”.

Ёркин чехрангизни биз күрган заҳот  
Ташналик билдирик сўзларингизга.  
Хушфөъллик шунчалик бўлурми, наҳот,  
Термулдик донишманд кўзларингизга.

Сўз билан ишингиз бир экан, билдик,  
Айландик бирма-бир шаҳар-қишлоқни.  
Илгари бу ерлар кир экан, билдик,  
Халқ обод этибди ўнгир, тошлокни.

Кўчалар озода, расталар кўхлик,  
Универмаг, дўконлар кўзни олади.  
Биноси ажойиб, сахни шукуҳлик,  
Фаввора кўнгилга сурур солади.

Эмишки, илғорга автолар текин,  
Ақчали нарсалар ётур тахланиб.  
Харидор бўлайин дедиму лекин  
Молпараст бўлишдан турдим сақланиб.

Андиша нимадир? – дер, ички овоз,  
Рўзғор бу –ғор эрур ўз номи билан...  
Дўстларим кўп нарса олдилар, бу рост,  
Лек шоир қайтади илҳоми билан!

## РИВОЯТ

*Абдували Даҳакўзиевга*

Отини ўйнатиб борадир  
Сайёдим алвона-алвона.  
Ям-яшил ўрмонга шу кезда  
Қиласадир жавлона-жавлона.

Туёқлар остида майсалар  
Эзилар яқдона-яқдона.  
Қуёшнинг зарнигор нурлари  
Замин-чун парвона-парвона.

Тинмагай қушларнинг сайроги,  
Айкирар тарлона-тарлона.  
Панжаси остида қаркунок  
Дегай: – Йўқ дармона-дармона!

Сайёдим буларга парвосиз  
Қўлида сорбургут, мастана-мастана –  
Ов қилиш қасдида боқади  
Бу рангин бўстона-бўстона.

Олисда бир нукта кўрди сор,  
Сўнг кутди фармона-фармона...  
Лек овчи ўлжадан бехабар –  
Не ҳолким, армона-армона!

Ул ўлжа бутазор ичинда  
Бўлди-ку ғойибу пинҳона-пинҳона.  
Сорбургут кўзидан йўқолди  
Бу белги нишона-нишона.

Нихоят бўшатди сайёдим  
Бургутни осмона-осмона.  
Кетидан каради сайёдим  
Завқ ила дўстона-дўстона.

Сорбургут излади ўлжани  
Кўзлари гирёна-гирёна.  
Кўкда ҳам, ерда ҳам ул йўқ-ку,  
Кетдими бир ёна, бир ёна?

Сорбургут учганди шашт билан,  
Қуп-қуруқ қайтишни ор билди!  
Орқага қайтди-да тўсатдан  
Сохиби-сайёдга отилди!

Шўрлик, нўноқ овчининг тани  
Парча-парча бўлиб ётарди.  
Қувлик қани, эпчиллик қани?  
Қани мўлжал, қани ов дарди?..

Бургут эса токқа йўл олди,  
Ошиёни – чамани сари.  
Тубсиз горга кириб йўколди  
Одамзоддан бўлиб у нари.

### ЖУМБОҚ (Ўтмиишдан)

*Пирмат Шермуҳамедовга*

Нимага хон зор йиглайди тупрокни кучиб,  
Қалбида нечук мотам куйи?  
Нарироқда кирқ йигити отидан тушиб,  
Солиб турар бошини куйи.

Хув, олисда тоғу тошлар гердайиб ётар,  
Бу мотамдан фараҳбахш бўлиб.  
Туман янглиғ тарқалса-да тилсиз хавф-хатар  
Вале борур паймона тўлиб...

Тоғу тошлар ён бағрида бор эди харсанг,  
Тепасидан томчи томарди.  
Гар кимда-ким ташна бўлса лаб чўзиб, қаранг,  
Ич-ичини ўтда ёқарди...

Хон шикордан қайтар эди, ташна лаб бенам,  
Қабатида кирқ йигити, қўлида сори.  
Шу томчини илгади-да, тўхтади у ҳам  
Сув ичмоқлик илинжида нияти – бори.

Дабдурустдан буюрди хон: – Тўлғаз кўзани!  
Таъзим бажо айлади дастёр.

Томчи қурғур имиллайди, түлса-чи қани,  
Наҳотки ул англамаса, хон ташнаи зор!

Ажаб ҳолким, күзага сув түлай деганда  
Хон буругути қокди қанотин.  
Гир айланиб учишини қилмайин канда  
Сурди андак ҳәётнинг тотин.

Кейин... бургут хон ичмоқчи бўлган кўзани  
Иттифоқо тўкиб юборди!  
Дастёр деди: – Хит қилмаса бунча одамни! –  
Куш кавмини сўкиб юборди...

Хон дарғазаб, ўз кушини қўлга кўндириб,  
Калласини узиб ташлади!  
Сўнгра деди: – Адо бўлди сор берган фириб, –  
Фармонини қайта бошлади:

– Томчига тут кўзачани, имиллама, бўл! –  
Дастёр яна бўлди хизматда.  
Мунча оғир, мاشаққатга мунча бисёр чўл,  
Бор экан-да ахир қисматда!

Охир, хонга узатилди кўзачада сув,  
У ичмоқчи эди ногаҳон:  
Содик вазир кўз ёшини тўкибон дув-дув,  
Деди: – Ичманг, аълоҳазрат хон...

Бул сувни биз аввал итга пешкаш тортайлик,  
Тўйиб иссин, агар ўлмаса...  
Унда ичинг! Йўқса тоққа биз ҳам йўртайлик  
Кўрайлик-чи... паймон тўлмаса...

Хон вазирга маъқул дея итни чорлатди,  
У жон берди ичган заҳоти.  
Бу манзара хон кўзини қўққис порлатди,  
Ёргу бўлди нурсиз ҳаёти!

Тоғу тошга чиқди вазир, ягрини – ёзиқ  
Бу жумбокни билиш қасдида:  
Илон захрин томчилатиб тураркан, қизик,  
Товланганча харсанг устида!

Ва лекин хон зор йиғлайди тупрокни кучиб  
Қалбида ҳануз мотам куйи.  
Нарирокда қирқ йигити отидан тушиб  
Солиб турар бошини куйи.

## ПАРВОЗ

Мен уни ўйласам  
Чароғон бўлади оламим.  
Мен уни ўйласам  
Қора қон бўлади оламим.  
Нечун шўх кунларни хотирга олмоқ?  
На даркор, юракка талхвор ниш уриш?  
У ахир, фаришта ҳам момақаймоқ,  
Йўқ, унинг қошида беролмам туриш.  
Қош қоқиб бир имо қилсами –  
Бузилур аҳдиллар аҳди!  
Товусдай ўрнидан жилсами –  
Қўзғалур кексалар шаҳди!  
Гоҳида назарга илиши,  
Ситами, навозиш қилиши,  
Ёқимли овози –  
Бари бу  
Шоирнинг шукуҳли парвози.

## ЭЙ, ҚОРА КЎЗИМ-КЎЗИМ

Ушбу жаҳон ичинда  
Овора ўзим-ўзим.  
Отилиб ердан чиққан  
Фаввора ўзим-ўзим.

Жумла сайёра нурсиз,  
Сайёра ўзим-ўзим.  
Керакмас менга ТУлар,  
Тайёра ўзим-ўзим.  
Ғам ема, бүтам, асло  
Эй, кора кўзим-кўзим,  
Эл олдида ҳамиша  
Ёп-ёруғ юзим-юзим.  
Айюб янглиғ сербардош,  
Талабгор ўзим-ўзим:  
Ўткир эрур киличдек  
Ҳар сўзим, сўзим-сўзим.  
Имоним берди оқлик,  
Матлубим – тўзим-тўзим.  
Ушбу жаҳон ичинда  
Овора ўзим-ўзим.

### АНХОР БҮЙИДА (*Борис Пакдан*)

Гулзордан гул ўздим – гулдаста бўлди,  
Ёр, сенга кўз тутдим, паймона тўлди.  
Севги маскан тутди қалбимда мангу  
Жавоб бер, қайдасан? Бедараксан-ку?

Мен анхор бўйида, сув узра хилол  
Осилиб турибди зирангинг мисол.  
Қўлларим бўшашди – гул оқиб кетди;  
Оки ҳам, кўки ҳам улоқиб кетди...

## **РЕПИН СУРАТИГА НАЗАРАН** *(Борис Пакдан)*

Жиддий сийрат. Оғир манзара.  
Оқмоқда тер маъюс юзлардан.  
Қуллар борар, елкалар яра,  
Ҳаёт нури ўчган кўзлардан.

Куйлардилар “Чиноргина”ни  
Сокит айлаб аҳд ва гинани.  
Хордиқ олмай кетардилар зил,  
Йироқ эди бешукуҳ манзил.

Бу бурлаклар қандайдир куч-ла  
Чўнг кемани тутган баридан.  
Худди тўпори Россияни  
Тортмоқчидаи дўзах қаъридан!

### **САБОҚ**

Боққа кирдик. Ҳамма ёқ сокит,  
Имилларди боғбон уйида.  
Ётар эди мудраб қари ит  
Айвон олди, ариқ бўйида.

Бизни лоқайд қаршилади у;  
На ув тортди ва на қўзгалди.  
Боғбон чиқди лабида кулгу,  
Келинг, дея кўрпача солди.

Разм солдим у ён-бу ёнга,  
Дам ўтиридим, дам яна турдим.  
Ногоҳ қўзим тушиб долонга,  
Устундаги милтиқни кўрдим.

Қўлга олсан бир эски милтиқ,  
Қазо қилган экан эгаси.

Ит негадир бўлди-да интиқ  
Эшитилди ириллаш саси!

Дам ўтмайин ўрнидан турди!  
Вовуллади исказ ер бетин.  
Эшик сари елиб-югурди,  
Топгандайин бўлиб эгасин!

Тўқ ит овга ярамас деган  
Ақидалар эскирди бу пайт...  
Овчи бўлса кифоя экан,  
Ит ҳаётга боқмаскан лоқайд!

### **ҲАЛИ ШУНДАЙМИ?**

Кўз тутдим, кутдим, ёр, ҳали шундайми?  
Ахду вафо, нигор, ҳали шундайми?  
Кўзимдан юлдузлар сочилди, кутдим  
Кечалари бедор, ҳали шундайми?

Тонг сахар шаббода келтирди хабар:  
Ўзга билан дилдор! – ҳали шундайми?  
Ҳижрон қиши бирла токай ранжурман,  
Эй, ям-яшил баҳор, ҳали шундайми?

Дилгир кезларингда меҳр кўргуздим,  
Наҳот, бари бекор, ҳали шундайми?  
Асқарга деб этинг висол онида:  
– Сиздан кечмам зинҳор! – ҳали шундайми?

### **КЕЧКИ МАНЗАРА**

Борликқа хукмрон қоронғи кеча,  
Худди жин қўзицек йилтиллар чирок.  
Табиат бардошни айлабон пеша,  
Демишки, ер қаттиқ, кўк эса йироқ!

Шамол ер бағирлаб учадир ғиз-ғиз  
Эхтимол, эмасдир бу жазм бежиз!

Күзғалған шамолға қилғандай нола,  
Хазонваш япроқлар пидираб бокмиш,  
Ногаҳон шигалаб күйилған жола,  
Тарновдан шидираб, жилдираб оқмиш!

Қолғандай бегавғо йиғинда ёлғиз,  
Турибман сертомчи ёғинда ёлғиз!

Күз очиб юмгунча әгним бўлди ҳўл!  
Шундок ҳўл бўлди, бағрим бутунмас...  
Ҳасад қил, сен менга эй, ташнаи чўл,  
Мен сувга қоняпман, оҳим тугунмас.

Лекин тун ваҳмидан гар очсан оғиз  
Шамол сеҳргару, булут – ялмогиз!

## УЗИЛИШ

*Наби Фаниев хотирасига*

Мушт қисиб турибман поёнсиз йўлда  
Оҳ ила бузолмай нилигун шипни...  
Бир учи бўстонда, бир учи чўлда,  
Ким боғлай оларкин узилган ипни?

Шу савол қаршимда осиғлик турар,  
Теварак гирдимдан жавоб топилмас.  
Ҳаёт-ку мудавом тепкисин ураг,  
Лек азиз онларни онгсизлар билмас!

Шоирман, танобчи эмасман, дўстлар,  
Ишим ҳақ-ноҳақни борича битиш!  
Бу, демак назмгўй узоқни кўзлар,  
Бу, демак Ватанни, Одамни суйиш!

Холбуки, узилган ипни кўрдим мен...  
Бор экан мозийда риштанинг учи.  
Бу ришта қиммати жаҳонларга тенг  
Ҳам унда жамулжам халқимнинг кучи.

Ана шу риштада “Тохиру Зухра”,  
“Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Ўтган кунлар” бор.  
Ҳайхот, бу кандогам риштаи муҳра,  
Зимнида беадоғ нафис мунглар бор.

Мушт қисиб турибман поёнсиз йўлда,  
Ох ила бузолмай нилигун шипни...  
Бир учи бўстонда, бир учи йўлда  
Ким боғлай оларкан узилган ипни?!

### АЙИГИМ (Кичкинтойлар учун)

Айигим бор қўнғир тус,  
Алпон-талпон юради.  
Дараҳтларни оралаб  
Баъзан ҳидлаб кўради.

Қайда кавак бор бўлса  
Титкилади, қўймайди.  
Очофатдай ёпишиб  
Асал ейди, тўймайди.

Боларилар таласа,  
Ишга солар панжасин.  
Ерга ётиб, думалаб  
Ўлдиради анчасин.

Ҳай-ҳайлайман шунда мен,  
Чакирганча ёнимга.  
Боларига тегма, деб  
Шерик қилгум нонимга.

## **БАХОР** *(Коста Хетагуровдан)*

Қор эриди... Чор-атроф  
Қулф урди сокин-сокин...  
Кўклам ўр-кир устига  
Ташлади зумрад хокин.  
Палак отди экинзор,  
Шагалади сой жарда.  
Япроқ ёзди куртаклар,  
Ложувард дараҳтларда.  
Ана, олтин капалак...  
Бир бола тутмиш уни:  
Баҳорга у меҳмон-ку,  
Қайтариб бер эркини!

\*\*\*

Таажжубга солар мени:  
Она-Ернинг ларzonлиги;  
Ўқтин-ўқтин силкиниши,  
Қайта бошдан маъволаниши.

Таажжубга солар мени:  
Сув ва ўтнинг арzonлиги,  
Қиммати йўқ пуфакларнинг  
Юкорида ҳаволаниши!..

## **УРГАНЧ МИНОРАСИ**

Осмонимга устун эрур Кўхна Урганч минораси,  
Ҳанузгача қилт этмасу бироқ хиёл оғмоқчидаётай.  
Назаримда маҳобати, кирпичланган канораси  
Уст-бошимга, дасбдурустдан қор-ёмғирдай ёғмоқчидаётай.

Уйготадир бу салобат мудраётган жаҳонимни,  
Уйготадир виждонимни, имонимни, бурчимни-да.  
Уйготадир мавжудотни: аёнимни, ниҳонимни,  
Уйготадир янтоқ тугул, туронғилу гужумни-да.

Наҳот бисёр ақломуз мўъжизалар бу дунёда?  
Наҳот минор адил эрур Жалолиддин қадди янглиғ.  
Ёқа ушлаб ҳайратланур унга отлик ҳам пиёда  
Наҳот метин бу иншоот Искандарнинг садди янглиғ.

Ҳувиллайди атрофида мозористон, мақбаралар  
Ғиншийди ит аллақандай дўнг қабрнинг ёқасида.  
Теваракка кун нуридай самовий бир куй таралар,  
Қолмасин деб ёритгичлар қора булут орқасида!

\*\*\*

...za

Осмон бирам мусаффоки,  
Сингиб кетиш – матлаб эрур.  
Сени маҳкам қучай токи  
Давом этсин оний хузур.

Муаттар ҳид баҳш этгувси  
Гулларингдан узавергум.  
Пайкалингда бўлиб сувчи,  
Балиқ янглиғ сузавергум.

Ҳаёт ширин лаълинг билан,  
Қараб турма, ўзинг ҳам ўп.  
Кўтартмагин бошни баланд,  
Бўйсунишинг қандоғам хўп!

### ҲАР КЕЧА...

Ҳар кеча шаҳримиз нурафшон,  
Олисдан нақ алвон гулзорга ўхшайди.  
Тўкилар бу ёғду ҳар замон  
Баъзида совуқда қолгандай қақшайди.

Ям-яшил хиёбон олдиdan  
Үтади муттасил трамвай, автолар.  
Шовқинлар кишининг ёдидан  
Чиқар-да, зеҳнни дам-бадам нур олар!

Кундузи мирикиб дам олган  
Кечаси қатнайди қадрдон ишига.  
Риёзат машқини кам олган  
Умидсиз боқади курашчан кишига.

**БАЛИҚ ОВИ**  
*(Masal)*

Балиқ овлаш максадида Карим найчи  
Борди бир кун денгиз сари.  
“Кирғоқ томон балиқларни чақирай-чи,  
Нечун улар мендан нари?” –

Дея найин чала кетди күлга олиб;  
Куйга борлик жимирлади,  
Аммо балиқ миқ этмади! Ҳориб-толиб  
Карим найчи шивирлади:

“Балиқчалар ўйнамаса куйимга гар  
Тўр ташлайман “ё, Нуҳ!” дебон!” –  
Паст-баландга қуёш бирдек сочарди зар,  
Ҳансираради дашту ёбон...

Шундай килиб, Карим найчи тўр ташлади,  
Балиқчалар тушди кўлга.  
Улар энди алламбало “ракс” бошлади,  
Қарамасдан ўнгу сўлга.

Карим найчи хуноб бўлди буни кўриб:  
“Бас қилинглар жилпанглашни!  
Худа-бехуд на қилғайсиз чаппар уриб,  
Тек туриңг-да, эгинг бошни!

Авваламбор ҳали замон най куйимга  
Үйнамасдан жим турдингиз!  
Энди сизни олиб кетгум ўз уйимга,  
Қилмоқ учун тушлик – жиз-биз!..”

Үйнамаса ким машшоқнинг найига  
Шум ният-ла тушадилар пайига!

## ЙҮЛ-ЙҮРИҚ

Ўрмон аро тинг-тинг этиб борар Куёнвой,  
Кувончига осмон йирок, ер эса заранг.  
Тўрвасида уч-тўрт шампан, конъяқ, куруқ чой,  
Яна яхна сон гўшти ҳар бор эди, қаранг.

Нечун мунча серхаражат деманг Куённи,  
Бу кеч унинг таваллуди – кирап элликка.  
Дўсту ёрон тайёрлашган нутқий баённи,  
Гул бермоқлик тайинланган хипча белликка.

Кириб келди, мана, Куён яшил уйига,  
Қарасаки, тўрда Арслон, Бўри, Тулкилар.  
Кўрпачалар солинганди эни бўйига,  
Тингланарди ғовур-ғувур, ярим кулгилар,

“Айбдор”га кўзи тушиб шунда Арслоннинг  
Ў! – деди-ю, тинчлантирди йиғин ахлини:  
– Тўрвадагин дастурхонга қўйинг...  
– Хўш, денг, –  
Мулла Тулки эсга солди, кўринг ақлини:

– Бу кеч сенинг таваллудинг экан, Куёнжон,  
Узок яша, ғам-ғуссадан мудом бўл фориғ!  
Қани энди қадаҳларга қўйинг баимкон,  
Тун қанчалик қора бўлса, кун шунча ёруғ! –

Ичишдилар, ейишдилар. Хаш-паш дегунча  
Дастурхонда ноз-неъматдан қолмади асар.  
Хурмат, одоб сакладилар Арслон егунча,  
Ташландилар сарқитига кейин сар-басар.

Тўймадилар – карнай эди иштаҳалари;  
Ўз дўстлари – Куёнвойни еб қўйдилар сўнг:  
Алламаҳал кайф қурғур тарқагач, бари  
Ачинганча аза очиб кўтардилар мўнг.

Ўтган ишга салавот деб силтадилар кўл,  
Лекин иззат кўрсатдилар Куёнга дарров.  
Бир некролог ёздилар-да, сўнг қўйдилар қўл;  
Арслон Шеров, Бўри Зўров, Тулки Олғиров.

Шу пайт денг Тулки яна ишлатди ақлин:  
– Куёнвойни ўрмон билар, имзосиз – бизсиз.  
Юритайлик бу хусусда донолар нақлин,  
То Куён бу оламдан кетмасин изсиз.

Мактovларга тўла бўлсин таъзиянома,  
Хусусан денг “Куён – ботир”, “Куён – жонпарвар”.  
Сифатлангиз – кўл бўладир тома ва тома,  
Тўтикуш ҳам бўла қолсин бу ишда сарвар.

Ҳаммангизга маъқул гап шу – феълни тутиб кенг,  
Охирида “Бир группа ўртоқлари” денг!

### ТИНЧЛИК БЎЛСА БАС...

Юксакда, ундан-да авжлансанг сал нари  
Ер сатхи кўринар ғоят кенг.  
Ўлкалар ранго-ранг харита сингари,  
Денгизлар япалоқ тошга тенг.  
Шу онда жонланар кўнгилда бир тилак,  
Орзуки бекиёс, муқаддас:  
Заминни яшнатмоқ ишқида бу юрак!  
Улуғ Ер тинч-омон бўлса бас!

## ИССИҚҮЛ МАНЗАРАСИ

Түрт ёғи тоғ, ўртаси күл,  
Нашвати боғ-роғлари мүл,  
Ёмғирдан ер, барглари хүл.  
Сув сепгандай топ-тоза йүл –  
Икки чети дарахт саф-саф.

Кўли синган шиша – чил-чил,  
Товланади ажиг хил-хил.  
Балиғи ва куши мил-мил,  
Қирғоғида шифобаҳш гил  
Оёқларга тегар чап-чап.

Не мўъжиза, қандоғам сир,  
Чўкиб ётар тепалик, қир!  
Шабадаси эсар фир-фир.  
Ўрмонини айлансанг бир  
Оёғингга кийиб шап-шап.

Паст-текислик ёқаси чок,  
Гиёхлари нақ садди пок.  
Қарағату ёввойи нок  
Бўлиб ётар бамисли хок,  
Юксакликдан тушиб тап-тап!

Қир чечаги очилган тар,  
Бир ёқда ўр, бир ёқда жар,  
Харсанглари соқов ё кар...  
Истироҳат истасанг гар  
Хар нарсадан излама наф.

Тоғларининг чўккиси кор,  
Куёш унга қилмайди кор.  
Балки кучли зиёга зор,  
Балки беҳад армони бор,  
Мунча мискин, мунча камгап?..

Шамол унда тортади ху  
Тутиб бизга гулдан мушкбўй.  
Сайр этади неча гулрў,  
Роҳатижон Иссиқкўл бу,  
Чарчогингни айлагай даф.

## КУТИШ

Бир орзуда ёнар бояқиш,  
Келармикин, дейди нигоро.  
Кутишдаги нотинч орзиқиш  
Оразига беради оро.  
Тўлқин урган қоп-қора сочи  
Елкасида енгил ёзилар.  
Тилга келмай юрак тилмоchi,  
Қафасдаги күшдек эзилар.  
Гўзалликка мафтун нигохи  
Севгисини айлайди баён.  
Кўкрак кериб чиқазган охи  
Такрорланар ахён ва ахён.  
Умидини йўқотмай сира,  
Севгилисин кутади ҳамон.  
Ой кўринди ва лекин хира,  
Шаҳло кўзи ёшлангансимон.

## ОТГАН ТОШИНГ...

...*га*

Отган тошиинг “шалоп” этиб ҳовузга  
Тўлқинсимон доиралар ясади, –  
Бамисоли карашмалар қош-кўзида  
Ишва қилиб юзларингни безади.

Нилуфарлар тутди менга ок коса,  
Мушку анбар теваракка таралди.

Үйнаётган насим эмас – раққоса,  
Қара, янги “Тановар”лар яралди!

Ох, бу фурсат, боларилар гул излаб,  
Зумрад түнли водийларга жүнади.  
Ох, бу фурсат, шоир турмас йүл излаб,  
Гинанг бўлса кел, ситам қил, кўнади.

### **КЕЛ, МАҲБУБАМ...**

Шайдо бўлдим, тонгум нега,  
Шундан бошқа тилагим йўқ.  
Сендан ўзга ёр бўйнига  
Тушадиган билагим йўқ.

Осмон сулув, замин сулув  
Мулойимдир шеру наъралар...  
– На соз, – дерлар, – ошкор бўлув. –  
Баланд тоғлар, тубсиз жарлар.

Фироқ жабри оғир эмас,  
Турли-туман шеваси бу.  
Тўкилаётган ёмғир эмас,  
Балхи тутнинг меваси бу!

Мусаффо кўк, мусаффо ер,  
Тиникликдан нишон мангу.  
Кел, маҳбубам, қўлингни бер  
Юрагимга ишон, мангу...

### **ВАСЛ ИСТАБ...**

Ярим кеча, қоронғи,  
Эшик олди дим-дим.  
Кўнгил деразасини  
Чертаётган ким-ким?

Гоҳ аллаким пичирлар  
Гоҳ қоқади им-им.  
Деразангни оч, дейди,  
Оч, дейди у сим-сим...

Ана, юксак-юксакдан  
Учди юлдуз жим-жим...  
Гумбазсимон осмонмас,  
Усти ёпиқ тим-тим!

Ёр бедарак, йўлига  
Босилганми чим-чим?  
Хаёт анор сингари  
Дейди, мени шим-шим...

### КЕЛ, ЎРГАНГИН...

Ёр азоби меним учун фарогат,  
Дилгинамга, дейман доим, қил тоқат.  
Хислатим шу: мұхабbatга садокат,  
Кел, ўргангин мендан севги фанини!

Ишқ сиррини икки кўзим қилмас фош,  
Фош қилса гар, мажнун олиб кетар бош.  
Нола қилсам мум сингари эрир тош,  
Кел, ўргангин мендан севги фанини!

Юрагим бор; гул бағрини килур чок,  
Саодатманд – ким риёзат чекса пок.  
Ишқ жинсида йўқ фақат сув, ҳаво, хок,  
Кел, ўргангин мендан севги фанини!

Ишқ дегани танламайди рутба, жой,  
Журъатсизлар ёр олдида бўлар лой.  
Кулбам сари қўйиб қадам, кўркка бой,  
Кел, ўргангин мендан севги фанини!

## АЛЁР

Бу кун севган ёри билан  
Ҳар ким қувноқ, омон-омон!  
Кел, айтамиз алёр, ўлан,  
Тараф-тараф, томон-томон!  
Ваъдам ваъда, буз демагил  
Эй, сен жонон, жонон-жонон!  
Рақиб сўзин сўз демагил  
Севдим инон, инон-инон!  
Нечун элга ёяй, эй ҳур,  
Бу сир ниҳон, ниҳон-ниҳон!  
Сенсиз нигор, қаро эрур  
Ёруғ жаҳон, жаҳон-жаҳон!  
Боқма қиё гайрига ҳеч,  
Рашким ёмон, ёмон-ёмон!  
Шукронаман, эртаю кеч  
Дорилзамон, замон-замон!  
Қош-қўзларинг ўқ отмасин,  
Тийри камон, камон-камон!  
Аскар ишқин йўқотмасин,  
Шайдойинг у ҳамон-ҳамон.

## МЕРОС (Ҳазил)

Оқшом тушгач кулбамга маним,  
Кириб келди бир тӯда қўнок.  
Ҳаммаси ҳам ёвларга ғаним,  
Ҳаммаси ҳам дўстларга ўрток.

Уй тўридан бериб кўйдим жой,  
Улар бунда фироқ кўрмади.  
Мезбон деган мисли Ҳотамтой,  
Уч кун эмас меҳмон хурмати.

Айтилгач күп ажойиб сўзлар,  
Ошкор бўлди уларга розим:  
– Менинг кулбам, ҳарҳолда, дўстлар,  
Фарзандимга қолиши лозим!

## АВАЗ МОНОЛОГИ

Мен ҳали ўлғоним йўқ,  
Телба ҳам бўлғоним йўқ.  
Бахтиёр кимсалардек  
Очилиб қулғониб йўқ.  
Қўлга олиб созимни,  
Кўнгилдаги розимни.  
Очиқ айтгум, элатлар  
Эшитар овозимни...  
Оёқ-кўлда гул-кишан,  
Етди дилга озори,  
Парваришсиз ётибман,  
Тун-кун азоб ичинда.  
Барин бир-бир айтурман  
Достону боб ичинда.  
Жумла лоқайд биргина,  
Шоир сўзлар ростини.  
Хон – мустабид, тобакай  
Билмас баланд-пастини.  
Қулоги тору чангда,  
Эшитмас халқ додини!  
Қилмас сира хотирот  
Ота-бобо ёдини.  
Ҳар кўчада киссанур,  
Таҳликада жон мудом.  
Аваз бўлсанг иллатни  
Фош айлабон ён мудом!  
Асл шоир кўркмайдур:  
Сарой бирла юзма-юз –  
Қилур дангал мuloқот.

Зероки авом маъюс!  
Ҳарам ичра “ғунчалар”  
Очилмасдан сўладир.  
Канизагу гулом – хор,  
Йўқ яхши сўз, йўқ қадр.  
Сарой айшу ишратда  
Қилмагай тарки одат.  
Қолиб кетгай иффатсиз  
Зевар ила Саодат<sup>1</sup>  
Ҳак сўз учун кўрдинг-ку  
Сени жинни дедилар!  
Очиққан ит сингари  
Ҳаётингни едилар.  
Аваз энди кўл силта,  
Бўлма сарой шоири.  
Йўқса мангу тор келгай  
Кўзларингга эрк ери!

---

<sup>1</sup> Хон ҳарамидаги қизлар

## ПАБЛО НЕРУДАГА

Сен бор эдинг, яшардинг,  
Энди бўлса юмдинг кўз.  
Айтмоқдаман шу важдан  
Сидқидилдан сўнгги сўз.  
Сен бор эдинг, яшардинг,  
Бирданига йўқ бўлдинг.  
Гўё ёйдек замондан  
Учиб кетган ўқ бўлдинг!  
Сен бор эдинг, яшардинг,  
Жасадинг хок кўмди ох.  
Наҳот ёруғ оламни  
Тарк айладинг баногоҳ?

Хайр, күнгил суури,  
Бўлдинг хокка баробар.  
Келиб-кетиш азалдан  
Қисмат экан, биродар!  
Омадинг қулф урганда  
Чақди сени илонлар!  
Айтиб адo этолмам  
Улар фалон-фалонлар!..  
Ёруғликни севардинг,  
Кўролмади рақиблар.  
Солди сени шу куйга  
Тергашлару таъқиблар!

## ХАЙР ДЕМА

Ёмғирдан сўнг очилди боғлар,  
Энди еллар гирдикапалак.  
Астагина титрар япроклар  
Хайр дема, беозор малак.

Қара, қандай нафис тароват,  
Осмон аро хил-хил камалак.  
Энди келди сокин ҳаловат,  
Хайр дема, беозор малак.

Тўзғиб кетган сочинг паришон,  
Кокилларки, ҳали жамалак.  
Эртанги соғ кунларга ишон,  
Хайр дема, беозор малак.

Айрилиқдан қалбим аламда,  
Сен ҳам кетсанг, маъсума фалак.  
Нима қолар менга оламда?  
Хайр дема, беозор малак.

## **ВАТАНДОШГА**

Ўзбекистон – ўлан тўшагим,  
Ўзга ерни қилмагум ҳавас.  
Диёридан кеча олгай ким?  
Тузлиғидан тонар қай бир кас?

Жаннатмонанд бир ўлкадир бу,  
Тупроғида не-не ҳикмат, кон...  
Очилмаган жовидон сир бу:  
Қонсизга қон, жонсизларга жон...

Заминида оламжаҳон Ер,  
Ана, водий, тоғу тош, чаман.  
Келиб кўрган мажнун бўлиб дер:  
Фақат сени, сени севаман.

Кувонч чексиз бизда, ватандош:  
Шу диёрда ахир очдик кўз.  
Қайси тентак олиб кетгай бош,  
Турганида шундай ризқу рўз.

Бошқа жойни тиламоқ недир,  
Ҳар ерда бор тошу тарозу.  
Ўзбекистон бўлмаса эди,  
Шундай юртни қиласардик орзу.

## **ТОЛБАРГАК**

Кўкламда биз ёқда кизлар  
Толбаргак тақади сочга.  
Куёш ҳам ненидир излар  
Нур сочиб тупроққа, тошга...

На сўлим жамалак соchlар  
Қораңг зумрадгага чўммиш...

Баҳорни севгучи ёшлар  
Кўчани гулларга кўммиш.

Анжуман – қизиган, ҳай-ҳай  
Наврўзни олқамоқ на соз!  
Анави қизларга, бай-бай,  
Нақадар ярашмиш пардоз!

Бу чечак, бу лола, бу ўт,  
Келган ё боғдан, ё кирдан  
Ложувард, қаҳрабо ёқут  
Сочилиб кетгандай бирдан.

Аллаким дов-дарахт узра  
Чанговуз чалади мунгли.  
Ёмгиридан э, ўзинг асра!  
Шундоғам бўш шоир кўнгли.

## ПИРПИРАК

Томимизнинг устига  
Ўрнатдилар пирпирак.  
Дедилар: “Шамол эсса  
Берасан бизга дарак”.

Шундан буён тиним йўқ:  
Пирпиллар у ён-бу ён.  
Тун-кун ҳалак, бамисли  
Бўридан қочган қуён.

“Эй шамол, оҳиста эс,  
Пирпирак адo бўлгай.  
Айланиш хукми бирлан  
Султон ҳам гадо бўлгай.

Ҳар неки бўлса бўлсин,  
Собиту тургун эмас.

Вақт бизни кутиб йўлда  
Тириклик мангум демас”.

Айланади пирпирак  
Шамолнинг изми билан.  
Иши йўқ эл азаси,  
Тўйи-ю, базми билан!

Яшамоққа мустакил  
Ярай олмас то ҳануз.  
Боғ-роғлар бор бағрида  
Қарай олмас то ҳануз.

Хувиллайди боғ-роғлар  
Бизға ҳам қара, дея.  
Шохларимиз кўп бебош,  
Кўксимиз яра, дея.

Пирпирак дер: “Ихтиёр  
Мендамас, шамолдадир.  
Билолмайман шунинг-чун  
Дараҳтлар не ҳолдадир”.

## ҲИКОЯТ

Поёнсиз дашт, ҳансираиди қуёш тагида,  
Кум-барханлар кенглик ичра ётибдир тўзиб.  
Шоҳ Искандар ўз кароргоҳ тепалигида  
Тангрилардан нажот сўрар кўкка кўл чўзиб:

“Мадад беринг инсу жинслар, руху яздонлар  
Сувсиз колдим биёбонда лашкарим билан.  
Нечун ҳануз кўринмайдур яшил бўстонлар,  
Ё шу чўлда кун битгайму тож-сарим билан.

Неча кунки, ташнайи зор сувга бу черик,  
Неча кунки, низо тинмас сарбозлар аро.

Нажот қайда? Чиқмасману бу чўлдан тирик,  
Кудук ҳам йўқ, жола ҳам йўқ, дил мотамсаро.

Сувсизликдан маҳв бўймоқда сипоҳ бирма-бир,  
От-уловлар: туя-хачир – бари бетартиб.  
Нима ўзи? Токайгача юргум кирма-қир,  
Токай кўнгил кўзгусини кўёлмам артиб?

Балки менинг азмим бирлан топталган Шарқда,  
Сугд аждодин арвоҳлари кўзғолдими ё?  
Хароб бўлган, ҳувиллаган кимсасиз арқда,  
Шайтанатлар гойиблардан сир олдими ё?

Балки табоҳ\* Хоразмда ўчирилган кўр,  
Ё қайтадан ел туфайли буриқсиб ёнган?  
Зардустийлар саждагоҳи бўлган эди хўр,  
Балки мархум сахобалар кўққис уйғонган?

Ҳа, шу важдан саҳроларда қолдим ташналаб,  
Ҳа, шу важдан сипоҳларим мендан норози.  
Э, тангрилар, эй сен, Зевс, олимақом таъб,  
Қайтариб ол, керак эмас, Осиё ёзи!

Пишгани рост, филҳол: кумга қўйилса тухум,  
Офтоб рангин ўғирлаган саксовулзор бу.  
Жаҳонгирлик иши бирлан на қилдинг, руҳим,  
Бодиямас, ўз-ўзига курилган дор бу!

Ё тавба-ей, кўшниларим давра қурмоқда,  
Кўзларида кучли нафрат, аламзадалик,  
Бир сарҳангим телбаланиб қаҳ-қаҳ урмоқда,  
Бошқасида на салом бор ва нада алик”.

Тангрилар жим... Олдда фақат беш-олти сипоҳ  
Келяпти тождор сари отни елдириб.  
Кўшин аҳли ўша ёққа ташлади нигоҳ,  
Улар нима келтирмоқда – хабар ё фириб?

Бириң-кетин яқын келиб сипоҳлар шу он,  
Искандарга сүз қотиши шохона йүсін:  
“Сенға лойик сув келтирдік эй маҳзун, қувон”,  
“Майли бизлар маҳв бўлсак-да, тождор соғ бўлсин”.

Алҳосилким, оби ҳаёт бор экан олдда,  
Искандарга кўзачада узатиши сув,  
Жами лашкар сувсаганди айни шу топда,  
Ичиш ё ичмасликни билмай қолди у!

“Агар ичсам лашкаримнинг сусаяр рухи,  
Ўз нафсини ҳаккалатди, ноинсоф дерлар.  
Шу аснода менга мунис кўнгил шукухи,  
Кўтарики бир гап айтай, тингласин эрлар”.

“Маним азиз ҳамюртларим, ахли жамоат!  
Мана кўпдан кутганимиз – кўзачада сув.  
Шуни ичсам тани жоним топурди роҳат.  
Аммо тўкиб юборгайман, қилмангиз шов-шув”.

Харис кўзни мўлтиллатиб сувни тўқди шох,  
Ёқа ушлаб қолаёзди лашкар ҳайратдин.  
“Ватандошлар, сувсизликдан сира чекманг ох,  
Мурод ҳосил бўлаверар сайу ғайратдин!

Сизни деб мен воз кечдим сув лаззатидан-да,  
Сизсиз менга ҳаёт тийра, даркор ҳам эмас,  
Ғайрат қилинг, азизларим, жон боркан танда,  
Олдинда сув бор муқаррар! Анга етар даст”.

Шундоғ дея отга ирғиб минди Искандар,  
Зумда унга илакиши лашкари содда.  
Наъравор бир рух ила тождор солди жар:  
“Урҳо-ур, ҳей, қани, олға, қудуқ бор олдда!”

Ана, ҳамон чопаётир югурак отлар,  
Ана, ҳамон Искандар ҳам олдинги сафда.

Унинг ҳар бир калимасин сарбозлар ёдлар:  
“Урхо-ур, хей, қани, олға, кудук бор олдда!”

Ёронлар, бу бир ҳикоят сабок олганда,  
Узрлидир күзи басир, кулоги карлар,  
Халигидек қисталанг пайт келиб қолганда  
Оз бўлса-да иккиланмас асл одамлар!

\* Табоҳ – бузук, вайрон

## ИЗЛАНИШ

Эй, илҳом – жайроним, учабер,  
Сенга ёт майхона-майхона.  
Май десанг, баъзилар ғалат, дер  
Қани, юр, чойхона-чойхона.  
Тинч оқар Калковуз бўйида  
Барқ урап райхона-райхона.  
Хаёлим бир назм куйида  
Гоҳ чиқар сайхона-сайхона.  
Қиллари титраган созим бор,  
Инgra, хей, жайрона-жайрона.  
Юракка сиғмаган розим бор,  
Тараалгай тўлфона-тўлфона.  
Сен-да завқ бахш этдинг бу жонга,  
Завқдан у ҳайрона-ҳайрона.  
Мен тақлид қилмайман Байронга,  
Аскарман, шукронна-шукронна.

\*\*\*

Эҳромларнинг ўчоғимиш илгаритдан Нил бўйи,  
Не-не равоқ, обидалар фақат унга мансубмиш.  
Нилда қуллар ишлаганмиш дам олмасдан йил бўйи,  
Нилда қуллар тўкиб кетган аламдийда қон кўпмиш...

Муаррихки, шундай дегач, ишонмасдан бўлмайди,  
Юрагим ҳам мойиллашар бир ҳасратга, бир мунгга...  
Ўтмишдаги ёдгорликлар ҳанузгача ўлмайди,  
Унда одам зулм билан айланган-ку маймунга!

Эҳром – ноёб, худди санъат намунаси сингари,  
У ухлайди ҳамон осмон сийнасига бош қўйиб.  
Маҳбусларга тиклатганми буни хоқон илгари,  
Аршга чиқиш ниятида тош устига тош қўйиб?

Йўқ! У хоқон эл-улусни таъминлаган иш билан,  
Шу йўл билан унуттирган инқиlobни – хуружни.  
Холдан тойиб йиқилганни турғизган у ниш билан,  
Ғинг деса ким, ёдга солган ўтиб кетган урушни.

## ЎЗБЕКИСТОН

Кўз очганман қучоғингда,  
Яшай дейман ёниб-ёниб.  
Оlam янглиғ багринг кенг-да,  
Севай дейман қониб-қониб.  
Асло! – дейман, десалар тон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Тоғларинг бор олачипор,  
Кўкси тўла жавоҳири;  
Ёмби, нуқра... Не ҳикмат бор  
Йўқ ибтидо, йўқ охири!  
Кўрганлар дер: – Бир қайнар кон –  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Бу конларни олмоқ учун  
Келди юонон, келди араб.  
Шараф экан қалмоқ учун  
Найза отмоқ ёвга қараб, –  
Ўша айём ва ўша он  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ўтди даврон, ўтди фасл,  
Босқин солди мўғуллар ҳам!  
Жалолиддин ёвкур насл,  
Марди майдон ўғиллар ҳам –  
Бўш келмайин тўқдилар кон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Маглуб эдинг, бўлдинг ғолиб,  
Жанговарлик шарафи бу!  
Ўз халқингдан мадад олиб,  
Душманларга солдинг қутку.  
Чўғ эдинг сен, ловулла, ён!  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Сифатинг кўп, таърифинг кўп,  
Қай бирини этай талқин?  
Пахтакоринг асл ва хўп,  
Чилангаринг машъал, ёлқин.  
Барига ҳам босгайман ён,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Поён билмас дала-даштинг,  
Сувинг тотли, ҳавойинг соғ.  
Сувсиз ерга инжу сочдинг,  
Хуллас, қанча урмайнин лоғ  
Мен жисмман, сен эса жон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Боғларингда анжир, узум,  
Қовун-тарвуз полизингда.  
Мехмон келса: – Тўрт-ку кўзим  
Қўноқ, дейман олинг, енг-да!  
Бизда бисёр ҳам сув, ҳам дон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ана, карнай-сурнай саси,  
Чилдирма ҳам заб тобида!

Давра ичра ҳай, биттаси,  
Нак юлдуз, ой атрофида,  
Ё Мукаррам, ё Кизлархон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ўйнанг-кулинг, келди фурсат,  
Байрам бўлмас ахир кунда.  
Зафар топинг, топинг нусрат,  
Юртлар борки, дехқон унда  
Буғдой экиб, емайди нон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ишсизлари бўлиб саф-саф,  
Юришади кўчаларда.  
Омон қолса бу ҳам бир гап  
Ўлик рухли кечаларда,  
Қачон тегар уларга сон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Сен ақлсан, сен фикратсан,  
Умидсизнинг кўзи сенда...  
Сен нақлсан, сен шуҳратсан,  
Сенда фарқли ёлғон, чин-да.  
Сенга бўлсин шараф ва шон,  
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

## САҲРОДА

Сергалва шаҳарни тарқ этиб,  
Саҳролар оралаб бораман.  
Олисда нимадир ярқ этиб,  
Кетар-да,  
Юз очар боғ, чаман...  
Сароблар кўнглимни юпатмас,  
Истагим – қудуқни учратиш.  
Хозирча йўлимда хору хас,  
Дуч келган жойимга урап ниш...

Бораман оғриққа дош бериб,  
Қудук ҳам учрайди ниҳоят.  
Бир нафас миҷжамга ёш бериб  
Сўйлайин дейман бир ҳикоят.  
Эй, кудук!  
Лол бўлма, чимрилган қош каби,  
Кўксимда ташналиқ йўқ ҳали...  
Келдим мен қошингга сартарош каби  
Искандарнинг шохи бор деб айтгали.

## С И Р Л А Р

### ДРАМАТИК ДОСТОН

Қатнашувчилар:

**МНЕМОСИНА** – Сирлардан вokiф илхом онаси, хотирот таянчи.

**ЗЕВС** – Олимп ҳукмдори.

**ПРОМЕТЕЙ** – Ўт ўгриси, одамларнинг валинеъмати.

**ХЕРМЕС** – Маъбуд, Зевснинг хабарчиси.

**ХИРОН** – Боқийликдан воз кечган маъбуд, кентавр.

**ХЕРАКЛ** – Паҳлавон, ҳалқ қаҳрамони.

**ҲЕСИОНА** – Прометейнинг хотини, Уммон қизи.

**УММОН** – Титан, баҳр маъбуни.

**ХОР ЕТАКЧИСИ** – Маъбудларнинг бошлиғи.

**ФЕМИДА** – Адолат маъбудаси. Прометейнинг онаси.

**ҚАВМ САРДОРИ** – Ваҳший скиф сардори.

*(Зулмат)*

### Зевс овози

Коинотда ана шундай сукут ҳукмрон:

Бирон жонзот ололмайди қаттиқроқ нафас.

Ҳатто Тартар<sup>1</sup> қаърида ҳам мўйсафид Крон<sup>2</sup>

Тузукроқ ун чиқаришга қилолмас ҳавас.

Мана шундок ҳукмронман; сўнган кундузи...

Ваҳоланки, фарзанд бўлиб падар юзига

Қаролмайман... Зеро бунга сабабчи ўзи.

Олимп тахтин ўз вақтида бермади нега?

Ёки менда кучли ақл мавжудмасмиди?

Мавжуд эди... Шунинг учун тахтини олдим,

Чоҳга солдим, кейин роса пушаймон ёди,

Шу тариқа ғалабанинг карнайин чалдим!

Олимп мулки боқийларга қароргоҳ бўлди,

Ақли ўткир Титанларни ташладим қириб;

Кимлар менга қарши турса, кисмат – оҳ бўлди,

Мугамбирман, ҳеч бир кимса беролмас фириб.

*(Зевс хиргойи қиласы)*

Юмшоқ күнгил күнгилмас,  
Тахтга чикиш енгилмас...  
Ажаб? У ким? Чекаётир нолаю фарёд  
Йогурдагим Ҳермесдан-да күрай-чи сүраб.  
Ҳермес! Ҳермес!

*(Саҳнада Ҳермес пайдо бўлади. Қоронгилик ичидага унга нурдан поёндоз тўшалади.)*

Эшит-чи, ким солаётир дод?

**Ҳермес**  
*(минглаб)*

Э, бу ахир Прометей-ку, ётибди қулаб.

**Зевс овози**

Э-ха, уми? Дод фарёди роҳат биз учун!  
Додлайверсин; бир сўзимни икки қилмайди.  
Ботир бўлиб туулурму ёки сиз учун?

**Ҳермес**

Э, йўқ, шоҳим, кимлигини факир билмайди,  
Десам балки аччиғингиз келар... У – ўғри.

**Зевс овози**

Ҳа, бу тўғри. Тушганмикин Прометей шаштидан  
Бориб кўр-чи, ўшал скиф даштига тўғри.  
Аввал гапир унга хузур-сафодан, гаштдан...  
Бадъяз ўтгин энг бошланғич масалага, хўш...  
Кистовга ол, дўндирасан у ёғин ўзинг.  
Токай, дегин, шаҳаншоҳнинг юраклари бўш,  
Дегин қандай хатарларни кўрмоқда кўзинг.

## **Хермес**

Миллиард йил ўтди, ахир, гаплашиш қийин,  
Кириб кетган тоғ билан у ернинг қаърига!

## **Зевс овози**

Ҳа, айтмоқчи, ер юзига чикарай, кейин...  
Оз бўлса-да, шамол тегар унинг бағрига.  
Шу чоғда сен гаплашиб ол у билан дадил.

## **Хермес**

Айтганингиз бажо бўлгай кутгандан зиёд.

## **Зевс овози**

Ўшанда ҳам чурқ этмасдан турса у адл,  
Ўз сайдини не килишин билади сайёд.

*(Яна зимзиё қоронгулик тушади. Дам ўтмай момақалдироқ  
гулдураб, чақмоқ чақади. Саҳна ёришиб Хермес ва Прометей  
кўринади.)*

## **Прометей**

Яна қандай синоат бор ушбу замонда?  
Яшаб келдим рутубатда, ўпкам олдириб.  
Курт-қумурсқа бадан тугул кездилар конда,  
Хужайрамнинг катакларин бир-бир ўлдириб.  
Лаҳза сайин илон чақди, етмагандай бу,  
Оҳим кўкка етди, лекин – бера олдим тоб.

## **Хермес**

Сен жазога маҳкумсан-да, ҳозир ҳам, ёху  
Оҳ чекасан саволимга бермасанг жавоб.

## **Прометей**

Жабрласин, қўрқадиган жойим йўқ, бор, кет.

## **Ҳермес**

Азоб чекиб яшадинг-ку, ахир шунча йил,  
Етмадими шунча жафо?

## **Прометей**

Зевсинг – сурбет!  
Идроки суст, кўнгли эса ғафлатга мойил.

*(Момақалдириқ гумбурлаб, чақмоқ чақади.)*

## **Ҳермес**

Ана, қара, сўзларингни Зевс пайқади!

## **Прометей**

Жудаям соз! Маъбудийлик ҳисси йўқ унда.

## **Ҳермес**

Ўйнашмагин! (кўкка қараб).  
Қодир Зевс бошин чайқади.

## **Прометей**

Нима килса килаверар – бағри бутун-да!

## **Ҳермес**

У-ку, сенга ачинмоқда; бўлғуси жазо  
Энг даҳшатли жазо бўлгай, борми хабаринг?

## **Прометей**

Қисматини сўйламасдан бераман сазо!  
Уч Мойра<sup>3</sup>лар сири менда, ғофилсан баринг!

*(Момақалдиrok ғулдираб, чақмоқ чақади. Саҳнада қоронгулик тушиб яна ёшишади. Ҳермес чиқади. Уммонзодалар хори учар аробаба пайдо бўлади.)*

## **Хор етакчиси**

Битта ипга тиргалдик  
Қодир Зевс туфайли.  
Айрим бўлиб бизлар ҳам  
Булутларни қувайлик.  
Ўсиб-ундик, Прометей,  
Ушоқмасмиз тобакай.  
Қўшоқнинг орасинда  
Бўшоқмасмиз тобакай.  
Қўшоқбоши лутфидан  
Завол нима билмаймиз...  
Ўз ҳак-хукукимиздан  
Завол нима билмаймиз.  
Дардга чора излаймиз,  
Атроф тўла зинолар.  
Агар ҳаёт шу бўлса  
Йикилсин бу бинолар!

## **Прометей**

Эй, Уммоннинг фарзандлари, кўринг ҳолимни!  
Ер юзига чиқаздилар калака учун!  
Кўрмагандим Зевс каби айёр, золимни,  
Ўринлатиб қасд олмоқда ишлатиб кучин.  
Бу-ку, майли, одамзотнинг ахволи қандай,  
Шундан менга имкон бўлса берингиз хабар.

### **Хор етакчиси**

Одамзотдан ҳоким чиқди, энди бой, малай  
Тушунчаси пайдо бўлди, хаёт бесамар;  
Авлодлари тўлқин-тўлқин келиб турибди,  
Уларга сен, почча, бекор оташ берибсан!

### **Прометей**

Ҳаммасига Зевс шохид – кўриб турибди...

### **Хор етакчиси**

Шундай бўлса, бекорларга кўкрак керибсан  
Заминга у ташлаб қўйди нифоқ уруғин.  
Бир-бирига душман одам! Ҳаммаси чўғни  
Ўз олдига тортаётир... келгуси бўгин  
Аямасдан пайхон қиласар бор ила йўғин!

### **Прометей**

Бу муazzзам жиноят-ку, Олипм султони  
Ер қаърида ётганимда йўл тутган шундай...  
У қанақа ярамасу қандай мўлтони!  
То ҳануз қон ҳиди билан анқир ўнгу сўл.

### **Хор етакчиси**

Хунрезликлар равшан эрур бизларга кундай,  
Ҳаво нопок, баҳри мухит суви ҳам нопок.

*(Момақалдироқ гулдираб, сахнага яшин тушади. Учқур отда  
Уммон киради.)*

### **Уммон (Хорга)**

Маконингиз сари учиб кетингиз дархол  
Ҳаддан ортиқ хурфикрлик бизни этар ҳок.

Малакларга ёритилган мангу истиқбол.  
Сўзингизни тинглаб, мени жўнатди яздон<sup>4</sup>  
Ўғри билан гаплашмангиз хеш бўлсангиз ҳам<sup>5</sup>!

*(Хор чиқади.)*

### **Прометей**

Ха, бормисан, халоскорим, куйдирма кўп жон  
Билиб олдим эмас экан ироданг маҳкам.  
Жабрдийда Прометейман, ўша-ўшаман  
Ҳол сўрмадинг миллиард йил ичидা бир бор...

### **Уммон**

Гаплашамиз, мана ҳозир отдан тушаман...

### **Прометей**

Ваъдаларинг катта эди, қилмайсан ҳам ор,  
Тулкивой-эй... Кетавергин келган йўлингга.  
Бари бир сир ололмайсан, кутганинг бўлмас.

### **Уммон**

Кўп саркашлиқ қиласверма, кел, мени тингла,  
Кимки оёқ тирайверса икболи кулмас.  
Ўша сирни Зевсга оч, тамом-вассалом;  
Айш-ишратда иннайкейин яшайверасан.  
Ҳесиона сочиқ билан сенга тутар жом,  
Гар хоҳласанг гулзорлардан ғунча терасан.

### **Прометей**

Чапдан ўнгга бокқунимча қўп йиллар ўтди,  
Лоақал бир ҳол сўрмади Ҳесиона ҳам!

## **Уммон**

Билсанг агар қодир Зевс шундай йўл тутди.

## **Прометей**

Йўлига ғов қўйилдими?

## **Уммон**

Балли!

## **Прометей (кўкка қараб)**

Муттаҳам!

*(Момақалдироқ ғулдираб, чақмоқ чақади.)*

У, Ҳорҳона<sup>6</sup> – Медузанинг иши чамаси!  
Зевс унга буюрган-да, падар лаънати!  
Остин-устун бўлиб кетмиш ҳамма-ҳаммаси  
Кундан кунга кўрк очибон яздан санъати.  
Ҳа, Ҳорҳона Медузалар нигоҳлари-ла,  
Рафиқамни қаттиқ тошга айлантирганлар.

*(Келинчак либосида Ҳесиона киради.)*

## **Ҳесиона**

Яшамоққа қўймадилар ўз ёрим ила,  
Инс-жинсларни бизга кўпдан шайлантирганлар.  
Энди менга рух бердилар, тош қотган эдим,  
Телбаларча иш тутсам гар айбситма мени.  
Ихтиёрим ўзимдамас!  
Эҳ... (бошини чанглайди) нима дедим,  
Айбситма жоду ўраб чирмаса сени  
Хозир сени эркалайман, қўл етмаса ҳам

Баданингда латиф қўлни ҳис этасан сен.  
Мана бўса...

*(Ҳесиона юз, қўл ва оёқ ҳаракати билан шаҳвоний ҳирсни  
қўзгайди.)*

### **Прометей**

О, кандай соз! Лаззат мужассам!  
Бўсаларинг мунча ширин... асирингман мен.

### **Ҳесиона**

Жоним... ўша сирни сақлаб нетасан, ахир  
Иккиланмай айтиб юбор Зевсга барин!

### **Прометей**

Йўкол! Жўна! Менга энди ширинлик – тахир!

### **Уммон**

Ким сенчалик хўрлай билар севикли ёрни,  
Ундай дема...

### **Прометей (секин)**

Бошқаришар онгни сездирмай!  
Вале улар менга таъсир ўтказса нетгум?  
Бўлса ҳам орамизда масофа, ҳай-ҳай...  
Бошим қизиб кетаётир бамисоли хум.  
Қутқар мени Мнемосина – илҳом онаси,  
Хотирамни сақла пинҳон, сирни очмайин.  
Зевсдан ўч олажакман келса хонаси,  
Ҳиссиётим қўзғадилар, қандогам майин...

## **Мнемосина овози**

Хотиржам бўл! Тушкунликка тушма, Прометей!  
Зевс қўлин хотирангга чўза олмайди.  
Уч Мойра бор – маъбудалар юқорида, ҳей,  
Ҳаммасига гувоҳдирлар, кутқу солмайди.

## **Прометей**

Яхшиямки Уч Мойра бор, бўлмаса султон  
Одамзодни ўз-ўзига қирдиармиди?  
Ҳар лаҳзада талвасада бўлар эди жон,  
Бор ҳаётим таҳликалар ичидан эди.

## **Зевс овози**

Хотирангга, эс-хушингга ҳукмим ўтмайди,  
Вале сенга бера олгум энг кийин сазо,  
Шундай сазо бераманки, ҳеч ким кутмайди,  
Мана ҳозир...

## **Прометей**

Бу сазодан яхшидир жазо!

*(Хесиона дабдурустдан Уммоннинг олдига келиб, либосини еча бошлиди. Қария Уммон йигитлик завқини туяди.)*

Тўхта! Зевс, ўша сирни сенга айтаман,  
Кўзларимга кўринмасин факат буларинг.

## **Зевс овози**

Бағоят соз! Ошиқларга юз тутар чаман,  
Ўша ерда ковушурлар, даргоҳ унда кенг.  
Қани, жўнанг, шармандалар!

**(Уммон ва Ҳесиона қўл ушлашиб чиқадилар.)**

Гапир энди, хўш?

**Прометей**

Хотирамдан кўтарилиди, ҳаҳ нима эди?

**Зевс овози**

Лақиллатма! Каландимог, сал пастга туш,  
Зевс билан ким ўйнашди – охир панд еди.

*(Саҳнага сорбургут учиб келади-да, кишинга қўнади.)*

Жигарингни чўкиб бургут қон ичади, ха,  
Одамларга ўт баҳш этган Прометей ўғри!  
Қутқармайди сени фоний одамлар сира!  
Азобланиб жаҳаннамга тушасан тўғри.

**Прометей**  
*(уни бургут чўқийди)*

А! Вой!..

**Зевс овози**

Ана! Жабрдийда бўлдингми, қалай?

**Прометей**

Эвоҳ! Ў! Ў! Ҳермесмасмисан, озод маъбудман!  
Азоб чексам чекавергум, бўлгим йўқ малай.  
Ёнавергум чарс-чурс этиб, ўт ичра ўтман!

**Зевс овози**

Ўт эмиш-а! Билиб қўйки, мана шу бургут,  
Ҳар кун келиб жигарингни чўкиб ичар қон.

Яранг битгач, яраланар! Шуни эсда тут,  
Кеча-кундуз қийналади – сафо билмас жон.  
Мен шунақа шаңаншоҳман; истаган эдим –  
Ҳесиона – хотининг ишлатди санъат  
Миясига буйруқ бердим, асир эт, дедим,  
Лаззатландинг, асир бўлдинг...

**Прометей**  
*(қўкка қараб)*

Сенга минг лаънат!!!

*(Момақалдироқ ғулдураб, чақмоқ чақади. Бургут Прометейнинг  
жигарини чўқийди.)*

А! А! А!..  
Эй, хаёти мангу маъбуллар!  
Қаердасиз? Маъбуд еяр маъбуддан азоб!  
Камайдими ё Олимпда лолагун ўтлар,  
Нима учун чурқ этмайсиз, бермайсиз жавоб?  
Эй, Адолат маъбудаси, Фемида – энам!  
Қулоғингга чалиндими, ўғлинг фиғони?  
Индамайсан – демак, лолсан, чўчийсан сенам.  
Индамайсан – оғриса ҳам ўғлингни жони...  
Ана одам болалари келаётир, ха,  
У қанака қабиладир, сардори бошда.

*(Ўқ, ёй, пичоқ билан қуролланган овчилар қавми киради.)*

**Қавм сардори**  
*(қабила дошларига)*

Тўхтанг, бунда (Прометей ва бургутга қараб)  
Икки маҳлук – овимиз, ана!  
Назар солинг, бири чўқир, бири бардошда.  
(Прометейга) Эй, сен кимсан?  
Этилгансан, нега занжирбанд?

## **Прометей**

Прометейман... Сизларга ўт бахш этган маъбуд.

## **Қавм сардори**

Танимадик, тикилсак-да, биз сенга ҳарчанд,  
Эслолмадик! Қачон бизга берган эдинг ўт?!

## **Прометей**

Биласизми сизлар бобокалонингизни?!  
Ер юзида ҳаёт курган дастлабки авлод...

## **Қавм сардори (қабиладошлариға)**

Нимага у йўл-йўриққа солади бизни?  
Тайёрланинг, иккисин ҳам этамиз барбод!  
Ўт берганмиш...  
Ўқни отинг! Шайланинг дарров!

*(Бургут учеб кетади. Жигаридан лахта-лахта қон оқаётган  
Прометей баданига ўқлар ёгилади.)*

## **Прометей**

Мехр бериб, топганим йўқ меҳрибон, эвоҳ!  
Жигаримга бирон малҳам, кўйса-чи бирор.  
Э, йўқ, бутун ҳодисалар равшан-ку менга;  
Шундай бўлди, шундай бўлар ва бўлаётир.  
Зевс иши – айлантирмақ Ёлгонни Чинга!  
Шошмай турсин халқ ичидан чиқар бир ботир  
Ундан кейин ўтмай қолар хукми бутунлай.  
У ботирни кимлигини айтмайман – бу сир.  
Айтсан, Зевс уни йўлдан уриб қўяди...  
Хеч нарсадан воқиф эмас бу нодон қавм,

Фикри ёди – күнгил ёзиш, шикор қилишда!  
Курсок ғамин ейишади, ҳолбуки оч ит  
Ярамасдан келган овга! Буни билмас шоҳ!

**Қавм сардори  
(қабиладошларига)**

Ландавурлар! Учиб кетди лаққа гүшт – бургут,  
Нима қилдик (Прометейга ишора қилиб),  
Буни-ку пай турган-битгани!

**Зевс овози  
(гулдурак овоз-ла)**

О, Прометей! Одамзотга берган эдинг ўт,  
Бандилиқдан сени халос этдими, қани?!

*(Момақалдироқ кетма-кет гулдураб, чақмоқ чақади. Қавм  
құрқиб, гужанак бұлыб олади.)*

Фонийлар-ку,<sup>7</sup> билишмайды меҳрни улар!  
Кирайми, айт, ҳаммасини чақмоғим билан?

**Прометей**

Хукминг билан  
Сеҳрланган қавм-ку булар!

**Зевс овози**

Сирни гапир. Ўйнашыпсан ахир ким билан?

**Прометей**

Умид қилма, бари бир мен очмайман сирни.

## **Зевс овози**

Йўқса, осий, феълингдан кўр, қўйиб бераман,  
Дардингга эм бўлолмайди очиккан гурух.

*(Момақалдироқ тинади. Қавм қаддини кўтариади.)*

## **Қавм сардори (ўз аҳлига)**

Шафқат қилди хаммангизга Ер-кўк тангриси  
Сўниб қолди гулдираклар...

## **Прометей**

Билинглар, бу рух!

## **Қавм сардори**

Ўргатмагин эй, тузоқда қолган лаҳм эт,  
Очиқканмиз, ундан кўра бирон нима бер.

## **Прометей**

Келинг, сеҳр болалари, келинг бетма-бет  
Гаплашайлик, шохид бўлсин Само ила Ер.

## **Қавм сардори**

Буни турган-битгани – пай, жигарин олиб  
Чўгга тутсак яхшигина кавоб бўлади.  
Ерни кавланг, ўтни ёқинг, шох-шабба солиб,  
Дейдилар-ку ажал етса, паймон тўлади.

*(Қавм одамларидан бир қисми шох-шабба йигишига  
тутинадилар, бир қисми эса занжирбанд Прометей турган  
қояга тирмашадилар.)*

## **Зевс овози**

Киё боккин! Кутмагандим улардан буни.

### **Қавм сардори (ўз-ўзига)**

Яна ўша товуш келди...

### **Прометей (кўкка қараб)**

Кутмовдим мен ҳам!

### **Қавм сардори (Прометейга ишора қилиб)**

Алп келбатли манави, рух деганди уни.  
Наҳотки бу бизлар учун нотайин – мубҳам.

*(тиз чўкиб, кўкка қўлларини ёзади)*

Тинч қўйингиз бизни энди руҳи яздонлар  
Кундан-кунга келаверсин овимиз барор.  
Корнимизни юмшоқ этга тўйдирган онлар  
Курбонликлар қилмоқликка қиласиз қарор.  
Сизга томон йўллагаймиз буқа сонини,  
Давра куриб ракс этамиз, чиказамиз ис.  
Овимизни тахт қилгунча олманг ёнини,  
Корнимизни очирмокда аллақандай хис.

*(Қавм сардори туради. Қавм унинг ишораси билан ўз ишига  
машгул бўлади. Прометейга чирмашган бир овчи унинг  
жигарини кесиб тубандагиларга узатиб туради.)*

### **Прометей**

Ҳим! Ҳим! Ҳим! Ҳим!  
Одамзотга ўзим берган ўт –

Жигаримни күйдиришга, асқотар хозир!  
О, Адолат маъбудаси! Кел, қўлимдан тут,  
Хар қанақа килмишларга ўзингсан нозир!  
Атроф жимжит... мени яна яккалашибди...  
Ҳеч ким менга кўмак бермас, қўлимдан тутмас.  
Нетай, наилай, андалибим хаккалашибди.  
Хаккалашса хаккалашсин у менга чўтмас.

**(Саҳнада жизғинак ҳиди пайдо бўлади. Қавм сардори ўз ахли билан тамадди қилишга тутинади. Шу фурсатда кентавр Ҳирон ва паҳлавон Ҳеракл ўқ-ёйи билан киради.)**

**Ҳеракл  
(Ҳиронга)**

Ана, қара, Прометей, бу – рўпарамизда  
Юзларида ранжу заҳмат асари аён.  
Ваҳший скиф<sup>8</sup> қабиласи худди шу кезда  
Тамаддига киришибди, бамисли Тифон.<sup>9</sup>

**Прометей**

Ҳа, тановул қилишмоқда... Менинг жигарим  
Уларга ризқ!

**Ҳирон**

Наҳотки шу рост?

**Ҳеракл**

Бўлмасам қара,  
Жигари йўқ! Ваҳшийларда на килсин шарм.  
Қара, аъзо-баданлари – ҳаммаси яра.  
Ўқ отишган...

**Қавм сардори**

Сизлар кимсиз? Бу ердан жўнанг!

## Хирон

Агар билсанг, сенга ҳисоб бермаймиз зинхор.

*(Хирон олдинги икки оёгини кўтариб, қавм сардорига ҳамла қилиб, уни беҳол қиласди. Ҳеракл ваҳший овчиларни баъзан битта-битта, баъзан жуфт-жуфтлаб улоқтириб юборади.)*

## Прометей

Кўяверинг, эт ейишсин – соним кесишин,  
Бечоралар очикишган, гап қилмайди кор.

*(Учар аробада Фемида қўлида қилич билан киради.)*

Онаизор! Келдингизми охир мен томон.

## Фемида

Бўлмасам-чи, бўталоғим, ғаминг куйдирди,  
Энди озод этиласан, Уч Мойра шу он  
Махфий сир-ли Зевсни ҳам жондан тўйдирди,  
Ёрлақади сени улар, энди озодсан.  
Аскотади Хефест берган мана бу қилич<sup>10</sup>  
Мумдай кесиб кишанларни.

*(Қиличини Ҳераклга беради.)*

Ҳеракл ол сен,  
Бандларини кесиб ташла аямасдан ҳеч!

*(Ҳеракл занжирбанд Прометейнинг бандларини кесади.  
Прометей кишанлардан фориг бўлади. Шу пайт бургут учиб келади. Ҳеракл уни ўқ-ёйи билан отиб нобуд қиласди.)*

## Прометей

Нимага у келди экан? Жигар қолмади!

### **Фемида**

Сезяпсанми, сенда ахир ўсмоқда жигар!

### **Прометей**

Золим Зевс не кунларни бошга солмади.

### **Хирон**

Банди бўлиб тураг эдинг, Херакл агар  
Овга чикиб дабдурустдан отмаса мени.  
Ўқ отдию, илк бор сездим оғриқ нелигин  
Шундан кейин бокийликдан воз кечдим, сени –  
Озод этиш мумкин экан.

### **Прометей**

Шунақа дегин.

### **Фемида**

Уч Мойралар шарт бойлашган: бирон бокий зот  
Бокийликдан воз кечса гар – хурлик сари йўл  
Очиларкан. Алқиссаким, одам тақлид от  
Ўқ зарбидан жабрланиб сенга берди қўл.

### **Прометей**

Яхшиликлар қайтарурман яхшилигига  
Умри яна касб этади бокийлик буткул.  
Кавказ тоғи ажиб ҳаёт гулига эга,  
Димоғига ҳиди тегса, тагин бокий ул.

### **Хирон**

Йўқ, Прометей, истамайман бокий ҳаётни!  
Жонга тегди ҳар нарсани кўриш, ҳис қилиш,  
Яхши ном ҳам, ёмон ном ҳам керакмас менга  
Ўлим хавфин ҳис этмоқлик жуда яхши иш!

## Фемида

Биз томонга келаётир маъбудлар, ана,  
Зевсдан-да, ҳайикмасдан дадил, басавлат.

## Прометей

Зевс тахти инқирозга учради яна,  
Ўз-ўзини оқлолмасдан қолди бу давлат!

*(Бир тўда маъбудлар киришади.)*

## Маъбудлар етакчиси

Қутлагани келдик сени азиз Прометей!  
Кўр эканмиз, кўзларимиз энди очилди.  
Ҳаёт – шомлик ҳам шуурсиз, нимасини дей,  
Зевс бизни гафлат аро бемехр килди!

## Прометей

Кўраяпсиз кишандан мен бутқул фориғман  
Бундан бўён қолгани йўқ Зевсда қудрат!  
Энди озод Прометейман; юзи ёруғман  
Узок давр Зевсни мен этиб келдим рад.  
Уран<sup>11</sup> даври даврон эди билсангиз агар  
Фаровонлик, тўкин-сочин унга хос эди.

*Крон таҳтга чиқиб олгач, Зўрлик ва Зар*

Жаннатмакон ўлкамизни хароба этди!  
Ёнда борми Уран хукм юритган даврон?  
У минбардан нутқ сўзласа, олқишилардингиз,  
Таҳтга чиккач, коралади Уранни Крон,  
Қарсак уриб хайкирдингиз ўшанда ҳам сиз!  
Ундан кейин ота таҳтин ағдарди Зевс,  
Унга ҳам сиз хайриҳоҳлик билдиридингиз!

Айтинг, менга, борми сизда адолат ҳисси;  
Ким чиқса ҳам тахтга уни маъқуллайсизлар!  
Фақат Ҳирон – довюрагу мустақил экан.  
У мени деб ҳайикмади, чиқди йўлимга.  
Ўлимга тез юз тутаркан адолат деган,  
Энди у ҳам одамлардек маҳкум ўлимга.  
Сизлар каби бўларди-ку, у ҳам жим юрса,  
Ёрликлардан, рутбалардан у маҳрум энди.  
Ёрликлари бир пул экан у ўйлаб кўрса,  
Фикрлари шу тариқа бир жойда тинди.  
Ёрликлардан устун турар маъбуд фарзанди.  
Ҳақсизликни писанд килмай яшаш сафосиз,  
Тайёрланган имтиёзлар оёқка банди.  
Ўз-ўзини тушовлаган дунё – вафосиз.  
Билмайсизки, лақиллатар Зевс сизларни,  
Суғормасдан олиб келар сувга обориб.  
Ёмон рухда ўстирди у ўғил-қизларни  
Топтади у эзгуликни тупроққа қориб.  
Эслаб кўринг у не килди кекса авлодни.  
Улар энди жаҳаннамда – Тартар қаърида  
Ҳоким қилди руҳингизга соҳир ҳаётни.  
Кун кўрасиз Фемидадан анча нарида!  
Билмасангиз билиб кўйинг, Зевс – муттаҳам!  
Ҳар қадамда ишлатади у тап тортмай фириб.  
Оғзин юмар сўнгги бўғин вакилларин ҳам  
Йўлига у мансаб бериб, ёрликлар бериб!

### Маъбудлар етакчиси

Ҳамма айб бизда эмас, Прометей, иним,  
Аклилизни ўғирлаган бунда жоду бор.  
Соз ҳаёт деб бизлар ахир билмаймиз тиним,  
Тиришамиз, ўзимизда эмас ихтиёр!  
Зарур чогда Зевс маҳсус одамлари-ла,  
Онгимизни бошқаради узоқда туриб!  
Кулдирсалар, биз куламиз хушнудлик ила,  
Йиғлатсалар, йиғлагаймиз қаҳқаҳа уриб!

## Фемида

Ха, шунақа, бедодликлар борлиги тайин;  
Кимни қүшга айлантирган, кимни маймунга!  
Хароб этди мамлакатни у борган сайин  
Күп гапирдим маслаҳат кор қилмади унга!

## Херакл

Биласизми – жоду ичра бутун мамлакат!  
Телбахона тўлиб кетган, Эллада – зиндан!

## Фемида

Хефаст берган қилич билан ушбу фалокат  
Ва ноҳақлик аста-секин бўлгуси гумдон!

## Прометей

Ха, Фемида – онаизор, лекин Ҳеракл  
Шу қилични ташласа гар уч марта сирмаб,  
Ўз аслига қайтар яна Идрок ва Ақл  
Ҳамда Мехр уйғонгуси кўнгиллар юмшаб.  
Ошкор бўлсин ҳаммангизга яна битта сир:  
Қиличингни силта уч бор, Ҳеракл, қани!

*(Ҳермес қиличини ҳавода уч марта силтаниради. Қоя тўдаланиб турган одамга, چўзилиб ётган қавм аҳли бўрига айланди. Маъбудалар юзида табассум ўйнайди, улар бир-бирларига меҳр билан боқадилар. Бўрилар саҳнадан нисибгина чиқиб кетадилар.)*

## Фемида (Прометейга)

Болагинам! Яқинроқ кел, Хесионани  
Босмоқчийди ўз отаси Уммон хилватда.  
Йўл қўймади бунга асло Уч Мойралар, ҳа

Мадад берди. Адо бўлди Зевс даврони!  
Юр мен билан Уч Мойралар сари борамиз  
Ва қурамиз янги авлод салтанатини!

*(Прометей учар аробага тушади. Маъбудалар она-болани олқишилаб қоладилар.)*

### **Парда**

### **ИЗОҲЛАР**

1. Тартар – Ер қаъри.
2. Крон – Титан, Ер ва само фарзанди, Зевснинг отаси. Олимпда иккинчи хукмдор.
3. Уч Мойра – уч опа-сингил, қисмат маъбуллари, топкирлик бўйича Зевсдан юкори турадилар.
4. Яздон – Зевс назарда тутилмоқда.
5. “Хеш бўлсангиз ҳам...” – Уммон кизлари Прометейга қариндош бўлади.
6. Ҳорхона – Медуза – уч опа-сингилдан бири. Унинг нигохи тушган жонзорот тошга айланган.
7. Фонийлар – ўлимга маҳкум одамлар.
8. Вахший скиф – ёввойи қавм.
9. Тифон – улкан маҳлук.
10. “Асқотади Ҳефест берган мана бу қилич” – Ҳефест – темирчи маъбуд, яхам Прометейга қариндош.
11. Уран – Само титани, Олимпда биринчи хукмдор.

## **ОБИДА**

*(Турди Фарогий ҳаётидан драматик достон)*

### **ҚАТНАШУВЧИЛАР**

**Субхонқулихон.**

**Мұхаммадиёр** – девонбеги.

**Рахимбек** – хон маслахатчиси.

**Бойлоқ** – Қүшбеги.

**Хожадиловар** – давлатманд киши.

**Оқбұтабий** – Хұжанд ҳокими.

**Бокира** – Оқбұтабийнинг хотини.

**Энага** – Оқбұтабийнинг хизматкори.

**Дарбон** – Оқбұтабийнинг хизматкори.

**Муаррих.**

**Турди Фароғий** – шоир.

**Тұтигул** – Турди Фароғийнинг рафиқаси.

**Халимбай.**

**Элликбоши.**

**Аттор.**

**Мешкобчи.**

**Айрончи.**

**Зиндонбон.**

**Лаҳмчи.**

**Әрмат** – халқ вакили.

**Чопар.**

*Сарой аҳли, соқчилар, миришаблар, навкарлар, ясовулбоши ва  
йўловчилар.*

*Воқеалар Бухоро, Хўжсанд ва Киштут қалъасида кечади.*

## БИРИНЧИ МАНЗАРА

*Киши туут қалъаси ҳаробалари узра қора булут кезмоқда. Атроф нимқоронгу – тун. Гумбази бузгун бүлгән масжид деворлари ёнига ҳорғын руҳли, қаландарнамо кийинган Турди Фарогий яқинлашади. У девор сиртидаги араб имлосида битилган байтларни синчиклаб күради-да, шам ёқади, сүңг белбогига қистирилган чормихни олиб, деворга ҳарфлар битади.*

### Турди Фарогий

Дилда илхом мавж урадур, vale қувват йўқ  
Қани эмди давот бўлса, ҳам қофоз бўлса...  
Ҳар бир сўзни отар эрдим бамисоли ўқ,  
Мушкул эркан гар эҳтиёж камёб-оз бўлса,

*(Шам кўтариб ўзи ёзган байтларни ўқиёди.)*

Тор кўнгиллик беклар, ман-ман деманг, кенглик килинг,  
Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг!  
Бирни қипчоқу хитою, бирни юз, найман деманг,  
Киркю юз, минг сон бўлиб, бир хон оинлик қилинг.  
Бир ёқодин бош чиқариб, барча бир тўнға кириб,  
Бир ўнгурлик, бир тиризлик, бир яқо-енглик қилинг,  
Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг!  
Ух... Толиқдим. Зотан шундан бошқа юмуш йўқ,  
Чидаш керак худованднинг ёзу қишиға.  
Нетай, найлай ҳамёнимда олтин, кумуш йўқ,  
Ҳайё ҳуйт деб кирай десам шаҳар ичиға.  
Менсимасдим дунё молин даврон келганда,  
Ҳатто, сарой, ҳарамларин кўзга илмасдим.  
Билсам, олтин-олло эркан, эл эса банда,  
Эҳ, невучун шул чинликни олдин билмадим?  
Билсам эрди мен-да олғир савдогар янглиғ,  
Шахду шакар такаллумни ёр қилмасмидим!  
Кун кечириб кўзи кўру гўши кар янглиғ,  
Мухтожларни парча нонға зор қилмасмидим!

Шарафласам бўлмасмиди хону хоқонни,  
Хей, йўқ, кўнгил, ўзингға эрк бермагил зиёд.  
Курашмоқ-чун қўлга олдинг килич-қалқонни,  
Вале мағлуб томонларға бошлади ҳаёт.  
Дабдурустдан... Даҳшатангиз довуллар санчиб,  
Бошимизга балогардон кечмишин солди.  
Кирғоқлатди долға худди хамирдай кўпчиб,  
Шул турушда на дўст қолди, на диёр қолди!  
Бой берилди кўзғолонлар, буюк исёнлар.  
Бой берилди ишқ-муҳаббат, эътиқод, имон.  
Киролмади бир чопонға тарқоқ инсонлар,  
Тарқоқликдин тангри ўзи этсун аломон...  
Чунки кўним билмас эркан одам боласи,  
Наки одам, зўр уммонлар сойға айланмиш.  
Бул Кўҳистон мулки ичра Киштут қалъаси,  
Келиб-келиб энг ташландик жойға айланмиш.  
Кунгурадор деворларда йўқ эмди шинак,  
Кўчиб кетган ганжи тугул, бўёқ-сиёғи.  
Вале ёрқин миноралар бузмайдур пинак,  
Зар-нигоргага мўл эрса-да боши, оёғи!  
Терак бўйи келадурғон бул масжид ҳароб,  
Этагинда ўт-ўланлар айқашиб ётур.  
Тирик жон йўқ, ё алхазар, бул қандай сароб,  
Бўм-буш эрур хонақолар, йўлаклар бенур...  
Бир вактлар бул қалъада қайнағон ҳаёт,  
Энди эса қўрқинчли бир тарзда ҳувиллар...  
Пайҳон бўлған боғларинда булбулмас, ҳайҳот,  
Бойқуш сайрапар, гоҳи эса бўри увиллар.  
Мана шул ер кўпдан маскан-маъво мен учун  
Савил қолди Турон ери – кондош маъвойим.  
Савил қолди тор бағрлик, кетдим кенг учун,  
Савил қолди зилол сувим, тиниқ ҳавойим!  
Савил қолди жаллодлари ила ёвуз хон,  
Савил қолди мулла бўлиб кўринган жосус.  
Савил қолди ҳақни ноҳақ этган оломон,  
Нетай, найтай, ўқ отдилар жонимға маҳсус!

*Оқбүтабий киради, у ҳам қаландар қиёфасида.*

**Оқбүтабий**

Эй, сен кимсан?

**Турди Фарогий**

Мусофиран...

**Оқбүтабий**  
*(эгнига ишора қилиб)*

Қайдин бул жанда?

**Турди Фарогий**

Хотирамнинг мазаси йўқ... Бизнинг удумда  
Кимсан дея сўралмағай мусофиран-да.  
Эмди бундай калом чикмиш...

**Оқбүтабий**

Замона шум-да!

**Турди Фарогий**

Бале таксир! (тусмоллаб)  
Янгишмасам Оқбүтабийсан.

**Оқбүтабий**

Худди ўзи!

*Иккови қучоқлашиб омонлашади.*

**Турди Фарогий**

Кажрафторнинг шевасин қара!

**Оқбүтабий**  
*(энгилга ишора қилиб)*

Эҳсон қилган жандам-ку...

## **Турди Фарғий**

Ха, худди ўзи.  
Бу ёқларға қайси шамол учирди сени?

## **Оқбўтабий**

Сенға мадад берганимни айғоқчи билмиш...  
Хон ногаҳон ҳокимликдан четлатди мени,  
Қулогига етиб борган ҳар турли миш-миш.  
Катл этмак қасдидайкан ошкор йўл бирлан,  
Дабдурустдан қочиб қолдим бош оққан ёққа.

## **Турди Фарғий**

Хуллас, мендек келибсан-да дашту чўл бирлан.

## **Оқбўтабий**

Рафиқамнинг оҳи турар ҳамон қулоқда.

*(Олисларга тикилиб қолади. Хотирлайди.)*

## **ИККИНЧИ МАНЗАРА**

*Хўжанд. Уйга туташ пешайвонда энага бешик тебратиб ўтиради. Бокира қашта тикиши билан машгул.*

## **Энага**

Қуёшим, ойим ўзинг, аллаё алла,  
Ёп-ёргуғ бўлғай юзинг, аллаё алла.  
Эслатур ялдо туним, эслатур, жон-ей,  
Қора қош, қора кўзинг, аллаё алла!

*Ранги қув оқарган Оқбўтабий шошиб киради.*

## **Оқбұтабий**

Бокира! Бұл, ҳозирлагин сафар анжомим,  
Тез фурсатда бул диёрни тарк этмоқ лозим.

*Бокира туради. Энага таъзим бажо келтириши учун туриб  
үтиради.*

### **Бокира**

Нима бўлди?

## **Оқбұтабий**

Қаро бўлди ёп-ёруғ номим!

**Бокира**  
*(саросимада)*

### **Энага**

Шўримиз қурсин!

### **Бокира**

Мен-чи?

**Оқбұтабий**  
*(у ёқ-бу ёққа қараб)*

Жим! Шовқин қилма!  
Кейин сенға ўзлигимдан берурман пайғом,  
Уй-жой топсам, сал тинчисам олиб кетурмен.  
Бокира, бўл, оз қолди вакт, шошил, тез, ҳайҳот!  
Ҳайкал янғлиғ серраймокнинг пайтимас!

**Бокира**  
*(йигламсираб)*

Кўрман...  
Кўр бўлмасам...

**Оқбўтабий**

Обидийда қилмасанг-чи, бўл.  
Кийим-бошни, ақчаларни қопчикка жойла.

*Бокира ичкари уйга кириб кетади. Шу пайт девор ортидан  
дарбоннинг овози эшишилади.*

**Дарбон**

Оқбўтабий! Қоч навкарлар! Тирбанд ўнгу сўл.

*Қўлда қопчик билан Бокира киради. Отлар дупури эшишилади.*

**Оқбўтабий**  
*(безовта, секин)*

Қандоқ қилиб хайрлашай шу кўрк, чирой-ла!

*Бокира тиз ҷўкиб эланади.*

**Бокира**

Шўрим қурур ёт эркаклар кирса бостириб,  
Кетманг! Ёхуд бизни бисмил қилиб кетингиз...  
Ўзингизни оқлаб олинг, балки бу – фириб,  
Балки, бизни хон афв этур – ҳиммати денгиз.

**Оқбўтабий**  
*(қопчиқни олиб)*

Сизни бисмил этмоқликка менга вақт қайдা,  
Дам ғанимат, жўнаш керак фурсат борида.

*Ховли саҳнига навкарлар бостириб киради. Оқбўтабий жуфтакни уриб қолади. Бокира фарёд чекади. От дупури эшитилади.*

**Элликбоши  
(ўнбошига)**

Орқасидан қув! Энагар! Қашқани ҳайда!

*(навкарларга)*  
Айтинг, кимди илинжи бор анинг ёрида?

*Тўрт нафар навкар бир қадам олдинга силжисб жувонга талабгор эканликларини билдирадилар. Бокира фарёд чекади.*

**Энага**

Тўхтанг, бўрилар!

*(олдинга чиқиб бешикни тўсади.)*

*Навкарлар Бокирани судраб ичкари олиб кирадилар.*

Яқин келманг, норасида гўдак-ку ҳали!

**Элликбоши**

Найза санчинг шум кампирга.

**Энага**

Мусулмонлар! (секин) Мадад беринг, ё ҳазрат Али?

*Энага найза дастидан ушлаб, навкарларни орқага итариади. Бир навкар унинг сочидан тортиб ерга йиқитади, бошқаси энагага найза санчади.*

## **Энага**

Бераҳмлар! Ўлмоқдаман... Ер ютсун хонни!

*(Ўлади)*

## **Элликбоши**

Хах-хах-хах-ха!

## **Навкарлар**

Хў-хў-хў-хў...

## **Элликбоши**

Хизмат ила оқлангизлар хон берган нонни!

## **БИРИНЧИ МАНЗАРА ДАВОМИ**

*Оқбўтабий ҳамон олисларга тикилганча турган бўлади.*

## **Турди Фароғий**

Нима бўлди? Мунча хаёл сурмасанг, етар.

## **Оқбўтабий**

Шундок, ўзим... Ҳай... Бу ерда тириклик қалай?

## **Турди Фароғий**

Шул хароба манға маскан. Сув-озик етар:  
Хув, анови мевазорда... Ризки рўз талай...

## **Оқбўтабий**

Парвардигор шафқат қилғай бандалариға.

*(Девордаги ёзувларга кўзи тушиб.)*

Тавба, қатор мисраларда қарулгоч каби  
Ўлтиришур фикру аъмол қочмай нариға,  
Ўзинг асра шикастлардин, ҳаётан-наби!

*(Ўқийди)*

Тор қўнгиллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг!  
Бирни қипчоқу хитою, бирни юз, найман деманг,  
Қирку юз, минг сон бўлиб, бир жон оинлик қилинг.

### **Турди Фарогий**

Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг!  
Вале тенглик қилолмади беклар, амирлар  
Холбуки бул калима биз учун нажот!  
Шу йўлда мен ошдим қанча тогу тош, кирлар  
Ваъда айлаб бермаса-да Ҳалимбий ғирот!

*(Ўй суради)*

### **УЧИНЧИ МАНЗАРА**

*Бухоро шаҳри бозори яқинида бир майдон – намозгоҳ, Атторлик дўқони олдидағи супада Бойлоқ Қушбеги, Муҳаммадиёр, Ҳожадиловар ва Турди Фарогий чой ичиб ўтиришишган бўлади. Аттор уларнинг хизматида, дам баркашда туршак, майиз, дам чой олиб кириб туради.*

### **Ҳожадиловар**

Чойдан хўпланг, Муҳаммадиёр, Қушбеги қани,  
Нонға қаранг..  
Энди гапни ростин десам, куёвимизни  
Қўллаш керак.

## **Бойлоқ Қүшбеги**

Күёвингиз балхлик эмас-да...

### **Хожадиловар**

Не дахли бор?

### **Мұхаммадиёр (жайлайиб)**

Гар билсангиз хон ўша ёқли...

### **Турди Фарғий (тиззасига уриб)**

Э, шунингчун сарой аҳли балхлик экан-да!  
Бойлок Қүшбеги

*(Хожадиловарга)*

Гап шул ерда...

Вале мен ва Мұхаммадиёр  
Бошқа уруғ, бошқа улус, бошқа әлатдин  
Шундай килғон атайлабдин Субхонкулихон  
Аҳвол билиш, сир олиш-чун сарой аҳлидин.

*(Хожадиловарга)*

Күёвингиз ҳали-бери юратурадир.  
Даражасин күтартмокқа ружу қылсангиз.  
Хонға айтинг, яқинисиз, нимангиз кетди?  
Зора сарой шоири деб фармон бердирса.

### **Мұхаммадиёр**

Бунинг-чун ё ришват даркор ва ёки...

**Хожадиловар**

Хўш-хўш?

**Муҳаммадиёр**

Жигабойли уруғидан бўлмоқлик керак,  
Куёвингиз янглишмасам юз уруғидин.

**Хожадиловар**

Бале, тақсир, аммо-лекин жаноби хоннинг  
Биродари Абдулазиз ҳазратлариким,  
Уруғчилик қилмас эрди...

**Бойлок Қушбеги**

Ул тол кесилғон...

*(четга, секин)*

Турди шоир башартиким найманлик бўлса,  
Зотим дея дастлаб уни қўллар эрдим мен!

**Муҳаммадиёр**  
*(четга, секин)*

Мен қипчоқлик...  
Бўлмаса-да Турди қипчоқлик  
Мартабасин оширадим, – Хожадиловар –  
Гар зар берса... Ул бағоят зиқна-да, ахир.

**Турди Фарогий**

Уруғчилик, тарафкашлик авж олғон юртда  
Илол-абад унум бўлмас.

**Бойлок Қушбеги**

Куфр сўзлама...  
Қани, омин... Юк бўладир кўп гап эшакка.

*Фотиҳа ўқиб турадилар.*

**Турди Фароғий**  
*(четга, секин)*

Энди билдим аҳли сарой кирдикорларин!

*(бирин-кетин чиқадилар)  
мешкобчи ва айрончи киради.*

**Мешкобчи**

*(айрончига)*

Бор-бор, жўна, хей қишлоқи, аравангни торт,  
Эргашверма, бор, нариги томонға ўтғил.

**Айрончи**

Сув қайдаю, айрон қайда?!

**Мешкобчи**

Эринмоғон сорт.  
Қани жўна, ҳам ўзингни сипороқ тутғил.  
Йўқса...

**Айрончи**

Нима?

**Мешкобчи**

Қўяжакман жагингни эзиб!

**Айрончи**

Хей, оғирроқ бўл... Ҳаммани-да бир кўз била кўр.

## **Мешкобчи**

Бор-эй!

*(Сув тўла мешни атторлик дўкони олдига қўяди.)*

Келиб қолинг, адашманг кезиб.  
Сувмисан сув!

*Айрончи мешкобчининг рўпарасига чеълакни қўяди.*

Айрон ичинг, қиласиз хузур!

*Атторлик дўкони ичидага атторнинг қораси қўринади.*

## **Аттор**

Хов, бухорий, тўсма дўкон олдини, жўна!

## **Мешкобчи (атторчига)**

Бу ер менинг шаҳрим эрур. Бас қил, келгинди!

## **Аттор**

Хой, ярамас! Тилингни тий!

## **Мешкобчи**

Гумдон бўл, сўна!

*Хушбичим либос кийган Турди Фарогий киради. У дўкон олдида тўхтаб, бир атторга, бир мешкобчига назар солади-да, бошини чайқаб қўяди.*

## **Турди Фарогий**

Сувдан борми?

## **Мешкобчи**

Ичинг, тўрам, муздеккина сув,  
Жувон эмас, киздаккина сув.  
Чанқов босди, жон роҳати бу,  
Ёмғир пайти тўкилган дув-дув.  
Ичинг, тўрам, муздаккина сув.

## **Аттор**

Бул сув эрмас, мағзава асли.

*Мешкобчи атторчига ўқраяди. Айрончи Турдини имлайди.*

## **Айрончи**

Келиб қолинг, айрон, айрон,  
Ичган кимса ҳайрон, ҳайрон.  
Нафси қониб қила берар  
Тогу тошни сайрон, сайрон.  
Ичмангиз сув кун тифида,  
Бўлур ёқа вайрон, вайрон.  
Айрон хўпланг, яйрагайсиз,  
Бамисоли жайрон, жайрон.

*Турди Фарогий айрондан ичади. Мешкобчи атторни ёқасидан олади.*

**Аттор**  
*(жон ҳолатда)*

Ёрдам беринг! Мусулмонлар!

*Йўловчилар тўпланишади. Турди Фарогий олдинга ўтиб жанжални бостиради.*

**Турди Фарогий**

Айб бўладур. Мусулмонсиз икковингиз ҳам.

**Аттор  
(мешкобчига)**

Кирғинбарот килмоқ керак бухорийларни.

**Турди Фарогий  
(атторга)**

Маъзур тутинг, тақсир мени. Сиз қаердансиз?

**Аттор**

Субхонкули диёридан – асли Балхданман.

**Турди Фарогий**

Бухорода кўпданмисиз?

**Аттор**

Ўттиз йил бўлди.

**Турди Фарогий**

Айтингиз-чи, тирноққа зор эмасмисиз?

**Аттор**

Йўқ.

Алҳамдулло икки ўғлим, олти қизим бор.

**Турди Фарогий**

Ундей бўлса, Бухорода туғилган бари?

**Аттор**

Бале...

**Турди Фароғий**

Демак, бухорий деб саналур алар!  
Қирғинбарот қилинсинми фарзандларингиз?

**Аттор**

Э, йўқ, олло саломатда сақласин ўзи.

**Турди Фароғий**

Шундай экан, бухорийни ҳақорат этманг!

*Мешкобчи, аттор, айрончи ва йўловчилар аввалига жилмайшишади, кейин қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборшишади.*

**Турди Фароғий**  
*(мешкобчига)*

Сен ҳам қўп-да эрк бермагин энди тилингга,  
Ҳаммамиз ҳам бир аъзомиз. Бирор еrimiz  
Гар оғриса зириллайди бутун гавдамиз.  
Шунинг учун қулфат тушса бирортамизга  
Биз барчамиз шул қулфат-ла оғриб турайлик.  
Бизга ибрат бу борада Гуржистон ахли.  
Алар ўзи миқдоран оз, бироқ бир-бирин  
Ҳар қандайин вазиятда қўллай биладур.

**Айрончи**

Баракалла. Минг оғарин! Ҳақ гапни айтдинг!

**Биринчи йўловчи**

Тўғри, бизда гуржилардай уюшқоқлик йўқ,  
Бул борада уятлимиз замон олдида.

## **Иккинчи йўловчи**

Хонавайрон этаётир барот солиги!

## **Учинчи йўловчи**

Қандай қилиб уюшсин эл, турмуш ташвиши  
Шул қадар кўп, айтқон бирлан адо бўлмайдур.

## **Тўртинчи йўловчи**

Уй-жой учун, қилинажак тўй учун ўзбек  
Умр бўйи сарсон эрур ақча кетинда.

## **Турди Фарогий**

Юрт ҳақинда фикрлаш йўқ: бари ҳар кўйда...  
Ёқа-энлик килолмаймиз бир тўнға кириб.  
Азалдан-да қаллобфуруш магизчи каби  
Уруғчилик бошимизда ёнғоқ чакадур!  
Кирқу юз минг қипчок бирлан кенагас, найман –  
Бошликлари мансаб дея бир-бирларини  
Қириб келур. Эслик бўлса Субхонкулихон  
Авваламбор шу ҳолға ул барҳам берурди.

*Миршаблар ва соқчилар етагида оёқ-қўлларига кишин солинган  
бандилар ўтади.*

## **Биринчи миршаб (бандиларга қамчи уриб)**

Жадалроқ юр!

## **Турди Фарогий**

Кишани бор юрай деса...

## **Биринчи миршаб**

Аралашма!

*(соқчига)*

Кишанлилар сафини тузат!

**Соқчи**

Бажону дил.

**Турди Фарғий**

Гуноҳи не буларнинг ахир?

**Иккинчи миршаб**

Тўламоғон барот солигин.

**Турди Фарғий**

Барот эрур етти йиллик соликнинг оти...  
Ҳаммамиз ҳам бул хирожни тўламаганмиз.

**Биринчи миршаб**  
*(соқчига)*

Қочқин эркан, кийгазингиз анга ҳам кишан!

**Биринчи йўловчи**

Менға ҳам.

**Иккинчи йўловчи**

Менға ҳам.

**Учинчи йўловчи**

Менға ҳам.

## **Түртинчи йўловчи**

Менға ҳам.

### **Иккинчи миршаб**

Кишан етмайдур.

### **Турди Фарогий**

Кўрдингизми, ахли фуқаро!  
 Ҳаммангизға кишан етмайдур.  
 Мана булар: беҳудаға банди бўлғонлар!  
 Бизнинг оёқ-қўлимиздур. Банддин аларни  
 Озод этмак керакмидур? Қани, ур-ҳо, ур!

*Оломон миршаб ва соқчиларга ташланади. Ур-йиқит бошлилади. Омон қолган миршаб ва соқчилар бирин-кетин жуфтакни урадилар.*

### **Турди Фарогий**

Бас, халойик! Шул шаҳд ила эмди ҳаммамиз  
 Тўппа-тўғри хонға қарши юруш бошлайлик!

### **Биринчи йўловчи**

Қани олға, тўппа-тўғри хон саройиға!

### **Турди Фарогий**

Авваламбор, бандиларни озод этайлик.

*Бандиларни кишандан фориг қилаётганларида жазо соқчилари қўзғолончиларга ҳужум қилиб, уларни ҳам кишанбанд этадилар. Миршаблар билан ясовулбоши киради.*

**Биринчи миршаб**  
*(Ясовулбошига Турдини кўрсатиб)*

Мана, бегим, қўзғолонга ундаган кимса.

**Ясовулбоши**

Э, шундайми, қани-қани, танишайлик, хўш  
Гапирғиси келған вақтда ҳар киши жимса,  
Ўз умрини эъзозлағон бўладир.

**(Йўловчиларга)**

Пўшт-пўшт.  
Нарироқ тур. (Турдига секин.)  
Наслу насаб? Қайси уруғдин?

**Турди**

Юз уруғи гар билсалар менинг уруғим.

**Ясовулбоши**  
**(мамнун)**

Э, шундайми! Мен ҳам ахир шул уруғдин-ку.

**(баралла)**

Хей, миршаблар! Буни филхол озод этингиз!

**Турди**

Озодлик – ҳеч, жўраларим озод бўлмаса!

**Ясовулбоши**

Гўл экансан! Озод этиб бўлмас барчани!  
Мушкул кезда ўз жонингни олиб қочсанг-чи!

## **Турди**

Қай юз бирлан сүнг бокурман жўраларимға.

## **Ясовулбоши**

Эзгуликни билмас эрсанг – билганингни қил!

**(Миршабларга)**

Ўрда сари ҳайданг кани, ит-кўппакларни!

**Миршаб ва соқчилар бандиларни етаклаб ўтаверади. Турди турган еридан жилмай гапиради.**

Токайгача уругчилик бу юртда танти,  
Токайгача бу саҳвни папалайдилар.  
Қалъаликлар далаликни дейишиб анди,  
Бегуноҳдан бегуноҳ хўп савалайдилар.  
Наҳот бундан воқиф эмас Субхонқулихон,  
Наҳот улус ташвишини ўйламас пича.  
Йўқ, мен хонға юрт бошиға тушган савдони  
Айтиб, андин бул иллатға даво сўргайман!

## **БИРИНЧИ МАНЗАРА ДАВОМИ**

**Турди Фарогий хаёл суришни бас қилиб, Оқбўтабийга қарайди.**

### **Турди Фарогий**

Қани, ўлтири, бизга эмди тўлин ой – ёстук,  
Осмон – кўрпа.

**Ўтиришиади, йироқ-йироқларда ваҳший ҳайвонлар ўкириги  
эшитилади.**

## **Оқбұтабий**

Бу не ўрин, ухлаб бўлмас-ов.

## **Турди Фароғий**

Биласанми, кўнишишга боғлиқ ҳаммаси.

## **Оқбұтабий**

Оре, рост бу.

*Турди ҳам, Оқбұтабий ҳам ёнбошлиайди.*

Нимагадур уйқу келмоқда.

## **Турди Фароғий**

Чарчагонсан, ухла.

Оқбұтабий ухлайди.

*Турди яна хаёл суради.*

## **ТҮРТИНЧИ МАНЗАРА**

*Хон таҳтда, сарой аъёнлари унинг ён-атрофида. Жадал юриб  
Бойлоқ Қушбеги киради ва хонга таъзим бажо келтиради.*

## **Бойлоқ Қушбеги**

Кўзғолончи бадракларни занжирбанд этдик,  
Ҳаммасини қатли омға ҳайдайверайми?

## **Хон**

Тўхта, алар нечун... кўтаришғон бош?

## **Бойлок Қүшбеги**

Күппакларға хуш келмасмиш барот солиғи.

### **Хон**

Солиғ? Қизик, солиғни деб... Муаррих қани?

*Қалин китоб, давомт-қалам ушлаган Муаррих сарой аёнлари  
қабатидан чиқиб, хонга яқын келади.*

### **Муаррих (бош эгіб)**

Хизмат, хоним?

### **Хон**

Солиғ нима?

### **Муаррих**

Хоним, солиғ бу...

*(китобни варақлаңыз және үқийди)*

Юрт бошиға тушадирғон салтанат юки,  
Тахт мушкулин осон этмак – раият бурчи.  
Минг шукурким, Турон мулки олтунға бисёр,  
Солигсиз ҳам ўз кунини күраверади.  
Вале боболардан қолғон удумни бузмак –  
Алар құрғон биноларни бузмак-ла тенгдир.  
Ишёқмаслик йўқолади солиғ тўланса  
Зулмат ўрнин нур олади солиғ тўланса.  
Эл кеккаймас, бойваччадек бетга чопмайдир,  
Нишонадир солиғ – хонлик мавжудлиғидин!

**Хон**  
*(ұзига- ѫзи)*

Шу чоққача бузганим йўқ боболар измин,  
Улуғ Темур тизиб кетғон йўлдамен ҳануз!

*(Бойлоқ Күшбегига)*

Барчасини қатли омға рўпара қилинг!

*(ўзига-ўзи)*

Менға қолса қўллар эрдим исёнчиларни!  
Аммо лекин мен хонман-ку тахт кетур қўлдин...

*(Бойлоқ Күшбеги)*

Бул қўзғолон йўлбошчиси ким эркон?

**Бойлоқ Күшбеги**  
Турди!..

**Хон**

Турди? Қизиқ... Турди – қўзгалмак демак...  
Филҳол келтур хузуримға.

*Бойлоқ Күшбеги таъзим билан чиқиб кетади.*  
*(ўзига-ўзи)*

Кажрафтор фалак!  
Тахт ишини юргизмаклик нечоғлик мушқул,  
Атрофингда гар бўлмаса хушёр одамлар.  
Ким бўлмасин мансаб учун койитади жон...  
Бўлса эди қабатимда событқадамлар,  
Бул тахт, бул юрт кундин кунга топур эрди шон.

*Бойлок Қүшбеги Турдинни икки навкар билан олиб киради.*

### **Бойлок Қүшбеги**

Ана ўзи...

#### **Сарой аҳли**

Малъун! Ярамас! Тагипас!

*Раҳимбек Турдига қўзини қисиб қўяди. Бирдан унга ташланмоқчи бўлади. Бироқ Бойлок Қүшбеги йўл бермайди.*

### **Бойлок Қүшбеги**

Теграсига йигиб олиб уч-тўрт бадракни,  
Сизға қарши оёқланган бадкирдор, мана!

#### **Хон**

Агар ҳозир бир ишора қилмасам эрди,  
Сарой аҳли сени ғажиб ташларди тамом.

#### **Турди**

Ҳа, биламан, давлатингиз кўланкасида  
Нечун қуёш бу кўзларни қамашти rmsин!  
Содик бўлиб туюладур сиртдан қаралса,  
Аммо дилда саклашади сизга хусумат.

#### **Сарой аҳли**

Малъун, ярамас! Тагипас! Телба! Ҳисоб бер!

#### **Турди**

Булбул тилин тушунади факат андалиб!  
Жумла қарға-қузғуларға сўйлаш чикора?

## **Хон**

Чотингга зўр бермағилки, бутинг йирилур!

## **Турди**

Сени андак тушунишса атрофдагилар,  
Қадрласа меҳнатингни ерга урмасдин,  
Яшаётган жойинг магар ботқоқ бўлса-да,  
Ўшал жойни жаннат дея атайсан киши.

## **Хон**

Худодин қўрқ!

## **Турди Фароғий**

Худодин қўрқ? Сиз-чи, ҳазратим?  
Юрт бош-бошдоқ, тарқоқ.  
Андуҳ юки остида бу халқ!  
Уни эзар Мұхаммадиёр, Бойлок Қушбеги,  
Қўшни хонлар огоҳ бўлса бу бебошлиқдан  
Бир ҳафтада босиб олур Бухоро тахтин!  
Маишатга берилмасди Абдулазизхон  
Раҳматлик кўп эсли эди биродарингиз.  
Эринмасдан эшитарди фуқаро арзин,  
Шоҳ Абдулазиза бўлди жаҳонбонлиғ ҳатм,  
Аҳди шаҳаншахию фурсати хоқонлиғ ҳатм,  
Шарти инсоғу карам пешалиғу хонлиғ ҳатм,  
Расми доду равишойини мусулмонлиғ ҳатм,  
Яхши от этти алам арсаи даври оғоқ.  
Бирон марта халқ додига етганимисиз сиз?  
Асло! Сизга жонон ила қадаҳ бўлса бас!  
Юрт ҳақинда фикрлаш йўқ!..  
Сиз ҳамбазм ўлуб хожасаролар била ёр,  
Ҳукм баръақс суриб, бўлди хотунлар сардор,  
Хор ўлди уламо-ву фузало, шайху кибор,

Күрүнгиз юрт иши топти на ерларга қарор.  
Хон жилови икки бадрагга тегиб, ўлди инок.

### **Хон**

Юрт ҳақинда фикрлаш йўқ?..  
Вах-ҳах-ҳах-ҳах-ҳа!

### **Сарой аҳли**

Хих-хих-хих-хи!  
Хўй-хўй-хўй-хўй!  
Ҳах-ҳах-ҳах-ҳах-ҳах-ҳа!

### **Турди**

Эй юзи қаро, кўзи кўр, қулоги кар, беклар!  
Билингиз бу сўзимни панд саросар, беклар.  
Айлангиз пайрави шаръийи паямбар, беклар:  
Сизға даркор бу юрт, эй гала занғар, беклар,  
Бу қадим нақл эрур: “Эл работу тўра қўнок”.

### **Сарой аҳли**

Ҳах-ҳах-ҳах-ҳа!

### **Турди**

Едингиз барчангиз итдек фуқарони этини,  
Ғасб ила молин олиб қўймадингизлар битини:  
Қамчилар доғи солиб бўйни, конотиб бетини,  
Ёрдингиз захрасини, ичидан олиб ўтини:  
Бўлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёк!

### **Хон**

Қамчи уриш даркор эрур, раият – пода!  
Уриб турсанг кетаверар хоҳлаган ёққа.

Сингани йўқ таёқ ҳали сени бошингда,  
Синса сен ҳам бўлур эрдинг одамшаванда.  
Мурувватга лим-лим эрур кўнглимиз ҳали,  
Сийлаганни сигир билмас, сен одамсан-ку!

### **Бойлоқ Қушбеги**

Шафқат тила.

### **Мұхаммадиёр**

Бор, шукур қил!

### **Рахимбек**

Тавба эт, гумрох.

### **Хон**

Муддао не?  
Турди бир кўз билан қаранг дейман ҳама уруғга  
Ҳам юкори қўйманг бирин иккинчисидин!  
Иқтидорли кишилар бор ҳар бир уруғда,  
Аларни Сиз тенг кўринг-да мансаб улашинг!  
Сўнг кўрарсиз юрт ишларин олға кетишин,  
Сўнг кўрарсиз аҳиллик ва иттифоқликни,  
Йўқса бу юрт... маскан бўлур босқинчиларга!

### **Хожадиловар**

Бўлмаган гап!  
Бундан сира чиқмас ёруғлик.

### **Турди (хонга)**

Кўрдингизми, чиқмас эмиш мендан ёруғлик.

### **Хожадиловар**

Суф-е сенга, яхшиликни билмас экансан!

## **Хон**

Талашмангиз! (Турдига) Эрк бермагин күп-да тилингга,  
Алхосилким, биз юрт ишин унутмаганмиз.

## **Рахимбек**

Ха-да, мачит-мадрасалар қурилаётир,  
Эътиборда қариялар, етим-есирлар.  
Мамлакатни хон ўзлари ҳафтада бир қур,  
Кезиб чиқиб мұхтожларға улашурлар зар,  
Күр бўласиз бундай хонни билмасангиз гар!

## **Турди**

Бу илтифот фақат балхлик фукароларга,  
Бошқа уруғ-аймокларнинг ҳоли забундир.  
Мансабдорлар, таҳт ишиға даҳлдор эрлар  
Ҳатто бозор учарлари ҳаммаси балхлик.

## **Хон**

Ха-ха, алар менинг уруғ-аймогларим,  
Кудаларим, күёвларим – хеш-ақраболар.

*(ўзига-ўзи)*

Чинданам бу мансабларда иш юритганлар,  
Иқтидорсиз кишилардир. Лек иложим йўқ;  
Гар бармогим тишлилар бўлсан танам оғрийди!

*(баралла)*

Етар энди исёнкорни зинданбанд этинг!  
Ўша ерда эс-хушини йиғиб олади.

## **Рахимбек**

*(Турдига қўзини қисиб)*

Шошмай турсин, тавбасига таянтираман!

## **БИРИНЧИ МАНЗАРА ДАВОМИ**

**Оқбўтабий**

*(уйқусираиди)*

А? Мен гуноҳсиз... Афв этингиз.

*(чўчиб уйғонади)*

Во, парвардигор саклагай ўзи!

**Турди Фароғий**

Не бўлди?

**Оқбўтабий**

Туш... Босинқираш...

**Турди Фароғий**

Босинқираш? Сен зинданда ётмагансан-да,  
Энг ростмана босинқираш ана ул ерда.

*Хотиргайди. Оқбўтабий яна ухлайди.*

## **БЕШИНЧИ МАНЗАРА**

*Зиндан нучмоги. Ён томони панжара билан тўсилган.  
Юқорида дарчадан нур ёғила бошлигайди. Тиззаларини кучоқлаган  
холда ўтирган Турди Фарогий юқорига қарайди.*

**Турди Фароғий**

Хали бошим узра хоким эрди зулматпеша тун,  
Бир тутам нур мужда берди тонг элчисидин.

Аzon саси...  
Аzon товуши эшитилади.  
Бунда эса оғир қадамлар...  
Йүқ, бу ўша зиндонбоннинг оёқ товуши.

*Кўлида бир даста калит ва ионушталик баркаш билан зиндонбон киради.*

### **Зиндонбон**

Турди оға, омонмисиз, аҳволлар нечук?  
Не камчилик бўлса айтинг – Раҳимбек сўзи.

### **Турди Фароғий**

Балли сизга! Бораверинг, сиздан қўнглим тўқ.

### **Зиндонбон**

Тонг сахарлаб сизни сўраб келди бир жувон,  
Киритаман... ҳозир, лекин (аланглаб) билмасин ҳеч ким.

### **Турди Фароғий**

Ким экан ул?

### **Зиндонбон**

Айтгани йўқ, кейин билурсиз...

*Зиндонбон чиқиб, бошига чодра ташлаган Тўтигулни бошлиб киради.*

### **Турди Фароғий**

Тўтигул?!

## **Түтигул**

Ха, мэн...

*Зиндонбон чиқади.*

*Турди Фарогий хафа, юзини ўгириб олади.*

Бунча энди, ахир мени севардингиз-ку!

## **Турди Фарогий**

Мен шундайман – сева туриб воз кеча олгум!

## **Түтигул**

Воз кечиш не? Севмөк учун яралган одам.

## **Турди Фарогий**

Билинг, энди кураш учун яралгай одам!

## **Түтигул**

Кураш нучун, каршиңгизда бор-ку гўзаллик...

## **Турди Фарогий**

Терс кўрингай гўзаллик ҳам инсоф йўқ эрса...

## **Түтигул**

Қўйинг энди шу гапларни.

## **Турди Фарогий (ўзиға ўзи)**

Ох, унинг кўрки!

Бул чиройдин аҳдин бузар ҳатто сўфи ҳам!

*(бараалла)*

Хўш, маликам, бул ерларға не хизмат бирлан?

**Тўтигул**  
*(йигламсираб)*

Эмиза туриб, иттифоқо ухлаб колибман,  
Гўдак нафас ололмасдан оламдан ўтмиш.

**Турди Фарогий**

Зиндон ва сиз. Энди бирдир иккови мен-чун.

**Тўтигул**

Озодликка чиқаркансиз, мени десангиз.

**Турди Фарогий**

Жўнайверинг, керак эмас менга озодлик,  
Ҳамон дилда менға берған дашномларингиз.

*(хаёл суради)*

### **ОЛТИНЧИ МАНЗАРА**

*Кўчага туташ ҳовли-жой – супа устида бешик тебратмаётган  
Тўтигул кўриниб туради. Кўчадан Турди ва Муҳаммадиёр кела  
бошлиди.*

**Турди Фарогий**

Балли, бегим.

**Муҳаммадиёр**

Айт-чи, қандай девонда юмуш?

## **Турди Фарғий**

Дуруст, бирок...

## **Мұхаммадиёр**

Гапир, дилда қолмасин дардинг.

## **Турди Фарғий**

Мұхрдордан қилай дейман шиква шикоят,  
Жиноятға бошлар йўқса анинг талаби.  
Эшик олдидә тўхтайдилар.

## **Мұхаммадиёр**

Қандай талаб?

## **Турди Фарғий**

Пул ундириш ниятида ул.

## **Мұхаммадиёр**

Хўш-хўш!

## **Турди**

Менинг имзойимдан манфаат кўрди:  
Бўлар-бўлмас кори юмуш бажарилди деб  
Бадалига ҳақ олинди олий ғазнадан.  
Имзо билан ақчани мен олишга олдим,  
Вале мендан санаб олди муҳрдор жамин.

## **Мұхаммадиёр**

Неча марта қайтарилди мазкур қилғилиқ?

## **Турди**

Янглишмасам, олти марта...

## **Мұхаммадиёр**

Чакки бўлибди...  
Хотиржам бўл, унга танбех бериб қўяман,  
Ҳа, сендин бир илтифот...

## **Турди**

Буюринг, бегим.

## **Мұхаммадиёр**

Уй қад берди, эмди айвон тикламоқчиман,  
Усталарни чакиртирдим. Ҳашарчиларни  
Ташкил қиласа ёмон бўлмас бизнинг одамлар.  
Нима дейсан?

## **Турди**

Айни ҳикмат гапингиз, бегим.

## **Мұхаммадиёр**

Эрта тонгдан иш бошлаймиз, кечикма тагин.

## **Турди**

Ўз вактида ҳозир бўлгум тангри хоҳласа.

## **Мұхаммадиёр**

Хўп, мен борай.

## **Турди Фарогий**

Қани, уйға ташриф буюринг.

## **Мұхаммадиёр**

Бошқа маҳал. Кирмай нима, худо хоҳласа.

*(чиқади)*

## **Турди (ёлгиз)**

Үқидим кўп китобларни, аларнинг бари  
Тажрибадан, билимлардан берди сабоклар.  
Мансабдорда тамаъ қилиш – нафсиз машғулот  
Ундан кўра дастга умид боғлаган авло.  
Вале ҳали ўз бошимдан ўтмагани-чун  
Тамаъ қилиб кўрай дейман девонбегига.  
Зора юксак рутбаларга эришсам мен ҳам,  
Зора бир оз яхшиланса тирикчилигим.  
Менга қолса мартабани кўзга илмасдим.  
Тепиб ўтиш шиоримдир дунё молини!  
Минг афсуски, мол-мулкка ўч рафиқам менинг  
Унинг хоҳиш-истагини хотир қилмасам  
Хонадоним бузилади – жанжал чиқадур.  
Сану манға бормай дейман баҳтим чопгандা.

*Турди эшикни очиб, ичкарига киради. Шу алпозда чақалоқ  
йиглайди. Чақалоқ йигисига зарда қилган мақомида Тўтигул  
бешикни қаттиқ тебратма бошлиайди.*

## **Тўтигул**

Бас қил дейман! Ҳах, илоё туғилмайин ўл!

## **Турди**

Эзгу нафас қилинг.

## **Тўтигул**

Очиқипти... Кўкракда сут бўлмаса найлай!

## **Турди**

Тўнғичини волидангиз парвариш қилди,  
Бунисини улғайтиринг энди ўзингиз.  
Сут йўқ эмиш. Шу ҳам важми?

## **Тўтигул**

Важ бўлмай нима?  
Кўкракка ҳам сут келадир қорин тўқ бўлса.

## **Турди**

Таом бор-ку!.. Оч бўлсангиз танаввул қилинг.

## **Тўтигул**

Этсиз таом ўтмайди ҳеч таом ўрнига.

## **Турди**

Шунақа денг... Ундей бўлса Хожидиловар  
Отангизнинг саройида овқатланингиз.  
У мислсиз бой бўлса ҳам юнди ичадур.

## **Тўтигул**

Ҳадеб менга пеш қилмангиз хасислигини.

## **Турди**

Ундей бўлса кўникингиз гўштсиз таомга  
Аё йўқми? Нимага чурқ этмайсиз ахир?  
Мана менга тайёрлаган таомингизда  
Зарра гўшт йўқ, аммо ширин...  
Шошманг, Тўтигул,  
Ҳали бизлар қўй сўямиз ҳафтада бир бор!

## **Тўтигул**

Эй қўйинг-ей, қачон бирим икки бўлувди?  
Либосим йўқ акангизнинг хотиничалик.

## **Турди**

Сабр килинг эрта-индин ишим юришса  
Не десангиз сизға шуни олиб берурман.

## **Тұтигул**

Токайгача...

## **Турди**

Овқатни ҳам захар қилдингиз!

*Бола ғиглайди.*

## **Тұтигул (секин)**

Үлім берсин!

## *Turdy*

Хай-хай, нима, нима дедингиз?

*Tutigul jasim.*

Боз айтаман, тебратингиз бешикни секин.

*Tutigul loqайд.*

Қандай жохил маҳмадана ожисасан сен!  
Борми сенда оз бўлса ҳам фаҳмдан нишон!  
Била туриб аҳволимни тагин бу шиква  
Қашшоқлигим малол келса, бойваччага тег.

## **Тұтигул**

Тегаман ҳам!

## **Турди**

Бор, тегавер, паттанг ўзингда!

### **Тўтигул**

*(“Хаҳ! ” деб бармогини тишлайди. Кўзлари катта очилиб, ёши келади. Турдининг яқинига келади)*

Кечиринг, тўрам... Бу жаҳолат...

*(хотирлаб)*

Ким ул? Шу қадар ҳушингиз банд айладими?

## **Турди**

Аниқроқ айт.

### **Тўтигул**

Ҳа... Саҳарлаб саллангизни ювмоқчи бўлиб  
Жомашовга ёзаётган эдим бир маҳал...  
Сувга тушиб кетди мактуб.

## **Турди Фарогий**

Мактуб? Дарвоқе.  
Билмам кимдир иш жойимга ташлаб кетибди,  
Аммо жавоб ёзганим йўқ барибир анга.

### **Тўтигул**

Аҳду паймон қилгансизки, кет демоқдасиз!

## **Турди Фарогий**

Кет демадим, бойваччага тег дедим, холос.

*Тўтигул болани бешикдан ечиб олиб, ичкариги уйга киради. Бир оздан сўнг бир қўлда тугун, бир қўлда бола билан ҳовли эшиги сари одимлайди.*

Айб – менда, мен қизишдим – кетма Тўтигул,  
Севар ёрим, дил қувончим, биргина сенсан!

### **Тўтигул**

Отам сизга мол-мулк берди, қизини берди,  
Эвазига зиқна деган номни орттириди.

### **Турди Фароғий**

Айб – менда, мен қизишдим – кетма Тўтигул.

### **Тўтигул**

Э, боринг-ей!

*(чиқади)*

Турди унинг орқасидан ташқарига эргашади.

### **Турди Фароғий**

Тўтигул! Ҳо, Тўтигул!

*Турди Фароғий бошини ҳовучига олиб, останага ўтиради.*

Кетди... Кетди барча орзу-умидлар!

*Муҳрдор киради.*

### **Муҳрдор**

И-и, мулла Турди?

*Турди Фарогий бошини күтариб Мухрдорга қарайди. Сүнг апил-тапил ўрнидан туриб, қаддини ростлайди.*

**Турди Фарогий**

Э, хазратим, Ассалому алайкум...

**Мухрдор**

Ваалайкум ассалом, бўтам... Ахволинг нечук?

**Турди Фарогий**

Шукр...

**Мухрдор**

Шошма-шошма, хўш дегандай, мулла Турдивой,  
Арз қилибсиз... Йўлда кўрдим девонбегини.

**Турди Фарогий**

Тўғри, ортиқ истамайман гуноҳ килишни.

**Мухрдор**

Гуноҳ эмиш. Во ҳасрато! Нодонсан, гўлсан!  
Англагилки, сен орқали олинган ақча  
Ўтар не-не чиғириқлардан...  
Билсанг бунинг ўз хариди, тарикати бор.  
Ҳали унга, ҳали бунга – катталарга тақдим этамиш.  
Баъзиларга тўн кийгазиш, едириш керак.  
Ҳа, булар-ку ўз-ўзидан юришмас осон.  
Англагилки, сен орқали олинган ақча –

Ёлғиз менинг кармонимга келиб тушмагай  
Күп қисмини девонбеги юлқиб оладур.

### **Турди Фарғий**

Наҳот шул гап тўғри бўлса...

### **Муҳрдор**

Тўғри бўлмай не?  
Бир йил бўлди муҳрдорлик мансабида мен,  
Бу рутбага осонликча эришғаним йўқ.  
Сендин юксак рутбаликни сўзин сўз десанг,  
Хар қанча у жабр қилса, лом-мим демасанг,  
Шундагина юмушларинг олдинга силжир,  
Шундагина хон олдида топасан иззат.

### **Турди Фарғий**

Турфа экан бу даргоҳнинг феъли-равиши!

### **Муҳрдор**

Бўлмасам-чи, мендан қуий рутбадагилар  
Хар бир ойда топганини олдимга қўяр.  
Аммо сени сийляяпмиз, девонбегига  
Хешлигингни хотир қилиб турибмиз ҳозир.

### **Турди Фарғий**

Э, шундайми, буни қаранг, гўллик қилибман.

### **Муҳрдор**

Бу бошқа гап!

## **ЕТТИНЧИ МАНЗАРА**

**Зиндон. Турди Фарогий ва Тўтигул ўша ҳолатда.**

### **Турди Фарогий**

Жўнанг, қайтмас шер изидан, йигит сўзидан.

**Зиндонбон**  
*(шошиб киради. Тўтигулга)*

Бунга ташриф буюрдилар Раҳимбек додҳоҳ,  
Қани, синглим, бўшатингиз зиндонни филҳол.

**Тўтигул**  
*(Турдига)*

Ўйлаб кўринг, тўрам, наки кўнгил иши бу.

### **Турди Фарогий**

Бор гапим шу, жўнанг!

**Тўтигул**  
*(Кета туриб)*

Тўрам!..

### **Зиндонбон**

Бўшатинг, қани...

**Тўтигул ва зиндонбон чиқади.**

### **Турди Фарогий**

Ўз боши йўқ! Гап ўргатган Хожидиловар,  
Бўлмаса у келармиди зиндон томонға.

*Раҳимбек киради.*

**Турди Фарғий**  
*(Рахимбекка қулоч очиб)*

Хақдин улдир талабим – ўлса сенга ёр, Раҳим,  
Икки оламда наби шафेъу ғамхор, Раҳим,  
Ўлса то даври мадори бу жаҳон бор, Раҳим,  
Айлағай сени худо барчаға сардор, Раҳим,  
Беку бекзодасану юртға тушқан бир ток.

*Рахимбек Турди билан қучоқлашиади.*

Бир умр сандин, ўз ҳақ йўлиға юргайсан,  
Аҳдингга росих ўлиб, бир сўзунға тургайсан:  
Бу замонда борини бир кўз ила кўргайсан;  
Турдининг ҳолини сан лутғ била сўргайсан;  
Кадрдон, мири писандида, каримул-ахлок.

**Рахимбек**

Афв этгайсан, хон олдида номашру айтдим,  
Ахвол мушкул эрди ул кез – сиёsatчилик.

**Турди Фарғий**

Тушунаман... Йўқса сиз-ла кўришармидим.  
Зинданда ҳам фаҳм этилди ғамхўрлигингиз.  
Балли, оға!

**Рахимбек**

Энди бунда турмоқлик ҳавфли...  
Сени дорға тортмоқликка фармон берилди

**Турди Фарғий**

Кошки эди Мансур янглиғ бошимни тутсам,  
Насимийдек аналҳақ деб нолалар килсан!

## **Рахимбек**

Олло хивзу саломатда сақлағай сени,  
 Хотиржам бўл, лаҳмчилар кечадан бери  
 Зиндоннинг ул томонидан бул ёққа келар,  
 Янглишмасам чап бурчакка. Ҳозирланиб тур.  
 Бундан чиқиб тўғри боргил Хўжанд мулкига.

*(ёнидан ҳамённи олиб)*

Мана буни ишлатарсан кори борингға.

### **Турди Фарогий** *(ҳамённи олади)*

Миннатдорман. Кам бўлмағил, олло сийласин...  
 “Ўзбакни гули, сарсебади, бекзодисан,  
 Ҳама, эҳсонға балли дерман, озодисан:  
 Ахли муҳтоҷлари даргоҳи, ижодисан”.

## **Рахимбек**

Бўлди, бўлди, кўнглим ўси мактovлариндин.

### **Турди Фарогий**

Сизға олқиши vale ҳонға ҳажвия битдим.  
 Тинглангиз-чи, манакай ул...  
 “Даври аҳду тангчашму бесару яъжуҷвашу,  
 Мухталиф мазҳаб гуруҳи Ўзбекистондир бу мулк.  
 Накди жон берсанг топилмас истасанг бир дона аиш?  
 Мехнату андуҳдин сўрсанг, фаровондур бу мулк.  
 Жойи ислому мусулмонлиғ, Фарогий, истама,  
 Пойтаҳти кишвари Субхонқулихондур бу мулк”.

## **Рахимбек**

Хе, кўявер хон зулмини, кўнглингни бузма.

## **Турди Фарғий**

Фуқаро бўлди бу шоҳ асрида кўп зору наҳиф,  
Зулмдин бўлди раият эликим хору заиф;  
Соли тарихини этдим чу хираддин таклиф,  
Деди: “Дин” бошдин, оёқдин тушиб, “ислом заиф”,  
Даври Субхонқули жобир, умароси япалоқ!

## **Рахимбек**

Аё шоир, тинчий десанг Хўжанд сари бор,  
Оқбўтабий менинг ўғлим – у мулк ҳокими.

*(ёнидин пичоқ олиб)*

Бул пичоқни ҳадя этсанг тамом-вассалом,  
Ўғлим сенга қайишадур борича.

## **Турди Фарғий** *(пичоқни оларкан)*

Ой ва юлдуз ялтирайди пичоқ юзида,  
Бул эҳтимол юрт туғроси...

## **Рахимбек**

Офарин, топдинг.

*Зиндан девори дукиллайди. Девордан одам кираплик даражада  
дарча очилиб, лаҳмчининг боши кўринади.*

## **Лаҳмчи**

Қани, ким бор? Кўлни беринг!

## **Рахимбек** *(Турдига)*

Қани, боравер!

*Турди Фарогий Раҳимбекни қучиб, у билан видолашади. Сўнг бориб лаҳмчига қўл узатади.*

Жўнаб кетди... (Бақириб) Ҳой, зинданбон!

### **Зинданбон**

Лаббай, додхоҳим?

### **Раҳимбек**

Тушга яқин хабар қилғил девонбеғиға,  
Шоир Турди қочибди де. Маъқулми?

### **Зинданбон**

Маъқул.

*Раҳимбек ва зинданбон чиқадилар.*

## **БИРИНЧИ МАНЗАРА ДАВОМИ**

*Турди Фарогий ва Оқбўтабий ўша вазиятда: бири уйгоқ, бири уйқуда.*

### **Турди Фарогий (ўйлаб)**

Осмон ўша, юлдуз ўша, ҳароба ўша,  
Оқбўтабий тинч уйкуда, хурраги ўша.  
Хўжанд усиз ҳозир қайси ахволда эркан,  
Йўқ, барибир, кунлар ўша, шаҳар ҳам ўша.

**Хотирлайди.**

## САККИЗИНЧИ МАНЗАРА

*Хүжсанд яқинида бир овлок. Турди Фарогий ва Оқбүтабий киради.*

Турди Фароғий

Алар сени ярамас бир мухит ичинда  
Махлүф янглиғ яшамоққа мажбур этдилар!  
Замон локайд, уламонинг парвойи фалак  
Юрт ғамини ўйламайди лодон бадраклар,  
Ҳаммасининг фикри ёди ёлгиз бир томок.  
Ҳей, дунёи кўтири! Афсус, юзбор афсусам,  
Мен билишнинг оркасидан елиб-югуриб  
Интихосиз завқу шавққа молик бўлдиму,  
Бир мустакил хонадонға эга бўлмадим!  
Қитдек бойлик орттирмадим. Шунинг учун ҳам  
Юз ўғирди мендан жумла хеш-акраболар!  
Кошки алар қуруқ сўзга солсалар қулоқ,  
Бемаъни деб англадилар тўғри сўзимни.  
Кенғ ҳовлига сифдирмади мени, хешларим.  
Ҳатто энам ёқтиргади қашшоқлиғимни!  
Чунки бошқа ўғиллари минғ ҳил либосу,  
Жарақ-жарақ акчаларни андин аямас,  
Биргина мен “сангидилмен”, “феълим ҳам ёмон”,  
Вале пулдор ўғиллари олчок бўлса-да,  
Зиёд эрур аларға ишқ-муҳаббатлари!  
Қандай жирканч, қандай қабих,  
эҳ, бу айрма!  
Шу туфайли кўзимга терс кўрингай олам:  
Одамлармас, аллақандай ваҳший ангорлар,  
Ўқтин-ўқтин кўз олдимда ясов тортади,  
Орзу-ҳавас, оғанг ахир сўз берган, дея  
Уйлантириб қўйдилар ҳам Ҳожа кизига.  
Отасидан карздор экан оғам аслида  
Ўқитганман мадрасада укамни, дея  
Топиб берди Ҳожа бойға саводли одам...

Ихтиёрим – бошқаларнинг қўлида экан!  
Шу тарзда яшолмадим охир-оқибат,  
Хондан жафо кўрган улус-ла бирга  
Исён қилдим. Натижаси тугади ёмон.  
Дор тагида қолди кўплар... Мен-ку зиндондан  
Қоча билдим Раҳимбекнинг мадади бирлан.

### **Оқбўтабий**

Не кечдикин анинг ҳоли?

### **Турди Фарогий**

Ҳа, алалхус...

### **Оқбўтабий**

Ғам – бехуда, анга бало урмайдур.

### **Турди Фарогий**

Нечук?

### **Оқбўтабий**

Ул ўзини муҳофаза эта олажак,  
Акл бирлан иш кўрадур, жуда тадбиркор.

### **Турди Фарогий**

Эсимда бор, сарой, ҳа-ҳа... Ноқулай пайтда  
Сувдан қуруқ чиққан эрди... Гўёки мени  
Ғажиб ташлаш турқи билан сарой аҳлининг  
Дилидаги муддаога қанот боғлади...  
Аслида ул мени ҳалок этмаклик учун  
Ёлгондакам бир “садоқат” кўрсатган эрди.

## **Оқбұтабий**

Хали замон келиб колар қиблагоҳим ҳам  
Колган гапни эшитамиз андин батағсил.

## **Турди Фарғий**

Рахимбекнинг қадамига ҳасанот, vale...

*(Ўйламсирайди)*

## **Оқбұтабий** *(ўз-ўзича)*

Хаёлга ғарқ бўлаётир.

## **Турди Фарғий**

Келармикин ул?

## **Оқбұтабий**

Ваъда берди.

## **Турди Фарғий**

Халимбийға ўхшаб-а?

## **Оқбұтабий**

Қандай?

## **Турди Фарғий**

Мен зиндондин халос бўлгач, биринчи кор-ҳол  
Марҳаматсиз хондин қасос олмоқлик бўлди.  
Авваламбор тиғдин ўтқир сўзларим билан  
Кирдикорин фош айладим – ҳажвия ёздим.

Сүнгра эса хондин зулм күрғон элатни  
Эргаштириб хон аркиға зилзила солдим.  
Құлым устун келганини күрган Ҳалимбай  
Эл ичида мени мақтаб от ваъда қилди.  
Итифоқо хон лашкари ғарбдан ўт очиб,  
Бизнинг таянч қисмимизни паргола этгач,  
Ҳалимбай ҳам ҳув аввалги шавқидан тушди.  
Ваъда қилган аргумокни бермасдан қўйди.

**Оқбўтабий**  
*(кулимсираб)*

Қиблагоҳим унақа эмас.  
Ўз сўзида событ қадам, мана кўурурсиз,  
Хув анави тўдаға қаранг.  
Бир томонға келаётир. Ҳаммаси ҳам шод.  
Бир-бириға гап отади: ҳазил қиласи.  
Эҳтимолки, дўндиришғон бир латифани.

**Турди Фарогий**

Ха, чинданам улар қувнок, факат мен ғамгин.  
Бул ўлканинг азоблари биргина менда...  
Олисда хирмон. Ёш-яланг буғдој ўрмоқда.

**Оқбўтабий**  
*(тўдага)*

Салом бердик бахти кулган меҳнат аҳлиға,  
Қаҳқаҳангиз бунданам зўр бўлсин ҳамиша.

**1-киши**

Орамизда Эрмат деган қизиқчимиз бор,  
Шеър ўқишга ишқивозманд эрур азалдин.  
Турди деган бир шоирнинг ҳажвиясини  
Айтиб бериб ҳаммамизни мутасир этди.

## **2-киши**

Золим хондан кўркмайдиган шоирлар ҳам бор,  
Аларға жон садқа қилсанг арзийди.

## **3-киши**

Тўғри!

## **Оқбўтабий**

Бу ёд қилган ҳажвияни тўқиган киши  
Мана, сизнинг қаршингизда!..

## **Турди Фароғий**

Оқбўтабий қўйинг,  
Хожати йўқ, ошкор қилиб нима қиласиз.

## **1-киши**

Ундей деманг, халқ танисин ўз фарзандини.

## **2-киши**

Баракалла, Мирзакарим, ҳақ гапни айтдинг,  
Дехқонни-да эслаш яхши – нон еган маҳал.  
Турди оға, сизнинг муnis газалларингиз  
Халқимизнинг юрагида яшайдур мангур,  
Сизни кўрдик алҳамдулилло рўйирост мана,  
Олқиши бўлса Сизға абад!

*Турдида жсонланиш.*

## **Турди Фароғий**

Рахмат, ёронлар...  
Мен-ку мунча мактовларға лойик эмасман,  
Килинажак юмушлар кўп ҳали олдинда.

*От дунури эшитилади.*

Ким у отда келаётган, Раҳимбекмикин!

*Ҳамма ўша томонга қарайди.*

**Оқбўтабий**

Йўқ, у чопар.

*Чопар киради.*

**Чопар**

Бўтабегим!!!

**Оқбўтабий**

Нима гап, гапир!

*Чопар халойиқни имлаб қўрсатади.*

Гапиравер, булар бари ўзимизники.

**Чопар**

Маъзур тутинг нохуш хабар келтирдим бу гал,  
Раҳим оға қўлга тушди...

**Оқбўтабий**

Нима? Ё раббий!

**Чопар**

Раҳим оға томонидан ёзилган нома  
Иттифоко тушиб қолмиш жосус қўлиға.  
Хатда аниқ ёзилибди қўзғолон вақти,  
Қайси шаҳар аҳолисин иштироки ҳам.

## **Турди Фарғий**

Аттанг.

### **Эрмат**

Эсиз. Хўжанд аҳли Раҳимбек учун  
Тайёр қилиб кўйган эди ўз лашкарини,  
Фақат унинг бу ишора, калимасини,  
Зор-интизор кутар эдик, афсус, минг афсус!

## **Турди Фарғий**

Барбод бўлди ҳамма юмуш, энди нажот йўқ.

### **Оқбўтабий**

Энди нима қилиш керак?

### **Эрмат**

Сабр қилиш лозим андак. Уни қутқариш  
Ҳеч гап эмас боши тошдан бўлса башарти.  
Бухорога юборамиз лаҳмкашларни.

### **Оқбўтабий**

Бари зое, иншоллоҳ, тагин ким билар?

### **Бошқалар**

Ха, тўғри-да, бир иложин қилса бўлади,  
Оқбўтабий, кайғуришга ўрин йўқ, ха-ха.

### **Турди**

Ажабоким... Яна менинг баҳтим чопмади,  
Яна мендан йироқлашди зафар чоғлари.  
Яна қулай фурсатларни пойлашим керак,  
Ул қулай пайт қачон келар, менга қоронғу?

## **БИРИНЧИ МАНЗАРА ДАВОМИ**

**Тонготар маҳал. Турди ва Оқбўтабий олисдаги кучли шамол тўзонига разм соладилар.**

### **Турди Фарогий**

Қаттикрок эс, бор кучингни ишга сол, шамол!  
Қаттиқ эссанг, хоким эрур руҳимда ҳузур.  
Чақна, куйдир ер юзини, момакалдирок!  
Хору залил тириклиқдан ўлгон авло.

### **Момақалдироқ гулдураиди.**

Шамол ожиз, Кулли ожиз гулдираклар-да,  
Бошка дунё яратишдин... қудрати йироқ.  
Чор атрофда ўшал осмон, ўшал ғарип ер.  
Бул бад дунё ҳеч кимға ҳам осойиш эрмас,  
Қизик бўлиб кўринар-да охир-оқибат.  
Кампир ишин зиммангизға юклаб қўядир!  
Эсиз, ёшлиқ ўтди худди булат сингари,  
Қўл узатиб энди уни ушлай билмасмен,  
Офтобрўя ер сатҳида қолган чувалчанг  
Ҳозир мендан қадрлироқ бўлса ажабмас!

### **Оқбўтабий**

Сизми, менми? Рутба тугул нуфузим кетди,  
Ҳокимлигим Сиздан кейин вазнин йўкотди,  
Субхонқули жосуслари пайимга тушиб,  
Менга фитна тайёрламок бўлдилар зимдан.  
Мен аларнинг тузогига тушмасдан олдин  
Қамчиладим Фирқўй деган отимни жадал.  
Елдек учдим, улар эса қувди изма-из,  
Отимга ўқ теккач, қочдим бутазор томон,  
Шу тариқа жонимни мен сақладим омон.

## **Турди Фароғий**

Бола-чақа, заифангиз қолдими унда?

## **ОқбүтабиЙ**

Қолди, эх-хе! Ожизамнинг сўзи ёдимда:  
Бизни бу кеч ёвга ташлаб кетгандан кўра  
Ҳаммамизни бисмил қилинг, тўрам, дер эди.  
Унамадим, тўғрироғи, кўзим қиймади.

## **Турди Фароғий**

Диёнат бор экан ўшал заифангизда,  
Бекор ташлаб кетибсиз ул дурри садафни.

## **ОқбүтабиЙ**

Илож қанча?

## **Турди Фароғий** *(секин, четга)*

Э, Тўтигул! Э, тақдир-тақдир!

## **ОқбүтабиЙ**

Ўзингиз ҳам мосувосиз оиласнгиздан.

## **Турди Фароғий**

Бале, факат урундиму келишолмадим:  
Пуч ёнгоқни мағизли деб юрибман бекор,  
Яхшимидур кўрмай-бilmай хотин олмоқлик?  
Билиб бўлмас, тушар ҳали кимга қандоғи?  
Шаддод бўлса, акчанг бўлса ўчар овози,  
Ёхуд талоқ қиласан-да, озод этасан.

Бошқасини, ғунчасини қўйнингга олиб  
Хоҳлаганча тикиласан ёхуд исказсан.  
Мухтасари: иш тутасан зўр ёки зар бирлан  
Шундагина рўзгоринг каро бўлмайдур,  
Шундагина қариндошлар сендин воз кечмас.

### **Оқбўтабий**

Бале, тўғри. Мен ҳам сездим бу йўқсилликни,  
Рутбам кетгач, акраболар ор этди мендан.  
Биронтаси яширинча турмоқликка ҳам  
Жой бермади кошонасин бўсағасидан.

### **Турди Фарогий**

Тахт учунмас, ҳалқ-раият иқболи учун  
Курашсайдик, аллақачон комға етардик.  
Уруғчилик палак ёзди Турон элида.  
Бундан факат наф кўрадир ағёри азим.  
У бир наҳанг майда-чуйда балиқларни-да  
Икки ямлаб бир ютадир ва айлар ҳазм!  
Мана, унинг оқибати – бизлар: иккимиз  
Ўз юртимиз қолиб бунда хору залилмиз.  
Деворга ёз! Мана, чормих. Биздан қолсин из  
Бизлар мазкур замонага жонли далилмиз!

*Оқбўтабий чормих билан деворга ёзади.*

### **Турди Фарогий**

Бу манзилда ғам кўп эрди... Накш айладик биз уни,  
Гарчи олов... сўнса ҳамки, шифтда қолди тутуни...  
Боракалло! Кўряпсанми, девор тўла байт,  
Булар бари келажакка ёдгорномадир.  
Гарчи номим “Турди” эрди, ушбу замонда  
“Ўтириди” деб чақирилса аниқ бўлурди!

Халқ солиқнинг баротини жорий этганда  
Халқ бутунлай қўзголғонди. Сиз эса, Бўта,  
Бўталоқдек эргашдингиз Раҳим түяға,  
Сарбон унинг бурундиғин тортиб борарди...

### **Оқбўтабий**

Аланглама, Субхонқули – сарбон деганим,  
Биз томонда бўлса ҳамки додҳоҳ Раҳимбек,  
Хоннинг чизган чизиғидан чиқа олмади!

### **Оқбўтабий (*мутоқиб*)**

Қатли омдан халқни халос этган Раҳимбек  
Буқун сиздан түя номин олиб турибдир.  
Бу – ҳақорат, бу – яхшилик ўрнига бадлик  
Ахир мен-ку, Сизни дея рутбадан кечгон,  
Ахир мен-ку, раиятга қурол улашғон.  
Ахир мен-ку, йўқ нарсани муҳайё этиб  
Бори ўзбек гуруҳига маърифат берғон.

### **Турди Фарогий**

Ҳа-ҳа, сен-сен. Ҳар нарсада жилванг кўринур.

### **Оқбўтабий**

Бу не пичинг? Келдимми ё калака учун?

### **Турди Фарогий**

Келган бўлсанг, мен учунмас жонинг деб келдинг.

### **Оқбўтабий**

Энди билсам, сен даҳрийга инониб биз ҳам  
Адо бўлдик. Кетди мансаб – рутбаи олий.

Қон түқилди: курбон бўлдик аллақанчамиз.  
Натижа шу.

### **Турди Фарогий**

Агар билсанг яралғонимда  
Дарҳол узр сўрағонман яратғонлардан,  
Билмасдин мен бу дунёга келиб қолибман,  
Кечирасиз минг бор, минг бор маъзур тутгайсиз!

### **Оқбўтабий**

Барча машъум фалокатлар боиси сенсан!  
Сендан нари кетмоқ керак.

*(жўнайди)*

### **Турди Фарогий**

Жўна! Кўринма!

*Олисдан йиртқичлар ўқириги эшишилади.*

Ушбу баҳсга йиртқичлар ҳам дош беролмади,  
Эҳтимолким, мусаффодир алардаги қалб!  
Қани кетдик, эй сен, кўнгил, йиртқичлар сари  
Улфат туттай ваҳшийларни, йиртқич қушларни!

*(Чиқади)*

*Момақалдироқ гулдураб, олам қоронгулашади.  
Йироқдан Турди Фарогий овози эшишилади.*

Ким ўлимга пешвоз чиқса, ўлим ўшандан  
Шерни қўрган қуён янглиғ қочаркан илдам.  
Йиртқичларга атайлабдин тутсам ғавдамни,  
Хидлаб-ҳидлаб жиладилар мендан нарига.

Кейин яна келадилар ҳамдард бўлгали!  
Ким ўлимдан кочса агар, ўлим ўшанинг  
Орқасидин қувлай-қувлай етиб оладир.  
Ана, сиртлон алланима ортмоқлаб келар  
Куни кеча ул шул ерда шикаста каби  
Менга шафқат кўзи бирлан тикилғон эрди.  
Оёғига назар солсам кичик ярадин  
Оқарди қон... Қўрқа-писа энгашиб боқдим.  
Ўткир чўкир панжасига кириб маҳлукни  
Интиҳосиз оғриқ бирлан беҳол этурди.  
Ўйлаб-нетмай мен чўкирни олиб ташладим,  
Кўп ўтмасдан оғриқ қолди: дардан кутилди,  
Бугун эса яна ташриф буюриди ул  
Фаройибки, ортқилаган, ўлжаси – оҳу.  
Эзгуликка эзгулик бу! Балли, офарин!  
Сиртлон менга олиб келди талай ризқи рўз,  
Азоб кўрган бандасиға йиртқич ҳам шафик.

## **САМО СИРЛАРИ**

*(Икки парда, олти күринишили фантастик драма)*

### **ҚАТНАШУВЧИЛАР:**

**Бамбарун** – фан-техника олими, физик.

**Кант** – психолог.

**Нарпапу** – лаборантка.

**Жаррох.**

**Жакир** – ўтмиш одами, лашкарбоши.

**Ван Хан Ху.**

**Темир дастёр.**

**Қора шарпа.**

*Жаллод аппарати*

**Макр аппарати** – техника кучлари.

*Кашфиёт аппарати*

**Номаълум киши** – телба.

**Оқсоқол** – юрт каттаси.

**Ажнабий** – босқинчи.

**Соқчи ва навкарлар, қизлар ва бошқалар.**

## **ДЕБОЧА**

### **I Овоз**

Олисларда колди бизнинг галактикамиз,  
Сон-саноксиз галактика олдинда ҳали.  
Фазо ичра факат бўшлиқ, ундан нарида  
Бошқа қуёш силсиласи, бошқа оламлар.  
Манависи Ерга ўхшаш замину замон!..

### **II Овоз**

Бу заминни аташади Чаманистон деб,  
Ундаги бор ўсимликлар булутга ўхшар.

### **I Овоз**

Чаманистон ҳодисотин Сизга бирма-бир,  
Талқин этиб беражакмиз ўзбек тилида.

### **II Овоз**

Дикқат, ҳозир юз очади қизиқ ҳангома,  
Қулоқ туting, йироқ ўлка овозларига.

## **БИРИНЧИ ПАРДА**

## **БИРИНЧИ КЎРИНИШ**

Илғор техника билан жихозланган хонада Бамбарун йог машқларини бажармоқда. Тўсатдан чап девордаги қуббага ўрнатилган чироқ ёниб ўчади. Бамбарун хушёр тортади. Девор кок ўртасидан бўлиниб, ичкарига Темир дастёр киради.

### **Темир дастёр**

Эй, биру бор, олиб келдим мухим бир хабар:  
Ялангзорда<sup>1</sup> яратилди янги кашфиёт.

### **Бамбарун**

Гамма нурин Ялангзорга айла равона,  
Сүнг, нусха ол, ул ихтиро лойиҳасидан.

### **Темир дастёр**

Зум ўтмасдан фармойишиңг бўлур жо-бажо.

*(Темир дастёр чиқади. Девор ўз аслига қайтади.)*

### **Бамбарун**

*(Чап девордаги қубба ҳалқасини тортади)*

Мухим хабар. Янгиликни шогирдим Кантга  
Сўйлаб берсам. Бу борада нима деркин у?

### **Кант киради**

### **Кант**

Хизматингиз бош устига буюринг, устоз!

### **Бамбарун**

Маслаҳатли иш бор эди...

### **Кант**

Биламан.

---

<sup>1</sup> Сайёра

## **Бамбарун**

Қандай?

### **Кант (ёңг чўнтағидан бир найча олиб)**

Ушбу найча куни кечи ихтиро бўлди,  
Башартиким, қайда бўлса маълумот иси  
Шимиб олиб Мирза қодир алифбосида  
Кўрсатади турли-туман белгилар билан.

## **Бамбарун**

Нега менга бу тўгрида бермадинг хабар?  
Дастуриламал

### **Кант**

Хозиргина биринчи бор ишлатиб кўрдим,  
Чакки эмас...

## **Бамбарун**

Дарҳақиқат, ажиг ихтиро!  
Лекин менинг бундан ўткир аппаратим бор.

### **Кант**

Ҳалигача менга уни кўрсатмадингиз.

## **Бамбарун**

Вакти келар, кўрсатарман. Сабр қил, пича.

### **Кант**

Мени ҳам кўп қизиқтирас коинот сири  
Барча нодир аппаратлар бир ўзингизда!

## **Бамбурун**

Нима, сенга топширайми барча нарсани?  
 Ўзларидан сўрайликми нелар қилишни?  
 Чувварани хом санабсиз, ха!

## **Кант**

Ахир, домла...

## **Бамбарун**

Бас қил дейман! Шуни билки, бу даргоҳ ичра  
 На бу даргоҳ, бутун олам, коинот ичра  
 Менман – хоқон, менман ёлғиз ҳокими мутлак!  
 Мен буюрган юмушларни бажаришинг шарт.  
 Воз кечаман, хор бўлгайсан бўйин товласанг.

## **Кант**

Тавба қилдим...

## **Бамбарун**

Бу бошқа гап, хуш, қани айт-чи,  
 Ажойибми сенга равшан бўлган маълумот?

## **Кант**

Мен бир нўнок ҳаваскорман, нима ҳам дердим!  
 Барча яхши ускуналар ўзингизда-ку.  
 Қилаверинг бу ёғига ўзингиз ҳукм.

*(Чиқмоқчи бўлади)*

## **Бамбарун**

Йўқ, йўқ, тўхта... Сўзларимдан ҳафасан чоги?  
 Ана холос, ана холос?

## **Кант**

Хизмат қилдим күп,  
Эвазига бу ҳақорат, бу киноялар...

**Бамбарун**

Мендан кейин ҳамма нарса сенга қолади,  
Мен ҳам бир кун тутажакман инқирозга юз.

## **Кант (тұтақиб)**

Кимга чүпчак сўзламокчи бўласиз, устоз,  
Биламан: сув борлиқда чарх уради сокин,  
Яъни қуёш иссиғида сув буғга дўнар,  
Томчи бўлур кейин булут ошқозонида.  
Худди шундай йўқолмайди одамзод руҳи.

*Бориб девор қуббасини босади. Девор экраннда эшак, ит, чувалчанг тасвири кўринади.*

Мана булар бир замонда мен каби бўлган!  
Сўнг тушишган шу аҳволга қаҳрингга учраб,  
Эшак доим юқ остида азобланади,  
Ит садоқат кўчасида юрар вовиллаб.  
Чувалчанг-чи, ивирсийди рутубат ерда.  
Учови ҳам бу кунимдан, кошки, ўлсам дер,  
Жонларига тегиб кетган билиш, ҳис қилиш!

**Бамбарун**

Нодон бўлма! Кўрсатаман, пайт келар бир кун,  
Сен билмаган аппаратлар мўъжизасини!

## **Кант**

Ростданми-а? Жуда яхши, қандай шараф-а!

### *Чиқади*

### **Бамбарун**

Бунинг фикри сўнгги чоғда айний бошлади...  
 Унга таъбир кўлламасам, ишларим хароб.  
 Мўъжизалар соҳибиман. Кантнинг олдида  
 Бир қудратсиз жиҳатим бор... у онг эгаси,  
 Мияларни бошқаради симсиз, шовқинсиз.  
 Мен бўлсам-чи, ўрганяпман у ишни энди,  
 Йог машқлари аста-секин тозалар рухни  
 Кейинчалик улкан қудрат ато этади.

### *Mашқ қилади*

Йўқ, бунга кўп ҳаракатлар, усууллар керак,  
 Борингки, хўш, колаверса, вақт зарур асли.  
 Аммо-лекин нолимайман ҳаётимдан ҳеч,  
 Ёлгиз шу уй ускунаси ҳаво янгилар,  
 Киритмайди ҳеч қанақа тўлқин, нурларни,  
 Хавф туғилган чоғларда у бошпана бўлар.  
 Рухимни ҳам қўриқлайди носоз мухитдан,  
 Та什қарига чиқсан бўлди, Кантга ўхшаган  
 Ҳийла-найранг кишисига банди бўламан.  
 Ҳа, у халқни қўзғатишга устаси фаранг,  
 Не бўлса ҳам жоним омон бўлса, бўлгани!

*(ўйлаб)*

Кантни энди бир балога дуч этиш керак  
 Йўқса, ақли кундан-кунга ошиб, бир йўла  
 Менга қарши янги режа тузга бошлайди.

*Чап девордаги илгакни тортади.*

### **Жаллод аппарати**

Айт, биру бор, кимнинг жонин олайин,  
 Бошига ё қандай савдо солайин.

## **Бамбарун**

Бир балога дучор қилгин шогирдим Кантни,  
Бошини ол, азоб берма танига, лекин.  
Кейинчалик сунъий бошга эхтиёж сезса,  
Күйиб олсин, унда бехавф валдираса-да...

## **Жаллод аппарати**

Қолмас сира бу дунёда армонинг,  
Тез орада бажарилур фармонинг!

*Девор қоқ ўртасидан бўлиниб, Темир дастёр киради.*

## **Темир дастёр**

Бажарилди айтганларинг тез, бурро,  
Ёмбидан ҳам қиммат бўлган ихтиро  
Қўлга кирди. Лойиҳасин ол, кўчир,  
Сен ҳам марҳум кишиларни тирилтири!

*Деворда турли формула ёзувлари кўринади. Бамбарун ён дафтарига ана шу ёзувларни кўчириб олишга киришади.*

## **Бамбарун**

Ха, ха, демак, марҳум одам тирилган шундай...  
Бунинг учун керак бўлган талай унсурлар, –  
Ўттиз бир хил маъданга кўш оддий тоза сув.  
Сўнгра марҳум тирикликда сарф этган нарса;  
Рух куввати, ҳаракатлар, хотира кучи –  
Барчасини еру кўқдан излашга мойил  
Электрон аппаратни яратиш керак.  
Мақбул эди у учар қуш шаклида бўлса,  
Еру кўкни гир айланаб, ҳаво чўқилаб,  
Нобуд бўлган қувватларни ўзига йигса.  
Бир супрага солиб кейин марҳум хокини,

Ҳалиги қүш йиғган “юк”ка қўшиб қорисанг,  
Марҳумнинг-да зуваласи пайдо бўлади.  
Қандай бўлур, хўш, марҳумнинг афти-ангори?  
Оёқ-қўли, тани, боши, чехра бичими?  
Ҳа, мана бу муаммодир чинакамига.

### **Ўйга толади**

Йўқ, бунинг ҳам иложини қилса бўлади,  
Бояги қўш йиғган “юк”нинг таркибида ҳам  
Шакл бунёд этадиган чор унсурлар бор...  
Электрон машинани ишга соламан.  
Ҳисоб-китоб чиқазади рўйирост қолип  
Шу колипга зувалани тушириб бўлгач,  
Куритаман уни офтоб чаманларида!

### **Парда**

### **ИККИНЧИ КЎРИНИШ**

*Коронги кеча. Бойқуши товуши ўқтинг-ўқтинг эшишилиб туради.*

*Кант киради.*

### **Кант**

Жуда қулай фурсатларни қўлдан бой бердим,  
Йўқса унга кўзларимдан нурлар чиқазиб  
Ўтказардим миясига, қалбига таъсир.  
Қўлга олиш мумкин эди бир зарба билан  
Лекин илм-техникадан баҳра олай деб  
Унга таъсир ўтказмасдан келдим.  
Во дариф!..  
Бамбарунда фан-техника мурватлари бор,  
Менда эса мавжуд факат рух асрорлари.  
Таажжубки менда йўқдир ундаги илм.  
Ва аксинча, унда йўқдир мендаги санъат,

Йўқ нарсани эгалламоқ ҳар биримизга  
Сувдек зарур...

*Саҳнада қоп-қора шарпа қўринади.*

**Қора шарпа**

Тўхта, кимсан?

**Кант**

Эл фарзандиман.

*(Секин четга)*

Важоҳати ёмон унинг... Ваҳшат нурини  
Ишга солиб йўқ қиласман қора шарпани!

**Қора шарпа**

Хеч қандай зот бор нарсани йўқ қила олмас.

**Кант**

*(ҳайрон бўлиб)*

Сен дилдаги муддаони ўқир экансан.

*Кант қўзига маҳсус нур йигиб, уни қора шарпа сари  
йўналтиради. Нур чизиги шарпанинг юрагига туташади.*

**Қора шарпа**

Вой, юрагим, кечир мени, кечир буюк зот!

*Қора шарпа тумандек тарқаб кетади.*

**Кант**

Хайриятки, тун шарпаси саранжом топди.

*Саҳнага кўзлари ўтдек ёниб Жаллод аппарати киради.*

Воҳ, нима бу?

*Жаллод аппарати зудлик билан Кантнинг бошини жизгинак қилиб юборади. Кант йиқилади.*

**Жаллод аппарати  
(мурдага қараб)**

Энди сенинг кунинг битди, қудратинг кетди.  
Бўйнингга бош улашса ҳам одам бўлмайсан.

*Жаллод аппарати кўздан йўқолади.*

*Саҳнага кўринишидан табобат ёрдами кўрсатадиган темир дастурлар киришади. Улар мурданни олиб чиқадилар.*  
*Саҳна айланади.*

*Устахона. Пештахта устида қозикқа ўхишаши “бўйинга” турли-туман каллалар ўрнатилган. Курсидан бошсиз Кант ўтирибди.*

*Жарроҳ бир каллани олиб Кантнинг бўйнига улади.*

**Жарроҳ**

Мана энди бинойидек одам бўлдинг сен,  
Қош қоқасан, гапирасан жилла ўтмасдан.

**Кант  
(оїнага қараб)**

Менинг бошим эмас-ку бу.

**Жарроҳ**

Бошсиз юргандан  
Шу ҳам яхши. Асл бошга анави ерда  
Ойлар... Балки йиллар навбат кутмоқлик керак!

Нолимагин, кўпларнинг ҳам йўқ асл боши.  
Кўряпсанми, ана, одам сафлари тирбанд.  
Ҳаммасига сунъий бошмас, асл бош даркор!

### Кант

Қасосини ўринлатиб олди Барбарун!

*Кант устаҳонасидан чиқади. Саҳна айланади. Олисда зумрад водий манзараси. Саҳна марказида курси. Унинг орқасида новдалари ер-багир мажнунитол. Кант киради. Унинг боши сунъий бўлгани учун ҳам тасқара бўлиб қўринади.*

### Кант

Қилган барча хизматимни кўзга илмади,  
Майли, кўнгил, чида барча кўргуликларга  
Бир кун сенинг кўчангда ҳам байрам бўлажак!  
Токайгача шу ахволда; сунъий бош билан  
Бу ваҳшатда қилинади умри гузорлик...  
Одам билан лим-лим калла устаҳонаси  
Ўз ишини битирмоқда таниши борлар.  
Нима ўзи?! Тартиб борми навбат кутишда?  
Одам сафи ўша-ўша, силжиш йўқ, силжиш!  
Энди қандай севгилимга пешвоз чиқаман,  
Роппа-роса қирқ кун бўлди висол дамига.  
Бугун тугар айрилиғи ваъда бўйича  
Ёрим мени танирмикин? Танимаса-я?!

Ана ўзи келаётир соллона юриб,  
Юз-бетидан, қоматидан ишвалар томиб,  
Тирилтирас қўнгилдаги ўлган ҳавасни  
Унинг каклик рафторига доғман-да ахир!

### Нарпапу киради

Хой, дўндиқ қиз, қай томонга тушди йўлингиз?

**Нарпапу**  
*(Кантни танимай)*

Сизга нима? Йўлингиздан қолманг, йигитча.

**Күшлар сайдайди.**

**Кант**

Менинг йўлим шу курсига келиб тақалди,  
Шу ерда мен эшитаман жаннат куйларин.

**Нарпапу**  
*(курсига ўтириб)*

Бу курси банд. Нарироқда бошқа курси бор.

**Кант**

Шу ер менга маъқул келди...

**Нарпапу**

Вой, қизиқсиз-а?

**Кант**  
*(четга)*

Қай тил билан тушунтирай, танимади-ку?

**Нарпапу**

Боринг, менинг севганим бор, хозир келади,  
Бунда сизнинг туришингиз ноқулай ахир.

**Кант**

Нарпапужон, қара, бу мен, яхшироқ қара!  
Факат бошим сунъий эрур, қолган аъзойим

Үзимники! Күлларимни, бармоғимни күр!  
Гар хохласанг, ёдга солай дилрозларимни.

**Нарпапу**

*(чүчиб тисланади)*

Хожат эмас, яқин келма, э таскара турк!  
Бу қошу күз, бу дўрдок лаб нафрат қўзғайди.

**Кант**

Ўтинаман, юз ўғирма, шошма Нарпапу,  
Ваҳ, шумиди аҳду вафо, шуми муҳаббат?

**Нарпапу**

Нима десанг, деявергин, жирканчсан буткул!

*(Кетмоқчи бўлади.)*

**Кант**

Тўхта, йўқса бир балога дучор қиласман!

**Нарпапу**

Нима дейсан?

**Кант**

Менга далда бериш ўрнига...  
Юз ўгириб кетмоқчимисан?!

**Нарпапу**

Нима қиласай, хўш?  
Башарангга қарамоққа ботинмас кўзим.

### **Кант**

Қанақа наф келтиради чиройли чехра?

### **Нарпапу**

Билолмадим, лекин сенинг аввалги чехранг  
Қора қошинг, кора күзинг менга ёқарди,  
Энди буткүл захил бошсан, рангинг ҳам синик.  
Бир ҳужрада яшаб бўлмас сен билан аҳил,  
Бор, нари тур, сенга сира муҳаббатим йўқ.

### **Кант**

Беш-олти кун сабр қилгин, табиий бошга  
Эга ҳам бўқоларман аслимга қайтиб.

### **Нарпапу**

Йўқ, бўлмайди, сендан тамом жиркандим энди  
Устахона буюртмангни қилмас бари бир.

### **Кант**

Нима учун қилмас экан навбатим яқин.

### **Нарпапу**

Менга шундай тушунтириди Бамбарун кеча,  
Қўли бормиш барча қора ишларда унинг.  
Сен ҳақингда гапирганда ионмагандим,  
Мана бугун кўрмокдаман қиёфатингни.

### **Кант**

Кенг ташлабди тузогини маккор Бамбарун!  
Кошки бир қур ташқарида одимласайди,

Кўзларимдан ўт чиқазиб йўналтирардим,  
Нур зарбидан маҳв бўларди лаънати мурдор!

### **Нарпапу**

Ачинишдан манфаат йўқ, бўлар иш бўлди,  
Энди тадбир топмоқ керак тадбirsизликка.

### **Кант**

Ҳақсан... Шошма...  
Бамбаруннинг айтган гапларин  
Менга баён қилиб бер-чи, сўзма-сўз, қани?

### **Нарпапу**

Асло эга бўлмасмишсан табиий бошга,  
У сени-чи шу ахволда сарсон килармиш.  
Давом этиб дедики, у: қўй ўша Кантни,  
Мени севгил, менга қўйгил муҳаббатингни.  
Забаржаддан, лаълилардан кошона ясад  
Хизматингга жориялар қўяман, деди.  
Кел, ишқимни рад айлама қутлуғ дамлар бу,  
Хеч кимда йўқ севги билан севаман, деди.

### **Кант** *(бошини чангллаб)*

О... Нималар бўлайяпти ўнгимми, тушим?  
Ишқимизни била туриб сенга бу таклиф.

### **Нарпапу**

Таклифини рад айладим, чунки гапини  
Тагсиз дея ўйлагандим. У эса кулиб,  
Қаҳ-қаҳ уриб қолган эди хонадонида.

## **Кант**

Ҳалиям сен гапларига қулоқ осмагин  
 У буюрган юмушларни қила кўрмагин.  
 Гапимга кир! Фақат менга инон, малагим,  
 Бутун олам мўъжизаси менинг қўлимда.  
 Сен мен билан бошқарасан башар онгини,  
 Сен мен билан келажакка қўясан қадам.  
 Кечиражак онларимиз фараҳли бўлар,  
 Бир онини асрларга алишгинг келмас.  
 Миллион йил умр кўрган зоти олий ҳам  
 Шу лаҳзани ўз бошидан кечира олмас.  
 Шу бир лаҳза каршисида унинг умри ҳеч!

## **Нарпапу**

Жуда жирканч туюляпсан бу туркинг билан  
 Йўқ, йўқ, чидаб туролмайман, бўлди, бас энди!

*(Чиқади)*

## **Кант**

Кетди дилим юпанчиғи, кетди Нарпапу,  
 Уни ўраб-чирмаб ташлар Бамбарун тўри,  
 Келса эди кошки тезроқ навбатим менинг,  
 Балоларни енгар эдим санъатим билан.  
 Севар ёрим қўлдан чиқди: вақтни бой бердим,  
 Илал-абад юрагимда колар ўч, армон!

## **Парда**

### **УЧИНЧИ КЎРИНИШ**

*Бамбарунлар хонадони. У ўриндиқда ўтириб тамадди қилаётир, турли-туман насталарни сиқиб шимади. Кейин шарбат ичади. Кўп ўтмай ўрнидан туриб қубба халқасини тортади. Девордаги кашифийт аппарати тилга киради.*

## **Кашфиёт аппарати**

Эй, бирү бор, юмушингни дўндирай,  
Иродамни азиятга қўндирай.  
Гар ихтиёр этсанг Чаманистонда  
Унмайдиган кўкатларни ундирай.

## **Бамбарун**

*Кубба ҳалқасини тортиб, кутидан бир кўзача олади. Ундаги суюқликни туйнукка солади.*

Аё, дастёр, мана сенга формула мағзи!  
Ўзга қуёш силсиласи ичра Ер мавжуд  
Унда яшар бизга ўхшаш одамлар дуркун  
Тиригимас, мархумлардан бирига дарров  
Хаёт ато этгин энди, бўл, ишга кириш.

## **Кашфиёт аппарати**

Жажжи бир күш учиб чиқди бағримдан  
Аввал қўкни, кейин ерни титкилай кетди.

## **Бамбарун**

Демак, меҳнат зое кетмас, юмуш олдинга  
Силжимоқда тузган режам бўйича аник.

*Девор қуббасидаги тугмани босади. Экранда учар қүши тасвири кўринади.*

## **Кашфиёт аппарати**

Учар қушим қайтиб келди бағримға тағин  
Эҳтиёж бор суюқликка... Монитор – сергак.

*Бамбарун туйнукка суюқлик қуяди.*

Тўхтатингиз! Тўхтатингиз, бўлди, етар, бас...  
Мана тайёр – марҳумингиз тирилди кайта.

### **Бамбарун**

Кирсин.

### **Кашфиёт аппарати**

Хозир, сабр қилинг, бўлди, мана у!  
Девор автоматик тарзда сурилиб ўтмиш одами –

*Жақир киради.*

### **Жақир**

Товсун миниб кетур эрдим ўқ тегди этга,  
Товсунимни кўрмадингми эй, меҳри илиқ?  
Турфа тақдир! Қай ердаман? Ўзи қандай эв?  
Нечук тўнгсен? Жавоб қилғил бўлсанг алп эран.

### **Бамбарун**

Вахшат билан тикилмоқда қасоскор каби  
Олишмоққа шайланмоқда... Ҳай-ҳай секинрок.

*Бир илгакни тортиши билан Жаллод аппарати киради.*

### **Жаллод аппарати**

Эй, биру бор, рақибинг ким?

**Бамбарун**  
*(Жақирни қўрсатиб)*

Бор, олиб чик!

*Жаллод аппарати Жақирни зўрлик билан олиб чиқади.*

Ўтакамни ёра ёзди ул  
Ярим-ёрти тушундим мен унинг тилига

*(Кашфиёт аппаратига юзланиб, тугмани босади)*

Тирилганга ичир бот-бот кимёвий дори,  
Тоинки у тушунарли тилда сўйласин.

### **Кашфиёт аппарати**

Хўп. Ҳозироқ бу иш етар ниҳоясига.

*Бамбарун бошқа бир илгакни тортгач, Темир дастёр киради.*

Ҳамроҳ килгин марҳумга сен Нарпапуойни.  
Кўрсатсин у бу диёрнинг ажойиботин.

### **Темир дастёр**

Бош устига (*чиқади*)

### **Бамбарун**

Пича ётиб дам олай энди.

*Саҳна айланади.*

*Тоғ. Олисда зумрад водийлар кўринади.*

*Нарпапу ва Жақир.*

### **Жақир**

Товушдан тез еладиган кемада  
Кезиб чиқдим юртингизни хотиржам.  
Янги замон афзаллиги нимада?  
Билолмасдим, чекдим қанча ташвиш-ғам.

Шу сайрга кетмиш ўттиз дақиқа,  
Хар ёқ шинам, хар ёқда бор тароват.  
Факат, бари гүё эмас ҳақиқат,  
Бу ишларни барчаси-да аломат.  
Бир дараҳтда юз хил мева ажабо,  
Үктин-үктин жилва берар турфа ранг.  
Деган каби бари олинг, марҳабо,  
Аммо оғоч ҳасратидан чикар чанг!

### **Нарпапу**

Шундай... Барча нарса сунъий; озик-овқат ҳам  
Тайёрланар нотабиий, вале мағзи бут.

### **Жакир**

Ана шундай... Фалатирок одамлари ҳам  
Ҳақсизликни ҳис қилишмас, тебса-тебранмас...  
Үз еримда жангу жадал тамойил эди.  
Жангчиларим ботир эди, күркмасди ёвдан.  
Искандарга карши турдик у дош бермади,  
Кейин яна Мароқандга катта ҳарб билан  
Босқин солдик. Чекинишга мажбур этишди,  
Шу алфозда бир ўқ келиб бағримга тегди,  
Қолганини эслолмайман...

### **Нарпапу**

Қандай ёвқурсан!  
Айтгинчи-а, суюклигинг бормиди сенинг?

### **Жакир**

Кўпларини кўз отига олганман, вале –  
Вақт бўлмаган гафтигўйлик қилмоқликка ҳеч.

## **Нарпапу**

Хақ гап. Уруш – сигдирмайди никоҳ кечасин.

## **Жақип**

Унчаликмас, ҳаммасига улгуриш мумкин,  
Муносиб ёр топилмаса ана унда танг.  
Үша кезлар мен тенгиллар худди шу хақда,  
Халқ қүшиғин күйга солиб юришар эди:  
“Мароқанд күчаси тор деб йиғларман,  
Үзимга муносиб ёр деб йиғларман.  
Үзимга муносиб ёрни бермасанғ  
Берган омонатинг ол деб йиғларман!”

## **Нарпапу**

Рост айтасиз, муносиб ёр топмоқлик мушкул,  
Мен ҳам шубха күчасида юрдим адашиб,  
Күплар менга ваъда қилди ёруғ истиқбол,  
Бирор бари юрагимга ўтиришмади.  
Бир йигитта кўнглимда мен бермокчи эдим,  
У ҳам хунук Маҳлуқотга айланиб қолди.

## **Жақип**

Ким экан у?

## **Нарпапу**

Кант исмли аллома йигит,  
Мияларни бошқаради симсиз, шовқинсиз.

## **Жақип**

Қандай қилиб?

## **Нарпапу**

Аллақандай ҳикматлари бор,  
Бамбарун ҳам етолмади бунинг тагига.

## **Жақир**

Э, у билан танишишни иложи борми?

## **Нарпапу**

Бор. Ва лекин ҳозир эмас, пайти келади,  
Вой ўлмасам, анавини. Бу ёкқа қара.

## **Жақир**

Нима экан? Э, ха гадой – телба одам-ку!

*Номаълум киши – телба киши киради.*

## **Номаълум киши – телба**

Пўшт-пўшт! Қоч-қоч! Олдимда турма!  
Тегма дейман, қўшиғимнинг қитиқ парига!  
Сувда ўрдак суздими?  
Отдан эшак ўздими?  
Кеча кийган кўйлагинг  
Бугунги кун тўздими?  
Ҳай рак тум-тум, рака-рака рум!

## **Жақир**

Ҳей, йиғиштириш ашулангни!  
Бу нима қилиқ?

## **Номаълум киши – телба**

Рака-рака рум,  
Така-така тум  
А! А! (*чиқади*)

**Нарпапу**

Ундан жавоб олмокликка уринма зинхор.

## **Жақир**

Нега?

**Нарпапу**

Уни шафқатсиз Кант шу күйга солган...  
Үз кучини синаш учун, мактанмоқ учун  
Катта йўлда кетаётган мазкур кишини  
Аллақандай туйғу билан чорлаб келтирди.  
Кейин унинг кўзларига нazzора қилди,  
Зум ўтмасдан телба бўлди ҳалиги киши.

**Жақир**

Ё раббано! Ўта кетган ваҳшийлик-ку, бу!

**Нарпапу**

Нимаси бор, бунақа иш унга чўт эмас.

**Жақир**

Лаънат бўлсин Кантингизга!  
Ўнгланмасин ҳеч!  
Тегмаганга кесак отиб нима қилади?!

**Нарпапу**

Мактанчоқ Кант ҳунарини кўрсатиб бўлгач,  
Англа, – деди, – жами жонзот менинг измимда!

## **Жақир**

О, лаънати!..  
Бамбарун ҳам унга тобеми?

## **Нарпапу**

Сенга айтсам, биргина у бундан мустасно!

## **Жақир**

Нечун?

## **Нарпапу**

Чунки унинг хонадони пухта қурилган,  
Илинмай деб Кантнинг қабиҳ тузоқларига  
Ўз хонасин нурлар билан оҳорлаб қўйган.  
Шунинг учун унга тегмас ташқи таъсирлар.

## **Жақир**

Нечун менга жон берилди, келбат берилди?  
Истамайман сизлар билан яшашни асло!

## **Нарпапу**

Мен билан ҳам қилмайсизми умри гузорлик?

## **Жақир**

Бу муҳитда биргина сен фаришта мисол  
Мен сени деб яшолмайман қабоҳат ичра!

## **Нарпапу**

Ундей бўлса от сурамиз бошқа заминга!  
Мехвор деган Сайёра бор Сомон йўлида.  
У ерларда сунъийлик йўқ, одамлар асл.

## **Жақир**

Йүк, бўлмайди!  
 Ўз юртим бор Мароқанд деган  
 Ўша ерга бошлайдиган бўлсанг бораман.

## **Нарпапу**

У ер олис... Юр, ҳозирча Мехвор мулкига!

## **Жақир**

Хўп, майлига борсам борай, кўрай-чи, қани,  
 У ердаги одамларда қандай хислат бор.

## **Парда**

## **ИККИНЧИ ПАРДА**

### **БИРИНЧИ КЎРИНИШ**

*Дара. Унгурдан настга қараб шалола оқмоқда. Ён томонга чодир тикилган, унинг теварагида хотин-халај, эркаклар.*

### **Қизлар кўшиғи**

Сувда олма сузибди,  
 Долғаларни бузибди.  
 Қабоғингни уймагил  
 Кимдан ким дил узибди?

Ҳай, яллама, ҳай ёрим,  
 Захил бўлди узорим.  
 Қучоғингга ол мени  
 Йўқдир бошқа гулзорим.

Эшик олди ҳовлингиз  
Ҳайхотлиги бир денгиз...  
Бориш-келиш қилмайсиз  
Кимдан қолди күнглингиз?

Ҳай, яллама, ҳай ёрим,  
Захил бўлди узорим.  
Қучоғингга ол мени  
Йўқдир бошқа гулзорим.

*Жақир билан Нарпапу киради. Жамоат икковига ҳам қизиқсиниб қарайди. Бир навкар ҷодирга кириб, қабила бошлигини боилаб чиқади.*

### Нарпапу

Отахоним, қабул айла саломимизни,  
Биз йўлчилар келдик сенга Чаманистондан,  
Сайёрамиз бизга тийра: кенг бўлса ҳам тор.

### Оқсоқол

Ўз ерини севмаган кимса  
Топтаб кетар бир кун бошқа сайёрани ҳам.  
Шу туфайли беролмаймиз орамиздан жой,  
Лекин уч кун бунда меҳмон бўла оласиз.

### Нарпапу (четга)

Оқсоқолга тушунтирсам, англар, эҳтимол  
Англамаса, ҳаётимиз азоб остида...

*Ослондан тошлилар ёғилади, жамоат гангийди. Кий-чув қўтарилади. Бирор боласини бағрига босган, бирор отасини қўлтиқлаган. Темир дастёр киради.*

## **Темир дастёр**

Кемага чик! Эй, сен Жакир ва сен Нарпапу!  
Унда сизни кутаётир Бамбарун.

## **Нарпапу**

Йўқол! (*Оқсоқолга юзланиб*)  
Ёрдам беринг, отахоним, ишимиз чаток.

## **Оқсоқол**

Аралашмам ўзга элат юмушларига.

## **Нарпапу (жамоага)**

Эй, юраги хис-туйғудан маҳрум одамлар!  
Наҳот бизга беролмайсиз орангиздан жой?

## **Овозлар**

Бизлар учун кифоядир Оқсоқол гапи.

## **Темир дастёр (Нарпапу ва Жақирга)**

Қани, юринг йўқса ишга солинажак куч,  
Нурларимдан жабр кўрар асабларингиз.

## **Жақир**

Нима дединг? Майдонга чик, зўр бўлсанг агар!

*Олишгани ҳезланади, бироқ Темир дастёр кўкрак лампочкасидан  
нур ёғдиришига улгуради.*

## **Жақир**

А! Ҳим! Миям!

## **Нарпапу**

Азоб берма, ҳозир борамиз...

## **Жақир (четга)**

Нарпапунинг қаршисида қаро ер бўлдим,  
Эҳ, бу нима? Олишмоққа қурбим етмади.

*Темир дастёр, Нарпапу ва Жақир чиқади.*

## **Оқсоқол (жамоага)**

Оллоҳ бизга офат берди айбимиз учун!  
Ибодатга шошилингиз, тангри меҳрибон.

*Саҳна айланади.*

*Космик кемани ичида Бамбарун, Нарпапу, Жақир ва Темир  
дастёр.*

## **Бамбарун**

Хўш, азизлар...  
Бу қанақа ўзбошимчалик!  
Нарпапуой, нима учун қочиб кетдингиз?

## **Жақир**

Тергайверма! Айбли эмас Нарпапу бунда.

## **Бамбарун**

Хо, хо қизиқ, чикяптими кесакдан товуш?  
Күлингдан ҳам келаркан-ку ёнини олиш.

## **Жақир**

Бўлмасам-чи, ким деб мени ўйловдинг, эй бек!

## **Бамбарун**

Оддий қулсан!

## **Жақир**

Янглишасан, лашкарбошиман!

## **Бамбарун**

Лашкарбоши? Кимлигингни ҳозир биламиз,  
Соз бўлса гар хотир кучинг, хаёл қувватинг  
Нима ҳақда ўй айласанг шу рўй беради.

## **Жақир**

Қайси жойда зоҳир бўлар ўтган қунларим.

## **Бамбарун**

Истар эсанг бу ёкка кел, ушбу экранда  
Кўринади бирин-кетин мозий ҳаётинг.  
Қани, ўла, ёдинга ол кечган умрни.

*Экранда ўтов кўринади. Ўтоваңдан Жақир чиқади, қўлида харита.*

## **Жақир (1-соқчига)**

Кўлга тушган ажнабийни бу ёкка келтир.

***I-соқчи чиқади.***

Спитомин сўл қанотдан жанг очмагандা  
Кунпаякун бўлар эди таянч қисмимиз.

***I-соқчи ажнабийни олиб киради.***

**Жақир**

Исминг нима?

**Ажнабий**

Гадонрештин Ипадон исмим.

**Жақир  
(қилич ўқталиб)**

Қандай босқин режаларни биласан, гапир.

**Ажнабий**

Мароқандни босиб қолгач, шохи Искандар  
Ҳоким қилиб тайинлади шаҳарга Бесни.  
Бес ҳам шоҳга ўз қизини армуғон этди.  
Клит билан биргалашиб олий кенгашда  
Бир ёт қизни никоҳингта олма десак-да,  
Шохи жаҳон рад килди бу таклифимизни.  
Уйланишим, – деди, – фақат сиёsat учун,  
Зўрлик қилиб бўлмас эмиш халққа бир йўла.  
Аввал унинг ҳурматини қозона бориб,  
Кейинчалик зулук каби сўриш керакмиш!  
Юнон урф-одатини барча элларга  
Кўрсатмоқлик зарур эмиш намуна қилиб.

**Жақир**

Ўйлагандан ортиқ экан юнон режаси,  
Энди билдик, яхшиямки қўлга тушибсан.

## **Ажнабий**

Йўл устида ўраб олди мени жангчилар,  
Олишолмай қолдим ҳатто, яккама-якка.

**Жақир Ажнабийга қилич узатди. Жақир билан Ажнабий  
ўртасида зўр олишув бўлади. Жақир бир ҳамла билан  
Ажнабийнинг қўксига қилич санчади.**

## **Жақир (2-соқчиға)**

Эвинчигар, мурдани ол, ўтов олдидан.

**Экран тасвири гойиб бўлади.**

## **Жақир**

Офарин бу мўъжизага! Ўтмиш айёми  
Дарҳақиқат одилона инъикос этди.

## **Бамбарун**

Фан-техника эгаллайди бутун оламни.

## **Нарпапу**

Психиатр кишиларда бошқача фикр...

## **Бамбарун**

Уларни кўй, нима бўлди психиатр Кант?!

## **Нарпапу**

Ха, чинданам, у адойи тамом бўлди. Эх!..  
Зулм килиш олиб келди мана неларга.

Кант мақтаниб бир кишини телба қилганди,  
Эндиликда ўзи тугул, юзи ҳам манфур.

### **Бамбарун**

Нима дединг? “Бир кишини телба қилганди”!

### **Нарпапу**

Ха...

### **Бамбарун**

Жуда соз. Биз ҳам ўша телбани хозир  
Үйнатамиз...

### **Нарпапу**

Йўқ, йўқ, тегманг!

### **Бамбарун**

Аралашма, қоч!

*Эгнидаги “тугмачани” бурайди. Зум ўттай кашифийт аппарати пайдо бўлади.*

Шу иклимда телба бўлган бир киши бормиш.  
Уни топиб... Хўш... Ҳмм...  
Олиб ташланг бошини!  
Ва ўрнига ўрнатингиз юонон калласин.  
Қани, жўна! Дарҳол бу иш амалга ошсин.

*Кашифийт аппарати жўнайди.*

### **Нарпапу**

Қаёқданам гапирдим-а!

## **Жақир**

Нима гап ўзи?

## **Бамбарун**

Сабр килсанг ҳаммасига шохид бўлурсан.

*Кашфиёт аппарати ва юонон бошли киши киради.*

## **Кашфиёт аппарати**

Мана, сенинг истагингни бажо келтиридим.

## **Бамбарун**

Сен кетавер...

*Кашфиёт аппарати жўнайди.*

## **Юонон бошли киши**

Сизлар кимсиз?

## **Жақир**

Хўш, ўзинг кимсан?

## **Юонон бошли киши**

Искандарнинг сарбозиман. Маъбуллар ҳаққи  
Бутун дунё шоҳимизга ўтиши керак.  
Фақат юонон халқи доим устувор бўлгай.

## **Жақир** (*тұтақиб*)

Жим бўл, абраҳ, йўқса, олгум гирибонингдан!  
Ўз юртимда сендайлардан беадад эди.  
Бу ерга ҳам инибди-да уругинг, палид.

*(Бўғади)*

## **Нарпапу**

Жақир, шошма, у гунохсиз – шу ер фарзанди  
Хамма иллат Бамбарунда!

## **Жақир**

Жон берди, мана.  
“Хамма иллат Бамбарунда”.  
Ростданам қизиқ, нима учун уни бүғиш мумкинмас, ахир?

*Жақир Бамбарунга ташланади. Қандайдир ҳаво тұлқини  
Жақириңи улоқтириб юборади.*

## **Нарпапу**

Вой, шүрим,вой... Жақир, түхта!

## **Бамбарун**

Вах-хаҳ-ха-ха-ха!

## **ИККИНЧИ КҮРИНИШ**

*Үз хонасида Бамбарун ёлгиз.*

## **Бамбарун**

Эрмак учун мархумга ҳам жон ато этдим,  
Энди уни мазах этиб мириқиши керак.

*Қубба ҳалқасини тортади. Темир дастёр киради.*

## **Темир дастёр**

Нима хизмат?

## **Бамбарун**

Бор, жакирни киритиб юбор!

## **Темир дастёр**

Хўп, ҳозирок.

*(Чиқади)*

*Девордаги илгаклардан бирини тортини билан Макр аппарати тилга киради.*

## **Макр аппарати**

Эшитаман...

## **Бамбарун**

Бир зот борки, унга ҳийла ишлатиш керак.

## **Макр аппарати**

Бажонидил.

## **Бамбарун**

Шай бўлиб тур, ҳозир киради.

## **Жақир киради.**

Шараф бўлсин лашкарбоши Жақир полвонга!

## **Макр аппарати**

Даҳшат дейман, даҳшат дейман эй, сохиб,  
Вайрон бўлди Жақир юрти – Ер, оғиб!

## **Бамбарун (сохталик билан)**

Э, аттанг-а! Кўп ҳам энди қайгурма, Жақир.

**Жақир**

Нега?

**Бамбарун**

Күёш портлаб кетди.

**Жақир**

Нима қилибди?

**Бамбарун**

Бу оламда бир-бирига боғлиқ ҳар нарса.  
Ер, Ой, Миррих – сайёralар, күёш портласа,  
Зум ўтмасдан остин-устун бўлиб кетади.

**Жақир**

А?! Дариғо! Киндик қоним тўкилган тупрок!  
Қаёқдасан? Фарзандингга аксу садо бер!  
На бирор-бир ватандош бор, на бирор таниш.  
Чор атрофда ёт одамлар, ясамаликлар!  
Қиблағим Спитомин! Эҳ, сен бўлсайдинг  
Ҳаммасига ясар эдинг музaffer якун!  
Бунда ёлғиз чекяпман танҳолик дардин!

**Макр аппарати**

Чаманистон сари елар Жақир Ватани,  
Каттакон ер ўқдек учеб борар емрилиб.  
Ана, чўғга айланди у яқин келмоқда!  
Ана, тушди сайилгоҳга кичик тош бўлиб!

*Бамбарун қубба ҳалқасини тортади.  
Темир дастёр киради.*

**Бамбарун**

Сайилгоҳда ётган тошни бу ёққа келтири!

**Темир дастёр**

Қанақа тош?

**Бамбарун**

Суриштирма... Олиб кел дарров.

*Темир дастёр чиқади.*

Фаҳми калта!

*(Жақырга)*

Қандай даҳшат, энди сенинг борар Еринг йўқ!

**Жақирип**

Борар Ерим бўлмаса ҳам тош бор-ку, ахир!

*(Бамбарун кулади)*

Эй, палид зот!

Сен беармон майли сафо қил!

Энг муқаддас нарсалар ҳам сенга беписанд!

**Бамбарун**

О, шунчалик муқаддасми Она-Ер меҳри.

**Жақирип**

Каллаварам, хўш, ўзингни қани, ниманг бор?

Техникингми? Ё бўлмаса дастёrlарингми?

Ҳаммаси ҳам темир-терсак – бир пулга қиммат!

Үлсанг шулар сенга кўз ёш қиласидими, а?

На онанг бор, на отанг бор, на хеш-акрабо!  
Бир ишончли одаминг йўқ! Зурриётинг йўқ!  
Билолмадим, Чаманистон сендек разилни  
Қандай қилиб сиғдиролган бағрига, тавба!  
Нега сени ўз бағрингдан ситиб ташламас?!

### **Бамбарун**

Хотиржам бўл. Мен ўлмасдан яшайман мангу.

*Темир дастёр киради.*

Ха, келдингми...

### **Темир дастёр**

Сайлгоҳда ётган тош, мана!

### **Бамбаруи**

Сен боравер.

*Темир дастёр чиқади.*

*Бамбарун тошини Жақирга узатади.*

### **Жақир (тошини оларкан)**

Оддий бир тош... Наҳотки, бу бизнинг Еримиз?  
Кўхна замин! Сенда не-не зотлар яшади,  
Не-не танти сахийлару не-не хасислар,  
Йўлбошчилар, тожу тахт деб ҳайқирганлар ҳам  
Не-не санъат соҳиблари, гўзал жононлар,  
Замонани англаб етган алломалар ҳам –  
Ҳаммасидан шу тош қолди!  
Мунча елиб югурмаса бу зотлар асли  
Ҳаётлари шу тошчалик бекадр экан!!!

*(Бамбарун кулади)*

Ха, кулавер, мен ҳам кулай телба бўлгунча!

**Бамбарун**

Вах-ҳах-ҳах-ҳа!

Бу ҳаммаси менинг уйдирмам!

Вах-ҳах-ҳах-ҳа!

Она-Еринг бешикаст, кўркма.

Довдира ма, ҳозир сенга исботи учун

Бир кимсани келтираман Она-Ерингдан.

*Илгакни тортади. Жосус аппарати тилга киради.*

**Жосус аппарати**

Фармонингга мунтазирман, фақат сен буюр.

**Бамбарун**

Ер мулкидан бир кишини олиб кел бизга.

**Жосус аппарати**

Ер мулкида йигирманчи аср пойидор

Ҳаёт тарзи – бир олманинг икки палласи...

Кўрсатмангни бажо этиш қийинмас, мана,

Ишга тушдим келтираман хаш-паш дегунча.

**Жақир**

Қилаётган ҳийлаларинг тамом беҳуда,

Ўз ўрнида турган тошни тепиш, нораво.

Тинч уйкуда ухлар эдим, қайта бердинг жон

Руҳим сенга мазах учун керак экан-да.

Доро деган шоҳ бор эди бизнинг замонда,

Хавф солади Ер юзига даҳшати билан.

Шундай буюк одамнинг ҳам ажали етди.  
Курт-қумурсқа, илон-чаён, майда резгилар  
Лаҳад ичра уни эрмак этгани каби  
Мени ҳам сен оляпсан емиш остига.  
Не ҳам дердим... шукр дейман тирилганимга,  
Қайта яшаб ўз юртимда топмаган ёрни,  
Топдим гўзал Чаманистон бўстонларидан.  
Муносиб ёр учратолмай қазо қилганлар,  
Букун менга ҳавас билан қараса арзир,  
Нимагаки, севгилим бор Нарпапу деган!  
Фақат ўкинч шу ердаки, мен беватанман,  
Ватан бўлса қўриклардим номус-оримни,  
Наки номус, қўриклардим урфу одатни,  
Ватан бўлса ёвларимга бермасдим омон,  
Энди шунча қудрат билан, шунча онг билан  
Хеч нимага ярамайман ожиз, ҳақирман!

*Девор қоқ ўртасидан бўлиниб, ичкарига йигирманчи аср одами  
киради.*

### **Бамбарун**

Ҳой, йигитча, аланглама! Йигиб ол эсни.

### **Ван Хан Ху**

Қай ердаман? Во ажабо ўнгимми тушим?

### **Бамбарун**

Ажабланма. Тамом гайри сайёрадасан!  
Бу ерга сен қадам қўйдинг хошишим билан.  
Англадингми? Саволимга энди жавоб бер?  
Кимсан ўзинг?

### **Ван Хан Ху**

Менми, Ветнам фуқаросиман. Отим Ван Хан Ху.

## **Бамбарун**

Чакки эмас... Биласанми, мана бу ўрток,  
Эрангиздан аввал ўтган бир мархум эди.  
Унга қайта ҳаёт бердим оёқка турди  
Бүлди сўнгра кўп синоат шоҳиди бунда.  
Иккиланма, ўз одаминг кўриш у билан.

## **Жақир**

*(Йигирманчи аср одами Ван Хан Хуга ишонқирамай)*

Яқинлашма! Тилка-пора қилиб ташлайман!  
Етар шунча уйдирмалар, қингир юмушлар!

## **Бамбарун**

Уйдирмамас, йигирманчи аср одами –  
Бу чиндан ҳам ватандошинг.

## **Жақир**

Ватандош?

## **Бамбарун**

Ха-да!

*(Жақир йигирманчи аср одами Ван Хан Хуга қизиқсинади)*

## **Жақир**

Тинч-омонми, бешикастми, Она-Еримиз?

## **Ван Хан Ху**

Шукр, омон... Туғилган юрт алалхусус хуш.

## **Бамбарун**

Туғилган юрт

## **Жақирип**

Туғилган юрт, нима дегани?

## **Ван Хан Хү**

Туғилган юрт – бир бўстонки, унда губор йўқ,  
Эл – омонлик, баҳтиёрик унга бир одат.  
Инсон унда бир-бирига мунис, меҳрибон,  
Яшаш тарзи, савияси, мартабаси teng.

## **Бамбарун**

Тараққиёт бўлмагай ҳеч тенглик бор жойда!

## **Ван Хан Хү**

Бемаъни гап, тенглик билан гуллар ул маъво,  
Одамзотни хур ҳаётга чорлар у маъво.

## **Бамбарун**

Шу чокқача рўй бермаган бундай ҳол сира!

## **Жақирип**

Вой, тавба-ей?..

## **Ван Хан Хү**

Йўқ, азизлар, энди рўй берар!  
Факат менга изн беринг, юртимга қайтай?  
Америкалиқ босқинчилар у ердан буткул

Түёгини шиқиллатиб қолган бўлса ҳам,  
Яна босқин режаларин ўйлаб турибди,  
Ватанимдан нари турмай долзарб пайтларда.

### **Бамбарун**

Мумкин эмас...

### **Жақир**

Ижозат бер, мен ҳам бораман!

### **Бамбарун**

Хоҳламайман.

### **Ван Хан Ху ва Жақир (бараварига)**

Нима? Нима?

### **Бамбарун**

Не истасам шуни қилгум – олампаноҳман!

### **Ван Хан Ху**

О, канака бадбахтлик бу! Барча нарсамдан  
Махрум бўлдим, ота-она, ёру биродар,  
Жаннатворий Ватанимдан айрилиб қолдим.

### **Жақир**

Мен ҳам!

### **Бамбарун**

Аҳа... Ажаб бўлди.  
Ҳамманг асирсан!

**Парда**

## **УЧИНЧИ КҮРИНИШ**

*Ям-яшил бўстон Чаманистон асирлари – Кант, Нарпапу, Жақир ва Ван Хан Ху лаълу ёқутлардан ишланган кишин билан банди қилинган. Темир дастёр киради.*

**Темир дастёр**

Хо, Нарпапу!

**Нарпапу**

Ха!..

**Темир дастёр**

Рад этма Бамбарун ишқин!

**Нарпапу**

Жавобим – йўқ! Бориб айтгин Бамбарунга.

**Темир дастёр**

Соҳибимни таҳқир этма, панд ейсан ахир.

**Нарпапу**

Ўлим берсин!

**Жақир**

Туёғингни шиқиллатиб қол!

*Темир дастёр чиқади.*

## **Кант**

Эслик одам нозик чоғда ҳийла қўллайди,  
Шу йўл билан бандиликдан халос бўлади.

## **Ван Хан Ху**

Нега ўзинг қўлламайсан?

## **Кант**

Мен бир ўзимман!  
Сен ҳам менга кўмак берсанг, унда бошқа гап.

## **Ван Хан Ху**

Бажонидил.

## **Нарпапу**

Нима қилиш кераклигин айт.

## **Кант**

Авваламбор ҳай-ҳайлаймиз. Бизнинг бу шовқин  
Етиб борар Темир дастёр локаторига...  
Кейин...

*Нарпапу билан Жақири ва Ван Хан Ху нималарнидири  
ничирлашади. Дам ўтмай шовқин қўтарилади. Темир дастёр  
киради.*

## **Темир дастёр**

Нима шовқин?

## **Нарпапу**

Мен тайёрман Бамбарунга кўнгил беришга  
Фақат битта ўтинчим бор.

**Темир дастёр**

Нима экан у?

**Нарпапу**

Уми? Осон – ўз бошига эга бўлсин Кант.

**Темир дастёр  
(ёнидан микрофон олиб)**

Аё, соҳиб! Эътибор бер, Нарпапу рози,  
Бироқ унинг жиндаккина шарти бор экан.

**Овоз**

Яъни?

**Темир дастёр**

Яъни, Кантнинг бошин қайтариш.

**Овоз**

Аҳа... Майли! Тўғрилаймиз, хотиржам бўлсин.  
Шу алфозда Кантнинг боши ўз аслига қайтади.

**Жақир**

Во ажабо!

*Йигирманчи аср одами – Ван Хан Ху*

Мана энди масала равшан!

**Нарпапу**

Ё, тасаддуқ! Кундай ёруғ юз – рухсоринг бор!  
Аввалги турқ кузги баргдек бедаво эди...

Мана энди қора қошу кора сочлисан,  
Энди дилни мафтун этар чехра бичиминг.

### **Темир дастёр**

Нарпапу, бўл. Илҳақ килиб қўйдинг ўзингга!

### **Кант (Нарпапуга секин)**

Кир ҳозироқ Бамбарунга. Ноз-ишва билан  
Бир амаллаб кулбасидан тезда олиб чик.

### **Нарпапу**

Кишанни еч! Миянг борми?!

*Темир дастёр Нарпапуни кишандан озод этади, кейин чиқадилар.*

### **Ван Хан Ху**

Қолдик учовлан...  
Ҳаётимиз уфки хира-нажот талабмиз.

### **Кант**

Менинг бошим ўз аслига эга бўлгандай  
Ҳамма нарса ўз аслига қайтади тағин.  
Ана, ана! Бамбарунни Нарпапу бону  
Ташқарига олиб чиқди минг ҳийла билан,  
Хозир бутун санъатимни ишга соламан.

*Кўзига нур йигиб, Бамбарун томон йўналтиради.  
Телбаларча ҳатти-ҳаракатлар билан Бамбарун, унинг  
орқасидан Нарпапу киради.*

Ҳа, ха, энди ҳолинг қалай?!

## **Бамбарун**

Координация...

Нечун фаол ишламайди ҳисоб маркази?

А! Бошгинам... Оғрир нукул лўқ-лўқ, тиним йўқ.

Ваҳ-ҳа-ҳа-ҳа!

Алдандингиз!!! Маданий алдов!!!

## **Кант**

Кўрдингизми, сўзларида бир интизом йўқ,  
Бу ҳаммаси менинг ишим, менинг санъатим.

## **Жақир**

Санъатингдан ўргилдим-ей!

**Нарпапу**  
*(Жақирга аста)*

Ҳай-ҳай, секин... (баралла)

Жонажонлар, нима бу туриш,

Ўйлайсизми кишанлардан фориг бўлишни.

*(Кишиналарни ечмоқчи бўлади)*

## **Кант**

Шошмай тур-чи. Уддалар бу ишни Бамбарун.

*Кант Бамбарунга ўқраяди. Кўп ўтмай Бамбарун бандиларга  
яқин келиб, кишиналарни бирин-кетин олади.*

Ана, бўлди...

## **Ван Хан Ху**

Нақадар соз Озодлик!.. Хурлик!..

Буни яхши ҳис қиласиди банди бўлганлар.

Қани энди бир мүъжиза күрсатилса-ю,  
Үз Сайёрам, масканимга мен бориб қолсам.

### **Жақип**

О, кошкийди! Мен ҳам шуни истайман фақат.

### **Кант**

Құлға кирса аппаратлар мурвати агар,  
Хаммангизни муродингиз рүёбга чиқар.  
У кун келар... Хўп, бўлмасам, ишга тушайлик.  
Бир ёқадан бош чиқариб, жон-тан бўлиб,  
Элатларга нур берайлик, ҳаёт берайлик.  
Бамбаруннинг хонасига ҳозир ҳаммангиз  
Отланингиз. Нарпапу, сен пича сабр қил.

*Бамбарун, Жақип, Йигирманчи аср одами чиқадилар.*

### **Нарпапу**

Нима дейсан?

### **Кант**

Хисоб-китоб куни келди,  
Жавоб бер энди.  
Нима учун ишқимизни хокисор этдинг...  
Нега жимсан? Гапир!

### **Нарпапу**

Тўғри сенинг олдингда  
Эҳтимол, мен айборман, лекин маъзур тут.

### **Кант**

Фақат шуми? Оппа-осон кутулмоқчимисан?

## **Нарпапу**

Айбситма, ахир, күнгил буюргани шу.

## **Кант**

Ақл қани? Агар мен ҳам күнгил майлига  
Хохиш берсам не юумушлар содир бўлмасди!

## **Нарпапу**

Билолмадим, күнгилнинг кўп тариқати бор,  
Аввал бошда тентирар у бошқа кўйларда.  
Сўнгроқ эса ўз кўчасин топиб олади.  
Сендаги ишқ мусаффодир лекин аъмолинг,  
Орзу ўйинг – жаҳон ичра Биру Бор бўлиш.  
Бамбарун ҳам бу борада сендан қолишмас;  
Севган иши – жаҳонғирлик, ўта манманлик.  
Жақирда-чи? Ундай бачки муддаолар йўқ!  
У Ватанини ҳар нарсадан аъло кўради.  
Юраги оқ, қарашлари содда, тўпори.

## **Кант**

Юраги оқ? Нима, бизнинг күнгил корами?  
Вой, зиндик-ей. Биласанми, ҳозир ҳаммангни  
Жинни қилиб энг кулгили ҳолга соламан.

## **Нарпапу**

Ҳа, биламан, кўп иш келар қўлингдан, лекин –  
Кўнгилдаги соф туйғуни этолмайсан забт.

## **Кант**

Шанақами?

## **Нарпапу**

У, Жақирга тегишли фақат.

## **Кант**

Хом сут эмган лафзи бехуд, ҳали шошмай тур.

*Темир дастёр киради.*

## **Темир дастёр**

Аё, сохиб, эшиг мендан сүнгги хабарни,  
Хонасига кириб олгач, Бамбарун филхол  
Аппаратлар мурватини ўйнай бошлади.  
Қизиб кетди бор усқуна, механизмлар,  
Тез орада кучли портлаш кутилар энди.

## **Кант**

Олдини ол!

**Темир дастёр**

Олдини ол?  
Бу иш иложсиз.

## **Нарпапу**

Вой, ўлмасам! Нидо бергин, қайдасан Жақир,  
Яна насиб бўлармикин дийдор кўришиш?

*(Чиқади)*

## **Кант**

О, қанақа каллаварам!  
Телбани сог кишиларга қўшиб янглишдим.  
Янглишдим-а!

## **Парда**

## **I Овоз**

Икки куч зид бир-бирига дунёда ҳамон,  
Бири нуқул ёмонлигу бири эзгулик.

## **II Овоз**

Иккаласи курашади ҳаёт бор экан,  
Бирин мисли гул десангиз, бошқаси тикан.

## **I Овоз**

Гул күпайсин, гул – нафосат, тароват рамзи!

## **II Овоз**

Эрк берманг ҳеч ёмонликка, яхшилик ўссин!

*Турли овозлар, гөвуллаш, чийиллаш, шовқин-сурон құтарилади.  
Саҳнада улкан портлаш ва аланга пайдо бүлади.*

## **Парда**

**Еврипид**

**М Е Д Е Я  
(Фокиа)  
Қатнашувчилар:**

**Энага.**

**Эшик оғаси.**

**Медея.**

**Коринфлик аёллар хори.**

**Креонт.**

**Ясон.**

**Эгей.**

**Чопар.**

**Медея ва Ясон ўғиллари.**

*Воқеа Коринфда, Медея уйи қошида рүй беради.*

## М У Қ А ДДИ М А

### Энага

Мушкул эрур Колхидага кирмок ётларга,  
Агар алар ишлатмаса хийла ва тадбир.  
Ҳали етмай икки коя оралиғига  
Аргонавтлар кабутарни учиребдилар.  
Кабутарни сиқиб икки ложувард қоя<sup>1</sup>  
Қайта бошдан ўз аслига қайтаётганды  
Ёт кимсалар Колхидага кириб олибди.  
Иолк шоҳи Пелий беку бекздларни  
Эшкаклар-ла таъмин айлаб, мудхиш аждаҳо  
Масканига қоракўл-чун юбормаганды  
Олиймақом соҳибамиз Медея бону  
Асло сузиб бормас эрди ўзга юрт сари  
Ҳам телбадай кўнгил кўйиб ул алп Ясонга,  
Ёт элатда оққўнгиллик Пелийзодларга  
Падаркушлик санъатидан сабок бермасди.  
Энди эри, болалари бирла Коринфда  
Юрмас эрди кулба излаб. Қувгиндиликда  
Эл кўзига ул бояқиши хуш кўринса-да,  
Содик хотин бўлиб қолди лекин эрига.  
(Багри бутун кам топилур, ушбу дунёда  
Тотувликда яшаётган эр-хотин қайдада?)  
Медеянинг пешонаси шўр экан илло,  
Энди уни севмайдилар, меҳрибонлар ҳам  
Йигиштириб қўймоқдалар борди-келдини.  
Гулдан-да воз кечарканлар ғунчани кўргач,  
Ясон хотин ҳамда бола-чақаларидан  
Қўл силтабон шоҳ қизига уйланмоқчиши!

<sup>1</sup> “Медея” фожеасини қадимги юнон тилидан рус тилига Иннокентий Анненский ўғирган. Атоқли олим В.Ярҳо унга изоҳ ёзган. Ўзбек таржимони В.Ярҳо изоҳлари (китоб сўнгигида берилган)га асосланиб, В.Анненский йўл қўйган камчиликларни бартараф этди.

Шундай килиб, таҳқирланган Медея бишиш  
Шўрликнинг-да фифонига еру кўк титрар.  
Қани, дер ул, аҳду вафо, қани дер, ул лафз  
Маъбудларни шохидликка чақира туриб.  
Зеро алар бетавфиксни кўриб қўйишсин:  
Ясон номард, Ясон лафэсиз, Ясон бевафо.  
Бибишгина неча кунки байтулҳазандга  
Юрагига ҳасрат уя қургандан бери  
Илон янглиғ тўлганадур, сафо билмайдур.  
Худди коя тўлкинлари сингари кар ул,  
Эшитмайди ёру дўстлар далласини ҳам.  
Шу холда ул беҳуш ётар, ўзига келиб  
Баъзан бошин надомат-ла силтаб қўяр-да,  
Ёдга олар ўз диёрин, кадрдан уйин.  
Кўз ёшини дарё-дарё оқизиб, килган –  
Барча ноҳуш ишларини дилдан ўтказар:  
Эрини деб бой берганди ўз диёрини,  
Эрини деб дучор бўлди қувғиндиликка,  
Медеяга энди ҳатто фарзандлари ҳам  
Ёқмай қолди. Аларга кўз қирип ташламас.  
Шўрим курсин, ишқилиб, ул айнаб қолмасин.  
Йўқса яна бир балони бошлар, чамаси,  
Ситамларга дош бермаса оғир ўйлари.  
Мана шундай чўрткесар ул. Қўрқаман, ногоҳ  
Оч биқинга шамшир тиқиб олмоғи мумкин.  
Ул-бул ишни шаҳаншоҳга, куёвтўрага  
Қўллай билар жаҳли чиқса, очиқдан-очиқ.  
Осонгина ғолиб бўлмас душмани унинг!  
Ана, унинг ўғлонлари сайилдан қайтиб,  
Тинч-хотиржам келишмоқда кошона сари,  
Онаизор қайғусидан хабар топмасдан.  
Ҳа, болалар, болалар-да, азоблар билан  
Неча пуллик ишлари бор, ахир, аларнинг.

*Кекса эшик оғаси икки болани бошлиб киради.*

### **Эшик оғаси**

Хой, сен собиқ маликанинг содиқ чўриси!  
Бўсағада нечун ёлғиз турибсан? Ёхуд  
Ғам туфайли айрилғандай Медея ҳушдан,  
Сен ҳам қайғу чекмокликка ху қилурсанми?

### **Энага**

Э, сен Ясон фарзандларин кекса раҳбони!  
Не кунларга, ёраб, бизни солди бу фалак?  
Унданми бу фалокатлар ё ўзимиздан?  
Ҳанузгача сидқидил-ла хизмат этсак-да,  
На емакда, на ичмақда рўшинолик бор,  
Куя-куя адо бўлдим, куйганимдан-да,  
Еру кўкка бибишимнинг достонин айтиб,  
Юрагимни ҳасратлардин фориг қилурмен.

### **Эшик оғаси**

Яна йиғлаб оҳу фигон қилаётирими?

### **Энага**

Ҳей, қария, соддалигинг қолгани йўқ-да,  
Ғам қиссаси энди ўқилмоқда-ку.

### **Эшик оғаси**

Хе, кўр...  
Булғаб бўлмас казолар шаънин. Янги  
Кулфатлари борлигини билмаса керак.

### **Энага**

Қандай кулфат? Гапирсанг-чи, мундок очикроқ.

### **Эшик оғаси**

Ке, құйсанг-чи, чиқиб кетди оғзимдан бехос.

### **Энага**

Үтінаман, оқ соқолинг ҳаққи, яширма!  
Сен күл бўлсанг, мен чўриман соҳибамизга.  
Гар қолиши вожиб эрса қозон ёпиғлиқ  
Биз ҳам асло очмагаймиз...

### **Эшик оғаси**

Мен эшитдиму  
Сиртига сув юқтирган кишидай бўлдим,  
Ўта туриб буқун шатранж майдончасидан  
Пиренада<sup>2</sup> муқаддас сув бўйида пирлар  
Неларнидир сўзлашарди – мазмунан билдим:  
Шоҳ тараффуд кўрсатиби: мулки Коринфдан  
Медеяни фарзанди-ла ҳайдаб солармиш.  
Билолмадим бу овоза қанчалик тўғри,  
Багоятда авло эрди нотўғри бўлса.

### **Энага**

Нима, Ясон қилмайдими бунга эътиroz?  
Хотинидан бир умрга безган бўлса-да,  
Воз кечмас-ку шаҳду шакар болаларидин.

### **Эшик оғаси**

Илож қанча? Хуш ёқади янги ёр доим:  
Шоҳ аввалги оилани тан олмас эмиш.

### **Энага**

Ҳалок бўлдик... даф этмайин кўхна балони  
Фавқулодда янгисига дуч келмоқдамиз.

## **Эшик оғаси**

Сүзларимни сақлагайман күнгил тубида,  
Бишишимиз билмагани маъкул бу гапни.

## **Энага**

Ана, қандок дадангиз бор, болажонларим!  
Тангри хифзи саломатда сақлагай уни.  
Ҳар ҳолда ул соҳибимиз. Ва лекин эркак –  
Оиласин зинҳор мажруҳ этмаслиги шарт.

## **Эшик оғаси**

Ҳар банданинг таъбида бор бу хислат, инсон  
Бошқаларга қараганда ўзини севар.  
Ё шум хабар эшиздингми, таажжубдамен...  
Фарзандларин қурбон қилиш жатига Ясон  
Янги ёр-ла ишрат этмоқ тамасидами?

## **Энага**

Боринг энди худо халлоқ, болажонларим,  
Барҳам топур нохушликлар,  
Сен эса, эй, чол,  
Болаларни йироқ тутгил волидасидин –  
Жаҳали чикқан. Ғазаб қотган асоратида –  
Захарини яқинларга тўқмасайди, оҳ!  
Менга аён – қурбонликсиз қаҳри босилмас.  
Бизлар эмас, ёв йўлиқсин қаҳрига фақат...

## **Медея**

*(саҳна ортидан)*

Водариғо!  
Мунча ёвуз уқубатларим!  
О, шум ажал! Водариғо! О, шум азозил!

## Энага

Оху фифон бошланмоқда... о, болажонлар...  
Ичкарида волидангиз –  
Фам бистарида.  
Ундан пича нари туринг, гиргиттонларим.  
Назарига туша кўрсанг, йўқса, балокаш  
Сизга ғазаб оловини сочар аёвсиз.  
Бир қадам ҳам унга якин келмангиз зинхор.  
Тутса агар саркашлиги, ёввойилиги  
Хўл-қуруқни бир текисда ёндира олур.  
Қочинг унинг газабидан, болажонларим,  
Қани тезроқ пана жойга ўтиб олингиз.  
Бу раъд агар дабдурустдан сизга йўналса,  
Чакмок уриб, ўтда куяр хонумонингиз.  
Эй, сен, кўнгил, дардларингга интиҳо қани?  
Нечун юпанч-тасаллини билмайсан ҳануз,  
Ёхуд азоб илонига ем бўлдингми сен?

## Медея (саҳна ортидан)

О, мусибат! О, азият, о азоб ва сиз –  
Кучсиз охлар! Сиз, фарзандлар, отангиз бирлан  
Гумдон бўлинг, минбаъд, минбаъд қўшмозор бўлинг!  
Куриб кетсин уй шунақа бўлса агарда.  
Эр шу бўлса, дунёдан ток ўтган авло-ку!

## Энага

Вой, худо-ей, шўрингизга –  
Шўрва тўкилди!  
Шу ҳам гапми... Болаларнинг гуноҳи нима?  
Ёхуд алар жавобгарми падари учун?  
Зуғум қилиб нетади ул болакайларга.  
Болажонлар, қисматингиз аянч эрур, оҳ.  
Нетай, найтай, сизлар учун хавотирдаман.

Шаханшоҳлар дағдағаси даҳшатли эрур;  
Кундан-кунга оз қолмоқда итоаткорлар,  
Ҳукмдорлар кўпаймоқда кун ўтган сайин...  
Осонгина босилмайди ғазаблари ҳам...  
Барглар аро кўз илғамас пинҳон барг бўлиб,  
Кун кечирган яхшимасми? Қариган чоғда  
Шаханшоҳлар ғазабидан йироқда бўлиш;  
Осойишта яшамоқлик – орзуим эрур...  
Энг сараси, аълоси ҳам – меъёр сақламоқ,  
Ҳаётда йўқ шундан бўлак ғазнаи олий!  
Эҳтиёждан ошикроғи омад келтирмас.  
У қавмга юклаб кўйиб кўх ва кўх офат  
Йўлиқтириар маъбулларнинг ўтли қаҳрига.

## ПАРОД

*Саҳнага коринфлик аёллар хори киради.*

*Xor*

Проод Олис колхидалик бадбахт келиндан  
Эшидим дод овозларин:  
Ҳалиям ул тушмадими шаштидан?  
Айт, кампиршо...  
Аллақачон кўнгилга муnis бўлган  
Оиланинг дардларига шерикман,  
Эшидим мен ичкаридан келган нолани.

## Энага

Сен айтғон оиласдин асар қолмади:  
Эр – мустабидлар ётогида<sup>3</sup>,  
Хотин – байтулҳазанд; кўшк ичра пинҳон.  
Бекачимнинг аҳволига маймун йиғлайди.  
Бирон кимса йўқки, уни  
Юпатолса тасалли бериб...

**Медея**  
*(саҳна ортидан)*

О, даҳшат, даҳшат!  
О, розиман фалак чархи  
Мажакласа бош суюгимни!..  
Менга энди яшаш чикора?  
Шўрим курсин! Ҳайҳот! Эй, сен, ўлим,  
Ҳаёт ришталарин узиб юбор –  
Кўзим йўқ кўяррга тирикликни.

**Хор**

О, сен Зевс, о, сен она-Ер, сен Офтоб,  
Бадбаҳт келиннинг  
Мунгли зорларини эшийтдингизми?  
Дудоклар, оғувлар, сиз – нечун  
Совуқ бистар хоҳишидасиз?  
Ўлим одимлари  
Тайсаллар нечун?  
Ё ёлвориш керакми унга?  
Агарда янги ёр тиласа эринг  
Нечун жаҳл офати бирлан  
Бу бебако дунёда  
Мусибатни ортирасан сен?  
Ҳадемай додингга етар Кронзода:  
Фақат сен унгача  
Оғир бўл,  
Сабр берсин ишқилиб ўзи.  
Фақат бевафо эрни деб  
Кўз ёшингни селоб айлама...

**Медея**  
*(саҳна ортидан)*

Муazzам Кронзода... Маликаи Фемида!<sup>4</sup>  
О, маъбуллар, паноҳ беринг азобларимга!

Ўзим мұқадdas онт ила  
Лаънати эрни тақдирга қүшдим!  
Эвоҳ!  
Кошки энди уни күрсам келинчак бирлан –  
Сарой харобалари ичра бир жуфт мурдани!  
Үшаларнинг дастидан дод,  
Аламимга ўшалар боис. О, яздонлар!  
О, сен падаргинам, элу шаҳрим, сизлардан мен,  
Шармсор қочдим. Ўртамизда ҳануз жонажон  
Ўз инимнинг мурдаси ҳам.

### Энага

Тингланг, нима дер,  
Қандок тавқи фифон осар  
Фемидага, назри ниёз маликасига,  
Ва Зевсга, ахду паймон ўдағасига,  
У гоятда мудхиш интиқом билан  
Лиммо-лим айлар кўнглини.

### Хор

Нечун менга рухсорини кўрсатмайди ул?  
Нечун нафис товушимга  
Акс-садо қилмаётир?  
Бемаъни қаҳри-итоби  
Қовурад қалбини қоп-кора ўтда.  
Эҳтимол, мен  
Ширинсұханлик бирлан  
Берарман унга юпанч.  
Мен севган одамлар ҳам  
Кўриб қўйсин маним юрак истакларимни.

*(Энагага)*

Хабар олмайсанми кошонасидан?  
Олдимизга пешвоз чиқсан.

Имиллаш керак эмас... Бўл!  
Бу чордевор ичинда  
Бахтсизлик рўй бермоғи мумкин.  
Қаҳр ва ўч шиддати ёмон,  
Пушаймонлиғ ундан-да қўрқинч.

### Энаға

Боришга тайёрман, фақат, бибишим,  
Қолдирмасми сўзимни ерда?  
Эринмоқда деманг... бемалол...  
Туғаётган ургочи шердек  
Азобланар, ёввойисимон –  
Қарап, агар байтулҳазанга  
Яқин келса чўри оғзидан  
Сўзи тушиб ҳадиксирайдир...  
Мукаррарки, бир замонлар, ха,  
Ҳайит ёхуд зиёфатларда  
Масъуд зотлар қулокларини  
Куйлаб хушнуд қилмоклик учун,  
Эркалаш-чун мадхиялар тўкиб  
Юрган ўшал одамлар жиндек  
Ақли ила бор санъатини  
Ишга солган десак саҳв ўлмас.  
Чилторларнинг оҳанги бирлан  
Манфур тусли гамга-қайғуга,  
Шоҳлик зулми ила ларзакор  
Ўлим яратувчи қайғуга  
Чек қўйишни ҳалига довур  
Ҳеч бир кимса ўйлаб топмаган  
Дейилса гар, у ҳам саҳв ўлмас.  
Кишиларни куй-ла даволаш –  
Фойдалидир. Зиёфатда лек  
Созанданинг меҳнати бекор:  
Кўнгилларни тўкин дастурхон  
Хушнуд этар мусиқасиз ҳам.

(Чиқади)

## **Хор**

Тағин эшитмоқдамен  
Унинг оху ноласин.  
Афсус-надомат тинмас.  
Байтулҳазандан ҳавони ёриб  
Учмоқда эри сари тавқи лаънат.  
Фемидани чорлар Колхиданинг бахтсиз боласи,  
Нечун уни жалб этди  
Денгиз оша Эллада соҳиллари;  
Тубсиз кайнамани мавжлантирган  
Адоғи йўқ долгалар.

## **БИРИНЧИ МАНЗАРА**

*Медея киради.*

**Медея**

*(Хорга)*

Эй, Коринфнинг қизлари, гар рўпарангизга  
Чиқсан бўлсам – таъна эшитмоқ учун эмас.  
Кўча-кўйда сандирақлаб юргандан кўра  
Факат уйда ўтиришни маъқул кўрганлар  
Ёки ўзга юртни кўриш майли-истаги учун  
Кам дейсизми такаббур деб номдор бўлганлар?  
Ғавғосиз уй йўқ дегандек бани одамга  
Ҳозир ғавғо ёқмай қолди, ҳар нарсага ҳам  
Қўлни силтаб кўймоқдалар. Гўёки бор гап  
Одамларга илгаритдан қуёшдай равшан.  
Агар киши бизни дилтанг қилмаган бўлса,  
Қалбин билмай қилолгаймиз қозилик унга.  
Орангизда бегоналар кўпдир, эҳтимол  
Уларга ён бериш керак, албатта, илло  
Раият ҳам хуш кўрмайдур димоғдорларни,  
Ўз-ўзини тенимоққа имкон тополмай,

Шу тариқа ачинарли ҳолға тушганлар...  
Менга келсак, дугоналар, сизсиз ҳам ногох  
Балоларга дучор бўлдим, ғамга ёр бўлдим.  
Ўлсан дейман – нафас олмоқ азобдир фақат  
Нимагаки молик бўлсан бари-барига  
Ёлғиз эрим сабабчидир. Билсан бу киши  
Одамларнинг энг тубани – номарди экан.  
Ҳа, бу кунда яшаётган одамлар ичра  
Топиш мушкул биздек баҳтсиз хотин жинсини.  
Нархи арzon эмаслармиз эркаклар учун<sup>5</sup>.  
Биз тушган ер обод бўлар – хизмат қиласиз.  
Гар борди-ю сотиб олсанг эркак зотини  
У сен учун соҳиб эрур, хизматчи эмас.  
Унисига караганда буниси чакки,  
Энг муҳими иш тутасан таваккалига.  
Таши бирлан ичи бирми – билиб бўлмаса.  
Никоҳдан сўнг кетай десанг, ўзингга уят,  
Куёвдан-да қутулишнинг чораси йўқдур.  
Урф-одати, таомили ёт бўлган жойга  
Тушган келин бешак ўлим топгай агарда  
Куёв бўлмиш тортолмаса ўз аравасин,  
Бошқа билан дон олишса, хиёнат қилса,  
Бунга келин қай йўсинда тахаммул этар.  
Хиёнаткор эканлигин билса у билан  
Бир ёстиққа бош кўймасди абадул-абад.  
Жонга тегса оиласи эркакга не ғам?!  
Бошқа ёққа кўз сузганча арқон узарлар,  
Биздан эса кўл силтабон, киё боқмаслар.  
Дейдилар-ку бошқа дебон эркак йўригин  
Биз ичкари ожизаси, азал азалдан  
Кўча пайдам, ташкарида ризқ-насибаси.  
Қўлда найза, шикор дея рўқач қилгайлар  
Ва нимани овлашадур тангрига аён.  
Жангу жадал эркак учун... Туғандан кўра  
Ёв зарбига қалқон тутиб, дош берган авло.  
Ҳа, айтмоқчи, гап хотин-қиз хусусидайди,  
Аммо сизу менинг ҳолим айри-айрича:

Сиз эгасиз шахрингизга, ўз уйингизга.  
Дўсту ёлар юпатишар ғамга ботсангиз.  
Мен бўлсам-чи, бегоналар ичра ёлгизмен.  
Ҳам қувгинди, ҳам мосуво, ҳам суприндиман.  
Ёввойилар орасида – олисда ўсдим.  
Бунда менинг на уйим бор ва на-да онам,  
Кимсасизман – биродарим, қиблагоҳим йўқ.  
Лоақал бир хешим бўлса, келган балога  
Мардонавор тутар эрдим бошимни бешак.  
Вале сиздан оз бўлса-да шафқат сўрайман.  
Гар эримдан ўч олмокка, бир илож топсам,  
Сиз аввало сукут сакланг, халақит берманг.  
Журъатсизмиз, зотан, курашнинг, алалхусус,  
Тифобдори қўрқитади хотин зотини.  
Номуссизлик гар илашса нигоҳ ипига  
Аёл қалби шу қадарли консирагайки,  
Тополмайсиз ер юзидан бунақасини!

### **Корифей**

Бас. Медея, кўнглинг нима тиласа, қилгин,  
Сенинг хоҳиш-истагингга қарши турмаймиз.  
Сен ҳақ бўлсанг, тан берамиз. Аммо Креонт  
Келаётир, мулк сultonни – нима деркин ул.  
Балки бизга эълон қилур янги фармойиш?

*Креоний киради.*

### **Креонт**

*(Медеяга)*

Ҳа, Медея, кек саклайсан чоғи, эрингга  
Ғамбодасан, жаҳон бирлан ишинг йўқ гўё.  
Гап энди шу – фарзандларинг олиб бир йўла  
Тарқ этмайсан салтанатим сарҳадларини.  
Бош тўлғамай итоат эт амримга, жўна!

Эшитдингми? Қайта бошдан қорангни күрмай.  
Шу мулк ичра гар мабодо корангни күрсам  
Нак мустаҳиқ этгайдирман оғир жазога.

### Медея

Шунақа денг! Шўрим курсин! Бадбаҳтман қандок!  
Ёв тушириди сўнгигача лангар занжирин,  
Соҳил томон чиқай десам ёвуз тўлқин бор.  
Ундан менга эндиликда ҳимоят ҳам йўқ,  
Шундай бўлгач сўрамоққа изн берсалар  
Нега энди ҳайдаяпсиз бу мулқдан мени?

### Креонт

Хеч қанақа сир йўқ бунда, ҳаммаси равшан,  
Кизгинамга панд берасан деган хавфдаман,  
Устомонсан, ялагансан илоннинг ёгин.  
Бир кори-ҳол бўлмасин деб кўрқаман, рости.  
Боз устига эрсиз қолдинг, ҳижронзадасан...  
Дейдиларки, сен менга ҳам, келинчакка ҳам  
Хавф солмоқчи бўлганмишсан нима биландир.  
Тўрт мучамиз соғлигига шунинг учун ҳам  
Чора-тадбир кўрмоқликни лозим топамиз.  
Сенга ёмон кўринсам-да, Медея бибиш,  
Кўнгилчанлик қилолмайман, баъдаз кеч бўлур.  
Гапнинг рости – сўнгги пушмон, ўзимга душман.

### Медея

Эвоҳ! Эвоҳ!  
Илк мартамас, э шоҳ, кўп бора  
Менга зарап бериб келди ёмонотлигим.  
Ёмонлик у қадимдан бор. Кимда-ким агар  
Оқилликдан сал-палгина бўлса хабардор  
Гўдаклардан тайёрламас соғист аҳлини.  
Сафсаталар учун улар ҳамюртлариға

Эшиттириб қўймасдилар таъна-маломат...  
Тағин нима? Оломоннинг нафратин улар  
Тўйғизмаслар ўзларининг санъатлари-ла.  
Жоҳилларга, дейлик, агар бирон нимадан –  
Доноликдан, янгиликдан ё хикматлардан  
Сабок берсанг борми – тамом улар ичра сен  
Донишмандмас, таниласан текинхўр бўлиб.  
Башартиким, овозаю миш-мишга кўра  
Эл-юрт ичра ҳурмат топган оқиллардан ҳам  
Юксакроқда турсанг, сени ҳавфли кас дерлар.  
Мен ҳам шуни ўз бошимдан кечириб кўрдим.  
Гап шундаки, Медеяда акл етарлик.  
Шундан уни ёқтираслар баъзи бировлар.  
Кимdir эса сизга ўхшаб шу Медеянинг  
Мардлигини ҳисобладайдир ҳавфли нарса деб.  
Тарқ этилган, кимсаси йўқ хотин, ажабо,  
Шаханшоҳга қутқу солса?! Хўш, нима учун,  
Нимага мен ёмонликлар тилар эканман?  
Сиз хуш кўрган кишингизни кўёв қилдингиз,  
Илло маним нафратларим сизгамас асло,  
Эримгадир. Сизларга мен ҳasad қилмайман,  
Хаёт билан роҳатланинг, турмуш қуринглар.  
Факат мени қолдирсангиз Коринфда дейман,  
Сабрим бирлан ёпай дейман шармандалигим.

### Креонт

О, сен дуруст сайрайпсан, машқинг жойида,  
Лекин ёвуз ният ҳоким талқинотингда.  
Гумонларим ортиб борар эшитган сарим,  
Эл оғзига элак тутиб бўлмас, Медея.  
Биламанки, сен хусусда мишишлар талай.  
Эҳтиёткор тулкилигинг ким билмас ахир.  
Қани жўна! Ўйнаб бўлдинг қозон, чўмичда,  
Уринсанг-да илло етмас санъатинг сени,  
Ўзимизда сақлатмаймиз ортиқча ғаним.

**Медея**

Ёлбораман, янги келин-куёвлар ҳаққи,  
Бизни сургун қилманг бундан, шохим, раҳм этинг!

**Креонт**

Эланишинг бехудадир, овора бўлма.

**Медея**

Шафқат қилинг, ялиnamан, додимга еting.

**Креонт**

Медея, бизга яқинроқ ўз оиласиз.

**Медея**

О, диёрим! Қадринг ўтди яна шу кезда.

**Креонт**

Бола-чақа роҳатини кўрайлик биз ҳам.

**Медея**

О, Эротлар! Қандай ёвуз уруғ экяпсиз.

**Креонт**

Пешонага ёзилгани бўлмас доимо.

**Медея**

Ё раббано, айбдорга бошпана берма.

### **Креонт**

Етар энди? Сен, яхшиси, сафсаталардан  
Үзинг тугул, бизларни ҳам фориғ айлагин...

### **Медея**

Фориг этмак? Кимни ҳамда нимадан ўзи?  
Шох, бизни сиз фориг айланг бу укубатдан.

### **Креонт**

Сен чинданам кутяпсанми жаллодларимни?!.

### **Медея**

Йўқ-йўқ, асло, ёлвораман сизга, шаҳаншоҳ...

### **Креонт**

Сенга камлик килмоқдами дўқ-пўписалар?

### **Медея**

Илтижойим, шаҳаншоҳим, бу хусусдамас.

### **Креонт**

Тағин нима керак сенга? Ҳоли қўй мени...

### **Медея**

Менга бир кун мухлат беринг: ҳали ҳал эмас  
Манзилгоҳим. Норасида болаларга-ку  
Менсиз ким ҳам топа олгай бошпана сув-нон,  
Бу ташвишдан Ясон ҳоли. Шафқат айланг, шоҳ.  
Сиз ҳам ахир болангизга ғамхўрсиз-ку, ох,

Бу хис сизга ошино-ку, бизчаликмассиз.  
Күвғиндилик менга ҳеч ҳам қўркинчли эмас,  
Йиғлаётган бўлсам, фақат болаларни деб...

### **Креонт**

Бу дунёга келмаганман мустабид бўлиб,  
Мени кўп бор нобуд этай деган бу кўнгил.  
Биламанки, ҳақ эмасман, мана ҳозир ҳам  
Сен айтганча бўла қолсин, лекин огох бўл,  
Гар эртага қир-даламда менинг қуёшим  
Бола-бакраларинг бирлан қорангни кўрса,  
Нурларини найза қилиб сенга санчилур.  
Бу турган гап... Тонг отгунча...

*(Чиқади)*

### **Корифей**

О, чигал қисмат!  
О, хотинлар, бу қандок дард, бу қандай бало!  
Шу ахволда бир ожиза қайга боради?  
Кимдан уй-жой ва бошпана сўрайди ахир?  
Қани асл хонадонинг, қани ул кишвар?  
Умри боқий ёвуз кучлар, тубсиз дарёга  
Тириклайнин қўл-оёгинг боғлаб отдилар!

### **Медея**

Бўлмасам-чи! Осмон – тийра... Лекин бу билан  
Хали ўйин тугамади! Тағин ўйламанг,  
Келин-куёв мақсадига етур деб, шаксиз.  
Бало-қазо етиб ортар совчиларга-да,  
Бехудага нўш этилмас бу ширин заққум, –  
Посонгиси келтирилган бари олдиндан...  
Шоҳ тадбирли эди, рост гап, ҳар бир нарсани  
Етти ўлчаб бир кесарди, о, кўзи басир!

Үзига чоҳ қазиди ул ўз хоҳиши-ла.  
Қарорида событ турмай, бизга бир кунни  
Инъом этди... Етиб ортар ана шу мухлат.  
Ўзи тугул, кизи бирлан қуёвини ҳам  
Шу мухлатда биз жасадга айлантирамиз.  
Ярамаслар... Бор кўпгина усул-йўллари,  
Қай бирини танлаш керак, мана бу мушкул;  
Қўшкин ёқмоқ маъқулмикин келин боланинг,  
Ё олмос тиф тиқаймикин оч бикинига,  
Дабдурустдан ётоғининг устидан чикиб?  
Э, йўқ, ул юмушнинг бир иллоси бор.  
Йўл-йўлакай қўлга тушиб қолишим мумкин.  
Бадҳоҳларга кейин гап-сўз, калака бўлгум.  
Йўқ, яхиси боражакмиз синалган йўлдан.  
Масала ҳал: енг ичидা берилгай оғу.  
Хўб, уларни шу йўсинда ўлдирдим, дейлик.  
Айт-чи, кўнгил, нима бўлгай ундан кейин, хўш?  
Топилурми бизга баъдаз дўст-ёрон, элат?!  
Кимлар бизни кучок очиб кутиб олажак?  
Кафолат йўқ... Майли, кўнгил, сабр кил пича.  
Борди-ю, бир ҳимоячим бўлганда эди,  
Қотилликка киришардим шу ондаёқ мен.  
Енг ичидা саранжомлаб қўярдим барин.  
Мададкорсиз қоладурғон бўлсам мабодо  
Қисматим шўр экан, дея қилич тутаман.  
Ва рўйирост қиласакман уларни бисмил.  
Бул ғараздан қайтмагайман, раббано шоҳид  
Кўзимга тик боқса ҳамки малъун, Азозил.  
Шоҳ қизини авваламбор кўздан қочирмам;  
Мол-мулки-ла, юрти илиа кўнгли тўқ бўлган  
Кундошимни Ҳеката-ла онт ичаманки,  
Менинг азам хисобига ушбу дунёда  
Ҳеч бир банда ишрат тўйин қура олмагай!  
Кўп қимматга тушар ҳали уларга базм,  
Кўз ёшиму азобимдан шароб ичгайлар!  
Қани ишга! Бўш келмагин, Медея, зинхор,  
Барча инсу жинсларингни мададга чакир, –

Миридан то сиригача ҳар бир қадамни  
Обдон ўйлаб ҳамда билиб босмоклик керак!  
Эй, сен кўнгил, ҳайиқмагил, ўтга ур ўзни,  
Энди азму шижаотинг кўрсатмоқ пайти,  
Ўзинг ўила, ким эдингу ким бўлиб қолдинг.  
Наҳотки сен Сизифларнинг аждоди<sup>6</sup> бўлмиш  
Ясон бирлан паймон айлаб таҳқирланишга  
Йўл кўясан Ҳелийларнинг қони<sup>7</sup> устидан?  
Бале, кимга бу гапларни айтяпман ўзи?  
Яралганда бор эди бу хилқатимизда:  
Эзгуликка қайишмаймиз, ёвузликка-чи  
Бор иктидор ила доим кўмак берамиз.

## БИРИНЧИ СТАСИМ

### Хор

Кавсар сувлари оқди ортига,  
Терс кийди тўнин хақиқат нега?  
Адил сарвлар эгиб қаддини,  
Эрлар кутуриб билмай ҳаддини,  
Яздонлар номин тупрокка қорди...  
Бизнинг довруқ ҳам, ҳаққи рост, сўзсиз,  
Мактобга дўнар; минар отига.  
Учиди күнни сўзимиз  
Завқ бера билар аёл зотига.  
Илҳом нағмага кўрсатмас зухр  
Аёл маккорлик килган пайтида...  
Фақат лабингда қотса шу мухр,  
Аёллар найи янграб турса бас,  
Фебнинг кирмизи салтанатида...  
Мусагет<sup>8</sup> маҳкум айлади қайта  
Тингланар ўшал қўшиқ на лоқайд?  
Талай ҳақиқат эркаклар ҳақда  
Этилмаганми битикларда қайд?  
О, менаданинг<sup>9</sup> жўшқин юраги!  
Ота уйидан сени, э хотин,

Симплегаданинг хатарларидан  
Олиб кочганди бадкирдор тўлкин.  
Бегона юртда – танҳосан бунда  
Эр сени эзди, укубат солиб;  
Қувғиндиликда ўзинг-ла бирга  
Шармандаликни юурсан олиб.  
Ахду паймонлар қаро ер бўлди,  
Макр-хийлага йўқ энди сарҳад.  
Хаё дегани – тил тортмай ўлди,  
Рухи юксакда, қўл етмас, ҳайҳот!  
Саклай олмади бўрондан асти  
Медея танин падар ўклари,  
Шаханшоҳ қўли жалб этиб кетди  
Қайнок оғушин қўйнидан нари.

## ИККИНЧИ МАНЗАРА

*Ясон киради.*

### Ясон

Илк бор эмас, қўп кўрганман, кек бора-бора  
Пиллакуртдек ўз-ўзини маҳв этмогини,  
Сен шахарга, ҳовли-жойга эгу булурдинг  
Шохлар билан олишмасдан сипорок юрсанг.  
Лойик эсанг гар қувгинди номин олмоққа  
У ҳолда шум кўргиликни ўз тилингдан кўр!  
Биламанки, тубанликка юз тутди, дея  
Ўз эрингни қораламоқ қасдидадирсан.  
Бундан бўлак тағин, шохнинг оиласидан  
Ўринлатиб ўч олмоқни ваъда килибсан.  
Бу яхшимас. Ким айтади сени эслик деб.  
Куч-қудратим етганича босдим шоҳ қаҳрин.  
Сени бунда қолдирмоққа тиришиб кўрдим.  
Вале барча меҳнатларим чипакка чиқди.  
Салтанатга панд берувчи сўзлар айтибсан.  
Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, хотин.

Шу важдан-да, энди сенга шахримиз ёпик.  
Аммо, хотин, бола-чақа ташвишидаман,  
Илло сизлар камлик күрманг зинхор ҳеч ерда  
Пул туфайли. Озми ўзга диёрда ахир  
Ёвузлик ва мұхтожликлар. Ясон сен учун  
Жирканч одам. Аммо Ясон кек нима билмас,  
Узатар у душманга ҳам дўстлик қўлини.  
Бошқалардек тўнини терс кийиб олмагай,  
Иллолабад замонага қараб иш тутур.

### Медея

Вой пасткаше...вой олчоғ-е...номардлигингни,  
Жангга яроқсизлигингни қандай сўз билан  
Изҳор килай, билмай қолдим, тилим ҳам ожиз –  
Бизлар учун бундан ортиқ бадлик бўлмайди.  
Бизлар томон келасан-а тағин уялмай.  
Бунинг оти мурдорликдир, жасорат эмас.  
Одам деган ўз дўстига шундай панд бериб  
Сўнг кўзига қарай олса, ботирликми шу?  
Бу иллатни биздагилар ҳаёсизлик дер.  
Ҳар қалай мен сендан шодман... Кўнглимни энди  
Бўшатишга имкон бор-ку... О тингла мени,  
Хаҳ нимайди? Ҳа, бошлайн бир бошдан секин.  
Ўша кезда агар сенинг эсингда бўлса  
Сени саклаб колғон эрдим мудхиш ўлимдан.  
Бунга ўша кемадаги бор эллинликлар  
Шоҳид эрур, куткарғандим, букаларни сен  
Итоатга ўргатиш-чун юборилгандинг,  
Бурунлари ўт пуркарди – ажал ерига  
Ундан кейин уруғ экиш вазифанг эди.  
Олдиртириб аждаҳонинг сеҳрли жонин  
Олтин юнгли қўй терисин сенга баҳш этган  
Менмасмидим! Менмасмидим бедор кўзларинг  
Кўрмаганда қайта бошдан күёш ёғдусин  
Ато этган! Менмасмидим отамдан кечиб  
Элу юртдан этак силкиб Фессалияга

Бир сени деб ҳайё-хуйт деб равона бўлган.  
Қизиқконлик устун келиб муҳокамадан  
Пелий шоҳни ўлдиртирган ўзим-ку, даҳшат.  
Мен туфайли падаркушлик қилди фарзандлар!  
Бу билан мен мушкулингни осон айладим.  
Мана энди биздан кетдинг, охир-оқибат  
Аҳдни бузиб, янги никоҳ қураётисан.  
Болаларнинг дадасига шу иш лойиқми?!  
Янги никоҳ келтирмасин сенга хуррамлик.  
Илолабад наслинг битсин, тирноққа зор бўл.  
Болаларинг бўлмасайди, ха, майли дердим:  
“Фарзанди йўқ, ажаб эмас, ўзгадан кўрса”.  
Болаларинг бўла туриб бу не саркашлик?  
Қани вафо? Қани ўша муқаддас аҳдлар  
Ё у паймон сўзларини эшигтан раззоқ  
Энди ҳукм юргизмасми, ёки қонунлар  
Ўзгардими? Сен шоҳидсан бари, барига  
Қани иқрор бўлмай кўр-чи, сен онтни буздинг.  
О, неча бор суркалгандинг менга бу билан...  
Тиззамни-да булғагансан яқинлашиш-ла!  
Орзу-умид пучга чиқди. Бой берилди қалб.  
Сендан энди нимани ҳам кутмоғим мумкин?  
Аммо кўнгил дудогимни чўғдек куйдирур –  
Рўйирост бу орсизлигинг саволлар билан  
Фош қилгайман... Алҳосилким, фармойиш беринг:  
Қай сари биз азм этайлик, айтингиз? Ёки  
Кетайликми ўз уйимиз – ота ҳовлига?  
Сенга осиғ бўлсин дея бой бердим юртни.  
Ё жўнайми бадбаҳт Пелийзодалар сари?  
Оталарин ўлдирганман, албатта, улар  
Мени ёруғ дийдор билан кутмаса керак.  
Эски дўстлар, дугоналар ҳақида сўз йўқ:  
Улар мендан воз кечишган хиёнатим-чун  
Кимгаки мен қилган эрсам қабиҳлик агар  
Ўз фойдамни кўзлаб эмас, сени деб қилдим.  
Улар менга эндиликда ашаддий душман.  
Шўрим курсин! Ўша шону шавкат – мана у, –

Эллинликлар аро күрган ҳаловатларим...  
Үшанды сен ёлғон вайда берган экансан.  
Мағурлансам, ҳа бўлади, содик эр билан...  
Бинобарин, баҳти кулган келин-куёвлар  
Асло ғамгин бўлмагайлар. Агар Медея  
Бу шаҳардан узил-кесил мосуво бўлса,  
Ҳам бир ўзи ҳимоясиз жужуклари-ла  
Лол қолдириб... ёш-қарини – бадбаҳтлиги-ла  
Дайдиб юрса... Болаларим бир бурда нон деб  
Қўлчаларин узатишса мўлтираганча,  
Маъкулми бу, сенингча, хўш? Сени ўлимдан  
Шунинг учун соғ-саломат қолдирганмидим?  
О, сен Зевс, о, худойим, олтинни мисдан  
Ажратмоққа қодир эрсанг, нечун бу ёзмиш?  
Нима учун куйдирилган тамға босмадинг  
Нобакорга, турсин дея кўзга ташланиб?!.

### **Корифей**

Давоси йўқ ва даҳшатли ғазаб кўпмоқда,  
Кимсаларнинг адувлиги йиқар хешларни.

### **Ясон**

Ясон бўлиб туғилган зот буқун ҳақиридир,  
Унга кун йўқ. Мен бир кема дарғасиманким,  
Хушёрдирман, бўрон турса елканни озрок  
Тушираман, йўқса иғво бўрони ва бу  
Сўз қуюни бизни ғаркоб айлайди, хотин.  
Миннатларинг чексиз экан – ҳаввоза янглиғ  
Ҳаво сари ўрлаб кетди. Менинг сафарим  
Хайрли деб хисобланса, бунга Киприда –  
Боис, ундан бурчлидирман, Киприда ахир  
Яздонларнинг ичидаги ҳам, ҳалқ ичидаги ҳам  
Кипридадир, – балки бу гап ўзгага ёқмас.  
Аммоқи, сен ундаги бор назокатга бок:  
Гар кимда-ким бу Ясонни куткармоқ учун

Медеяни рухлантирган бўлса, бу Эрот...  
Майдо-чуйда нарсаларни қўзғамоқ нечун?  
Хизматларинг тан оламан, хўш, бундан не наф?  
Бурч ўталган аллақачон ортиғи бирлан.  
Бирламчи, сен Элладада яшаётирсан,  
Ёввойилар ичидамас, қабилангдаги  
Инсу жинслар қолиб кетди, бу ерда янги  
Қонун ила ҳақиқатни ўргандинг биздан.  
Санъатингни эллинликлар шарафладилар.  
Нуфузинг бор, ўша дунё сарҳади аро  
Сокингина кун кўравер ҳашаматсиз жим.  
Биз учун ҳеч саройдаги мол-дунё, Орфей –  
Қўшиқлари ожиз ўша шон қаршисида.  
Бир замонлар ўша шон-ла яшадим хушбахт,  
Гап тақалди келиб-келиб яна ўзимга.  
Модомики, бу баҳсни қўзгаган бўлсанг,  
Уйланишим хусусида бирон нима дей.  
Авваламбор, оқилона ва ундан кейин  
Камтарона иш тутдим мен, нимага десанг  
Бу барчаси болаларим ва сенинг учун.  
Факатгина чимрилмасдан қулок берсанг бас,  
Иолқдан буён бадбахтлик келтирдим ёлғиз,  
Сизлар ҳам юк устига юк – занжир бўлдингиз.  
Гарчи эрксиз ҳам қувғинди бўлсак-да ногоҳ –  
Кутилмаган баҳт-саодат йўлиқди менга.  
Шоҳ қизи-ла юлдузимиз бир экан асли.  
Сен бекорга, хотин, бизни, маломат килма.  
Иштиёқи баланд дерсан ётиш-туришга.  
Дилда шаҳват алангаси гурулламаган.  
Серфарзандлик истаги ҳам бор эмас менда.  
Назаримда, улар бизда етарли, хотин.  
Бу хусусда сенга таъна қилолмайман ҳам,  
Янги ёрга уйланишим эҳтиёждан, бил.  
Ўз ўрнини топмоғи бор ҳаётда ҳар ким.  
Шундай қилсам, кўрмагаймиз муҳтоҷлик бетин.  
Биламанки, ҳар кишининг бори бўлмаса,  
Юз ўгирап қариндоши, ёронлари ҳам!  
Болаларни оёққа тез турғизиш учун

Маблағ керак. Улар ўқиб вояга етгач,  
Үндан кейин роҳатини кўраверамиз, –  
Туғилажак укалари сояларида  
Ҳадемайин қаддиларин тутиб олурлар.  
Сенга тагин фарзанд нечун? Менга бўлса-чи  
Улар зарур, мўмай маблаг, даромад учун.  
Сенингча мен ноҳақманми? “Ҳа”, деб айтардинг,  
Рашқ қиласан-да. Ҳаммангиз ҳам бу хусусда шу –  
Ётоғингиз бут бўлмаса эрингиз билан  
Дунёнинг тўс-тўпалонин чиқазасизлар.  
Сиз фойдали маслаҳатдан нафратланасиз.  
Бола-чака шундай бунёд бўлсаки, бунда  
Хотин зоти иштироки кўрилмаса ҳеч  
Башар ахли кулфатлардан холи бўларди.

### Корифей

Суханбозлик санъатини кўлладинг, Ясон,  
Шарттакилик қилган бўлсам, айбситма мени,  
Ҳақ эмассан, Медеяни тарқ этсанг агар.

### Медея

Фарқланаман одамлардан кўп жиҳатдан мен.  
Бу хусусда, дарҳақиқат, гап ҳам бормайди.  
Гар ихтиёр бўлиб қолса менинг илкимда  
Суханбозлик қилганларга энг олий жазо  
Берар эрдим! Бу билан у ҳаққониятни  
Ерга урди. Суханбозлик машгулотини  
Кимки давом эттираса-чи, шумлик бўриси  
Қўй терисин ёпинганча ишрат қиладир.  
Не ишларни қилмайди у никоб остида?  
Айб-нуқсон ҳам мавжуд бундай донишмандликда  
Сен, инчуунун айёрлик ва эҳтиётлик-ла  
Сўз тузогин ёза билдинг, тўғридан-тўғри.  
Ҳа, сен учун ҳеч гап эмас бизга панд бермок.  
Биздан олиб ризоликни баъдаз тўй қилсанг,  
Соз бўлурди. Сен-чи, аввал уйланиб одинг...

## **Ясон**

Сендан олиб бўлармиди рози-ризолик,  
Ҳозир, сиртдан, сипороқсан, лек ёвузликни  
Халигача юрагингда асраб келасан.

## **Медея**

Йўқ, умрбод сен мен билан қолишдан чўчиб<sup>10</sup>,  
Шундай қилдинг. Қартайганда сиз, эллинликлар,  
Эски ёр-ла яшамоқдан озорланасиз.

## **Ясон**

Бундай теран хаёлларга бормагин, хотин,  
Ҳеч қанақа сир-синоат йўқ бу никоҳда:  
Сенга ахир боя айтдим, оиласизни  
Мустимаҳкам қилмоқчиман шоҳ қизин олиб,  
Тугиб берса, яшаймиз биз шоҳ соясида.

## **Медея**

Бундай соя керак эмас, ахир, бу номус  
Эвазига олинган зар – бойликни нетай,  
Азобмасми, ташвишмасми, турган-битгани?

## **Ясон**

Маъбудларга ибодат қил, Медея бону,  
Ўзга орзу-истакларни қалбингга жо қил.  
Қўлга кирган нақдинангдан ранжима асло,  
Бойкуш бўлиб кўринмасин иқбол булбули.

## **Медея**

Масхара қил... Қидирмайсан биз учун уй-жой,  
Рўпарамнгда химоясиз қувғинди туар.

## **Ясон**

Үзинг ёмон йўл танладинг – ўзгада айб йўқ.

## **Медея**

Алдаган ҳам, уйланмоқчи бўлган ҳам менми?

## **Ясон**

Осийларча қарғагандинг ўз шохларингни.

## **Медея**

Лаънатлайман сенинг ўрда-саройингни ҳам!

## **Ясон**

Шу билан биз тугатамиз. Бордию сизга –  
Сенга ёки фарзандларга пул керак бўлса,  
Дариф тутмам эҳсонимни – бир оғиз сўзим.  
Керак бўлса юборурман қўноқ белгисин<sup>11</sup>.  
Қадрдонлар сизларга лутф кўрсатишади.  
Керакмасми? Аразларинг ўринли эмас.  
Кўзингни оч, қаҳру итоб қилавермасдан.  
Кўлим узун, манфаатим тегади, ион.

## **Медея**

Пул-мулларинг, ошноларинг бошингда қолсин,  
Вафосиз эр муруввати – қўлни куйдирур.  
Таклиф қилма, кераги йўқ, олмайман зинҳор.

## **Ясон**

Худо шоҳид, манфаатим тегиб қолсин деб  
Кўп уриндим, аммо бизнинг саховатни у

Қадрламай ўз-ўзига, фарзандларимга  
Жабр килди. Нима дердим – ўзидан кўрсин.

*(Чиқади)*

### Медея

Бор, боравер, қалбинг висол орзусидадир,  
Ёш келинчак кутиб қолди саройда сени.  
Тантана кил, никоҳ! Майли, сафо қилавер,  
Воз кечгайсан, күёв бола, хали келиндан.

## ИККИНЧИ СТАСИМ

### Хор

Қахру ғазаб қилса Эротлар  
Дилдан сокит бўлур ҳамул лаззат,  
Кишилар шон насибасидан  
Қурук қолур. Аммо агарда  
Гўзалликда бемисл Киприда  
Йўлласа фақат хушчакчақлик...  
Сен менга минбаъд, шоҳ қизи  
Қалбимга зар ўкни мукаррар  
Нишон этма,  
Тўп-тўлиқ заккум истаги.  
Камтарона навозишини хоҳлайман:  
Бундан тотлироқ дорилбақо эҳсон йўқ.  
О, ҳеч қачон эшитгулик қилмасин  
Киприданинг кутқу ваҳмасин.  
Унинг хавфли раъдвор зарблари  
Бўрон билан қилган кажбаҳслиги –  
Бегона ётоқ истаги учун!  
Уруш-жанжалсиз уйни,  
Келин-куёв ади-бади айтишмоғин.  
Ётокка достон битай.

Ватан, ота уйи, манбаъд.  
Сендан айру тушмасман,  
Юртдан ҳижрат бўлмасман.  
Бормам номард қошига  
Оғир кунлар тушмасин  
Ҳеч банданинг бошига.  
Қувғиндилик кўргандан  
Ўлганим яхши менинг.  
Гулдек узилиб кетсам  
Сўлганим яхши менинг.

Ўзим шохид – одамлармас, ҳайҳот,  
Бу фасона ижодкори!  
Шаҳардан манъ этилдинг  
Дўсту ёр ғамин чекиб  
Айламас дардинг фориғ.  
О, кўрнамак... Майлига  
Куриб кетсин ёрини ёд этмаса.  
Ёри ҳасрат дафтари ни  
Унга очгай,  
Бўлаккамас.

### **УЧИНЧИ МАНЗАРА** *Эгей киради.*

#### **Эгей**

О, Медея, қувонч сенинг йўлдошинг бўлсин!  
Ёронларга доим менинг тилагим шундай.

#### **Медея**

Салом сенга ақли етук Пандион<sup>12</sup> ўғли,  
Бу ерларга қайси шамол учирди сени?

**Эгей**

Феб кохини даргоҳидан келаётирман.

**Медея**

Нечун керак бўлиб қолди ибодатхона?

**Эгей**

Биласанми, фарзандим йўқ: тирнокқа зорман.

**Медея**

Ё тавба-ей, ҳалигача фарзандсизмисан?

**Эгей**

Боғлиқ эмиш бу ҳаммаси инсу жинсларга.

**Медея**

Машқинг сустми ё бўлмасам хотинсизмисан?

**Эгей**

Уйланганман, бўйинтуруқ тушган бўйнимга.

**Медея**

Хўш, нима дер парвардигор фарзанд ҳакида?

**Эгей**

Хайҳот! Унинг сўзларини англаф етмадим.

**Медея**

Мумкинмидир мен эшиксам унинг сўзларин?

**Эгей**

Бўлмасам-чи, фаросатинг керак бу ерда.

**Медея**

Ирод айла ул сўзларни уят бўлмаса.

**Эгей**

Деб эди у: “Чиқазмагил қопдан оёғинг”.

**Медея**

Йўқса нега бажармайсан? Ё бундай ердан  
Жилгинг йўқми? Янглишмасам шундайми ўзи?

**Эгей**

Ҳали вери қайтиб бўлмас ота уйига.

**Медея**

Сен бу ёққа не мақсадда ташриф буюординг?

**Эгей**

Бизга керак Трезен мулкин хоқони Питфей.

**Медея**

У шоҳ демак, Пелопларнинг диндор ўғлими?

**Эгей**

Ҳа, коҳиннинг сўзин унга айтмоғим керак.

**Медея**

Ха, у оқил – шархлай олур коҳинлар сўзин.

**Эгей**

Боз устига у ўзимнинг яқин сафдошим.

**Медея**

Тангри сенга мадад берсин, баҳтинг очилсин,  
Барча эзгу ниятларинг амалга ошсин.

**Эгей**

Ха, дарвоқе, қани менга айт-чи, Медея,  
Нечун чеҳранг мунча сўлғин, кўзинг қизарган?

**Медея**

Менинг эрим – одамларнинг энг тубанидир.

**Эгей**

Аникроқ айт куйинишинг боисин менга

**Медея**

Ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ ҳақорат этди.

**Эгей**

Не қилғилик қилди Ясон? Тўппа-тўғри айт.

**Медея**

У устимга хотин олди уялмай-нетмай.

**Эгей**

Йүр-ей, наҳот шундай қилған, шармандалик-ку.

**Медея**

Худди шундай иш тутди у.

**Эгей**

Севиб қолдими,  
Ё бўлмаса унга ёқмай қолдингми ўзинг?

**Медея**

Хирс иши бу, кўра-била хиёнат қилди.

**Эгей**

Ўтакетган номардлик бу, жин урсин уни.

**Медея**

Эгей, билсанг, осилди у ҳоқон қизига.

**Эгей**

Кимнинг қизи? Сир бўлмаса эшитсам девдим.

**Медея**

Коринф шоҳи Креонт бор-ку, ўшанинг қизи.

**Эгей**

Шўрлик, сенга қийин бўпти, мана гап қайда!

### **Медея**

Эрсиз қолдим ҳам бу юртдан хайдамоқдалар.

### **Эгей**

Бу күргилик сенга ўзи қайдан ёпишди?

### **Медея**

Хаммасига Коринф шохи сабаб бўлмоқда?

### **Эгей**

Ясон бундан хабардорми? Қандай разиллик!

### **Медея**

У бошқалар сахнасида кўғирчоқ ҳозир,  
Ҳар нарсани улар кўрган кўз билан кўриб,  
Мулоҳаза юритмоқда улар акли-ла.  
Аммо, Эгей, ёлбораман тиз чўкиб сенга,  
Тарқ этилган қувғиндига шафқат қил озрок.  
Мен шўрликка ўз юртингдан бир бошпана бер,  
Эвазига умри бокий Яздонлар сенга  
Фарзанд ато айлагайлар, армонинг қолмас.  
Агар билсанг фарзандсизлик иллатига ҳам  
Даво топиш йўлларини яхши биламан.  
Ота бўлиш шарафига ноил бўлурсан.  
Ўлсанг ҳамки фарзандларинг кетингда колур.

### **Эгей**

Сенга ёрдам берай дейман, бокийлар ҳаққи,  
Энг мухими хотин бўлиб менга зурриёт  
Ато эта оладиган ваъданг сурурли.  
Бор вужудим банд айлади ана шу истак.

Шу истак-ла, тепар қалбим. Сенга бўлса мен  
Хушнуд соҳиб бўлмоқликка жаҳду жаҳд қилгум;  
Бирга олиб кетаман деб ваъда беролмам,  
Бордию сен Афинага ўзинг боролсанг,  
У ҳолда мен ҳаётингни таъмин этаман,  
Хотиржам бўл, – пишт демайди мушугинг ҳеч ким.  
Бу диёрни, хуллас қалом, менсиз тарк айла,  
Сени дея дўстлар бирлан, гапнинг чин-rosti,  
Ади-бади айтишмоқни эп деб билмайман.

### **Медея**

Сен айтганча бўла қолсин, vale кафолат  
Берганинг йўқ бизга ҳали, фикринг қатъийми?

### **Эгей**

Ҳали менга оз бўлса-да ионмайсанми?

### **Медея**

Ионаман. Аммо менинг душманларим кўп,  
Бири – бунда, бири – унда, Фессалияда.  
Агарда сен қасам ичсанг хотиржам бўлгум.  
Илло, тушмам дўст-душманлар исканжасига.  
Биласан-ку иш битмайди куруқ гап билан,  
Баъзан дўстлар қиламан деб юзхотирчилик  
Жўш уурулар. Аммо фурсат ўтгани сари  
Хисси голиб келиб қолар мұхокамадан.  
Дейлик, мен ҳам шу тарзда йўл тутишим мумкин.  
Лекин бошга иш тушганда кўринмас дўстлар:  
Дўст – бевафо, чарх кажрафтор, шоҳлар – бизга ёв.

### **Эгей**

Афтидан, сен келажакни олддан кўришга  
Устайкансан. Аммо қалбинг шуни тиларкан.

Бу хусуда рад жавоби бўлмайди биздан.  
Ҳа, эҳтимол, биз, онт ичиб қўйғанмиз, дея  
Ёвларингга айтармиз ҳам. Сенга – бу гаров...  
Қани чақир яздонларни, не деб онт ичай?

### **Медея**

Қасамёд эт ҳудудсиз Ер, Офтоб билан  
Медеянинг бувасию Яздонлар билан...  
Барча қодир маъбудларга қасамёд айла.

### **Эгей**

Нима қилиш ёки нима қилмаслигимни  
Айтмоғлигим керакмикин, бибиш, чамаси?

### **Медея**

Ҳайдамайсан Медеяни минбаъд, агарда  
Душманларим қатъий талаб қилган чоғда ҳам.  
То ҳаётсан – озодлигим таъмин этурсан.

### **Эгей**

Муқаддас Ер ва Офтобни ўртага қўйиб,  
Худо ҳаққи, бажараман айтганларингни.

### **Медея**

Жудаям соз, чиқмасанг-чи сўзинг устидан?

### **Эгей**

Ҳаёт шомим баҳам кўрай осийлар билан.

### **Медея**

Хўп, бўлмаса хайр, Эгей, қани бор, оқ йўл,  
Диёрингга етиб боргум изма-из мен ҳам.

Фақат қилар ишларимни бажариб олай,  
Күравергум пешонага ёзилганин сүнг.

(Эгей чиқади)

### Корифей

Илохият раҳнамоси, Майя фарзанди<sup>13</sup>,  
Эгейни ўз масканига ёвуқ киладир!  
Ниманики тугган бўлсанг дилингга, султон,  
Ҳаммаси ҳам тез фурсатда амалга ошсин.  
Туғилажак фарзанд ҳақда шамани илғаб  
Юрагингда хавас ўтина аланталатдинг...

### Медея

О, сен Зевс, эй сен, Зевснинг ҳаққонияти!  
Эй, сиз Қуёш шуълалари! Зафар биз ёқда!  
Энди маним душманларим жазосини ер.  
Дугоналар, нур устига аъло нур бўлди.  
Энди қаён бормоклигим тайин, исталган –  
Бардаргоҳга эга бўлдик. Кемага тушсак –  
Палладанинг гўзал шахри бизга тўш очар.  
Энди менинг қароримга қулоқ бер жиддий.  
Ҳазил эмас, ҳа, чиндан-да, менинг номимдан  
Жориямиз чорлаб келсин Ясон – эримни.  
У бу ерда яхшигина кутиб олинур.  
Инонурки, ҳаммасига мен рози, ҳатто  
Креонт ҳукми бизга ёқиб тушганин кўтарар.  
Сўров факат фарзандларим устида бўлар.  
Қолсин дейман улар Коринф салтанатида.  
Душманларнинг орасида қолиш-чун эмас,  
Шоҳ қизини маҳв этмакка аскотур улар.  
Тўёнага юбораман улар орқали  
Ажойиб бир сарупою гўзал тиллақош.  
У кийганда жозибадор ҳадяларимни  
Шул заҳоти ҳалок бўлар минг азоб билан.

Шундан кейин уни халос этмоқчи бўлиб  
Ким қўл сунса, у ҳам кетар дорулбақоға.  
Заҳар билан ошлагайман совғаларимни.  
Бу хусусда гапирмоқни энди бас қилай...  
Оҳ чекканча энди буни юбортираман.  
Улар сўнгра Медеяга қандай ёвузлик  
Ишлатишса ишлатишсин... Мен фарзандларни  
Бисмил қилиб ташлагайман. Уларни ҳеч ким  
Биздан тортиб ололмагай. Ясон уйини  
Таг-туги-ла хароб қилгум, кейин не бўлса  
Пешонамдан кўражакман: “Худодан тонган”,  
“Қувғинди” ё “болалар кушандаси”ми –  
Менга қандай тамға бўлса қўяверишин.  
Ёвга кулгу бўлмасам бас. Ҳаётда энди?  
Нимани ҳам қизғанайин, хўш, нима қолди?  
Ватанимми? Ота-она панохими ё?  
Бадбахтлигим дафн этарга бир гўша борми?  
Йўқ, мен учун ёруғ дунё коронғу энди.  
О, нимага алдовига лаққа учдим мен  
Она юртим тарк айлабон?! Эллинликлар-ла  
Нима учун кўна қолдим жўнаб кетмоққа?  
Шошмай турсин, Яздонларнинг мадади бирлан  
Ҳали қасос-ўч оламиз хиёнаткордан.  
Медеядан кўрган икки фарзанд доғида  
Қон-қон йиғлар. Суюқ ёри – маликаси ҳам  
Бошқасини туғиб бермас. Афсунларимга  
Дучор бўлиб, хазон бўлар гули очилмай.  
Шундай қилсам на ожизу ва аянч бўлиб  
Эл оғзида мен афсона бўлиб қолмасман.  
Атолмаслар бизни ҳеч вакт сабрли деб ҳам.  
Табиатан ўзгачароқ менинг атворим:  
Яхшига мен яхшиману, ёмонга ёмон.  
Шундай бўлган бу оламнинг шонли зотлари.

### Корифей

Фикру ўйинг қулфларини очдинг сен менга,  
Мен ҳам сенга ёмонликни раво кўрмайман.

Лекин замин қүёшини – ҳақни унутмам,  
Ва биргина тилагим шу: болалар қолсин.

**Медея**

Иложим йўқ. Ўлдиришим керак уларни  
Дардларимни ўз бошидан кечирмагунча  
Бирон хотин тушунолмас истагимни ҳам.

**Корифей**

Болаларни қатл этишга борурми қўлинг?

**Медея**

Бундан ортиқ алам борми Ясонга ахир?

**Корифей**

Қўй, бу ишни, бахтсизлигинг етиб ортмасми?

**Медея**

Чириб битсин... Сиз бирорвнинг гапин айтдингиз.  
Шунақа денг...

*(Бир жорияга)*

Чақириб кел Ясонни бизга.  
Тақдир талаб этса содик хизмат қилишни,  
Бошқа кимни чақирайин? Эсингда бўлсин,  
Бизнинг режа тўғрисида оғиз очмайсан.  
Биламанки, менга меҳринг беҳад ва ўзинг  
Заифасан. Бизни тўғри тушунгандирсан.

**Жория чиқади.**

## УЧИНЧИ СТАСИМ

### Хор

О, қадимдан хүшбаҳт Эрехтидалар,<sup>14</sup>  
Хүшбаҳт маъбудларнинг фарзандлари!  
Оёқ етмас тепаликлар аро  
Сизни сақлар мұқаддас әкинзорлар.  
Жўш урдирап ул ерда сизни шуҳрат,  
Ҳавосида ҳоким фарогат,  
Унда тўққиз соф Пиэрида<sup>15</sup>  
Ҳармония бағридан чиқкан.  
Киприданинг ажиб нафаси-ла  
Кефис<sup>16</sup> мавжлари зарҳал.  
Экинзорлар бўйлаб учар  
Гуллар нафаси.  
Сочларда мушки анбар.  
Хазон бўлмас ул ерда гуллар.  
Идрок соатлари олдида  
Мангу шайдир олтин Эротлар...  
*II* банд Ўша соф тўлқинлар ҳаққи,  
Шахри азим, дўсту ёрон ҳаққи,  
Менга айт-чи, болаларни  
Ўлдирсанг, ижобатинг  
Қабул бўлғайму?  
Ўшал даҳшатни  
Этиб кўргил тасаввур...  
Болаларда жароҳат!..  
Кўряпсанми,  
Тиззаларингни  
Илтижо бирлан  
Оғушга олгум...  
О, раҳм эт,  
Ўлдирма, Медея,  
Бўталоқларни  
Айт-чи, кўл ва юрак  
Қайдан олур ғаддорликни

Болаларни сўймоқقا?  
Кўзлардан қалтираб  
Тўкилган нурлар  
Болалар чекидаги ёшни  
Кўйдирмайдими?  
Йўқ, хеч қачон  
Илгингни қонга ботирмайсан.  
Осиийлик айлаб  
Гуноҳга ботма:  
Дуога қўл очган  
Болаларни қақшатма.

## ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

*Ясон киради.*

### Ясон

Чақирибсан, мана келдим, авзойинг бузук  
Бўлса ҳамки, тилагингни эшитай дебман,  
Қани, қандай гапларинг бор, гапир бирма-бир.

### Медея

Бунда бўлган машмашага аввало узр,  
Тазарруум қабул айла, Ясон, муҳаббат –  
Биласанми, орамизда узок яшади.  
Қизиқконлик қилган бўлсам сен тўғри тушун.  
Шоҳ маломат қилаётир деб ўйлабман мен,  
Мен, бетавфиқ, нега энди шаддодлик қилдим?  
Аслида бу бетгинамга урсалар агар  
У бетимни тутиб берсам бўларкан, ахир  
Эрим тахтга чикмоқда-я? Бордию эрим  
Шоҳ қизига уйланса ҳам, болаларимга  
Орттирса ҳам ука-сингил, унинг бу иши –  
Бизлар учун... Қизиқконлик ҳали шунгами?

Нима бўлди ўзи сенга, Медея бону?  
Бу ҳаммаси ё яхшилик сари эмасми?  
Ё бизларда бола йўқми? Борми юрт, шахар?  
Ё ҳаммамиз биратўла қувғиндимизми  
Дўсту ёрдан четда? Ана шуларни ўйлаб  
Хомчўт килиб, англадимки, ақлдан эмас  
Қахру итоб қилгандарим. Мен энди дилдан  
Сени олқаб ғуурландим. Бурч ва камтарлик  
Сени, Ясон, шу кўйларга согани аниқ.  
Сен қайтадан уйланмоқни ихтиёр этиб  
Режа туздинг. Хаёлимга ўшанда менинг  
Сенга лойик йўл-йўриклар бериш келмабди,  
Келинчакнинг хизматларин қиссан бўлар-ку!  
Мағурулансам олий насаб кундошим билан  
Бўлади-ку? Биз ҳаммамиз хотинмиз асли –  
Сизларга сал озор бердик, афу этгайсиз.  
Илло, Ясон, ўхшамагин заифаларга,  
Заифалар гўллигига болалик қилиб  
Лаққа тушиб ўтирганин. Буткул нотўғри  
Сен ҳақингда мушоҳада юритганларим.  
Энди менинг фикрларим ўзгарди. Эҳ-ҳе!

(*Уйдан болаларни чақиради*)

Қўзичоклар! Отангизни маҳкам қучингиз  
Ва орқамдан такрорлангки, олкиш, меҳр-ла,  
Гина саклаб ўтирмаймиз дадангизга ҳеч.  
Тинч-омонлик ўрнатилди, кудурат унут,  
Дадил бўлинг, болаларим, мана шунаقا  
Мана сизга менинг қўлим... Во ҳасратоким,  
Тепангизда қора булат, болакайларим!..  
Ортида на? Узоқмикин умрингиз ҳали,  
Қўлларингиз излаётир химоя мендан  
Уларга кўз тикишларим мудавоммикин?  
Шўрлик қўнгил мунча бўшсан, йиглайсан, чоги,  
Борлиғингни титроқ кучган. Ҳа, болакайлар,  
Дадангиз-ла бир озгина айтишиб қолдик.

Мана энди омон-омон ярашиб олдик,  
Лекин күздан дарё-дарё ёш қуюмокда!

### **Корифей**

Мен ҳам энди тобу тоқат қила билмадим,  
Тирқиради күз ёшларим. Етар фалокат!

### **Ясон**

Үтган ишни хотирлашга лузум йўқ энди  
Вале гапинг менга жуда ёқди. Медея,  
Эркак киши бошқа билан ёстиқдош бўлса,  
Қахри итоб қилмоқликка шайдир хотинлар.  
Бу-ку бор гап. Шунинг учун сендаги жаҳл  
Авжга миниб, яна сокин тортди оқибат.  
Ғолиб чиқди Медеянинг камсуқумлиги.  
Сизга эса, болаларим, исбот қилурман  
Маъбулларнинг ёрдамида оталигимни...  
Ташвишингиз – бош устимга. Бир кунмас бир кун  
Коринфнинг энг олд кишиси бўлурсиз шаксиз!..  
Бу албатта туғилажак укаларингиз  
Ёрдамида зоҳир бўлгай. Унгача сизлар  
Ўйнаб ўсинг, болакайлар, худо халлоқдир.  
Худо берса, ёшликнинг нақ гуллаган пайти  
Сиз бу ерга қайтарсиз ҳам, оиласизни –  
Сизни жондан зиёд кўриб севгувчилар бор,  
Дўст-душманга кўрсатурсиз тарбият бекор –  
Кетмаганин. Яна кўз ёш,вой, сени қара.  
Боқмаяпсан... Бекитяпсан биздан жилвангни...  
Ёки сенга тағин ёқмай қолдимми, наҳот?

### **Медея**

Шундай ўзим... Ўйлантириб кўйди болалар.

### **Ясон**

Бахти қора, ўй ўйламак йиглаш демакми?

### **Медея**

Тўққиз ойлаб кўтаргандим... Мана, уларни  
Нарироқда яшашларин хоҳлаганинг-чун  
Алланечук бўлиб кетдим, шу ростми, Ясон?

### **Ясон**

Айтганларим бажо бўлур, дадил бўл, хотин!

### **Медея**

Сенинг чизган чизигингдан чиқмайман нари,  
Биз, хотинлар, бўшкўнгилмиз, йиғлоқмиз азал.  
Хўп, майлига, бу хусусда бўлганча бўлди.  
Ана энди, кўраяпсан... Шоҳларга осон  
Мени бундан сургун этмоқ, ер уларники.  
Биз учун ҳам бу натижা ҳар қалай дуруст...  
Сенга ҳамда уларга-да халақит бермай –  
Осмон йироқ, замин қаттиқ – таъқиб остида  
Умр бўйи яшамоқлик ҳар нечук оғир.  
Бугунданоқ ҳозирлайман сафар анжомин,  
Лек ўтингчим шуки маним, Креонтдан сўра,  
Лоакал у фарзандларга берсин кафолат,  
Қабатингда бўлсин улар Коринф мулкида.

### **Ясон**

Нимайкин бу? Албатта у рози бўлажак.

### **Медея**

Келинга айт, гўдакларни унинг отаси  
Ажратмасин, онасиз деб таҳқир этмасин.

## **Ясон**

Ха, албатта, күндирамиз шундай қилишга...

## **Медея**

Биз сингари она бўлгай бир кун келин ҳам...  
 Ҳалитданоқ унга эхсон муҳайё этдим,  
 Хотинингга болалардин бериб юборгум,  
 Мен биламан, жаҳонда йўқ бу каби нарса.  
 Тўхта... Ҳозир, жориялар, биттангиз ҳарир  
 Сарпо билан тиллақошни олиб келингиз.  
 Ҳа, бир эмас, келинчакнинг пешонасиға  
 Битган экан сон-саноқсиз бойлик ва дунё.  
 Ётогида – сендай катта амалдор бир эр  
 Бузрукворнинг бузруквори Қуёш бободан  
 Авлодларга мерос қолган либос – эгнида...  
 Бу жигани олинг қўлга, эй сиз болалар,  
 Мұхаббатли келинчакка, маликамизга  
 Элтажаксиз. Қандай ҳавас қилгулик инъом!

## **Ясон**

Хей, исрофгар! Нечун ғариб этасан ўзни?  
 Ёки камми тақинчоклар шоҳ ғазнасида?  
 Керак бўлар, асраб қўйгин қора кунларга,  
 Шундогам биз сенинг учун қимматга тушдик,  
 Тағин совға қилишларинг ортиқча ахир.

## **Медея**

Ундей дема, эритармиш маъбудларни ҳам  
 Совға-салом, иноятлар – эшиганим бор.  
 Қандоқ латиф сўзлар керак шу тиллақошни,  
 Шу ёмбини маъқуллаш-чун хушбаҳт келинга...  
 Унга лойик бу либосим... Ёш бўлса ҳамки,  
 Ҳукмрон у... Болаларим шунда қоларкан,  
 Олтин нима? Ҳаётимни дариг тутмасдим...

*(Болаларга)*

Болаларим, хайр энди кошона сари,  
Борингиз-да, дадангизнинг бой хотинига,  
Яъни менинг навниҳолим қироличага  
Обдонгина хуш боқинг-да, илтижо қилинг,  
Жами совға-саломимни юзхотир айлаб,  
Олиб қолсин сизларни ҳам отангиз билан...  
Энг муҳими, диққат қилинг бу кийим-бошни  
Ўзи олсин, қани бўлинг, жадалланг тезрок.  
Жавобини зор-интизор кутажакман мен.  
Хайрли бўлур шак-шубҳасиз, худо ёр бўлсин.

*Эшик оғаси етагида болалар чиқади.*

## ТҮРТИНЧИ СТАСИМ

### Хор

Ҳой, болалар! Тун сизга ялдо буқун.  
Қонли оёқ ташлаш ила қўрқинчли ўч  
Ўз ишига яқун ясар:  
Қўлларда сиртмоқ ярқ этиб кетди.  
Лаҳзада Аид<sup>17</sup> қизни чулғар;  
Жилваланиб қолар соч тугуни ҳам...  
Аммо хилъатнинг илохий жодулари,  
Олтин жиға гулчамбари,  
Келинчакни ардокламас бекорга:  
Унга Аид ётоғи илҳақ,  
Жаҳаннамнинг оташ азоби.  
Ўз тўри-ла банд айлагай,  
Ўт ичида ёнар у ҳали...  
О, сен бадбаҳт куёв, шоҳ ардоқлиси.  
Наҳот кўрмайсан?!  
Пичноқ бориб етмоқда болалар сари.  
Ўзинг машъал тутиб турмадингми  
Келинчак хильятига?

О, сен қандай йироқсан қалбан,  
Эй, тақдири ҳал бўлган эркак!  
Сен билан бирга йиғлайман, Медея,  
Эй, болалар қотили.  
Эй, бағритош Ясонзода онаизори!  
Улар гўшангага киргани учун  
Болалардан хун олмокчисан,  
Наки эринг имонсизларча  
Берган бошқага кўнгил.

### **БЕШИНЧИ МАНЗАРА**

*Эшик оғаси болалар билан қайтади.*

#### **Эшик оғаси**

Эй, бекачим! Болаларни ҳайдамадилар.  
Киролича армуғонни олди улардан  
Бажонидил, кулимсираб, силаб, эркалаб,  
Бундан баги омонлиқдир жужуқлар ила.  
Илло, ажаб! Хафамисиз, наҳот шу иқбол  
Озор берса Медеяга.

#### **Медея**

Ҳай-ҳай-ҳай-ҳай-ҳай.

#### **Эшик оғаси**

Бу хабарга лойик эмас бунақа калом.

#### **Медея**

Ҳай-ҳай, ҳай-ҳай...

#### **Эшик оғаси**

Қора хабар келтирдимми ё,  
Мен хушхабар келтирдим деб ўйлаган эдим.

### **Медея**

Сенда айб йўқ, гапиряпсан, нимани билсанг...

### **Эшик оғаси**

Лекин ўзинг ерга боқиб ёш тўқяпсан-ку?

### **Медея**

Ҳа, қария, пешонага ёзилгани шу,  
Бунга розик, қолаверса, ўзим сабабчи...

### **Эшик оғаси**

Бону, хафа бўлма, шояд сени ҳам бунга  
Қайтаришса, орқа килиб болаларингни.

### **Медея**

Авваламбор бошқаларни қайтараман мен.

### **Эшик оғаси**

Болалардан айру тушган биргина сенми?  
Банда учун бундан оғир қайғу-ҳасрат йўқ.

### **Медея**

Ҳа, шундайдир... Сен, яхиси, уйга киргин-да,  
Болаларга муҳайё қил не керак бўлса.

*Эшик оғаси чиқади.*

Эй, болалар, болалар-а! Энди сизларда  
Шаҳар ҳам бор, уй-жой ҳам бор, – факат то абад...  
Манглайи шўр онангизсиз яшарсиз бунда...

Мен жүнайман ўзга юртга кувғинди бўлиб,  
Тўйингизни кўриш менга насиб этмагай,  
Молу дунё йиғолмайман сизни деб энди,  
Келинларнинг илк саломин кутлай олмайман  
Ва ҳаттоки машъала ҳам тутиб туролмам<sup>18</sup>.  
О, мунчалар дунё гаддор, фалак қажрафтор.  
О, қандоғам пешонанг шўр, қайсар Медея!  
Нега сизни тўққиз ойлаб парвариш қилдим?  
Нега сизни оппоқ ювиб, оппоқ тарадим?  
Кунни куну тунни тун ҳам демай мен сизга  
Мижжа қоқмай ато этдим куёш жилвасин?  
Кариганда кўзимга нур, белимга дармон  
Бўлурсиз, деб сизга умид боғлаган эдим,  
Кўмарсиз, деб ўйлагандим ўлигимни ҳам.  
Барбод бўлди ўша ширин-ширин орзулар.  
Куним ўтар энди сизга бегона бўлиб.  
Ўз қорнимда сизни шунча парвариш қилиб,  
Энди ўзга юртда яшаб мусофирикда  
Сизни кўриш қувончини туймасман ҳеч вақт.  
Нега менга термиласиз, шўх-шўх куласиз,  
Ёинки бу сизнинг сўнгги кулишингизми?  
Вой-вой...вой-вой... Нималарни ўйлаб қолдим мен?  
Улардаги жилмайишни кўриб, азизлар,  
Шув этди-ку юраккинам – муз қотган қалбим!  
Йўқ, мен журъат қилолмайман, маҳв бўл батамом,  
Ваҳимали қароримнинг машъум ғазаби!  
Ўзим балан олиб кетгум болаларимни...  
Нима қилдим дард устига чипқон орттириб?  
Ясон берган дард ҳам етар, о, шўрим қурсин...  
Йўқ, ҳеч қачон... У режалар энди унутдир...  
Унут...Ха-ха... Аммо лекин душманлар не дер?  
Қах-қах уриб кулишади мазах килганча.  
Катл этмоқ-чи? Ёки менда йўқми қатъият!  
Шармандалик, ё раббано, қандай тубанлик!  
Заифгина юракларнинг сўзидан қўркиш...  
Сиз, болалар уйга киринг, бу қурбонликда  
Қатнашмоққа балки сира йўл бермас виждон,

У ҳам бизни тарк этиши мумкин эхтимол.  
Ҳалитданоқ қўлларимга титратма кирди...  
Эй, сен, кўнгил, бу ишга ҳам йўл қўясанми?  
Йўқ, йўқ, зинҳор болаларни қолдир омонда,  
Улар сенга ҳузур берур – қувғиндиликда.  
Йўқ, онт ичгум бор қудратли язданлар ила,  
ОНт ичгайман Аид билан, душманлар ортиқ –  
Кўрмагайлар тарк этилган, мазах қилинган  
Медеяning ҳар иккала фарзандини ҳам!  
Режа аниқ, ҳаммаси ҳал, қайтиш йўқ энди,  
Киролича бошидаги тиллақош билан  
Либосларга мен томондан қўшилди заҳар.  
Биламанки, у муқаррар тил тортмай ўлар...  
Менга эса кенг очилди янги уфклар...  
Янги... Шундай... Лекин олдин видо вожибdir...  
Кўзиларим, бери келинг, қани бир нафас  
Кўлчангизни лабларимга босмок истайман.  
Кўлларингиз момикқина, соchlарингиз ҳам.  
Дудогингиз ғунча мисол, чеҳрангиз эса  
Сиймосидан ёғду ёғган шоҳларникидек.  
Сиз бу ерда саодатнинг бетин кўрмайсиз!  
Бахту иқбол ўғирланган ота томондан...  
О, қанду бол оғуш, нафис ёноқлар, ҳайҳот,  
Кўнгилларни шод этувчи нафасларингиз...  
Қани жўнанг, тезроқ боринг. Қараб турмоққа  
Кувватим йўқ. Ҳасрат билан адo бўлганман...  
Нимага қўл кўтаришим ўзимга аён;  
Ёлғиз ғазаб мендан устун, мендан кучлирок.  
Фонийларнинг уруғ ёхуд аймоғи учун  
Бундан ортиқ вахшийлик йўқ: бадкирдорлик йўқ...

(уйға киради)

### Корифей

Фаннинг инжа шахобчасин  
Хуш кўраман мен,

Ақл билан иш күришни  
Устун құяман  
Хотинларга башар урфин  
Раво күргандан...  
Санъат ила адабиёт  
Илоҳаси бор:  
Иборат ул теран ақл  
Донишмандликдан  
Ул, эхтимол, хотинларга  
Суур бахш этмас.  
Хуш ёқар ул аммо-лекин мингдан бирига.  
Зотан ёпік әмас ахир заифаларга  
Илму ирфон дарвозаси күпдан, шул ҳақда  
Үйлаб күрсам, зоҳидларга баҳт қулиб боққан,  
Улар кечган мол-дунёдан, хотин-халаждан,  
Шу важдан-да уларда йўқ рўзғор ташвиши.  
Боз устига алар мутлок хабарсиз эрур.  
Фарзанд шаҳду шакармидир ёки бўлмаса  
Бори меҳнат-машакқатдан иборатмикин?  
Бехабарлик – ташвишлардан асрар уларни.  
Зотан, фарзанд ширин бўлиб туюлганларга  
“Болали уй – бозор” нақли айнан мос келур.  
Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон деганлариdek  
Болаларни еб-ичириш – таъминлаш керак.  
Униб-ўсгач, бўлишарми муносиб одам,  
Ё шум бўлиб, беришурми дилларга озор,  
Буни олддан била олмас ҳеч қайси ота  
Умр бўйи. Аммо-лекин фарзанд доғида  
Қолмоқликдан ёмони йўқ. Отаси майли,  
Киссасига даста-даста пул солиб қўйисин,  
Ғам кўрмайин катта бўлсин фарзандлар, майли,  
Ўғлим бор деб мактанишсин оталари ҳам,  
Аммо ажал уни уйдан гарддек учирив  
Нақ жаҳаннам қаъри – Аид сари жо этса,  
Қандай қилиб бу ярага малҳам кўйилур?  
Кўкармасдан хазон бўлса қошингда боланг,  
Жаҳон ичра бундан ортиқ мусибат борми?

## **ОЛТИНЧИ МАНЗАРА**

*Медея киради.*

### **Медея**

Дугоналар, тақдир тезроқ айта қолсайди  
Үз хукмини, кута-кута тугади сабрим.  
Битта хабар кутмокдаман... Мана, нихоят,  
Келәтири бири Ясон ҳамрохларидан;  
Нохуш хабар келтирдиёв – ҳарсиллаяпти.

*Чопар киради.*

### **Чопар**

Қоч, қоч, жүна, бўла қол, қоч, Медея бону,  
Қайиқ ёки аравага бепарво бокма,  
Дарё билан иш битмаса, битиш ер билан.

### **Медея**

Қизиқсан-а, нега энди қочишим керак?

### **Чопар**

Қиролича қазо қилди, кўп ҳам ўтмасдан  
Заҳар доринг гумдон қилди падарини ҳам.

### **Медея**

Қандоқ яхши хушхабар бу... Дўстлари аро  
Хушнуд дея Медеяни ҳисобла энди.

### **Чопар**

Не деяпсан? Жойидами эс-хушиңг ўзи?  
Шохлар насли нобуд бўлди. Сен эса мамнун;  
Юрагингда на қўрқув бор, на-да ваҳима.

## Медея

Буни сендан сир тутмайман, аммо тўхтаб тур,  
Ховликмагил, биродарим, энди бир бошдан  
Сўйла улар ўлимин бор тафсилоти-ла.  
Дахшат қанча бисёр бўлса, дилга шунча хуш.

## Чопар

Икки томчи сув сингари келишган-монанд  
Фарзандларинг, эх, Медея, отаси бирлан  
Қиролича ётогига кирган заҳоти  
Барча диллар енгил тортди, содик қулларинг  
Биз сен учун қайгу едик. Дедиларки сўнг,  
Орангизда бўлиб ўтган жанжал битганмиш,  
Ким жужуклар кўлчасини ўпарди майнин,  
Ким тилларанг соchlаридан бўса оларди.  
Болаларга завқим келиб, қувонганимдан  
Аёлларнинг бўлмасига кириб қобман, денг.  
Бекачамиз, аслида сен бекач бўлсанг-да,  
На чораки, bekachamiz деймиз келинни.  
Шундай килиб, келинпошша нигоҳи ҳали  
Болаларга тушмаганди, куёв – Ясонга  
У жилмайиб бокар эди. Бироқ назари  
Тушгач, шаҳло кўзларини чирт юмиб олди.  
Болаларнинг ташрифи хуш келмади унга,  
Куёв бўлса: хай-хай, ундоқ қарама, ёрим,  
Менинг пуштикамаримга кулиб бок, дерди,  
Бундан баги улар сенга бегона эмас,  
Норасида гўдакларга онасан, хушми?  
Ҳадяларин қабул айла, сўнг айт: уларни  
Бузрукворинг озод этсин қувгиндиликдан,  
Тилагим шу, деб гапирди. Бекач бўлса-чи,  
Болаларнинг кўлидаги либосни кўриб,  
Сўзсиз рози бўла қолди куёв гапига.  
Жужукларни зўрға олиб жўнади Ясон.  
Бекач эҳсон этилганин эгнига мослаб,

Соч түлқинин танғиди-да, тиллақош билан  
Чиройига оро берди күзгү олдидә.  
Үз аксининг гўзаллигин кўриб малика,  
Соясига жилмаярди – ўзида йўқ шод.  
Ўриндиқдан туриб сўнгра бўйласи бўйлаб  
Хиром қилди, кўринарди оппоқ оёғи.  
Бир-бир босиб нозу ҳамда истиғно ила  
Либосидан бениҳоя завқланар эди.  
Ўз ҳуснига шайдо бўлиб оёқ учидә  
Юрап эди. Лекин бирдан бу тинч томоша  
Вахимали манзарага айланди-кўйди.  
Рангидан ранг силинди-да, зир қақшаб кетди.  
Тиззалари дағ-дағ титраб қолди мажолсиз,  
Ҳатто курси яқинига йўлай олмади...  
Шунда қари чўри, Пан ё бошқа бир маъбуд  
Қаҳри ҳусусидаги нақлни хотирлаб,  
Фарёд чекди... Лекин... даҳшат... ғужанак бўлиб  
Маликамиз лабларидан кўпик сочилди,  
Кўзларидан қорачиклар йўқолди, юзи  
Бўздай бўлиб оқарди-ю, сўнгра бир кампир  
Обидийда қилмоқни ҳам унутиб бирдан  
Уввос солди. Зум ўтмасдан жорияларнинг  
Бири шоҳга – падарига, бошқаси эрга  
Шум фалокат ҳусусидан пайғом бергали  
Зир югуриб кетишганда кўшку саройни  
Босди қий-чув, тапир-тупур қадам товуши.  
Маликамиз хушдан кетди, икки дақиқа  
Вакт ўтгандан кейин мазкур кўр ҳамда соков  
Ҳайкал каби ранги ўчган келин жонланди:  
Инграб кўйди, аммо жони оғриқда эди.  
Бир вактнинг ўзида у икки ўт ичра –  
Икки азоб қийноғида қолди бояқиши:  
Олтин гултож соchlарида ловуллаб ёнар,  
Алангаю оташ бўлиб қамрарди уни,  
Болаларинг инъом этган сарупо эса  
Бениҳоя азобларди келинпошшани...  
Кўрдим: бирдан силкинганча ўрнидан турди –

Бағоятда мудхиш ахвол! Үт ичра тамом,  
У ўзининг ҳаракати билан гултожни  
Сочдан олиб ташламоққа уриниб кўрди.  
Аммо гултож ўхшар эди илдиз олганга;  
Алангаси авж оларди уринган сари,  
Бешбаттар у ўсар эди жилолангандча.  
Ва ниҳоят мағлуб бўлди – шилқ этиб тушди...  
Уни кўрса тунимасди ота ҳам куёв:  
Кўз косаси тугул хушрой киёфасини  
Фарқлай олиш мушқул эди, фақат кирмиз қон  
Сочларидан сирғаларди ва қайнар эди  
Коришганча оташнафас аланга бирлан.  
Кўз илғамас заҳар билан тўйинсираган  
Эти бўлса сўнгагидан айрилганича  
Кумуш танли терисини ёриб чиқарди –  
Арчадан ёш чиққан каби пўстлоқни ёриб.  
Буни кўриб дилимизга ваҳима тушди,  
Ботинмадик марҳумага яқин келмоққа  
Бизлар тақдир дағдагасин кузатганча жим.  
Ахволотдан ғофил қолган отаси бир пайт  
Кириб келди, қарасаки мурда ётибди.  
Бирдан оху фифон айлаб, ёқасин йиртиб  
Ўлиб ётган марҳумага ўзини отди.  
Фарзандини кучиб, ўпид нола қиласарди:  
“О, қизгинам, шўрликкинам! Қайси бир маъбуд  
Тилаганди сенинг учун шарманда ўлим?  
Нега етим қолдирди у отанг гўрини  
Қўлларидан олиб унинг гули хандонин?  
Сенга кўшиб ўлдирсалар нетарди мени?”  
Шу сўзларни айтиб бўлиб турмоқчи эди,  
Туролмади. Тани худди дафна дараҳтин  
Чирмагувчи девпечакдан қолишмас эди, –  
Олишув ҳам кизиб кетди ваҳмнок:  
Шоҳ тizzасин ростлай дея кўзгалган сайин  
Мурда уни тортар эди оҳанрабодек.  
Зўр беришлар фақат чолнинг гўшт парчасини  
Кўчиради, уринишлар заифлашарди.

Шох бўшаши, азобларга чидолмай оғриқ  
Жон ҳам берди... Ўша ерда шох ила қизи  
Биргаликда нўш этдилар ўлим шарбатин.  
Сен тўғрингда не ҳам дердим? Ўзинг биласан  
Жасоратнинг даҳшатини-ваҳимасини...  
Ҳа, умримиз кўланкадан иборат экан,  
Ана шундай хулосага келмадим илк бор,  
Яна шуни таъкидлашдан кўркмайман асло,  
Ким ўзини доно санаб, ҳаёт мангуб деб  
Эртасини ўйламаса, онгиззлик қилур.  
Эътимол йўқ бу дунёда, бор бевафолик –  
Унга мансуб. Бойлик эса қўлнинг киридир.  
Ювсанг кетар, шунинг учун омад – омонат...

*(Чиқади)*

### **Корифей**

Дарҳакиқат, кабиҳликка яраша бари!  
Тангри бугун жазолади Ясонни атай...  
Сенга эса, Креонтнинг бечора қизи,  
Ачинамиз, чунки сенга Ясон никоҳи  
Фақатгина очиб берар дўзах қопқасин.

### **Медея**

Шундай қилиб, дугоналар, қарорга келдим...  
Фарзандларни гумдон қилиб, кетаман ҳозир,  
Агар ўзим ўлдирмасам, ёвлар ўлдирав,  
Аммо ўша бир хил якун: бари бир ажал;  
Қисматлари шу экан-да... Бу конли ишнинг  
Уддасидан чикса тузук онанинг ўзи.  
Эй, сен кўнгил, куроллангин! Имиллаш нечун?  
Қўркувлардан тушма сира саросимага.  
Андишанинг оти қўрқоқ. Йўқ, мен қўркмайман.  
Бармоқларим мардонавор тутгай пичокни.  
Мана ўша тўсик, ҳозир шундан, Медея

Маъюсгина югуришни бошлайсан, эвоҳ.  
Хотирангга эрк бермагин қийнаб ўзингни.  
Сен бугунча улар учун она эмассан,  
Аммо тонг-ла қон йиғлайсан юрагинг тўлиб.  
Сен уларни ўлдирасан ҳамда севасан.  
Оҳ, қандоғам, заифалар, шўрпешонаман!

*(Дарҳол жўнайди)*

## БЕШИНЧИ СТАСИМ

### Хор

Ио! Замин! Ва сен, Қуёшдан  
Келаётган ёруғ нур, қаранг!  
Боқсангиз-чи нияти шумга  
Қўли билан болаларининг  
Конин тўқмасин...  
Эй, сен Қуёш, эрк берма,  
Наки маъбуд қони ер сари  
Ўлим салтанати остида  
Тирқирамасин;  
Эй, сен Зевс зуҳури, нури,  
Кув, бу қўшқдан Эринияни<sup>19</sup>.  
У, онанинг қалбига қасос –  
Кекин солиб,  
Фарзандларин ўлдиртирмоқчи!  
Бекорга сен гўдакларни деб  
Азоб чекдинг, бекорга туғдинг.  
Бадбахт она – Медея, қалбинг  
Ғазаб харсангидай эзилиб,  
Баджаҳл қоровулларга ўхшаган  
Мовий кояларни босиб ўтиб  
Нега яна қотиллик сари  
Судралиб келдинг,  
Каммиди аввалгиси?  
Ё телба! Қон билан булғангандан  
Фонийларнинг ҳоливой ахир.

Дод күтәрар қон маъбулларга  
Ва маъбуллар берарлар жазо...

### **Хор**

Тингла, жиноятчи! Бола овози...  
Аёлнинг ташлаган чекини кўринг.  
О, нақадар ёвуз, нақадар машъум!..

### ***Бир боланинг овози***

Вой-вой... Қандай кутуламан онамдан?

### ***Бошқаси***

Билмадим, укажон, ҳалок бўляпмиз...

### **Хор**

Ёрдамга чопайлик, опа-сингиллар,  
Мен уйга кетяпман.

### ***Болалар овози***

Тезроқ келинг, худо ҳаққи ўлдиришади.  
Бизни ўраб сикар ҳозир темир тузоқлар.

### **Хор**

Тошданмисан ёки темирдан,  
Ўзингдан бино бўлганларни  
Ўзинг маҳв этасанми, хотин?  
Бир хотира чиқмас эсимдан:  
Фарзандларин севган бир она  
Ўлдирганди уларни ўзи...  
Рашк айлабон Ҳера<sup>20</sup> гўзал Инони<sup>21</sup>  
Жинни-санғи юрмоқликка хукм этганди.

Денгиз долғалари қон изларини  
Эндиғина ювиб кетганди.  
Ино тик қоядан денгизга сакраб  
Икки фарзанд қабри ёнига ётди.  
Даҳшат, турган-битгани даҳшат!  
Аёлларнинг азоб тўшагида  
Ёвузлик уруғлари накадар кўп.

## ЭКСОД

*Ясон киради.*

### Ясон

Эй, хотинлар, турибсизми бу ерда кўпдан?  
Нияти шум қани ўзи! Ўз кўшкидами?  
Беркиндими? Бирор ёкка қочдими ёки?  
Медеяниң жаҳаннамдан бўлак жойи йўқ.  
Қутқаролмас уни на кўк, на қуш қаноти.  
Жавоб бергай золимларга, шоҳ насли учун  
Ёйинки у ер султонин ўлдириш билан  
Бир умрга хис қилурми ўзини хавфсиз,  
Нечук бундан қочиб қолди? Бироқ у ҳақда  
Зарра бўлсин қайғурмайман. Қатл этилур  
Вақти келиб. Болаларга ичим ачийди!  
Ха, уларни бир амаллаб халос этсан бас.  
Онасининг гунохи деб Креонтзодалар  
Болалардан ўч олмаса дея қўрқаман.

### Корифей

Эй, сен, Ясон, фалокатни билмайсан ҳали,  
Унинг ранги, мазасини билсанг, дод солиб  
Бузар эдинг бу дунёниң токи, устунин.

### Ясон

Фалокатми? Энди навбат менга келдими?

## **Корифей**

Үз онаси қатл этди фарзандларингни.

## **Ясон**

Нима-нима? О, азозил, о, қабих ажал!

## **Корифей**

Қатл этилди, ер юзида улар йўқ энди.

## **Ясон**

Қаерда у қатл этди, уйдами, қайда?

## **Корифей**

Дарбозани оч-чи, кейин – ўзинг кўрасан.

## **Ясон**

Эй! Сиз! Бузинг эшикларни, чилпарчин қилинг!  
Кўрмоқчиман норасида икки бадбахтни  
Ва мангуга лаънатимга қолган лайнни.

*Аждаҳога қўшилган икки гилдиракли ароба зоҳир бўлади.  
Ўнда Медея болалари жасади билан.*

## **Медея**

Қатл этилган болалару қатл айбдорин  
Топмок учун, ҳожати йўқ, эшикни бузманг,  
Кучингизни сарф этмангиз мен керак бўлсам –  
Ўтаверинг мақсад сари – хўш, нима даркор.  
Кўлингизга тушмагайман, овора бўлманг,  
Бу ароба ёв дастига қарши кўрғонки,  
Буни менга бузрукворим Ҳелий юборди.

## Ясон

О, сен мараз! Яздонлару инсонларга ҳам  
Медеядек жирканч кимса йўқдур дунёда.  
Ўз қонингдан бино бўлган жужукларингнинг  
Нафасларин пичоқ бирлан қирқдинг бир умр.  
Сен бефарзанд ўтсин дединг мени оламдан.  
Айт-чи, қандай ботинасан куёшга, ерга  
Қарамоққа. Бакрайтирма кўзингни, зиндик,  
Андишасиз, эй, имонсиз, худо бехабар!  
Чириб даф бўл! Мана энди кўзим очилди,  
Элладага кўр бўлиб мен сени обкепман  
Ўз қўйнимда асррагани илон, чаённи.  
Сен-ку мараз, сотган эдинг ўз падарингни, –  
Ватаннингни, киндик қонинг тўкилган ерни!  
Иблис эдинг, сен орқали руҳи яздонлар  
Мени йўлдан оздиридилар. Бизнинг кемада  
Тушмоқ учун сен инингни меҳроб олдида  
Бисмил қилдинг, сўйдинг, мараз, илк жиноятинг  
Ўша эди... Хотин бўлдинг сен менга ахир  
Бола туғдинг, ҳар иккисин кундошингга сен  
Ўчакишиб қатл этдинг. Эллада ичра  
Топилмайди сен сингари шарманда хотин.  
Боз устига сени барча хотинлардан-да  
Аъло кўриб ардоқловдим. Мана, оқибат...  
Сен урғочи арслондирсан, хотин эмассан.  
Скилла<sup>22</sup> ҳам, қалби бўлса, сендан сахирирок  
Вале сенга муносибми гина-кудурат,  
Қабиҳлигинг қаршисида кудурат бир пул.  
Лак-лак гина йўқотади ўз қийматини,  
Болаларнинг шум котили, йўқол кўзимдан!  
Колдир мени ўз ҳолимга, дод-фарёд этай.  
На хотиндан роҳат кўрдим, на болалардан,  
Қучолмайман, оҳ, тарбият қилганларимни!  
Улар ўлик. Барбод бўлди буткул ҳаммаси.

### **Медея**

Сүзларингга ярашасин қайтарардиму  
Кронзода Зевс отам барига шохид:  
Нечоғлик дард чекканману ва қандай қилмиш  
Қылганимдан ўзи огоҳ. Сен эса, Ясон,  
Доғ туширдинг ул муқаддас тўшагимизга.  
Яшамоқчи бўлдинг завқу сафолар бирла  
Медеяни кулги қилиб, шарманда қилиб.  
Ва на сенинг кироличанг ва на-да мени  
Ҳайдамоққа амр этган бузруквори ҳам,  
Кўряпсанки, мендан зарра кулолмадилар.  
Энди мени хоҳ ургочи арслон дегин-у,  
Хоҳ Тиррена Скилласи деб ата – бирдай.  
Мен қалбингни яраладим, биламан, оғир...

### **Ясон**

Ўз қалбинг ҳам, демак, икки қалб яраланди.

### **Медея**

Менга осон, қанчалик сен аламга ботсанг.

### **Ясон**

О болалар, жодугардан бино бўлгансиз!

### **Медея**

Адо қилди сизни фақат падари жунун!

### **Ясон**

Ўлдирмадим мен уларни ўз қўлим билан.

**Медея**

Аммо гуноҳ ҳалок этди бегуноҳларни.

**Ясон**

Болаларни маҳв этмоқлик кундошлиқ қилиб...

**Медея**

Сенингча, бу аёл учун камлик қилурми?

**Ясон**

Хотинмассан, сен илонсан, илондан баттар...

**Медея**

Болалар йўқ, мана энди азоб чекасан.

**Ясон**

Рухлари бор, онага ҳам хавф солмоқдалар...

**Медея**

Бахтсизликлар айбдорини яздонлар билар...

**Ясон**

Билар улар манфур қилмиш – жодуларингни.

**Медея**

Нафратлангин, майли. Фақат сўзлама ортиқ...

**Ясон**

Хоҳламасанг қулоқ берма. Ажрашув қачон?

### **Медея**

Шу истак-ла кўпдан тепар юрагим менинг...

### **Ясон**

Болаларни менга бергин, мен йиғлаб кўмай...

### **Медея**

Йўқ, уринма, кўмажакман ўз кўлим билан.  
 Гўдакларни олиб боргум муқаддас маскан –  
 Ўрмонзорга, яъни Ҳера Узлатгоҳига,  
 Ўшал ерда таҳқирланмас уларнинг қабри.  
 Ҳам уларга ҳеч ким отмас маломат тошин.  
 Биз Сизифда ўтказамиш ҳайит байрамин,  
 Юважакмиз болаларнинг маъсума қонин.  
 Сўнг кетурман Эрехтея мамлакатига...  
 Пандионнинг ўғли Эгей олдига бориб  
 Бошпанасин унинг бирла баҳам кўрарман<sup>23</sup>.  
 Сен-чи, ёвуз, ҳаётингни, ифлос умрингни  
 Мана шундай ўлим бирлан ясатиб қўйки,  
 Бундан бошқа бирон чора қолмади сенга.  
 Никоҳингнинг таъмин эса татидинг, Ясон...

### **Ясон**

О, болалар умри учун,  
 Сени қатл этсин  
 Кўллари қон Эриния ҳамда Ҳақиқат!

### **Медея**

Яздонлардан ким ҳам сенинг додингга етар,  
 Эй, қасамхўр, лафзи ёлғон, ким ҳам тинглагай?

### **Ясон**

Ҳайҳот! Ҳайҳот! Болаларни ютган ялмоғиз!

### **Медея**

Саройга қайт. Келинчакка сипориш күрсат,  
Хам бир йўла аза очиб жасадини кўм.

### **Ясон**

Бир куш эдим, қанотимдин қайирдилар, во,  
Бир жуфт гулим, фарзандимдан айирдилар, во!

### **Медея**

Шошмагин, бу патир эрур хамир учидан –  
Кариганда болага зор бўлиб йиғларсан.

### **Ясон**

Жондан ортиқ, суюклигим, болажонларим!

### **Медея**

Она каби севолмассан болани ҳеч вақт.

### **Ясон**

Онамисан? Қотилсан-ку!

### **Медея**

Ха, сен учун дард...

### **Ясон**

О, Мен қандоқ кўникаман  
Фарзанд доғига.  
Кошки бирров силай олсам манглайларини.

### **Медея**

Сен уларни таркин этдинг, силтаб ташладинг...  
Энди силаб-сийпамоққа ҳаққинг йўқ сенинг...

## **Ясон**

Худо ҳаққи, бергил менга улар мурдасин,  
Бир кучоқтай...  
Битта силай пешонасидан.

## **Медея**

Сен бехуда ёлборяпсан.

*Ароба Медея билан құздан үйқолади.*

## **Ясон**

Зевс, о сен, эшитяпсанми,  
Бу ургочи арслон,  
Бу палид қотил  
Не қиляпти бизга,  
Күрятсанми ҳеч?  
Қанчалар ёлбордим.  
Күз ёш етганча  
Йигладим-сиктадим,  
Шохид бүл бизга.  
Болаларни маҳв этиб  
Бизни солди фирокка.  
Хатто бир қучиша  
Имкон бермади.  
Йүл бермади дағн этмокка...  
Болалар, сизни мен  
Қотил қўлида  
Ўлик қолдирмоққа  
Яратганмидим?

## **Хор**

*(Ясондан кейин сахнани тарк эта туриб)*

Кўп нарсалар ҳозирлар Зевс Олимпда бизга,  
Орзу-умид йўлларини тўсар яздонлар;  
Сен тўғри деб ўйлаганинг рост чиқмас ҳеч вакт,  
Кутимаган ҳодисотни йўллар яздонлар.  
Бизлар шуни ҳақиқатда бошдан ўтказдик.

## **ИЗОХЛАР**

1. Икки ложувард қоя – олтин юнгли терини – қоракўлни кўлга киритиш учун Арго кемаси Симплегаддан – денгиз коялари орасидан ўтиши керак эди.
2. Пирена – Коринфдаги чашма.
3. Эр – мустабидлар ётоғида... – бу ерда гап Ясон ҳакида; яъни у хукмдорлар наслидан бўлмаса-да, шох қизига уйланиб, тахтга чиқмоқчи бўлади.
4. Кронзода – Крон ўғли – Зевс; Фемида – ҳакиқат рамзи; Зевс ва Фемида қасамёд ҳомийси ҳисобланади.
5. “Нархи арzon эмаслармиз эркаклар учун” – Афинада никоҳ отоналар хоҳиши билан амалга ошган, улар ёшларнинг соф туйғуларини ҳисобга олмаганлар. Ана шу таомилга кўра қалин ҳаки эвазига қизлар ўз эрларига гўштхўр бўлганлар.
6. Сизифларнинг аждоди – коринфликлар; юонларда Сизиф – Коринфда шоҳликка асос соглан илк хукмдордир.
7. Ҳелийларнинг қони – Медея – офтоб маъбути Ҳелиоснинг неварасидир.
8. Мусагет – Апполон, санъат пешвоси.
9. Менада – сўзма-сўз: “жуунун”, бу ерда гап Медея аҳволи; Ясонга каттиқ меҳр кўйиш ҳусусида боради.
10. Йўқ, умброд сен мен билан қолишдан чўчиб... – Медея Ясон шахрига келгинди ҳисоблангани учун Афина расми русумига кўра у фуқароликка қабул килинмаган, лекин ундан бино бўлган фарзандлар фуқароликка ўтган.
11. Қўноқ белгисин – жадвал тахтача; икки бўлак бўлиб, бири қадрдон танишларда бўлади. Иккинчи бўлакни бошқа одам орқали юбориш эса икки ёрти бир бутунликни касб этади, яъни: қабул эт меҳмонни, бу – ўз одамимиз, деган маънони билдиради.
12. Пандион – афсонавий Афина шохи, Эгейнинг отаси.
13. Майя фарзанди – Ҳермес, йўлчилар ҳомийси.
14. Эрехтидалар – афиналиклар; улар бизнинг биринчи шоҳимиз Эрехтей дер эдилар.
15. Тўққиз соф Пиэрида – санъат пешволари, афсонага кўра, улар Пиэрия вилоятида Зевс билан Мнемосинадан туғилганлар. Еврипид эса

уларнинг ватанини Аттика, онасини – Ҳармония деб олади; Ҳармония – Уйғунлик демакдир ва у баркамол она тимсолини билдиради.

16. Кефис – Аттиқадаги дарё.

17. Аид – жаҳаннам.

18. “Ва ҳаттоқи машъала ҳам тутиб туролмам...” – юононча тўй маросимиға кўра, куёвнинг онаси никоҳ ўқитиб қайтишгач, келинга машъала тутади.

19. Эриния – хор бу ерда Медеяни Эриния деб атайди, чунки у Ясондан ўч олиш иштиёқида эди.

20. Ҳера – Зевснинг хотини.

21. Ино – орхоменлик шоҳ Афамантнинг хотини. У кичкина Дионисни тарбияга олади. Уни Инонинг опаси – Семела Зевсга ўйнаш тутиниб орттирган бўлади. Рашкчи Ҳера Инонинг бошига жиннилиқ касалини юборади. Ино жиннилиги тутган пайтида икки ўғлидан бирини ўлдириб қўяди, иккинчиси онасидан қочиб ўзини денгизга отади. Ино ҳам ўзини сувга ташлайди. Денгизда она-бола Левкота ва Палемон деган илоҳаларга айланиб коладилар. Бу ерда Еврипид Инони ҳар иккала фарзандини ўлдирган қилиб кўрсатиб, афсонанинг иккинчи қисмини тушириб қолдирган.

22. Скилла – денгиз махлуки; айтишларича, у Сицилия шимолидаги Тирренна деган кирғоқ ғорида яшаган.

23. Бошпанасинунинг бирлабаҳам кўраман... – Ривоятдагитахминлардан бирига кўра, Медея Афинага бориб Эгейга турмушга чиқади.

## НАФРАТГА АЙЛАНГАН МУҲАББАТ

Қадимият драматургиясининг Эсхил ва Софоклдан кейинги яна бир буюк вакили Европиднинг “Медея” трагедиясини тўлароқ тасаввур этиш учун баходир Ясон ва интиком соҳибаси Медеяга оид юонон халқ ривоятларини эслаб ўтиш максадга мувофиқдир.

Кўхна ривоятларга кўра “Арго” кемасида Колхида га (хозирги Кавказ тоғлари) олтин барра – коракўл учун келган қаҳрамонлардан бири Ясон Иолк подшоси Пелий топширигини бажариш максадида Колх подшоси Ээт хузурига келади. У, шоҳ Пелий топшириги билан олтин баррага келганлигини айтади. Шоҳ Ээт: “Агар мисбаданли сузонғич хўқизларни кўшга қўшиб, аждар тишларини экиб берсанг, олтин баррани оласан”, деб шарт кўяди. Оғзидан ўт пуркайдиган даҳшатли мистанли хўқизларга қандай яқинлашиб бўлади, деб оғир аҳволда қолган Ясонни шоҳ Ээтнинг гўзал ва доно кизи Медея севиб колади. Киз, отасидан яширинча Ясонга сехрли суртма ёғ беради. Бу ёғ суртилган баданга бир кеча-кундузгача ўт ҳам, темир ҳам тъясир этмас экан. Медея йигитта яна бир сирни айтади. Далага аждар тишлари сепилганда лак-лак паҳлавонлар ердан чиқиб, қаҳрамонга ҳужум қиларкан. Медеянинг айтишича, агар бу катта кўшин ўртасига сездирмай тош отилса, жангчилар бир-бири билан урушиб-жанжаллашиб кетаркан. Қизнинг маслаҳатлари билан қуролланган Ясон баданига мой суртиб, олов пуркайдиган мистанли хўқизларни бўйсундиради, аждар тишларини экади. Даладан минглаб жангчилар чиқади. Ясон тош отиб, уларни бир-бири билан уруштириб кўяди ва енгади. Ясон шартни бажарса-да, шоҳ Ээт ваъдасидан кечади; у пайт топиб, аргонавтларнинг кемасини ёқиб юборишни кўзлайди. Аммо, шу орада Медея дараҳтга чирмашган сокчи аждарни афсун билан ухлатиб, олтин баррани Ясонга олиб беради ва аргонавтлар уни олиб кочадилар. Подшо Ээт баходирлари билан кемани қувлаб ета бошлайдилар. Шунда Медея укаси Апсиртни ўлдириб, мучаларини сувга ташлай бошлайди. Ота – шоҳ Ээт севимли ўғли жасадининг бўлакларини йигаётганида, аргонавтлар кочиб кутилишади. Апсиртни ўлдирганлари учун гуноҳга ботган аргонавтлар кемаси очиқ денгизда турли фалокатларга учрайдилар. Жумладан, улар туманда адашиб қолиб, булбулигўёлар – сиреналар куйлаб аклдан оздирадиган фалокатли жойдан баҳши Орфей ёрдамида ўтадилар. Кейин, улар яна бир хавфга дуч келадилар: Сцилла ва Ҳарибда деган силжувчи қоялар орасида қисилиб ўлишларига сал қолади. Аргонавтлар Феакияга етганда қувиб келган колхлар шоҳ Алкинойдан “Медеяни тутиб бер” деб талаб қилишади. Подшо, агар Медея билан Ясон ковушган бўлса, уларга тегмайман, йўқ, Медея ҳали киз бўлса, тутиб, сизларга топшираман, деб жавоб беради. Аммо, Алкинойнинг хотини –

малика Арета ёрдамида Медея билан Ясон қовушган эдилар. Шундан сүнг аргонавтлар Крит оролига күнишга уринганда, оролни кўрикловчи Талос деган мис ёки Темир одам уларни яқинлаштирумайди. Темир одамнинг факат битта ўқ томири бор экан. Медея уни абадий мътбуллар каторига кўшаман, деб алдаб, ухлатиб, томирдаги михни чиқариб, хаёт сувини (қонини ёки хозирги замон фантастикаси тилида – мойини) чиқариб, ҳалок қиласди.

Бу орада Иолк подшоси Пелий баходир Ясоннинг тирик қайтишига ишонмай, унинг отаси Эсонни ўлимга хукм қилади. Эсон ўлимидан сўнг, она ҳам ўзини осади. Пелий булардан колган ёш гўдакларни ҳам ўлдиртиради. Ясон қайтиб келгач, аламини ичига ютиб юради. Охири, Медея шундай тадбир топадики, подшонинг кизлари ўз оталарини чопиб ташлайдилар. Ясон билан Медея Иолкдан хайдалади. Улар Коринфда, шоҳ Креонт (Эдипдан кейинги шоҳ) хузурида паноҳ топишади. Ошикмаъшуқлар ўн йил баҳтли ҳаёт кечиришади. Сўнг Ясон мол-давлат ва амал, унвонга учиб, Медеяни икки фарзанди билан ташлаб, подшо Креонтнинг кизига уйланишга карор қилади. Тўй арафасида подшо Медеянинг сехру жодусидан кўркиб, уни Коринфдан хайдайди. Ясоннинг муҳаббати мангудеб ўйлаб, ватанидан, ота-онасидан, укасидан, ор-номуси, обрў-эътибиридан айрилган Медея қаттиқ изтиробда колади...

...Ясон мол, дунё, амал, мартаба, обрў, шухрат кетидан кувиб, пасткашликка бориб, ўзининг вафодор оиласидан кечиб, подшо Креонтнинг қизига уйланмоқчи, Креонтдан кейин подшо бўлмокчи. Бундай орсизлик Медеяни хўрлабгина колмай, уни уятга кўяди, нафратини келтиради. Шунинг учун Медея бир саҳнада:

Элладада қолмабди ортиқ  
На номусу, на ахду паймон.  
Элу юртни тарк этиб инсоф,  
Учыб кетмиши фалакка томон, —

дэя хайкиради. Медея шахсий бахтидан айрилганига бир қайгурса, ортда орият, лафз, инсоф-диёнат колмаганига минг қайгуради. Шу лахзаларда доноларнинг доноси Алишер Навоийнинг “Махбуул-кулуб” (“Қалбларнинг севгилиси”) асарида ёзган: “Бу замонда кимки инсоф бор деса ишонманг, Сулаймон пайғамбарнинг Осаф отлиғ вазири инсофи билан машхур эди, аммо афсуски, Осафнинг дунёдан ўтганига минг йиллар бўлди”, деган теран сўzlари ёдимизга тушади.

Аммо, дунёда виждан, инсоф колмаяпти, деб кўлни ювиб, кўлтикка уриш, тақдирга тан бериб, ёвузларнинг айтганига итоат этиш мард инсонларга ярашмайди. Медея эса мард инсонлар хилидан. Унинг дилидаги,

курашни охирига етказиши аҳди тилига кўчади. Медея ушбу сўзларни алам ва ғурур билан айтади:

*Осмон тийра... Лекин бу билан  
Ҳали ўйин тугамади.*

Медеянинг қалбида ягона қасос ўти хукмрон. Аммо у чексиз газаб устида баъзилардай ақлини йўқотиб кўймади. Ҳамма қилажак қилмишларини атрофлича ўйлади. Бирор химоячи топилмаганига, оламда ёлғиз қолганига қайғу чекса-да, аммо бир ўзи тождорларга карши курашга тайёр:

*Мададкорсиз қоладургон бўлсан мабодо,  
Қисматим шўр экан, дея қилич тутаман  
Ва рўй-рост қилажакман уларни бисмил,  
Бул гараздан қайтмагайман, раббано шоҳид,  
Кўзимга тик боқса ҳамки машъум Азозил...*

Медея золимлар зулмига чидаб, индамай кетадиганлардан эмас. Илгари у Ясон учун, севгиси учун қандай дадил курашган бўлса, энди Ясонга карши, қасос учун жасорат билан курашади:

*Менинг азам ҳисобига ушбу дунёда  
Ҳеч бир бандা ишрат тўйин қура олмагай.*

Бу сўзларда Медеянинг ўз куч-кудратига чексиз ишончи яккол сезилиб турибди.

Трагедиянинг мураккаб образларидан бири Ясон. Шунинг учун мураккабки, у кўп қаҳрамонликлар кўрсатган баҳодир, мол-мулк йиғиши, шохга яқин бўлиш учун севгисидан, орому фарогатидан, ҳатто орномусидан кечишига ҳам қодир. Ясон янги никоҳ билан тахтга яқинлашув ниятида Медеяни турли ёлгон ваъдалар билан, ширин гаплар билан алдайди. Аммо, у биладики, Медея ҳар қандай лақиљатишларга учадиган аҳмок аёл эмас. Шунинг учун ҳам Ясон ўзининг тубан қилмишларига мантикий тус беришга, бу ишларни гўё Медеянинг ва фарзандларининг баҳт-иқболи учун килаётгандай кўрсатишига интилади. Бошқача айтганда, рол ичидаги яна бир рол ўйнайди. Оламлар ичра оламлар дегани шу-да. Лекин, Медея бундай одамларнинг тили бошқа, дили бошқа эканлигини яхши билади. Инсон зоти ундан энг пинҳон сирларини ҳам яширолмайди. Еврипид ҳақни ноҳақ, корани оқ деб исботлашга уринган Ясоннинг фикр-мулоҳазаларини кўрсатар экан, ўз замонасида илдиз отган софистик фалсафа тарафдорларини

нишон қилиб олган. Маълумки, софистлар математик мантиқ асосида ҳар қандай мантиқсиз фикрларни ҳам хисоблаб беришган. Қадимиятнинг улуғ комедиянависи Аристофан “Булутлар” асарида софистлар устидан кулиб, уларга таклидан “Ўрдак икки оёкли, одам – икки оёкли, бинобарин, одам – ўрдак” деб ёзган эди. Ана шундай тўпори мантиқ соҳиблари Медеяни ҳам ёвузликда айблагандилар. Уларга жавобан Медея бундай дейди:

*Жоҳилларга, дейлик, агар бирон нимадан –  
Доноликдан, янгиликдан ё ҳикматлардан  
Сабоқ берсанг борми – тамом, улар ичра сен  
Донишмандмас, таниласан текинхўр бўлиб.*

Бу гаплар Медея – Креонт диалогидан олинган. Креонт аклли ва тадбирли шоҳ. Аммо, адолатли эмас. Агар адолатли бўлса Медеяни фарзандлари билан ҳайдаб, эрига ўзининг қизини бермасди. Шунинг учун у Медея билан сухбатда ўзини маънавий жихатдан устун санаёлмайди. Медеяга карши курашгани унда подшоликдан бошқа курол йўқ. Иккинчи томондан, Креонт – самимий, у тилёғламалик билан Медеяни алдамайди. У сехргар аёлдан кўрқаётганини тўғридан-тўғри юзига айтади:

*Ҳеч қанақа сир йўқ бунда, ҳаммаси равшан,  
Қизгинамга панд берасан, деган хавфдаман.  
Устомонсан, ялагансан илоннинг ёгин,  
Бир кори ҳол бўлмасин, деб рости, қўрқаман...*

Креонт ҳар қанча ҳукмдор бўлса-да, аёл кишининг илтижоларини рад этолмади. Унга кетишга тайёргарлик учун бир кунга рухсат беради. Аммо, ана шу бир кун барча қаҳрамонларнинг тақдирини ҳал этади.

Медея қасос режаларини амалга оширишга иккиланиб турганида Афина подшоси, фарзанд илинжида юрган Эгей ёрдамга келади. Демак, масала ҳал. Медея келинга тўй саруполарини совга қиласман, дея болаларидан заҳарли либосларни жўнатади. Гўзал тиллақошни ва антика либосни кўрган келин кувонади. Аммо, буларни кийиши билан у ёниб кетади. Қизини кутқаргани келган шоҳ Креонт ҳам куйиб кул бўлади. Ҳамма иш ҳал бўлади, энди тезроқ кетиш керак. Лекин, Медея бу билан тинчимайди. У севгисини поймол килгани учун Ясондан яна шафкатсизроқ ўч олишни ўйлади. Кўпинча мардона, олижаноб, эзгу ишларга ундейдиган оташ севги бу гал мудҳиши жиноятга даъват қиласди. Аслида, Ясон қаттиқ жазоланади. Энди у тавбасига таяниб, оиласа, фарзандлари олдига қайтиши, Медея уни кечириши мумкин эди. Лекин, буюк шахсларнинг нафрати ҳам буюк бўлади.

Медея фидойи севигига қилинган хиёнатни у дунё, бу дунё кечирмайди. Йўқ, у Ясондан яна шундай уч олсинки, бу қасос етти ухлаб тушига кирмаган бўлсин, унинг авлодидан икки дунёда шоҳ чикмасин. Шундай қилиб, газаб, нафратдан акл-хушини йўқотган Медея хиёнаткор Ясондан бўлган фарзандларини ўлдиришга аҳд килади. Еврипид бу жиноятни Медеяниңг акл-хушини йўқотгани учун қилинган тасодифий қилмиш деб кўрсатмайди. Она онгли равишда фарзандларини ўлдиришга чоғланган пайтдаги оғир, зиддиятли кечинмаларини тасаввур қилиш жуда қийин.

Асар сўнгида Медея бобоси Ҳелиос (Қуёш) юборган, икки аждаҳо кўшилган аравада фалакка кўтарилади. Унинг оёклари остида ўзи ўлдирган севимли фарзандлари. Ясон болаларини сўнгги бор кўриш, жасадини олиб қолиш учун зор-зор тавалло килади. Медеяниңг кўнгли энди тошга айланган. Собик баҳодир, баҳтсиз ота, орзу-ниятига етмаган подшозода, никоҳ арафасида тўйи бузилган куёв икки қўлини кўтариб, фалакка илтижо қилганича қолади.

Медеяни олиб кетаётган само аравасига икки аждаҳо кўшилгани тасодифий эмас. Бу, ҳар қандай доно одамнинг акл-хушини кўркитиб, маҳв этган жаҳл, газаб, нафрат тимсоли.

Муҳаббат ва нафрат достони бўлган “Медея” трагедиясининг ўзбек тилига шоир Аскар Қосимов томонидан таржима этилиши халқимиз миллий маданиятини жаҳон халқлари маданияти дурдоналари билан бойитишдай хайрли, олижаноб ишга улкан ҳисса бўлиб қўшилади, деб баралла айта оламиз.

**Махкам МАҲМУДОВ,  
филология фанлари номзоди.**

## МУНДАРИЖА

Дунёга сиғмаган шоир (Ш. Отабек) .....	3
Карқара.....	11
“Шахарлар оралаб...” .....	11
Аскар ўйлари .....	12
“Соҳил бўйлаб эсган шамол”.....	12
“Бирор кимса ҳолим сўрмаса” .....	13
Ёр-ёр.....	13
Онамга.....	13
Биродарлик орзусида .....	14
Водий лавҳаси .....	14
Ёзниг қуши .....	15
Қиши.....	15
“Мунисим, булбулдек...” .....	16
Келади .....	16
Кутиш .....	17
“Ел эсади, ҳаво ҳам муздай” .....	17
Йог .....	18
Пушкин боғи.....	19
Кўклам манзараси .....	19
Бинафша.....	20
Шуми, дилбар.....	20
Икки хил кайфият .....	21
Дилбарга .....	22
Ўтинч.....	22
Кетма, севгилим .....	23
Узилган чечаклар.....	23
Ёмғир.....	24
Марсия .....	24
Уқтириш.....	25
Тун манзараси.....	25
Чашма ва тош .....	26
“Ўткан кунлар”ни вараклаганда .....	26
Навоийга .....	27
“Ўтмишдан эртаклар”ни ўқиб .....	27
Фурқат .....	28
Кўлдаги гўзаллик .....	29
Билмам .....	30
Ирмоқлар .....	30
Акс садо .....	32
Тилсиз сухбат .....	33
“Бу кўнгил мулкида...” .....	33
Гулидан тақай десам.....	34
Мутойиба .....	35
Баҳор ҳазили .....	36
Чилдирма ва икки чилдирмакаш .....	36

Фироқ ҳақида.....	37
Умид учқунлари .....	37
Пахтакор киз .....	38
Хижрон.....	38
Үтрор харобалари .....	39
Нодирағим армони .....	39
1916 йил.....	40
Эътиroz .....	42
Занжи.....	44
Мерос .....	44
Форобий фалсафаси.....	45
Мактуб.....	45
Тўртлик .....	46
Эзгу ният .....	46
“Осмонга мушт ўқталган...”.....	46
Иғвогар.....	47
Лукма.....	47
Дастаси ўзимиздан .....	48
“Қараб турсам азим дарё” .....	48
Умидли дунё .....	48
“Юксакда, ундан-да авжлансанг...” .....	49
Чакириқ.....	49
Ойдин кечा .....	50
Кўлдаги гўзаллик .....	50
Йўлда .....	51
Фронтдан сўнгги мактуб .....	51
“Қовжираб сарғаяр...” .....	53
Марсия .....	53
“Яна йўлга термилдим” .....	56
Узун кишлар йўқ .....	57
Хижрон юки.....	57
“Тонг чоги бир булбул...” .....	58
Уйғониш .....	58
Форобий вафоти .....	59
Япроқ истаги.....	59
Чорлаш .....	60
Бир ўсимлик тўғрисида .....	60
Эдип шоҳнинг кисмати.....	61
Шекспирни ўқиб .....	62
Дарё билан сухбат .....	63
Атала .....	64
Бахтиёр ман-ман .....	65
Севгингни айт.....	65
Манманлик.....	66
Тоғда .....	67
Соҳил бўйида.....	67
Чили шоирининг айтганлари .....	68

Оддий фалсафа .....	69
Устомон мунаққид .....	70
Танбурим .....	71
Қайтиш .....	71
Ривоят .....	72
Жұмбок .....	74
Парвоз .....	76
Эй, коро құзим-құзим .....	76
Анхор бүйіда .....	77
Репин суратига назаран .....	78
Сабок .....	78
Ҳали шундайми? .....	79
Кечки манзара .....	79
Узилиш .....	80
Айғим .....	81
Баҳор .....	82
“Таажжубға солар мени” .....	82
Урганч минораси .....	82
“Осмон бирам мұсаффоки” .....	83
Хар кечә .....	83
Балиқ ови .....	84
Йўл-йўрик .....	85
Тинчлик бўлса бас .....	86
Иссиққўл манзараси .....	87
Кутиш .....	88
Отган тошинг .....	88
Кел, маҳбубам .....	89
Васл истаб .....	89
Кел, ўргангин .....	90
Алёр .....	91
Мерос .....	91
Аваз монологи .....	92
Пабло Нерудага .....	93
Хайр дема .....	94
Ватандошга .....	95
Толбаргак .....	95
Пирпирак .....	96
Ҳикоят .....	97
Иzlаниш .....	100
“Эҳромларнинг ўчғимиш... ” .....	100
Ўзбекистон .....	101
Саҳрова .....	103
Сирлар (драматик достон) .....	105
Обида (драматик достон) .....	128
Само сирлари (фантастик драма) .....	189
Медея. Евріпид (фожеа) .....	242

**АСҚАР ҚОСИМОВ**

**ЭЙ,**

**КАРО КҮЗИМ...**

*Тўплаб нашрга тайёрловчи  
Шодмон Отабек*

*Муҳарриплар А. БОЙҚЎЗИЕВ, А. ЙЎЛДОШЕВ  
Мусаҳҳих Д. ИСМОИЛОВА  
Бадиий муҳаррип А.МАМАСОЛИЕВ  
Техник муҳаррип Ҳ.САФАРАЛИЕВ  
Саҳифаловчи О.МУХТОРОВ*

Босишига 24.02.2011 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 20,0. Адади 400.  
Буюртма № 013.  
Баҳоси келишилган нархда.

«ТАФАККУР» нашриёти  
[www.tafakkur.uz](http://www.tafakkur.uz)  
E-mail: maktub@tafakkur.uz

«ТАФАККУР» нашриёти босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-й.